Б.А.Ҳасанов, А.А.Хашимов

БОШҚАРУВ ҲИСОБИ

«ИҚТИСОД-МОЛИЯ»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Хасанов Баходир Акрамович
Хашимов Акрам Абдиевич

БОШҚАРУВ ҲИСОБИ

(дарслик)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик
сифатида чоп этишга тавсия этилган

Тошкент
"IQTISOD-MOLIYA"
2005

33Р-24 65 С52
Ж24 Х240

Тошкент Молия институти ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Вахобов А.В. таҳрири остида

Илмий муҳаррир: иқтисод фанлари доктори, профессор Абдуллаев Ё.А.

Тақризчилар: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессори, иқтисод фанлари доктори Пардаев А.Х.

Тошкент молия институти "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди Маҳмудов А.Н.

Мазкур дарслик харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш, ишлаб чиқариш зарарсизлигининг таҳлили, бюджетлаштириш, сегментлар бўйича ҳисоб ва ҳисобот каби бошқарув ҳисобининг замонавий йўналишларига бағишланган. Дарслик Давлат таълим стандартлари асосида тузилган ўқув дастурига мувофиқ тайёрланган. Китобда ривожланган давлатларда қўлланилаётган ва БМТ томонидан тавсия этилган бошқарув ҳисоби тамойиллари ҳамда ташкилий асосларидан кенг фойдаланилган.

"Бошқарув ҳисоби" дарслиги иқтисодий олий ўқув юртларининг шу соҳадаги ўқитувчилари, аспирантлари, магистрлари ва юқори босқич талабаларига мўлжалланган. Шунингдек, ундан корхоналар бошқарув хизмати ходимлари ва мутахассислари ҳам фойдаланишлари мумкин.

МУНДАРИЖА

Кириш.....7

I БОБ. "БОШҚАРУВ ҲИСОБИ" ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МОҲИЯТИ, УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Бошқарув ҳисоби, унинг предмети ва методи.....10
1.2. Бошқарув ҳисобининг тарихий шаклланиши.....15
1.3. Бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисоби ўртасидаги боғлиқлик.....16
1.4. Молиявий ва бошқарув ҳисобининг ўзаро боғлиқлиги.....17
Тест топшириқлари.....24
Такрорлаш учун саволлар.....26
Адабиётлар рўйхати.....27

II БОБ. ХАРАЖАТЛАРНИ ТУРКУМЛАШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ

2.1. Харажатлар ҳақида тушунча ва уларнинг турли хил белгиларига қараб туркумланиши.....29
2.2. Ишлаб чиқариш харажатларини асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришлар бўйича ҳисобга олишни ташкил этиш.....37
2.3. Қўшимча харажатларни ҳисобга олиш.....40
2.4. Жавобгарлик марказлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил этиш.....45
2.5. Жавобгарлик марказларининг турлари.....48
Тест топшириқлари.....54
Такрорлаш учун саволлар.....56
Адабиётлар рўйхати.....57

III БОБ. МАҲСУЛОТ (ИШ, ХИЗМАТ)ЛАР ТАННАРХИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМЛАРИ

3.1. Маҳсулот таннархининг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги аҳамияти.....59

SamISI
Inv № 137171

3.2. Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари.....61
3.3. "Стандарт кост" тизими бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этиш.....72
3.4. "Директ костинг" тизими бўйича харажатларни ҳисобга олиш.....80
3.5. "JIT" тизими бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этиш.....86
3.6. "ABC" тизими бўйича бошқарув ҳисобини ташкил қилиш...91
3.7. "SCA" тизими бўйича бошқарув ҳисобини ташкил қилиш..98
3.8. Функционал - қиймат таҳлили усулини бошқарув ҳисобида қўллаш.....100
Тест топшириқлари.....107
Такрорлаш учун саволлар.....110
Адабиётлар рўйхати.....110

IV БОБ. БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

4.1. Бошқарув қарорлари ва уларни қабул қилиш босқичлари.....113
4.2. Ишлаб чиқариш зararсизлигини таҳлил этиш.....121
4.2.1. Бошқарув ҳисобида зararсизлик нуқтасини ҳисоблаш усуллари.....126
4.2.2. Корхоналарда ишлаб чиқариш дастаги самарасини аниқлаш тартиби.....131
4.3. Инвестиция лойиҳалари бўйича бошқарув қарорлари қабул қилиш.....137
4.4. Бизнес таркибини ўзгартириш бўйича қарорлар қабул қилиш.....151
4.5. Бизнес таркибини ўзгартириш бўйича қарорлар қабул қилишда бошқарув самарадорлигини баҳолаш.....158
4.6. Ривожланган мамлакатларда бизнесни марказлаштирилмаган ҳолда бошқариш тажрибаси.....166
Тест топшириқлари.....179
Такрорлаш учун саволлар.....181
Адабиётлар рўйхати.....182

V БОБ. БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ВА ХАРАЖАТЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

5.1. Бюджетлаштириш ва унинг корхона фаолиятини режалаштиришда тутган ўрни.....185
5.2. Бош бюджет, унинг таркиби ва тузиш тартиби.....194
5.3. Мослашувчан ва статик бюджет, уларни тузиш асослари.....200
5.4. Корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш.....202
5.5. Харажатлар ва маҳсулот таннархини режалаштиришнинг хусусиятлари.....207
Тест топшириқлари.....215
Такрорлаш учун саволлар.....218
Адабиётлар рўйхати.....219

VI БОБ. БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

6.1. Бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг автоном ва интеграциялашган тизимлари.....221
6.2. Савдо ва саноат корхоналарида интеграциялашган ҳисоб тизимини автоматлаштиришнинг хусусиятлари.....225
Тест топшириқлари.....229
Такрорлаш учун саволлар.....231
Адабиётлар рўйхати.....219

VII БОБ. ТРАНСФЕРТ БАҲОНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

7.1. Корхона баҳо сиёсатида трансферт баҳонинг тутган ўрни ва мазмуни.....234
7.2. Трансферт баҳони аниқлаш тартиби ва тамойиллари.....237
7.3. Трансферт баҳони белгилаш усуллари.....238
7.4. Трансферт баҳони харажатлар ва қиймат ёндашувлари асосида шакллантириш.....240
Тест топшириқлари.....246
Такрорлаш учун саволлар.....248
Адабиётлар рўйхати.....249

VIII БОБ. КОРХОНАНИНГ СЕГМЕНТАР ҲИСОБОТИ

8.1. Сегментар ҳисоботнинг моҳияти, турлари ва шакллари....251
8.2. Корхоналарда сегментар ҳисоботни тузиш тамойиллари...254
8.3. Сегментар ҳисобот жавобгарлик марказлари фаолиятини баҳолашнинг асоси сифатида.....255
8.4. Сегментлар бўйича даромад ва харажатларни аниқлаш....257
Тест топшириқлари.....260
Такрорлаш учун саволлар.....262
Адабиётлар рўйхати.....263

IX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

9.1. Бошқарув ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш истиқболлари.....265
9.2. Бошқарув ҳисобини ислоҳ қилишнинг назарий ва амалий жиҳатлари.....267
Тест топшириқлари.....273
Такрорлаш учун саволлар.....275
Адабиётлар рўйхати.....276

АСОСИЙ ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР.....278

ИЛОВАЛАР.....285

КИРИШ

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: "... мантиқий якунига етказишимиз лозим бўлган энг муҳим йўналишлардан яна бири — маъмурий ислоҳотни амалга оширишдан иборат.

... Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, айрим вазирликлар, идора ва ҳудудларда маъмурий ислоҳотни, бошқарувнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмасдан, *фақатгина ходимлар сонини тунчаки* қисқартиришдан иборат, деб юзаки қабул қилмоқдалар"[1]. Бугун эски маъмурий-буйруқбозлик, тақсимлаш тизимига хос бошқарув тузилмалари ўрнига бошқарувга янгича ёндашувлар, услуб ва воситаларга эга бўлган замонавий бозор механизмлари, иқтисодий таъсир ва рағбатлантириш омиллари талаб этилмоқда.

Бундай шароитда бухгалтерия ҳисоби амалиётининг истиқболли йўналишларидан бири, унинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган бошқарув ҳисобининг аҳамияти беқиёс даражада ортиб боради. Бинобарин, бошқарув ҳисоби корхона фаолиятини тезкор ва истиқболли бошқаришда асосий ўринлардан бирини эгаллаши, *халқаро стандартлар талабларига тўлиқ мувофиқ келиши*, харажатлар ва маҳсулот таннархини бошқариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишимкониятларини аниқлаши лозим.

Бошқарув ҳисоби янгича талқинда тўртта ўзаро узвий боғлиқ бўлган: бюджетлаштириш (бошқарув ҳисоби тизимида режалаштириш), харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш, жавобгарлик марказлари бўйича сегментар ҳисоб ва ҳисобот, ички хўжалик бўлинмалари ўртасида трансферт баҳоси шакллантириш каби қисмлардан иборат. Унинг мақсади ва ҳаракат доираси молиявий ҳисобдан кенгроқ бўлиб, нафақат хўжалик жараёнларини олдиндан ташхислаб беришни, балки жорий ва истиқболга мўлжалланган режалаштириш, бошқарув ҳамда инвестиция қарорлари дастурини ишлаб чиқишни, ишлаб чиқариш ва молиявий натижалар ҳисобини юритишни ҳам қамраб олади.

[1] "Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш - асосий вазифамиз". Президент И.Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.-Т.: Халқ сўзи, 2004 йил 10-февраль.

Бозор муносабатларининг чуқурлашуви жараёнида макро ва микродаражадаги бошқарув тизимида янги бўғинларнинг пайдо бўлиши билан бирга, бухгалтерия ҳисоби фанининг таркибида ҳам молиявий, бошқарув ва солиқлар ҳисоби каби муҳим мустақил фанлар шаклланди. Бу эса ўз навбатида мазкур фанларнинг Ўзбекистон иқтисодиёти шароитига мослашган назарий, методологик ва амалий негизларини чуқур илмий-изланишлар асосида тадқиқ этишни, уларнинг натижаларини апробация қилиш ҳамда амалиётга қўллашни талаб қилади.

"Бошқарув ҳисоби" фанининг асосий вазифаси фойдаланувчиларни бошқарув ҳисобининг назарий, услубий ва ташкилий асослари, маҳсулот таннархини калькуляциялаш усуллари, корхона фаолиятида трансферт баҳоларини шакллантириш тартиби тўғрисида атрофлича билимга эга бўлишларига кўмаклашишдир.

Ушбу дарсликда "Бошқарув ҳисоби" фанининг предмети ва методи, унинг молиявий ҳисоб билан ўзаро боғлиқлиги, харажатларнинг туркумланиши ва ҳисоби, калькуляциялашнинг тамойиллари, объекти ва усуллари, бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш, трансферт баҳони ўрнатиш усуллари ва сегментар ҳисоботни тузиш қоидалари очиб берилган.

Дарсликда бошқарув ҳисобини халқаро амалиётда таркиб топган тажрибаси ва ундан мустақил республикамиз корхоналарида бошқарув ҳисобининг янги тартибини жорий этишда фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги ёритилган. Бундан ташқари, китобда бизнес таркибини ўзгартириш бўйича қарорлар қабул қилишда бошқарув самарадорлигини баҳолаш, автоном ва интеграциялашган тизимлар асосида бошқарув ҳисобини ташкил этиш ҳамда уларни автоматлаштириш каби масалаларга илк бора эътибор қаратилган. Ҳар бир бобнинг якунида китобхонларнинг мавзу бўйича олган билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида тест топшириқлари, такрорлаш учун саволлар ва зарур адабиётлар рўйхати келтирилган. Шу билан бирга, дарсликнинг охирида берилган таянч сўз ва иборалар, илмий-амалий иловалар унинг аҳамиятини оширишга хизмат қилади, деган фикрдамиз.

Дарсликни яратишда ўзларининг қимматли фикрларини билдирган и.ф.д.,проф. Вахобов А.В., и.ф.д.,проф.Абдуллаев Ё.А.лар, тақризчилар: и.ф.д.,проф. Пардаев А.Х., и.ф.н.,доц.Маҳмудов А.Н., шунингдек, маълумотларни тўплашда

иқтидан ёрдам берганликлари учун Хужамуратов А.М. ва Ҳамидов И.М.ларга чуқур миннатдорлик изҳор этамиз.

Дарсликнинг 6.1. ва 6.2. параграфлари иқтисод фанлари магистри Хужамуратов А.М. билан ҳамкорликда ёзилган.

Мазкур "Бошқарув ҳисоби" дарслиги республикамизда бу борадаги дастлабки ўқув адабиётларидан бўлганлиги туфайли айрим камчиликлардан холи эмас. Шу сабабли, уни мазмунан бойитиш, илмий савиясини ошириш ва такомиллаштириш юзасидан билдирилган барча фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифларни бажонидил қабул қиламиз.

Муаллифлар

I БОБ. "БОШҚАРУВ ҲИСОБИ" ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ, УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. "Бошқарув ҳисоби" фани, унинг предмети ва методи

Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг барча жараёнларида иқтисодий ахборотларга нисбатан ҳаққонийлик, ўз вақтидалик, холислик ва аниқлик каби талаблар қўйилади. Ҳозирги пайтда олинган иқтисодий ахборотлар ички ва ташқи фойдаланувчилар талабини тўлиқ қондириши ҳамда энг кам миқдорда меҳнат ва вақт сарф қилган ҳолда шакллантирилиши лозим.

Шунингдек, иқтисодий ахборотлар корхона фаолиятини бюджетлаштириш, истиқболни белгилаш, харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини тўғри ташкил этиш бўйича самарали бошқарув қарорлари қабул қилишда зарурий асос бўлиб хизмат қилиши керак. Бу каби масалалар республикамизда "Бошқарув ҳисоби" фанини шакллантириш ва уни ривожлантириш йўналишларини белгиланга асос бўлиб хизмат қилади.

"Бошқарув ҳисоби" фанининг предмети харажатлар ва маҳсулот таннархи калькуляцияси, жавобгарлик марказлари бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этиш, бюджетлаштириш, истиқболда корхона тараққиётини белгиловчи лойиҳалар таҳлили, сегментлар бўйича ҳисобот тузиш, самарали трансферт баҳоларини шакллантиришнинг назарий-услубий ҳамда ташкилий асосларини ёритиш ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда фирма ва компаниялар бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги иш вақтларининг 90%ини бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритишга сарфлайдилар. Бошқарув ҳисоби билан юқори малакали мутахассислар шуғулланиши талаб этилади.

Бошқарув ҳисоби: — бу бозор муносабатлари зарурияти

билан пайдо бўлган, корхона ва унинг турли бўғинларидаги таркибий тузилмаларининг фаолиятлари юзасидан тактик ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш учун харажатлар ва даромадлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этувчи;

— корхона ҳисоб сиёсатига мувофиқ юритиладиган, таркибига корхона молиявий-хўжалик фаолиятини бюджетлаштириш, инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш, харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишнинг илғор усулларини қўллаш, жавобгарлик марказлари бўйича сегментар ҳисобот тузиш, ички хўжалик бўлинмалари ўртасидаги муомалаларда фойдаланиладиган трансферт баҳоларни шакллантириш;

— эволюцион йўл билан ривожланиб борувчи ички хўжалик ҳисобининг синтетик тизими, бир нечта иқтисодий фанлар мажмуасида туғилган комплекс фандир.

Корхоналарда бошқарув ҳисобини самарали юритишга дастлабки ва йиғма ҳужжатларнинг айланиш тезкорлиги, қабул қилинган ички ҳисобот шакллари, уларни тузиш даврийлиги ҳамда тақдим қилиш муддатлари, ахборотлар тизимини такомиллаштиришга мослиги таъсир қилади.

Бошқарув ҳисобида ҳужжатлаштириш ва инвентаризация, баҳолаш ва калькуляция, счётлар ва иккиёқлама ёзув, баланс ва ҳисобот каби молиявий ҳисоб усулларининг барча элементларидан фойдаланилади. Бундан ташқари, унда иқтисодий таҳлил, иқтисодий-математик ва статистик усуллар ҳам кенг қўлланилади.

Бошқарув ҳисоби анъанавий бухгалтерия ҳисоби, оператив-техник ва статистика ҳисоби ҳамда иқтисодий таҳлилнинг кўпгина унсурларидан фойдаланади.

Бошқарув ҳисобининг самарали ташкил этилиши ва юритилиши ўз вақтида оқилона бошқарув қарорлари қабул қилиш, корхона фаолиятини режалаштириш, таҳлил ва назорат қилиш имконини бериб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади.

Одатда, корхоналарда бошқарув ҳисоби қуйидаги фаолият турлари бўйича юритилади:

— таъминот-тайёрлов фаолияти;

— ишлаб чиқариш фаолияти;
молия-тижорат фаолияти;
— ташкилий фаолият.

Корхоналарда таъминот-тайёрлов фаолияти такрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва унинг узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу сабабли, мазкур соҳада дастлабки бошқарув ахборотлари йиғилади ва қайта ишланади.

Бошқарув ҳисоби ахборотларини шакллантиришда ишлаб чиқариш фаолияти муҳим ўрин тутади. Унда ишлаб чиқариш харажатлари таркиби, ўзгариши, уларнинг жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобини ташкил қилиш, шунингдек, харажатлар ҳисоби ва таннарх калькуляциясини юритиш, сарфланган харажатлар бўйича четланишларни ҳисобга олиш амалга оширилади.

Молия-тижорат фаолиятида эса корхона иқтисодий бўлинмалари (сегментлари) бўйича сотиш, маъмурий харажатлар бюджети тузилади ва уларнинг бажарилиши назорат қилинади.

Ташкилий фаолият бўйича бошқарув ҳисобини ташкил қилиш алоҳида бўлинмалар менежерлари зиммасига харажатлар ҳажми, уларнинг самарадорлиги тўғрисидаги ахборотларни шакллантириш вазифасини юклайди. Бунда ишлаб чиқариш зарарсизлиги нуқтасининг дастлабки ҳисоб-китоблари амалга оширилади, ўзгарувчан, доимий харажатлар ва фойда ўртасидаги алоқадорлик таҳлил қилинади.

Бошқарув ҳисоби фақатгина харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархи калькуляцияси билан шуғулланибгина қолмасдан, балки корхона раҳбарига жорий ва истиқболли бошқарув қарорлари қабул қилишда кўмаклашиши зарур.

Ҳозирги пайтда республикамиз иқтисодиётида бошқарув ҳисобининг назарий-услубий асосларини ишлаб чиқиш зарурати қуйидаги омиллар мавжудлиги билан изоҳланади:

— ривожланган мамлакатлар тажрибасига мувофиқ, бухгалтерия ҳисобини молиявий ва бошқарув ҳисобига бўлиниши;

— бухгалтерия ҳисобида махсулотлар таннархини ҳисоблаш, ҳақиқий харажатлардан четланишларни бошқаришда "Стандарт-

кост" ҳисоб тизимининг пайдо бўлиши;

— харажатларнинг доимий ва ўзгарувчан турларга ажратилиши, натижада корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш, харажатларни самарали тақсимлаш мақсадида таннархни калькуляция қилишнинг "Директ-костинг" каби замонавий тизимларини ривожлантириш заруратининг юзага келиши;

— корхоналар амалиётига "зарарсизлик нуқтаси", "маржинал даромад", "ишлаб чиқариш дастаги" ва бошқа янги иқтисодий атамаларнинг кириб келиши ҳамда уларни хўжалик юритувчи субъектларда харажатлар, ишлаб чиқариш ҳажми ва молиявий натижалар ўртасидаги узвий алоқадорликни таъминлашга йўналтириш зарурати;

— корхоналар ҳисоб тизими олдига моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни режалаштириш, ишлаб чиқариш захираларини стратегик бошқариш, уларга мос трансферт баҳоларни шакллантириш, харажатлар ва даромадлар ҳисобининг самарали моделини яратиш каби вазифаларнинг қўйилиши;

— бухгалтерия ҳисобида янги компьютер технологиялари, ахборот дастурларининг кенг жорий этилиши, шунингдек, бошқарув ҳисобини автоматлаштириш асосларини ишлаб чиқиш муаммосининг мавжудлиги ва ҳ.к.

Бошқарув ҳисоби корхонанинг ички вазифаларини ҳал қилишга мўлжалланган бўлиб, бу унинг "ноу-хау"сидир.

Хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобининг муҳим вазифалари қуйидагилардан иборат:

— корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш борасида истиқболли бошқарув қарорлари қабул қилиш учун зарур ахборотлар манбасини шакллантириш ва раҳбарларни улар билан таъминлаш;

— корхона молиявий-хўжалик фаолиятини тезкор бошқаришда менежерларга ишончли, юқори самарадор ахборотларни ўз вақтида етказиб бериш;

— маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархини

тўғри аниқлаш, белгиланган мезёрлардан четланишлар ва уларнинг юзага келиш сабабларини кўрсатиб бериш ва ҳ.к.

Бошқарув ҳисоби ахборотлари корхонанинг тезкор ва стратегик вазифаларини амалга оширишга кўмаклашади.

Тезкор вазифаларга қуйидагилар киритилади:

- ички ва ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш тузилмасини аниқлаш;
- ишлаб чиқариш зарарсизлик нуқтасини топиш;
- маҳсулот (товар, иш, хизмат)лар турлари, уларни сотишнинг мувофиқ ҳажмини режалаштириш;
- қўшимча буюртмаларни қабул қилиш ёки рад этиш;
- баҳоларни шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилиш.

Стратегик вазифалар узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

- узоқ муддатли капитал қўйилмаларни жалб қилиш;
- бизнес таркибини ўзгартириш;
- маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш.

Бозор муносабатлари шароитида бошқарув ҳисоби ўз вазифалари орқали корхона ички фаолияти, унинг стратегияси ва тактикаси билан бошқарувнинг асосий ахборот пойдевори сифатида намоён бўлади.

Бошқарув ҳисобининг стратегияси истиқболда корхона тараққиётини белгиловчи лойиҳалар таҳлили, истиқболни белгилаш, бюджетлаштириш, жавобгарлик марказлари бўйича сегментар ҳисоботни тузиш, оқилона трансферт баҳоларини ўрнатиш ва бошқарув қарорларини мувофиқлаштириш тизимини ифодалайди.

Бошқарув ҳисоби тактикаси эса жорий даврда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, харажатлар ва маҳсулот таннархи калькуляцияси бўйича ҳисоб юритиш, далиллаш, қабул қилинган қарорларни таҳлил ва назорат қилиш, шунингдек, уларнинг ижроси учун жавобгарлик кабилардан иборат.

1.2. Бошқарув ҳисобининг тарихий шаклланиши

Республикамизда бошқарув ҳисобини алоҳида фан сифатида ривожлантириш йўналишларини белгилаш унинг тарихий шаклланиш жараёнини ўрганиш заруратини юзага келтиради.

Бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисоби таркибида мустақил фан сифатида расман 1972 йилда тан олинди. Бу пайтда бухгалтерларнинг Америка ассоциацияси томонидан бошқарув ҳисоби бўйича битирувчиларга бухгалтер-таҳлилчи малакасини берадиган дипломли дастури ишлаб чиқилган эди. Бинобарин, мустақил ўқув фани сифатида бошқарув ҳисоби олий ўқув юртларининг ўқув режасига киритилган эди. Унинг пайдо бўлиши ҳамда шаклланиши калькуляция ва ишлаб чиқариш ҳисобларининг ривожланиши билан боғлиқ.

Калькуляция ҳисоби хўжалик ҳисоби пайдо бўлиши билан бир вақтнинг ўзида келиб чиққан ва товар алмашув муомалалари натижаси бўлиб ҳисобланган. "Калькуляция" сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, сўзма-сўз таржимада "calcul" - тошча, яъни, "тошчалар билан санаш" маънosини англатади. Иккиёқлама ёзувнинг пайдо бўлиши калькуляция ҳисобининг ривожланишини янада юқорироқ поғонага кўтарди. Корхонанинг умумий бухгалтерияси таркибида калькуляция ҳисобининг ажратиб кўрсатилиши эса бухгалтерия ҳисобини янада такомиллаштириш имконини берди.

Бозор муносабатлари шароитида бухгалтерия ҳисобини мукаммаллаштириш, жумладан ахборотларни ўз вақтида фойдаланувчиларга етказиш, тижорат сирининг сақланишини таъминлаш, корхона бухгалтериясининг икки мустақил қисм: молиявий ва калькуляция ҳисобига бўлинишини шарт қилиб қўйди. Бухгалтериянинг бу тарзда мустақил қисмларга бўлиниши молиявий ҳисобни марказлаштириш ва калькуляция ҳисобини эса номарказлаштиришга сабаб бўлди. Натижада, калькуляция ҳисоби ўз вазифаларига эга бўла бошлади ва бошқарув жараёнини тезкор-таҳлилий ахборот билан таъминлаш, корхона бўлинмалари харажатлари ва даромадларини назорат қилиш имкониятини яратди. Ушбу омиллар харажатлар меъёрлари, маҳсулотнинг

норматив калькуляциясини ишлаб чиқиш, ҳақиқий харажатларнинг меъёрий харажатларга мувофиқлигини тезкор назорат қилиш, мавжуд четланишларни аниқлаш ва бартараф қилишга имкон туғдирди ҳамда таннархнинг шаклланиш жараёнини бошқаришнинг четланишлар бўйича бошқарув усули юзага келди.

XX асрнинг 40-йиллари охирида АҚШ ва Ғарбий Европанинг айрим мамлакатларида "ишлаб чиқариш ҳисоби" атамаси аста-секин "бошқарув ҳисоби" атамасига алмашина бошлади. Бу даврда бухгалтерия ҳисоби бошқарув сиёсатининг шаклланиши ва амалга оширилишида фаол иштирок эта бошлади, бухгалтерлар эса тахминлаш, режалаштириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш ва корхона бошқарув хизматларини ахборот билан таъминлаш устидан назорат ўрнатиш соҳасида фаолият юрита бошлади.

1.3. Бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисоби ўртасидаги боғлиқлик

Бошқарув ҳисобининг моҳиятини чуқурроқ англаш у билан ишлаб чиқариш ҳисоби орасидаги боғланиш ва фарқли жиҳатларни ажратишга бевосита боғлиқ.

Ишлаб чиқариш ҳисоби ишлаб чиқариш харажатлари ва корхона даромадини бошқариш ва ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш имкониятларини аниқлашда намоён бўлади. У корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ барча масалаларни батафсил акс эттириши лозим.

Бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисоби ўртасидаги ўзаро боғлиқликни жадвалда тасвирлангани каби ифодалаш мумкин.

Жадвалдан кўриниб турибдики, бошқарув ҳисоби ишлаб чиқариш ҳисобидан кенгроқ бўлиб, ўз ичига ички (сегментар) ҳисоб ва ҳисобот, трансферт баҳони шакллантириш ҳамда истиқболни белгилаш каби ҳисобнинг янги йўналишларини қамраб олади.

Замонавий ишлаб чиқариш ҳисоби эса юқоридагилардан ташқари қуйидаги кўрсаткичларни ҳам ўзида акс эттиради:

— харажатлар ва даромадларнинг турлари;

—жавобгарлик марказлари бўйича харажатлар ва даромадлар ҳисоби;

1.1. жадвал

Корхонада ички хўжалик ҳисобининг турлари ва улар ўртасидаги алоқадорлик

	Кўрсаткичлар	Бошқарув	Ишлаб чиқариш	Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархи
	Режалаштириш	+	+	-
	Тахминлаш (истиқболни	+	+	-
1	Ички (сегментар)	+	-	-
4	Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини	+	+	+
5	Трансферт баҳони	+	-	-
6	Истиқболни белгилаш	+	-	-

- харажатлар ва даромадларни ҳисобдан чиқариш ҳисоби.

1.4. Молиявий ва бошқарув ҳисобининг ўзаро боғлиқлиги

Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини истиқболли ривожлантириш молиявий ва бошқарув ҳисоби каби унинг муҳим таркибий қисмлари ўртасидаги алоқадорликни ўрганишни тақозо этади.

Молиявий ва бошқарув ҳисоби ўртасида кўпгина умумийликлар мавжуд, чунки уларнинг иккаласи ҳам корхона ҳисоб тизими ахборотидан фойдаланади.

Молиявий ҳисобнинг қабул қилинган тамойиллари бошқарув ҳисобида ҳам амал қилиши мумкин, чунки корхона раҳбарлари ўз фаолиятларида мутлақо текширилмаган тахминлар ва фикрларга таяниб иш қилишлари мумкин эмас. Бундан ташқари, ҳар иккала кичик тизим ахборотидан зарурий бошқарув қарорлари қабул қилиш учун фойдаланилади.

SamISI
Inv № 437171

Молиявий ва бошқарув ҳисоби ўртасидаги мавжуд тафовутларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. *Ҳисобнинг мақсади.* Молиявий ҳисобнинг мақсади корхонанинг мулкий ва молиявий ҳолатини баҳолаш, активлар ва пассивларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш, даврий ва йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузишдан иборат. Бу маълумотлар маъмуриятнинг ўзи учун ҳам, ташқи фойдаланувчилар учун ҳам мўлжалланган бўлади. Ташқи фойдаланувчилар, инвесторлар ва кредиторлар корхонанинг молиявий аҳволи, унинг тўлов қобилияти, кредитга лаёқати, мазкур корхонага берилган инвестицияларнинг рентабеллик даражаси кабиларга баҳо беришда айнан шу маълумотларнинг аниқ белгиланган талаблар ва стандартларга мувофиқ равишда олиб борилганига эътибор берадилар.

Бошқарув ҳисобининг асосий мақсади эса корхона раҳбариятини оқилона бошқарув қарорлари қабул қилиш учун харажатлар ва молиявий натижалар тўғрисидаги ишончли ахборотлар билан таъминлашдир.

2. *Ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш.* Молиявий ҳисобда ҳисоб сиёсати уни юритиш қоидалари, молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилиш тартибини ифодалайди.

Бошқарув ҳисоби ҳисоб сиёсатида асосан корхона фаолиятини бюджетлаштириш, тахминлаш, таннарх ҳисоблаш, трансферт баҳони шакллантириш, сегментар ҳисобот тузиш масалалари ўз ифодасини топади.

3. *Ахборотларни бухгалтерия ҳисоби счетлари тизимида акс эттириш.* Молиявий ҳисоб счетлари тизими корхона моддий, меҳнат ва молиявий ресурслари ҳолати ҳамда ҳаракати тўғрисидаги барча маълумотларни умумлаштиради. Ушбу счетлар тизими Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини счетлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома" номли миллий стандартига асосланади. Ушбу счетлар режасининг янги таҳрири Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9-сентябрдаги 103-

сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган.

Бошқарув ҳисоби счетлар режаси эса корхона ва унинг бўлинмалари фаолияти тўғрисида стратегик бошқарув қарорлари қабул қилиш, бюджетлаштириш, харажатлар ҳисоби ва таннарх калькуляциясини ташкил этиш, "Харажатлар — ишлаб чиқариш қиймати — фойда" тизими бўйича молиявий натижаларни аниқлашни назарда тутади. Мазкур счетлар режасини амалиётга жорий этиш икки разрядли бухгалтерия ҳисоби счетлари тизимидан тўрт разрядли тизимга ўтиш заруриятини келтириб чиқаради:

а) баланс счетлари, яъни, баланс тузишда иштирок этувчи счетлар;

б) операцион, "Харажатлар — ишлаб чиқариш ҳажми — фойда" тизими бўйича молиявий натижаларни аниқлашда қўлланиладиган ва бошқарув бухгалтериясида фойдаланиладиган счетлар.

Ҳозирги кунда жаҳон амалиётида бошқарув ҳисоби счетлар режасининг Германия ва Россияда муваффақиятли қўлланилаётган тизимлари амал қилмоқда.

4. *Ахборотдан фойдаланувчилар.* Молиявий ҳисобни ташқи ҳисоб деб ҳам атайдилар. Унинг натижалари чоп этиб борилади, бироқ, молиявий ҳисоботлар нафақат молиявий ахборотларни, шунингдек, корхоналар фаолиятидаги муваффақиятларни, уларнинг ишги маҳсулотларини намойиш этувчи реклама тусидаги ахборотларни ҳам ўз ичига олади. Молиявий ҳисоб ахборотларидан фойдаланувчилар, асосан, корхонадан ташқарида бўладилар. Ушбу ахборот корхона раҳбарияти, давлат органлари, кредиторлар, акционерлар, инвесторлар (ички ва ташқи фойдаланувчилар) учун зарур. Бошқарув ҳисобини, бинобарин, ички ҳисоб деб аташ мумкин. Унинг натижаларидан корхона бошқаруви ходимлари, таъсисчилар ва Кузатув кенгаши аъзолари фойдаланадилар.

5. *Ахборотни тақдим этиш шакллари.* Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ, молиявий ҳисобот бухгалтерия баланси, молиявий

натижалар тўғрисидаги, асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги, пул оқимлари тўғрисидаги, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот шакллари, шунингдек, изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлардан иборат. Молиявий ҳисобот шакллари Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 27-декабрдаги 140-сонли буйруқ билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 24-январда 1209-рақам билан рўйхатга олинган "Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича Қоидалар"га асосланиб тақдим этилади. Шунингдек, корхоналар солиқлар, ижтимоий таъминот ва суғурта, меҳнат биржаларига ўрнатилган тартибда ҳисобот топширадилар.

Бошқарув ҳисоби ахборотлари эса фойдаланувчиларга эркин шаклда тақдим этилади.

6. *Ҳисобни юритиш мажбурияти.* Молиявий ҳисоб расмий ҳисоб бўлиб, барча корхоналар учун уни юритиш мажбурийдир. Молиявий ҳисобот ҳужжатлари солиқ идоралари ва бошқа тегишли жойларга тақдим этилади, улар аудиторларнинг текширув объекти ҳисобланиб, чоп этилиши шартдир.

Бошқарув ҳисобини олиб бориш корхона раҳбарияти талабларига мувофиқ амалга оширилади.

7. *Ҳисобни ташкил этиш қоидалари.* Молиявий ҳисобда молиявий ҳисобот ахборотлари аниқ тамойил ва қоидаларга мувофиқ шаклланиши ҳамда акс эттирилиши шарт, улар асосида маълумотлар қайд қилинади, баҳоланади ва тегишли счетларда расмийлаштирилади. Ушбу тамойил ва қоидалар "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида белгилаб қўйилади.

Бошқарув ҳисобини юритиш тартиб-қоидалари корхонанинг стратегик ва тактик мақсадларидан, хусусиятларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилади. Бу ҳисоб турида маълумотларнинг бошқарув қарорларини қабул қилиш учун аҳамиятлилик даражасига эътибор берилади.

8. *Ҳисоб тамойиллари.* Молиявий ҳисоб умумий тамойилларга

тилинади, булар бухгалтерия ҳисобини иккиёқлама ёзув усулида юритиш, аниқлик, мазмуннинг шаклдан устунлиги, кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги, молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги ва ҳ.к. Бу тамойилларга корхона ходимлари билан бир қаторда давлат идоралари вакиллари ҳам амал қилади.

Бошқарув ҳисобининг асосий тамойиллари эса ҳисобни иккиёқлама ёзув усулида юритиш, узлуксизлик, аниқлик, ҳисоблаш, эҳтиёткорлик, кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги ва ҳ.к. ҳисобланади.

9. *Ҳисобнинг асосий объектлари.* Молиявий ҳисоботларда корхона одатда ягона, яхлит деб таърифланади. Кўп тармоқли фаолият олиб борувчи йирик корхоналар ҳар бир соҳа бўйича, яъни, корхонанинг йирик сегментлари бўйича харажатлар ва даромадларни умумлаштирилган молиявий ҳисоботда акс эттириши шарт.

Бошқарув ҳисоби, одатда корхонанинг алоҳида бўлинмалари: бўлимлар, цехлар, участкалар, иш жойлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олади.

10. *Ҳисобнинг асосий тузилмаси.* Молиявий ҳисоб қуйидаги асосий тенгликка мувофиқ шаклланади:

Активлар = Ўз маблағлари манбалари + Мажбуриятлар

Бошқарув ҳисоби ахбороти тузилмаси ва таркиби унинг фойдаланувчиларини эҳтиёжларига боғлиқ. Бошқарув ҳисобининг ҳар қандай тузилмаси энг аввало харажатлар, даромадлар ва активлар каби категорияларга таянади. Бу тузилмаларни қўллашда асосий мезон — зарур ахборотнинг фойдалилигидир.

11. *Ахборотнинг ошкоралик даражаси.* Молиявий ҳисоб ахборотлари унинг фойдаланувчилари учун очиқ ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунининг 19-моддасига кўра, мазкур ахборотлар солиқ органларига, таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулкдорларга, давлат статистика органларига, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга тақдим қилинади.

Бошқарув ҳисоби ахборотлари кўпроқ махфийлик хусусиятига

эга бўлиб, улардан корхона менежерлари, таъсисчилар ва кузатув кенгаши аъзолари бошқарув қарорлари қабул қилишда фойдаланадилар. Ушбу ахборотлар корхонанинг тижорат сири ҳисобланади. Улар ҳисоботдан ташқи фойдаланувчиларга берилмайди.

12. *Ахборотни акс эттириш усуллари ва йўллари.* Молиявий ҳисоб қийматда шаклланадиган ахборотни ўз ичига олади. Корхонанинг молиявий ҳисоботи бош дафтардаги барча счетлар бўйича якуний қолдиқларни ўз ичига олади. Молиявий ҳисобда хўжалик жараёнлари бухгалтерия ҳисобининг ҳужжатлаштириш ва инвентаризация, баҳолаш ва калькуляция, счетлар тизими ва иккиёқлама ёзув, бухгалтерия балакси ва ҳисобот ва ҳ.к. усулларида ифода этилади. Унда молиявий ҳисобот маълумотлари албатта пул бирлиги кўринишида акс эттирилиши зарур. Молиявий ҳисобот маълумотлари бош дафтарнинг якуний ёзувларига мос келади.

Бошқарув ҳисобида хўжалик муомалаларини акс эттиришда иккиёқлама ёзув усулига асосланиш шарт эмас. Мазкур ҳисоб турида маълумотлар ҳар қандай ўлчов бирлигида ҳисобланиши мумкин. Шунингдек, унда молиявий ҳисобот шакллари ахборотларининг Бош китоб маълумотлари билан мос келиши ва таққосланиши шарт эмас.

Бошқарув ахборотини қайд этиш ва акс эттиришда эса молиявий ҳисоб усуллари билан биргаликда эконометрика, статистика, иқтисодий таҳлил усулларидан ҳам фойдаланилади.

13. *Ахборотларни ўлчаш.* Хўжалик жараёнларини умумлаштириш учун молиявий ҳисобда фақат қиймат ўлчови қўлланилади ва сўмларда ифода этилади.

Бошқарув ҳисобида эса ҳисоб ўлчовларининг моддий, меҳнат ва қиймат каби барча турларидан фойдаланилади.

14. *Ҳисобот тузишнинг даврийлиги.* Молиявий ҳисобот қатъий белгиланган муддатларда тузилади ҳамда тақдим этилади.

Бошқарув ҳисобида ҳисобот ҳар куни, ҳар ҳафта ва ҳ.к. муддатларда тузилиши мумкин. Ҳисоботларни тақдим этиш муддати корхона раҳбарияти томонидан белгиланади. Муҳими,

ҳисобот истеъмолчиларга фойдали бўлиши ва ўз вақтида тақдим этилиши лозим.

15. *Ахборотнинг содир бўлиш вақти.* Молиявий ҳисоб корхонанинг молиявий тарихини акс эттиради. Унда хўжалик муомалалари уларнинг содир бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар орқали қайд этилади, яъни, ҳисобнинг бу тури корхона хўжалик фаолиятида аллақачон содир бўлган муомалаларни тасдиқлайди.

Бошқарув ҳисобининг мақсади эса содир бўлган воқеалар таҳлили асосида истиқболга мўлжалланган тавсиялар, бошқарув ва инвестиция қарорлари дастурини ишлаб чиқишдан иборат.

Молиявий ҳисоб хўжалик муомалалари содир бўлгандан сўнг, бошқарув ҳисоби эса воқеа-ҳодисаларни олдиндан ташхислаб бериши зарур. Шу боисдан, бошқарув ҳисобини кўпинча тахминлаш ҳисоби, махфий ҳисоб деб ҳам атайдилар.

16. *Ахборотнинг аниқлик ва ишончлилик даражаси.* Молиявий ахборот содир бўлган операцияларни акс эттиради, шу боис, у холислик хусусиятига эга ва аудиторлик текширувидан ўтади.

Бошқарув ҳисоби эса кўпроқ бўлажак даврга мўлжалланган истиқбол билан иш тутади. Шу боис, бошқарув ҳисобидаги ахборот эҳтимоллик ва субъектив (хусусийлик) тавсифига эга.

17. *Харажатлар ва даромадларни гуруҳлаш йўллари.* Молиявий ҳисобда харажатлар калькуляция моддалари бўйича, даромадлар эса корхона ва унинг фаолият турлари (сегментлари) бўйича гуруҳланади ва акс эттирилади.

Бошқарув ҳисобида харажатлар харажат моддалари бўйича, даромадлар эса бўлинмалар ва маҳсулот(иш, хизмат)лар турлари бўйича гуруҳланади ва акс эттирилади. Харажат моддаларининг рўйхати тармоқ йўриқномалари билан белгиланади ҳамда корхонанинг ҳисоб сиёсатида ифодаланади.

Тест топшириқлари

1. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда бухгалтерия ҳисоби қандай қисмларга бўлинади ?

A) молиявий ҳисоб ва статистик ҳисоб;

B) бошқарув ҳисоби ва динамик ҳисоб;

C) молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби;

D) молиявий ҳисоб ва солиқ ҳисоби;

E) бошқарув ҳисоби ва солиқ ҳисоби.

2. Бошқарув ҳисоби бу ...

A) корхона ва унинг иқтисодий бўлинмалари фаолиятлари юзасидан тактик ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш учун харажатлар ва даромадлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этувчи ички хўжалик ҳисобининг синтетик тизимидир;

B) корхона ва унинг иқтисодий бўлинмалари фаолиятлари юзасидан тактик ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилишдир;

C) корхона ва унинг турли бўғинларидаги таркибий тузилмаларнинг фаолиятлари юзасидан тактик ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш учун мўлжалланган харажатлар ва даромадлар тўғрисидаги ахборот тизимидир;

D) Корхонанинг фаолияти юзасидан тактик ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш учун харажатлар ва даромадлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этувчи ички хўжалик ҳисобининг тизимидир;

E) Корхонанинг мулкий ва молиявий аҳволини баҳолаш, активлар ва пассивларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш, даврий ва йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузишни амалга оширувчи ҳисоб тизимидир.

3. Бошқарув ҳисобининг мақсади ифодаланган қаторни аниқланг?

A) ташқи фойдаланувчилар учун ахборотларни етказиб бериш;

B) ички фойдаланувчилар учун ахборотларни шакллантириш;

C) ташқи ва ички фойдаланувчилар учун ахборотларни йиғиш;

D) бошқарув ҳисобининг мақсади аниқ эмас;

E) молиявий ҳисобнинг мақсади билан бир хил.

4. "Бошқарув ҳисоби"нинг тамойилларини белгиланг?

A) холислик ва қиёсланувчанлик;

B) иккиёқлама ёзув ва эхтиёткорлик;
C) бошқарув ҳисоби умумий тамойилларга эга эмас;
D) оддийлик ва тезкорлик;
E) тезкорлик ва қиёсланувчанлик.

5. Бошқарув ҳисобининг ахборотлари қандай ўлчанади?
A) моддий, меҳнат ва қиймат;
B) моддий;
C) меҳнат;
D) қиймат;
E) *меҳнат ва қиймат.*

6. Бошқарув ҳисобининг ахборотлари кимларга тақдим этилади?
A) солиқ органларига;
B) статистика бошқармасига;
C) эркин шаклда тақдим этилади;
D) молия бўлимига;
E) банк муассасаларига.

7. "Бошқарув ҳисоби"нинг ахборот манбалари нималардан иборат?
A) молиявий маълумотлар, маркетинг, солиқ, суғурта, технологик чиқиндилар ҳақидаги маълумотлар;
B) маркетинг, солиқ, суғурта, технологик чиқиндилар ҳақидаги *маълумотлар;*
C) суғурта, технологик чиқиндилар ҳақидаги маълумотлар;
D) молиявий маълумотлар, маркетингга оид маълумотлар;
E) молиявий маълумотлар.

8. Бошқарув ҳисобининг элементларини аниқланг?
A) режалаштириш (бюджетлаштириш);
B) режалаштириш, тахминлаш, харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлаш, сегментар ҳисоб ва ҳисобот, трансферт баҳони шакллантириш;
C) тахминлаш, харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлаш;
D) сегментар ҳисоб ва ҳисобот, трансферт баҳони шакллантириш;
E) режалаштириш, *тахминлаш, сегментар ҳисоб ва ҳисобот,* трансферт баҳони шакллантириш.

9. Бошқарув ҳисобининг асосий тузилмаси нималардан иборат?

A) харажатлар, даромадлар ва молиявий натижа;

B) даромадлар ва молиявий натижа;

C) активлар ва пассивлар;

D) активлар, капитал ва мажбуриятлар;

E) харажатлар ва зарарлар.

10. Ишлаб чиқариш ҳисобининг элементларини аниқланг?

A) режалаштириш, тахминлаш, харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлаш;

B) харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлаш;

C) режалаштириш, тахминлаш;

D) сегментар ҳисоб ва ҳисобот, трансферт баҳони шакллантириш;

E) трансферт баҳони шакллантириш.

Такрорлаш учун саволлар

1. Бошқарув ҳисобига таъриф беринг.

2. Бошқарув ҳисобининг мақсади нима?

3. Республикамиз корхоналарида бошқарув ҳисобини ташкил этиш заруратини юзага келтираётган омилларни санаб беринг.

4. Бошқарув ҳисобининг қандай элементлари мавжуд?

5. Корхона фаолиятида бошқарув ҳисоби қандай ўрин тутади?

6. Бошқарув ҳисобининг шаклланишида калькуляция ва ишлаб чиқариш ҳисобининг роли нималардан иборат?

7. Калькуляция ҳисоби нима?

8. Ишлаб чиқариш ҳисоби нима?

9. Бошқарув ҳисобининг вазифалари нималардан иборат?

10. Бошқарув ҳисобининг стратегияси ва тактикаси нималарни ўз ичига олади?

11. Ахборотдан фойдаланувчилар нуқтаи назаридан бошқарув ҳисоби ва молиявий ҳисоб ўртасида қандай фарқлар мавжуд?

12. Ахборот манбаларига кўра бошқарув ҳисоби молиявий ҳисобдан қандай фарқланади?

13. Молиявий ва бошқарув ҳисобида ҳисобнинг асосий тузилмаси қандай кўринишга эга?

14. Ахборотни тақдим этиш шаклларига мувофиқ ҳисоб

турларининг фарқини кўрсатиб беринг.

15. Молиявий ва бошқарув ҳисобида ахборотлар қандай ўлчанади?

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (2003 йил 24 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. 2003.-496 б.

2. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 й. 30 август.

3. "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2003 й. 11 декабрь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги "Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони, //"Халқ сўзи", 2003 й. 23 декабрь. №257.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги 3592-сонли Фармони. Т. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2005 йил, 14-сон, 101-б.

6. Каримов И.А. "Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш — асосий вазифамиз". Президент Ислом Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Т.12.-Т.: "Ўзбекистон". 2004.-400 б.

7. Каримов И.А. Мавжуд салоҳият ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш — тараққиёт омили.-Т.: "Халқ сўзи"ч. 2004 йил 31 январ.

8. Каримов И.А. Об основных итогах социально-экономического развития Республики Узбекистан в 2004 году.-Т.: Налоговые и таможенные вести. 28 марта 2005 г. №14 (558).

9. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб.-Т.: Молия. 2002.-672 б.

10. Друри К. Введение в управленческий и производственный учет.-М.: Аудит, ЮНИТИ. 1997.-556 б.

11. Жуманиёзов К., Мақсудов Б. Бошқарув ҳисоби асослари.-Т.:

Фан. 2000.-126 с.

12.Жуманиёзов К.К. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари. Т.: А.Қодирий ном. "Халқ мероси" нашриёти. 2003. 159 б.

13. Каримов А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш услублари. //"Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида янги счетлар режасини амалиётга жорий этиш муаммолари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент, ТМИ. 2002. 128-129 б.

14.Керимов В.Э. Организационные модели управленческого учета на производственных предприятиях. //Реформирование бухгалтерского учета в соответствии с международными стандартами: Тез. докл. науч. практ. конф. "Татуровские чтения", с. 96-100.

15. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. Т.: Академия. 2002.-176 б.

16. Раметов А.Х. Проблемы создания финансовой и управленческой бухгалтерии на предприятиях. //Реформирование бухгалтерского учета и бухгалтерского образования в соответствии с международными стандартами: Тез. докл. науч. прак. конф. "Татуровские чтения". с. 299 302.

17. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт.-Т.: Молия. 2003.-247 б.

18. Хасанов Б.А. и др. Учет внеоборотных активов в системе управленческого учета. //"Разумная таможенная политика - потенциал экономического развития государства": Труды Межд. науч.-практ. конф.-Шымкент.: Университет МИРАС. 2005.-365 с.

19. Қодирхонов С.Б., Жуманиёзов К.К. Чет эл фирмаларида бошқарув ҳисобини юритиш асослари.-Т.: 2000.

20. Хашимов А.А. Корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмаларнинг ривожланиш истиқболлари. Т.: Фан. 2003.-111 б.

21. Anderson, Sollenberger "Managerial Accounting" College Division South-Western Publishing Co. 1992.

II БОБ. ХАРАЖАТЛАРНИ ТУРКУМЛАШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ

2.1. Харажатлар ҳақида тушунча ва уларнинг турли хил белгиларига қараб туркумланиши

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда харажатлар алоҳида ўрин тутади.

Харажатлар маҳсулотларни ишлаб чиқариш, товарлар сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган сарфларнинг пулдаги ифодасидир.

Корхоналарда харажатлар турлари ва моддаларининг юзага келиши уларнинг асосий, молиявий ва инвестиция фаолиятидан келиб чиқади. Ишлаб чиқариш корхоналарининг харажатлари асосан хомашё, материаллар, ёқилғи ва меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари кабилардан иборат бўлади.

Республикамизда харажат моддалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган (Ўз.Р. ВМ.нинг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли қарори билан билан ўзгартиришлар киритилган) "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосланади.

Бу Низомга асосланган ҳолда барча харажат моддаларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

— бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

— бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;

— бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш йўналишидаги устама харажатлар.

2. Давр харажатлари:

сотиш харажатлари;

— маъмурий харажатлар;

— бошқа операцион харажатлар ва зарарлар.

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар:

фоизлар бўйича харажатлар;

— хорижий валюта операцияларида юзага келадиган салбий курс фарқлари;

— қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;

— молиявий фаолият бўйича харажатлар.

4. Фавқулодда зарарлар.

Маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар ишлаб чиқариш ёки маҳсулот (иш, хизмат)ларни қайта ишлашда фойдаланиладиган табиий ва меҳнат ресурслари, хомашё ва материаллар, ёқилғи ва энергия, асосий воситалар ҳамда ишлаб чиқаришга тегишли бошқа харажатларнинг баҳосини ифодалайди.

Ушбу харажатлар иқтисодий мазмунига кўра қуйидагича тартибда гуруҳланади:

— ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

— ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

— ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғурта ажратмалари;

— асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

— ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий фаолият бўйича харажатлар муомалаларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун қуйидаги счетлар белгиланган:

9610-"Фоизлар кўринишидаги харажатлар";

9620-"Курс фарқларидан зарарлар";

9630-"Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар";

9690-"Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар".

Мазкур счетлар транзит счетлар ҳисобланиб, актив характерга эга. Уларнинг дебет оборотлари хўжалик муомалалари натижасида содир бўлган молиявий харажатларни, кредит оборотлари эса уларнинг ҳисобдан чиқарилишини ифодалайди.

Корхоналарда ишлаб чиқариш харажатлари қўйилган вазифаларга мувофиқ харажат элементлари ва калькуляция моддаларига бўлинади.

Харажатларни элементлари бўйича гуруҳлаш ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий мазмунига қараб аниқлаш ва тегишли сметалар тузишга асос бўлади.

Ишлаб чиқариш харажатларини калькуляция моддалари бўйича гуруҳлаш эса маҳсулотлар таннархини аниқлашга хизмат қилади. Мазкур харажатлар хомашё ва материалларни тайёрлаш, қайта ишлаш, брак маҳсулотларни тузатиш, ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш характерига эга бўлмаган харажатларга корхонанинг маданий-маиший объектларига сарфланадиган харажатлар киради.

Шунингдек, корхоналарда харажатлар маҳсулот таннархига киритилишига кўра бевосита ва билвосита харажатларга ажратилади.

Бевосита харажатлар таркибига корхоналарга маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган хомашё ва материаллар, меҳнатга ҳақ тўлаш (ажратмалари билан бирга), ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган асосий воситалар амортизацияси каби харажатлар киради.

Бевосита моддий харажатлар ишлаб чиқариладиган маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг асосини ташкил этиб, унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулотлар тайёрлаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда фойдаланиладиган, четдан сотиб олинадиган хомашё ва материаллар харажатларини ифодалайди.

Юқоридагилардан ташқари "Харажатлар таркиби тўғрисидаги" Низомга мувофиқ қуйидаги харажатлар ҳам бевосита моддий харажатлар таркибига киради:

— нормал технология жараёнини таъминлаш ва

маҳсулотларни ўраш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш) учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган харид қилинадиган материаллар, шунингдек, асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инвентарлар қиймати, хўжалик буюмлари ва асосий воситаларга кирмайдиган бошқа меҳнат воситалари;

— сотиб олинадиган, келгусида корхонада монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов бериладиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;

— ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, корхонанинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар.

Ишлаб чиқариш характерига эга бўлган ишлар ва хизматларга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича муомалаларни бажариш, хомашё ва материалларга ишлов бериш, уларнинг сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказиш, белгиланган технологик жараёнларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, асосий ишлаб чиқариш воситаларини тузатиш ва бошқалар тегишли бўлади.

Корхона ичида ташқи юридик шахсларнинг транспорт хизматлари (хомашё, материаллар, инструментлар, деталлар, танаворлар, юкларнинг бошқа турларини марказий омбордан цехга, шунингдек, тайёр маҳсулотни сақлаш учун омборга келтириш) ҳам ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган хизматлар ҳисобланади;

— табиий хомашё (ер рекультивациясига ажратмалар, ихтисослаштириш, юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ерни рекультивация қилиш ишларига ҳақ тўлаш), илдизи билан бериладиган дарахтларга ҳақ тўлаш, саноат корхоналари томонидан сув хўжалиги тизимидан белгиланган лимитлар доирасида ва ундан ортиқча олинадиган сув учун ҳақ тўлаш. Саноатнинг хомашё тармоқлари учун эса ёғоч-тахта материалларидан ёки фойдали қазилмалардан (рудадан)

фойдаланишга ҳуқуқларнинг амортизация қилинадиган қиймати ёки атроф-муҳитни тиклаш харажатлари;

— технологик мақсадларга, энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришга, биноларни иситишга сарфланадиган ёнилғининг четдан сотиб олинадиган барча турлари, корхоналарнинг транспорти томонидан бажариладиган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича транспорт ишлари;

— корхонанинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги харид қилинадиган энергия. Бунда корхонанинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясига ва энергиянинг бошқа турларига, шунингдек, харид қилинадиган энергияни истеъмол жойига трансформация қилиш ва узатиш харажатлари моддий харажатларнинг тегишли элементларига киритилади;

— ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий йўқолиш нормалари доирасида ва уларнинг ортиқча йўқотилиши, ҳосилсизланиши ва кам чиқиши;

— корхонанинг транспорти ва ходимлари томонидан моддий ресурсларни етказиб билан боғлиқ харажатлар, жумладан юклаш ва тушириш ишлари ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементларига киритилиши зарур;

— корхоналар томонидан мол етказиб берувчилардан олинадиган идишлар ҳам моддий ресурслар қийматига киритилади;

— маҳсулот таннархига киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан қайтариладиган чиқитлар қиймати, идиш ва ўраш-жойлаш материаллари қиймати уларнинг амалда сотилиши, фойдаланилиши ёки омборга кирим қилиниши нархи бўйича чиқариб ташланади;

— моддий харажатлар элементи бўйича акс эттириладиган моддий ресурслар қиймати сотиб олиш нархидан, шу жумладан, қўшимча нарх (устама)дан, таъминот, ташқи иқтисодий ташкилотлар томонидан тўланадиган воситачилик тақдирланларидан, товар биржалари хизматларидан, шу жумладан, брокерлик хизматларидан, божлар ва йиғимлар, транспортда ташишга ҳақ тўлашдан, ташқи юридик шахслар томонидан амалга

ошириладиган сақлаш ва етказиб беришга ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шакллланади.

Бевосита меҳнат харажатлари: бевосита ишлаб чиқариш ходимлари, ишлаб чиқариш жараёнида ишлаётган машина операторлари ва бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган бошқа ходимлар меҳнат ҳақи харажатлари.

Шунингдек, "Харажатлар таркиби тўғрисида"ги Низомга кўра, бевосита меҳнат харажатларига қуйидагилар киритилади:

— хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган, амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан, бажарилган ишни ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар;

— касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкаларига ва окладларга устамалар;

— иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусидаги тўловлар, шу жумладан:

— технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларда ишлаганлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;

— кўп сменали режимда ишлаганлик, касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар;

— ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, алоҳида зарарли меҳнат ва табиий иқлим шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан, ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар;

— алоқа, темир йўл, дарё, автомобиль транспорти ва катта йўллар ходимларининг ва доимий иши йўлда ўтадиган ёки қатнов тусига эга бўлган бошқа ходимларнинг иш ҳақига, хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан жўнаган пайтидан бошлаб

шу жойга қайтиб келган пайттача тўланадиган, йўлда ўтган ҳар бир сутка учун тўланадиган устамалар;

қурилишда, реконструкция қилишда ва мукаммал таъмирлашда бевосита банд бўлган, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вахта усули билан ишларни бажарган ходимлар учун ишнинг кўчма ва қатнов хусусияти учун устама;

доимий равишда ер ости ишларида банд бўлган ходимларга уларнинг шахтада (конда) иш жойига жўнаб кетишларидан олдин ва орқага қайтишларигача ўтадиган норматив вақт учун қўшимча ҳақ;

— меҳнатга ҳақ тўлашнинг районлар бўйича тартибга солинишига, шу жумладан район коэффициентлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тоғ жойларида ишлаганлик учун коэффициентлар билан белгиланган тўловлар;

— хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан (йиғилиш пунктидан) иш жойига ва орқага қайтадиган йўлда ўтадиган кунлар учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, шунингдек ходимларнинг метеорология шароитларига кўра ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда тутилиб қолишган кунлар учун тариф ставкаси, оклад миқдорида тўланадиган суммалар (вахта усулида ишни бажаришда);

— иш вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти жамланиб ҳисобланганда ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга уларга иш вақтининг нормал давом этишидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш (ортиқча ишланган иш вақти учун дам олиш) кунлари учун ҳақ тўлаш;

— ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш:

— амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йилги) ва қўшимча таътиллар учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек, тиббий кўриклардан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

— мажбурий таътилда бўлган ходимларга, асосий иш ҳақини

қисман сақлаб қолган ҳолда, ҳақ тўлаш;

— донор ходимларга қонни текшириш, топшириш кунлари учун ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

— давлат вазифаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқалар) меҳнат ҳақи тўлаш.

— хўжалик юритувчи субъект штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги тузилган шартномалар бўйича ишлар бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш, агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан амалга оширилса пудрат шартномаси ҳам шу жумлага киради.

— белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига киритиладиган тўловларнинг бошқа турлари.

Билвосита харажатлар эса маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ҳисобланиб, уларга маъмурий-бошқарув харажатлари, бошқарув асбоб-ускуналарини сақлаш ва фойдаланиш харажатлари киради.

Режалаштирилишига қараб харажатларни қисқа ва узоқ муддатли харажатларга ажратиш мумкин. Қисқа муддатли харажатлар корхонанинг тактик мақсадларини амалга оширишга имкон беради.

Узоқ муддатли харажатлар эса корхонанинг стратегик мақсадини амалга оширишда юзага келади. Уларга илмий текширишлар, янги технологияларни олиб кириш ва ривожлантириш, тайёр маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар киритилади.

Корхоналар фаолиятида ярим ўзгарувчан харажатлар ҳам юзага келади. Ярим ўзгарувчан харажатлар бир вақтнинг ўзида ҳам ўзгарувчан, ҳам доимий харажат хусусиятига эга бўлган харажатлар ҳисобланади. Уларга телефон хизмати харажатларини киритиш мумкин. Бунда бир ойлик аниқ тўланиши лозим бўлган

гумма доимий харажатлар, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув харажатлари эса ўзгарувчан харажатлар гуруҳига киритилади.

Смета калькуляциясидан маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқаришда замонавий технологияни қўллаш ва келгуси даврларда сарфланадиган харажатлар сметасини тузишда фойдаланилади. Ушбу усул корхонада янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш, маҳсулотлар баҳосини белгилаш ва ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш йўналишидаги ҳамма харажатлар маҳсулот таннархига киритилади. Бу эса ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олиш, шунингдек, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш устидан назорат қилишга имкон беради.

2.2. Ишлаб чиқариш харажатларини асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришлар бўйича ҳисобга олишни ташкил этиш

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнида содир бўладиган ҳар бир муомаланинг бухгалтерия ҳисобини юритишда қуйидаги счетлар гуруҳидан фойдаланилади:

2010-"Асосий ишлаб чиқариш";
2310-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш";
2510-"Умум ишлаб чиқариш";
2610-"Ишлаб чиқаришдаги брак";
3110-"Олдиндан тўланган ижара ҳақи";
3120-"Олдиндан тўланган хизмат ҳақи";
3190-"Бошқа бўнак харажатлари";
8910-"Келгуси харажатлар ва тўловлар резерви".

Ишлаб чиқариш харажатларини элементлари ва калькуляция моддалари бўйича ҳисоб юритишни таъминлаш мақсадида асосий ишлаб чиқаришнинг барча харажатлари 2010-"Асосий ишлаб чиқариш" счетида тайёрланаётган маҳсулот турлари бўйича гуруҳланади.

2010-"Асосий ишлаб чиқариш" счетидан харажатларни ҳисобга олишда қуйидаги корхона ва ташкилотлар фойдаланади:

— маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари;

— қурилиш-монтаж, геология-қидирув ишларини бажариш бўйича пудрат, геология ва лойиҳа қидирув ташкилотлари;

— хизматлар кўрсатиш бўйича транспорт ва алоқа корхоналари;

— илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини бажариш бўйича илмий-тадқиқот корхоналари;

— автомобиль йўлларини асраш ва таъмирлаш бўйича йўл хўжаликлари.

Ушбу счетнинг дебетида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган бевосита харажатлар, шунингдек, ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари, бракдан кўрилган йўқотишлар ва асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бевосита харажатлар акс эттирилади.

2010-"Асосий ишлаб чиқариш" счетининг кредитида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннархи суммаси акс эттирилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини аниқлаш учун тегишли харажатлар 2300-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳисоби" счетларида гуруҳланади.

2300-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳисоби" счетларидан қуйидаги ёрдамчи ишлаб чиқаришларни ҳисобга олишда фойдаланилади:

— энергиянинг ҳар хил турлари (электроэнергия, газ ва бошқалар) билан ёрдам кўрсатиш;

— транспорт хизматларини амалга ошириш;

— асосий воситаларни таъмирлаш;

— инструментлар, штамплар, қурилиш деталлари, конструкцияларни тайёрлаш;

— тош, шағал, қум ва бошқа рудасиз материаллар қазиб олиш;

— ёғоч материалларини тайёрлаш ва уларга ишлов бериш;

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тузлаш, қоқи қилиш ва консервалаш (асосан савдо корхоналарида);

— махсус кийимлар ва пойафзалларни таъмирлаш, тикиш ва бошқалар.

Шунингдек, мазкур счетларда 21-сонли БҲМСга мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектлар балансида турган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик бўлимлари харажатлари ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

2300-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳисоби" счетларининг дебетида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш билан боғлиқ бўлган бевосита харажатлар, шу билан бирга ёрдамчи ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган билвосита харажатлар ҳамда бракдан кўрилган йўқотишлар харажатлари акс эттирилади.

2300-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳисоби" счетлари дебетланганда қуйидаги счетлар кредитланади:

— 0200-"Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби";

— 0500-"Номоддий активларнинг амортизацияси ҳисоби";

— 1000-"Материаллар ҳисоби";

— 1100-"Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳисоби";

— 1610-"Материаллар қийматидаги оғишишлар";

— 2510-"Умумишлаб чиқариш харажатлари";

— 2610-"Ишлаб чиқаришдаги брак";

— 2810-"Омбордаги тайёр маҳсулотлар";

— 3100-"Келгуси даврлар харажатлари ҳисоби";

— 3200-"Муддати узайтирилган харажатлар ҳисоби";

— 4860-"Даъволар бўйича олинадиган счетлар";

— 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўловлар";

— 6500-"Суғурта бўйича қарзлар ва давлат мақсадли фондларига тўловлар ҳисоби";

— 6710-"Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар";

— 6970-"Ҳисобдор шахсларга қарзлар";

— 6990-"Бошқа мажбуриятлар";

— 6110-"Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счетлар";

— 9390-"Бошқа операцион даромадлар".

2300-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳисоби" счетларининг кредитида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот (кўрсатилган хизмат, бажарилган ишлар)нинг ҳақиқий таннархи кўрсатилади.

2.3. Қўшимча харажатларни ҳисобга олиш

Корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) турлари ўртасида билвосита харажатларни оқилона тақсимлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, маҳсулотларнинг технологик турлари бўйича таннархини тўғри аниқлаш имконини беради. Бу ҳолат ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг баҳосини шакллантириш бўйича корхона ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда ижобий самара беради.

Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва уни бошқариш харажатларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) машина ва ускуналарни асраш ва ишлатиш харажатлари;
2) умумишлаб чиқариш харажатлари;
3) давр харажатлари.

Ўзбекистонда юқоридаги биринчи ва иккинчи бандлардаги харажатлар тақсимот базасига мутаносиб равишда маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига қўшилади. Давр харажатлари эса корхонанинг молиявий натижалари ҳисобидан қопланади.

МДҲ давлатларида эса учала харажатлар ҳам маҳсулот таннархига киритилади ва счетлар тизими орқали тўлиқ таннарх ҳосил қилинади.

Ушбу харажатлар умумий хусусиятга эга бўлиши билан биргаликда, уларнинг хусусий жиҳатлари ҳам мавжуд: машина ва ускуналарни ишлатиш ва асраш харажатлари шартли-ўзгарувчан бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига боғлиқ. Умумишлаб чиқариш ва давр харажатлари эса шартли-доимий харажатлар ҳисобланиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига боғлиқ бўлмайди.

Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва уни бошқариш

харажатларини маҳсулотлар таннархига киритиш орқали таннарх аниқлашнинг ишлаб чиқариш билвосита харажатларини умумкорхона миқёсида ва бўлинмалар даражасида тақсимлаш каби усуллари мавжуд.

Ишлаб чиқариш билвосита харажатларини умумкорхона миқёсида тақсимлаш усулининг моҳияти шундаки, бунда мазкур харажатлар 2510-"Умумишлаб чиқариш харажатлари" счетининг дебетида йиғиб борилади ҳамда ҳисобот даври охирида улар ягона тақсимот базаси асосида маҳсулот турлари бўйича тақсимланади.

Шунингдек, бу усулнинг афзаллиги унинг соддалиги ва кам меҳнатталаблигида бўлса, асосий камчилиги эса, маҳсулотларнинг хилма-хил турлари ҳақиқий таннархини аниқлаш пайтида жиддий хатоликларга олиб келишидир.

Одатда, бошқарув ҳисоби тизимида ҳисобот даври ичида умумишлаб чиқариш харажатлари сметаси тузилиб, унга асосан сметадаги харажатлар ҳақиқатда эришилган маҳсулот ҳажми ва ҳақиқий харажатлар билан таққосланиб, тузатилиб борилади.

Умумишлаб чиқариш харажатлари Ўзбекистон Республикаси 21-сонли БҲМСга биноан тасдиқланган харажат моддаларига бўлиб ҳисобга олиб борилади ва корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсатига мувофиқ алоҳида ҳисоб объектлари ўртасида тақсимланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февраль 54-сонли қарори (2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли қарор асосидаги ўзгартишлар билан) билан тасдиқланган "Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низомга кўра умумишлаб чиқариш харажатлари қуйидагилардан иборат:

— машина ва ускуналарни асраш ва ишлатиш харажатлари;

— ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизация ажратмалари;

— ишлаб чиқаришга тайинланган асосий воситаларни

таъмирлаш харажатлари;

ишлаб чиқаришдаги мулкларни суғурталаш харажатлари;

иситиш, ёритиш ва ишлаб чиқариш биноларини асраш харажатлари;

— ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бинолар, машина ва ускуналар, ижарага олинган бошқа мулкларнинг ижара тўловлари;

— ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда банд бўлган ходимларнинг иш ҳақи;

— ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар.

Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш жараёнида харажатларни ҳисобдан чиқариладиган объектлар танланиб, аниқ цех, маҳсулот, шартнома турига тегишли харажатлар танлаб олинади ва йиғилади. Бу шароитда умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимот базасини танлаб олиш муҳимдир.

Бўлинмалар даражасида ишлаб чиқаришнинг билвосита харажатларини тақсимлаш усули анча меҳнатталабдир, бироқ у олдинги усулга нисбатан маҳсулотлар алоҳида турлари бўйича таннархни тўлиқроқ аниқлаш имконини беради. Бу усулда мазкур харажатлар алоҳида субсчётлар очиш йўли билан бўлинмалар даражасида ҳисобга олинади.

Корхоналарда ҳисобот даври якунида маҳсулотлар алоҳида турлари бўйича ишлаб чиқариш билвосита харажатларининг тақсимоти ҳар бир субсчёт учун амалга оширилади. Бунда ҳар бир субсчётга бўлинма технологик жараёни хусусиятини ифодаловчи ўз тақсимот базаси мос келади. Масалан, корхона автоматлаштирилган бўлинмасининг ишлаб чиқариш билвосита харажатлари унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлари бўйича асбоб-ускуналар иш соатларига биноан, қўлда йиғиш цехининг ишлаб чиқариш билвосита харажатлари эса меҳнатнинг бевосита харажатларига кўра тақсимланади.

Ишлаб чиқариш билвосита харажатларини ҳисобга олишда бу усулни қўллаб, хатоликларни батамом бартараф этиб бўлмайди, чунки, биринчидан, умумкорхона ишлаб чиқариш билвосита харажатлари тақсимотида, иккинчидан, алоҳида бўлинма ичидаги

турли ишлаб чиқариш тизимлари бўйича ишлаб чиқариш билвосита харажатлари тақсимотида хатолар бўлиши мумкин.

Корхона алоҳида бўлинмалари, цехларининг технологик жараёнлари меҳнат, капитал ва материалталаблиги даражалари билан фарқ қилади.

Агар бўлинма фаолияти харажатлари ичида иш ҳақининг ҳиссаси юқори бўлса, шу бўлинма, цех, бригаданинг умумишлаб чиқариш харажатларини меҳнат ресурсларини истеъмол қилиш билан боғлиқ кўрсаткичларни асос қилиб олиниб, улар маҳсулот турлари бўйича тақсимланади (2.1.-жадвал).

Ушбу жадвалдан келиб чиқиб, билвосита харажатлар тақсимотининг асоси сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

— асосий ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари;

— меҳнатнинг меъёрий бевосита харажатлари;

– корхонадаги муайян технологик жараёнда қатнашувчи ходимлар сони.

Агар бўлинма фаолияти капиталталаб бўлса, умумишлаб чиқариш харажатларини асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ кўрсаткичлари асос қилиб олиниб тақсимланади. Бунда ишлаб чиқариш билвосита харажатлари тақсимоти базаси сифатида асбоб-ускуналарнинг ҳақиқий иш соатлари, маҳсулот турлари бўйича амортизация ажратмалари ёки маълум техник жараёнда фойдаланилган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати олинади.

Корхона бўлинмаси фаолияти материалталаб бўлса, яъни, унда маҳсулотлар таннархига қўшиладиган харажатларнинг асосий қисмини хомашё ва материаллар харажатлари ташкил қилса, тақсимот базасига хомашё ва материалларнинг ҳақиқий бевосита харажатлари ҳамда уларнинг режали таннархи киритилади.

Агар бўлинма фаолияти натижаси қандайлигини (меҳнатталаб, капиталталаб ёки материалталаб) аниқ белгилаш имкони бўлмаса, тақсимотнинг аралаш базасидан фойдаланилади. Бунда тақсимот базаси тўлиқ бевосита моддий харажатлар (хомашё, материаллар

ва асосий воситалар маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархида катта салмоққа эга бўлса)дан иборат бўлади.

2.1.-жадвал

"Бухоросут" очиқ турдаги қўшма корхонасининг 2003 йил учун умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш (тақсимлаш базаси — асосий ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи харажатлари)

Маҳсулот турлари	Асосий ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари		Умумишлаб чиқариш харажатлари, *минг сўмда*
	минг сўмда	% да	
Сариёғ, кимоли	13786	28,0	129982
Бринза, ёғли	7059	14,0	64914
Пишлоқ "Турист"	23441	47,0	170612
Сут, 2,5%	2180	5,0	20953
Қатиқ	3201	6,0	29748
Жами	49667	100	416209

Тақсимот базалари корхона функционал хизматлари, яъни, бошқарув аппарати учун ҳам ишлаб чиқилади. Бунда тақсимотнинг асосий базалари қуйидагилардан иборат бўлади:

— омбор хўжалиги учун бир бирлик маҳсулотни бир кун сақлашнинг норматив харажатлари омбордаги маҳсулотларнинг ўртача қолдиғига кўпайтирилгани;

— диспетчерлик хизмати учун ташиб кетиладиган тайёр маҳсулотлар тонна-километрда;

— юкларни жўнатиш бўлими учун тайёр маҳсулотларни юклаб жўнатиш бўйича шартномалар миқдори.

Ишлаб чиқариш билвосита харажатларининг энг мос тақсимлаш базасини ҳисоблаш учун маълум жорий харажатлар талаб қилинади. Шу сабабли, корхоналарда унча меҳнатталаб бўлмаган бошқа қўшимча тақсимот базаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Уларга маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми, ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар таннархи,

хомашё ва материалларни сотиб олиш таннархи, маржинал даромад, ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони кабиларни киритиш мумкин.

Ишлаб чиқариш билвосита харажатлари тақсимотининг самарали тизимини татбиқ этиш масалаларига эътиборсизлик кўп ҳолларда ишлаб чиқариш дастури, сотишлар ва корхона баҳо сиёсатида жиддий хатоликларга сабаб бўлади, бу эса ўз навбатида, корхона молиявий фаолиятини салбий натижаларига олиб келади.

2.4. Жавобгарлик марказлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил этиш

Жавобгарлик марказлари - бу бошқарув ҳисоби тизимида муҳим объект ҳисобланиб, бошқарув ходимлари фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган янги психологик талқиндир. Унинг асосий мақсади назоратдан кўра кўпроқ ўзини бошқаришда бошқарув ходимларига ёрдам беришдир.

Хўжалик юритувчи субъектларда жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобни ташкил этишнинг асосий мақсади фаолият харажатлари ва даромадлари ҳақидаги маълумотларни алоҳида-алоҳида умумлаштириш ҳамда улар бўйича мавжуд четланишларни бўлинмалар зиммасига юклашдан иборат.

Бошқариш нуқтаи-назаридан корхонанинг жавобгарлик марказларига бўлиниши қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

— жавобгарлик марказлари корхонанинг ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилмаси билан боғланган бўлиши;

— жавобгарлик марказларида фаолият ҳажмини аниқлаш, харажатларни ҳисоблаш ва уларни тақсимлаш учун асос вазифасини бажариши;

— ҳар бир жавобгарлик маркази менежерларининг ваколатлари ва жавобгарлиги аниқ белгиланиши зарур. Менежер фақат ўзи назорат қила оладиган кўрсаткичлар учун жавоб беради;

— ҳар бир жавобгарлик маркази учун ички ҳисобот шаклларининг ўрнатилиши;

— жавобгарлик марказлари менежерлари ўтган давр учун

марказ фаолияти таҳлилини ўтказишда ва келгуси даврга режалар (бюджетлар) тузишда фаол иштирок этишлари лозим.

Шунингдек, корхонани жавобгарлик марказларига бўлишда тегишли марказлар раҳбарларининг эътирозларига таъсир қила оладиган ижтимоий-психологик омилларни ҳисобга олиш лозим.

Бошқарув ҳисобида корхона фаолиятини жавобгарлик марказларига бўлиб ташкил этиш тармоқ хусусиятлари, ишлаб чиқариш жараёни технологияси ва уни ташкил этилиши, дастлабки материаллар, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таркиби, техник жиҳозланиш даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ.

Корхонани ташкилий тузилма доирасида бошқаришни ташкил этишнинг чизиқли, функционал, чизиқли-функционал ва матрицали шаклларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Чизиқли бошқариш деганда "вертикал бўйича" бошқариш тушунилади, бунда қуйи бўғинлар юқори бўғинларга бевосита бўйсунади.

Чизиқли бошқаришда ҳар бир раҳбар ўзи маъсул бўлган бўлинмаларни мустақил бошқаради ва барча зарур бошқарув қарорларини мустақил қабул қилади. Бу тизимнинг ўзига хос ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Жумладан, унинг ижобий жиҳатлари:

— ходимларнинг ўз вазифаларини бажарилишига шахсий жавобгарлигини юзага келтиради ва мустаҳкамлайди;

— асосланмаган ва самарасиз топшириқлар берилиш ҳолларини бартараф этишга имкон яратади;

— белгиланган вазифаларни тезда бажариш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиб бориш мумкин;

— бўлинмалар ходимлари фақат ўз раҳбарларига ҳисобот беришлари сабабли корхонада ижрочилик ва интизом даражаси яхшиланади.

Мазкур тизимнинг салбий томонлари эса кўпроқ унда оддий ва қисқа муддатли вазифаларни бажаришга эътибор қаратилиши сабабли, комплекс ҳамда истиқболли масалаларни ҳал қилиш анча қийинлашиши билан ифодаланади. Шунингдек, бундай шароитда

буйруқбозлик ва расмиятчилик муҳити юзага келиши мумкин.

Одатда, бу тизим ишлаб чиқариш цехлари ва корхона бўлинмаларини бошқаришда юқори самара беради.

Функционал бошқариш корхонани молия, таъминот, сотиш, кадрлар, лойиҳа-конструкторлик ва технологик ишловлар, иш юритиш, талқи иқтисодий алоқалар ва ҳоказолар каби алоҳида функциялар бўйича бошқаришдир. Бу тизим корхона раҳбари ва алоҳида функциялар менежерларининг фаолиятини ихтисослаштиришга мўлжалланган. Бунда менежерларнинг ўз бўлинмалари фаолиятини чуқур ва пухта билиши, содир бўлаётган жараёнларни истиқболли таҳлил қилиш ва баҳолаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади.

Функционал бошқариш тизимининг афзаллиги корхонада бошқарув фаолиятининг ихтисослаштирилиши билан белгиланади. Бу ҳолат бошқарув самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

Корхоналар фаолиятида бошқаришнинг чизиқли-функционал тузилмасидан кенг фойдаланилади. Бундай тузилма доирасида чизиқли бўлинмалар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича асосий фаолият билан шуғолланади, ихтисослашган функционал бўлинмалар эса (маркетинг бўлими, режа-молия бўлимлари, кадрлар бўлими) асосий бўлинмаларга хизмат қилади. Бу ҳолда бошқарувнинг ихтисослашуви, унинг тамойиллари биргаликда тўлароқ амалга оширилади ҳамда тайёрланадиган қарорларнинг юксак даражалилиги ва ҳар бир ишлаб чиқариш бўғинига ёпиасига раҳбарлик қилиш таъминланади.

Матрицали тузилмада функционал бўлинмалар билан бирга муайян ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этиш учун махсус органлар (лойиҳа гуруҳлари) тузилади. Бу гуруҳлар бошқарувнинг турли даражаларидаги алоҳида функционал бўлинмалар мутахассисларидан таркиб топади.

Матрицали тузилманинг афзаллиги шундаки, у корхона ички фаолиятидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш имконини беради, бу эса функционал ихтисослашнинг ривожига халал бермайди. Функционал-қиймат таҳлили (ФҚТ)нинг вужудга келиши ҳам

бунга мисол бўлиши мумкин. Унинг мақсади энг кам харажат қилган ҳолда энг яхши сифатли ва замонавий, янги буюмни ишлаб чиқаришга эришишдир.

Бошқаришни ташкил этишнинг матрицали шакли раҳбар ва ходимларнинг ҳамжиҳатликдаги фаолиятини таъминлайди, уларнинг шахсий қобилиятларини намоён этишлари учун шароитлар яратади. Мазкур ташкилий тузилмага мувофиқ жавобгарлик марказларини тузиш (цех, бўлим, бўлинма) ҳар бир бўлинма фаолиятини муайян шахслар масъулияти билан боғлашга, бўлинмалар молиявий натижаларини баҳолашга ва уларнинг корхона фаолияти натижаларига қўшган ҳиссасини аниқлашга имкон беради.

2.5. Жавобгарлик марказларининг турлари

Хўжалик юритувчи субъектларда жавобгарлик марказлари бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этишда ушбу марказларнинг турлари моҳиятига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Корхонада бўлинмалар бўйича бошқарув ҳисобини самарали ташкил этиш учун уларни қуйидаги белгиларга мувофиқ таснифлаш лозим:

— ваколатлар ва жавобгарлик ҳажмига кўра;

— марказ бажарадиган функциялар бўйича.

Ваколатлар ва жавобгарлик ҳажмидан келиб чиққан ҳолда жавобгарлик марказларини харажатлар, сотиш, фойда ва инвестициялар марказларига бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Харажатлар маркази — бу фақат харажатларнинг мақсадли сарфланишига масъул бўлган корхонанинг бўлинмасидир (ишлаб чиқариш цехи, конструкторлик бюроси ва ҳ.к.).

Корхонани бундай марказ доирасида бошқариш мақсадида ишлаб чиқариш харажатларини режалаштириш, меъёрлаштириш ва ҳисобини ташкил этиш амалга оширилади (2.1-чизма).

2.1 - чизма. Корхона бўлинмаларида харажатларни келиб чиқиш жойлари бўйича туркумлаш

Юқорида келтирилган чизма харажатларни алоҳида бўлинмалар ичида режалаштириш имконини беради. Унга асосланиб, корхонада харажатлар ҳисобини оқилона ташкил этиш мумкин.

Харажатлар марказини, ўз навбатида, бошқариладиган ва эркин харажатлар марказларига бўлиш мумкин.

Бошқариладиган харажатлар марказининг раҳбари, аввало, маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатларни энг кам миқдорга келтиришга жавоб беради ва унинг фаолияти маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланган меъёрий ва ҳақиқий харажатларни таққослаш йўли билан баҳоланади.

Эркин харажатлар маркази фаолиятини баҳолаш учун аниқ мезонни белгилаш мураккаб, чунки корхона раҳбарияти бундай марказлар харажатлари ҳажмига таъсир қила олмайди. Конструкторлик бюроси, кимёвий-техник назорат лабораторияси

ва ҳ.к.лар эркин харажатлар марказларига мисол бўла олади.

Бошқариладиган харажатлар марказида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва бошқа бўлимлар ўртасида самарали муносабат ўрнатилади. Ушбу марказларнинг харажатларини бошқариш олдиндан тузилган мослашувчан бюджетлар ёрдамида амалга оширилади.

Сотиш маркази жавобгарлик марказининг бир тури ҳисобланиб, бу бўлинмада раҳбар фақат тушумга жавоб беради. Шу сабабли, унда сотишдан олинадиган тушум ва уни белгиловчи кўрсаткичлар: сотиш ҳажми ва баҳо асосий назорат қилинадиган кўрсаткичлар ҳисобланади.

Жавобгарлик марказлари бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этиш шуни кўрсатадики, ҳар бир бўлинма фаолияти натижаларини баҳолаш учун муайян жавобгарлик марказининг олиши кутилаётган фойдаси ҳажмини белгилаш зарур. Бундай шароитда жавобгарлик марказлари доирасида фойда марказлари тузиш алоҳида аҳамиятга эга.

Фойда маркази — бу бўлинма раҳбари харажатлар ва фойда учун жавоб берадиган марказдир. Бундай марказларда харажат ва даромадлар — ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг пулдаги ифодаси бўлиб, фойда эса улар ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Фойда маркази менежери сотиш ҳажми ва баҳони, шунингдек, харажатларни назорат қилади.

Фойда маркази — бу кичик кўринишдаги корхона иқтисодидир. Фойда маркази бўйича бошқарув моделидан фойдаланиш кўпгина корхоналарда фойда учун жавобгарликни номарказлаштиришга имкон беради.

Фойда маркази, ўз навбатида, бир қанча харажатлар марказларидан ташкил топиши мумкин (2.2-чизма).

Фойда марказини молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек, режалаштирилган фойда олиш жадвали (операцион бюджет) ёрдамида бошқариш мумкин.

Инвестициялар маркази — бу раҳбар нафақат даромадлар ва харажатларга, балки капитал қўйилмаларга ажратилган

маблағларга ҳам жавоб берадиган бўлинмадир.

Амалиётда соф фойдасини инвестиция қилиш ҳуқуқига эга бўлган бундай марказнинг мақсади фойда олиш ҳамда сарфлападиган маблағларнинг рентабеллиги, инвестицияларнинг даромадлилиги ва хусусий маблағнинг ортишига эришиш ҳисобланади.

2.2-чизма. Функционал жавобгарлик марказлари бўйича аналитик ҳисоб чизмаси

Инвестициялар маркази фаолиятини режалаштирилган фойда олиш жадвали (операцион бюджет), шунингдек, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, бухгалтерия баланси ёрдамида бошқариш мумкин.

Жавобгарликнинг асосий марказлари бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади. Уларнинг харажатлари бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади. Асосий ишлаб чиқариш бригадалари, цехлари ва сотиш бўлимини ана шундай марказларга киритиш мумкин.

Жавобгарликнинг ёрдамчи марказлари жавобгарликнинг

асосий марказларига кўмакланиш учун ташкил этилади. Бу марказларнинг харажатлари аввал жавобгарликнинг асосий марказлари бўйича тақсимланади, кейин эса асосий марказларнинг умумий харажатлари маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи таркибига киритилади. Маъмурий-хўжалик, техник назорат бўлимлари, таъмирлаш цехи, асбоб-ускуналар устахонаси ва бошқаларни шундай марказлар жумласига киритиш мумкин.

2.3. чизма. Ишлаб чиқариш корхоналарида жавобгарлик марказлари тузилмаси

Шуни таъкидлаш лозимки, жавобгарлик марказларини аниқлашда корхона технологик тузилмасини эътиборга олиш, уни горизонтал ва вертикал кўринишларга ажратиш зарур.

Горизонтал тузилмада марказ учун жавобгар ҳар бир шахс фаолияти доираси билан фарқланади, вертикал тузилмада эса бошқарув қарорлари қабул қилишга ваколатли шахснинг ҳаракатлари назарда тутилади.

Жавобгарлик марказларининг ҳар бири бир вақтда харажатлар, даромадлар, фойда ёки инвестициялар маркази бўлиши мумкин (2.3-чизма).

Бу чизмага асосланиб, корхона жавобгарлик марказларининг шаклланишини горизонтал ва вертикал кўринишларда таҳлил қилиб чиқиш корхона бўлинмалари раҳбарлари фаолиятини марказий бошқарув ходимлари фаолияти билан мувофиқлаштириш имконини беради.

Жавобгарлик маркази раҳбари вазифаларни бажариш бўйича белгиланган мажбуриятлар билан бирга молиявий жавобгарликни ҳам ўз зиммасига олиши шарт. Бунда ҳар бир марказ ўзига тайинланган турли функцияларни бажариши мумкин (ишлаб чиқариш, маркетинг, техник хизматлар, ҳисоб, назорат ва ҳ.к.). Мазкур ҳолатда, муайян функциялар ёки воситалар эмас, балки ходим ёки маъмурият жавобгарлик маркази объекти бўлиб ҳисобланади.

Тест топшириқлари

1. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар иқтисодий мазмунига кўра неча хил элементдан иборат бўлади?

A) 2 хил;
B) 3 хил;
C) 4 хил;
D) 5 хил;
E) 6 хил.

2. Қуйидагилардан қайси бири молиявий фаолиятга доир харажатларга киритилади?

A) дебиторларнинг воз кечилган қарзлари;
B) ходимларнинг воз кечилган қарзлари;
C) асосий воситаларни бепул беришдан кўрилган зарарлар;

D) тўланган фоизлар;
E) тўланган қарзлар.

3. Валюта курсларидаги салбий фарқлар ... .
A) молиявий фаолиятдан олинган харажатларга киради;
B) қўшилган капитални камайтиради;
C) асосий фаолиятга доир харажатга киради;
D) фавқулоддаги зарарларга киради;
E) маҳсулот таннархига киради.

4. Амортизация харажатлари ... .
A) пуллик тўловларни оширади;
B) маҳсулот таннархини оширади;
C) пул оқимига таъсир этади;
D) корхона даромадини оширади;
E) фойда (даромад) солиғи суммасини оширади.

5. Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимлари учун ижтимоий суғуртага ажратмалари суммаси акс эттирилди.
A) Дт 2310 Кт 6010;
B) Дт 6010 Кт 6710;
C) Дт 2310 Кт 6520;
D) Дт 9430 Кт 6410;
E) Дт 6710Кт 6510.

6. Асосий ишлаб чиқариш ходимларига меҳнат ҳақи ҳисобланди:
A) Дт 2010 Кт 6710;
B) Дт 2110 Кт 6610;
C) Дт 1010 Кт 6510;
D) Дт 2310 Кт 6910;
E) Дт 2510 Кт 1090.

7. Умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисобдан чиқарилди:
A) Дт 2010 Кт 2510;
B) Дт 2510 Кт 2010;
C) Дт 2310 Кт 2010;
D) Дт 2110 Кт 0410;
E) Дт 9410 Кт 2510.

8. Жавобгарлик марказлари бу ...

A) бошқарув ходимлари фаолиятини самарали ташкил этишга йўналтирилган, бўлинмалар харажатлари ва даромадлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирадиган ҳисоб объекти;

B) корхонанинг маълум даврга мўлжалланган молиявий хўжалик фаолиятини режалаштириш;

C) корхона даромадлари унинг харажатларини тўлиқ қоплайдиган нуқта;

D) маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг йиллик ҳажми, номенклатураси, товарлар ва хизматлар бозори талаблари асосида сифат ва муддатни тавсифловчи комплекс режа;

E) корхона фойдасини самарали бошқаришнинг доимий ва ўзгарувчан харажатларни ўзаро мутаносиблигига асосланган механизми.

9. Қуйидагилардан қайси бири қўшимча (билвосита) харажатларни тақсимлаш базаси ҳисобланади?

A) асосий ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари;

B) меҳнатнинг меъёрий бевосита харажатлари;

C) корхонадаги муайян технологик жараёнда қатнашувчи ходимлар сони;

D) A, B ва C;

E) тўғри жавоб берилмаган.

10. Корхонани жавобгарлик марказлари бўйича бошқаришнинг қандай усуллари мавжуд?

A) чизиқли;

B) функционал;

C) чизиқли функционал;

D) матрицали;

E) барча жавоб тўғри.

Такрорлаш учун саволлар

1. Корхонанинг фаолиятида харажатлар қандай аҳамиятга эга?

2. Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ харажатлар қай тартибда гуруҳланади?

3. Ишлаб чиқариш харажатлари иқтисодий мазмунига кўра қандай

гуруҳларга ажратилади?

4.Асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ҳисоби ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?

5.Асосий ишлаб чиқариш харажатларига қандай харажатлар киритилади?

6.Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби қандай хусусиятларга эга?

7.Умумишлаб чиқариш харажатлари корхона фаолиятида қандай ўрин тутади?

8.Жавобгарлик марказлари нима?

9.Харажатларни жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобга олишнинг мақсади нима?

10.Жавобгарлик марказлари қандай таснифланади?

11. Жавобгарлик марказларини таснифлашга қандай талаблар қўйилади?

12.Жавобгарлик марказларини бошқаришнинг қандай шакллари мавжуд?

13.Жавобгарликнинг асосий ва ёрдамчи марказлари деганда нимани тушунасиз?

14.Харажатлар марказига таъриф беринг.

15.Жавобгарлик марказларини ташкил этиш жараёнига қандай омиллар таъсир кўрсатади?

Адабиётлар рўйхати

1. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 й. 30 август.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги "Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги 54-сонли қарори (2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли қарор асосидаги ўзгартишлар билан).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги 3592-сонли Фармони. Т. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2005 йил, 14-сон, 101-б.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.-Т.: Ўзбекистон. 2000.-352 б.

5. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. "Халқ сўзи". 2002 йил 30 август. №183-184.

6. Каримов И.А. Мавжуд салоҳият ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш — тараққиёт омили.-Т.: "Халқ сўзи". 2004 йил 31-январ.

7. Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан бориш - асосий вазифамиз. 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза, 2004 йил 7-феврал.- Т.12.-Т.: Ўзбекистон. 2004.-399 б.

8. Каримов И.А. Об основных итогах социально-экономического развития Республики Узбекистан в 2004 году.-Т.: Налоговые и таможенные вести. 28 марта 2005 г. №14 (558).

9.Абдуғаниев А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш муаммолари, уларнинг ечимлари.-Т.: ТМИ. 2003.-275 б.

10. Аксененко А.Ф. и др. Управленческий учет на промышленных предприятиях в условиях формирования рыночных отношений.-М.: ООО "Поиларель". 1994.-263 с.

11.Вохидов С.В. ва бошқ. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари.-Т.: Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2004.-237 б.

12. Вахрушина М.А. Бухгалтерский управленческий учет. Учебное пособие.-М.: ЗАО Финстатинформ. 1999.-359с. (переиздание 2002 г., 528 с.).

13. Жуманов О. Бошқариш ҳисоби: Иқтисоди ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси. //Русчадан муаллифлаштирилган таржима.-Т.: 2001.-152 б.

14. Ибрагимов А.К., Хидиров М.Б. Ишлаб чиқариш харажатлари аудитини такомиллаштириш. //"Ўзбекистон банк тизимини эркинлаштиришнинг долзарб масалалари ва жаҳон тажрибаси" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент, Молия. 2000. 33-34 б.

15. Керимов В.Э. Управленческий учет.-М.: ИТК "Дашков и К0". 2003.-416 с.

16. Керимов В.Э. Методологические проблемы управленческого

учета. //Реформирование бухгалтерского учета и бухгалтерского образования в соответствии с международными стандартами: Тез. докл. науч. прак. конф. "Гатуровские чтения". М., МАКС Пресс. 2001. с. 399 (с. 178 185).

17. Махмудов А.Н. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва аудити. Т.: ТМИ. 2002.-118 б.

18. Пиримбаев Ж. Управление и управленческий учет.-Бишкек.: "ЖЭКА" Лтд. 1999. 240 с.

19. Ткач В.И., Ткач В.В. Управленческий учет: международный опыт. М.: Финансы и статистика. 1994.-245 с.

20. Тошмаматов Н., Носиров И. Харажатларни маржинал таҳлил қилиш. Т.: ЎзР. БАМА нашр. 123-128б.

21. Шанк Дж., Гавиндараджан В. Стратегическое управление затратами.-М.: ЗАО Бизнес микро. 1999. 278 с.

22. Хасанов Б.А., Ҳамидова С.Я. Корхоналарда қўшимча харажатларни тақсимлаш усуллари. //"Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни ривожлантириш масалалари": Халқ. илм.-амал. конф.матер. 2004 йил 24-25 ноябр. Тошкент. ТМИ.2004. 252 б.

23. Хасанов Б.А. и др. Учет внеоборотных активов в системе управленческого учета. //"Разумная таможенная политика - потенциал экономического развития государства": Труды Межд. науч.-практ. конф. Шымкент.:Университет МИРАС. 2005.-365 с.

III БОБ. МАҲСУЛОТ (ИШ, ХИЗМАТ)ЛАР ТАННАРХИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМЛАРИ

3.1. *Маҳсулот таннархининг ишлаб чиқаришни* бошқаришдаги аҳамияти

Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш жараёнида корхоналар фаолиятида муҳим вазифалардан бири ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини тўғри аниқлашдир. Маҳсулот таннархи уни ишлаб чиқаришга қилинган бевосита харажатларнинг йиғиндисини ифодалайди.

Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ва *харажатларни* ҳисобга олиш бошқарув ҳисобининг асосий элементларидан бири ҳисобланади, чунки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи қуйидагилар бўйича бошқарув қарорларининг қабул қилиниши учун асос бўлади:

— қандай турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қайсиларини эса тўхтатиш бўйича;

— зарур ёрдамчи маҳсулотларни сотиб олиш ёки ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида;

— ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулотга баҳо белгилаш борасида;

— ишлаб чиқаришни янги техника билан жиҳозлаш бўйича;

— ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни ривожлантириш бўйича берилган тавсияларни асосланда.

Бошқарув ҳисобида таннарх қуйидаги асосий объектлар бўйича аниқланади:

— алоҳида бўлинмалар бўйича;

— алоҳида маҳсулот турлари бўйича.

Бунда харажатларни тақсимлаш жараёни икки босқичда амалга оширилади:

— харажатларни улар вужудга келган марказлар бўйича

тўплаш;

харажатларни маҳсулот турлари бўйича тақсимлаш.

Харажатларни тақсимлаш деганда, корхона фаолиятида вужудга келган харажатларни аниқ объектлар бўйича гуруҳлаш жараёни тушунилади.

Харажатлар объекти сарфланган харажатлар ҳисобга олиниши зарур бўлган таҳлилий бўлимдир.

Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш таннархи бевосита харажатлар, ресурслардан самарали фойдаланишни талаб қилади. Корхонадаги моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини пасайтириш имконини беради.

Маҳсулот таннархини аниқлашда калькуляцион бирликни аниқ белгилаш муҳим масала ҳисобланади.

Калькуляция бирлиги — бу калькуляция объекти ўлчовидир. Уни танлаш маҳсулотни тайёрлаш хусусиятлари, номенклатура кенглиги, ўлчашда қўлланадиган бирликлар, амалдаги андозалар ва ишлаб чиқиладиган маҳсулотнинг техник шартларига боғлиқ бўлади.

Масалан, сут маҳсулотлари бўйича калькуляция объектларини белгилашда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларига мувофиқ уларнинг номи, ёғлилик даражаси ва идишнинг турига қаралади. Айтайлик, бир метр сиғимдаги қоғоз идишдаги 3,2% ёғлиликка эга сут, 0,5 метр сиғимдаги полиэтилен идишдаги 20% ёғлиликдаги сметана, 250г. оғирликдаги ўрама қоғозли ёғсизлантирилган творог ва ҳ.к.

Амалий фаолиятда ишлаб чиқариш корхоналари калькуляция бирликларнинг қуйидаги гуруҳларидан фойдаланадилар:

— табиий бирликлар - дона, килограмм, тонна, метр, куб метр, киловатт-соат ва ҳ.к.;

— шартли-табиий бирликлар — консервалар (қуюлтирилган сут) 100 шартли банкалари ва ҳ.к.;

— фойдаланиладиган (эксплуатацион) бирликлар — қувват, маҳсулдорлик ва ҳ.к;

— ишлар бирликлари — таниб келтирилган юкнинг бир тоннаси, йўл қопламасининг юз метри ва ҳ.к.;

— вақт бирликлари - машина-кун, машина-соат, норма-соат ва ҳ.к.

3.2. Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари

Корхоналарда маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг норматив, жараёнли, буюртмали, тўлиқ таннарх, маржинал харажатларни умумлаштириш, харажатларни муганосиб тақсимлаш, аралаш каби усуллари мавжуд.

Маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг норматив усули харажатлар ҳисоби норматив усулининг таркибий қисми ҳисобланади.

Бу усулнинг афзаллиги унда ҳисоб-китобларнинг оддийлигидир. Қуйидаги сабабларни мазкур усулнинг камчиликларига киритиш мумкин:

— фойдаланилган *заҳиралар миқдори* ва уларга қўйилган баҳолар назорати учун меъёрларнинг мавжуд эмаслиги;

— четланиш сабаблари, унинг айбдорлари, жойини аниқлаш ва таҳлил этиш имкониятининг йўқлиги;

— ишлаб чиқариш жараёнида харажатлар ҳисоб-китоблари фақат ҳисобот даври охирида ўтказилиши мумкин ва ҳ.к.

Норматив усулда норматив харажатлар билан ҳақиқий харажатлар ўртасида юзага келадиган фарқ четланиш, деб аталади.

Бир дона ишлаб чиқарилган маҳсулотга тўғри келадиган норматив харажатлар қуйидаги элементлардан иборат бўлади:

— бевосита норматив моддий харажатлар;

— бевосита моддий харажатларнинг норматив миқдори;

— норматив иш вақти (бевосита меҳнат ҳақи харажатлари);

— иш вақтининг нормалаштирилган ставкаси;

— ўзгарувчан умумишлаб чиқариш харажатларининг норматив коэффициенти;

доимий умумишлаб чиқариш харажатларининг норматив коэффициенти.

Ушбу усулни қўллаш қуйидаги афзалликларга эга: ҳар бир харажат тури бўйича норма ва нормативларнинг ўрнатилганлиги, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар бирлиги таннархининг норматив калькуляциясини тузиш, амалдаги нормалар ва улардан четланишлар бўйича харажатлар ҳисобини юритиш.

Фақат миқдор бўйича нормалардан фойдаланилганда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Ҳх = Фзх \times (МфёМҳх)$$

бу ерда,

Мф — харажатларнинг норматив миқдори;

Мҳх — ҳақиқий харажатларнинг нормадан четга чиқиши.

Сарфланган ресурслардан эҳтиёжга мувофиқ нормада фойдаланилганда қуйидаги формулани қўллаш мақсадга мувофиқ:

$$Ҳх = (ФзхёМхб) \times М$$

бу ерда,

Мхб — сарфланган ресурсларнинг баҳоси ўзгариши натижасида четланишлар.

Сарфланган ресурсларнинг миқдори ва баҳоси бўйича нормалардан фойдаланиб, ҳақиқий харажатлар қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Ҳх = (ФзхёМхб) \times (ММёМч)$$

бу ерда,

Мм — норматив миқдор;

Мч — ҳақиқий харажатларнинг нормадан четга чиқиши (сарфланган ресурслар миқдори ўзгариши сабабли).

Ушбу усул норматив калькуляцияларни ҳар бир буюм бўйича мажбурий дастлабки тузилишини кўзда тутади, улар ҳисобот даври бошида амал қилувчи харажатлар нормалари асосида ҳисоб-китоб қилинади. Ташкилий ва илмий-техник тадбирларни татбиқ этиш нормалари ва норматив харажатлар янгиланиши билан норматив калькуляциялар ҳам янгиланади.

Норматив усулда харажатлар нормалар доирасида ва улардан четланишлар бўйича олиб борилади. Мавжуд четланишлар ҳақидаги ахборот маҳсулот таннархини шакллантириш жараёнида

тезкор таъсир ўтказиш мақсадида бошқарув қарорлари қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу усулда маҳсулотнинг ҳақиқий норматив таннархи ҳар бир модда бўйича нормалардан четланишларни қўшиш ёки айириш йўли билан ҳисобланади.

Норматив усулдан муваффақиятли фойдаланиш учун қуйидаги шартлар бажарилиши зарур:

– ресурсларнинг барча турлари бўйича норматив асосни шиқлаш;

– норматив калькуляцияларни олдиндан тузиш;

– харажатларнинг келиб чиқиш жойлари, нормалардан четланишларнинг айбдорлари ва нормалар ўзгариши сабаблари бўйича ишлаб чиқариш харажатларини қайд этувчи бирламчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмаси ва бутун корхона бўйича маҳсулотлар таннархини шакллантириш устидан ўрнатилган назорат натижаси бўйича тезкор бошқарув қарорлари қабул қилиш ва хулосалар чиқариш бўйича ишларни ташкил этиш.

Норматив усул омбор хўжалигини тўғри ташкил этишни ҳам талаб қилади. Бунда омборни оғирлик ўлчов жиҳозлари билан таъминлаш, ишлаб чиқариш бўлинмаларини эса — сув, газ буғ, электр қувватини истеъмол қилиш учун ўлчов асбоблари билан таъминлаш, маҳсулотлар номенклатурасини ишлаб чиқиш, бирламчи ҳужжатлар ва бошқа ташкилий-техник тадбирларни сифатли расмийлаштиришдан иборат.

Шундай қилиб, маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг норматив усули корхоналарда харажатлар ҳисоби хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини аниқроқ ҳисоблашга имкон беради, бундан ташқари бу усул харажатлар бўйича четланишларни батафсил таҳлил этиб, шиқланган четланишлар ва уларнинг сабабларини аниқлашга имкон беради. *Демак, мазкур усул харажатларни оператив назорат қилиш* ва четланишларни бошқариш учун қулайдир.

Режали (тахминий) таннарх бўйича харажатлар ҳисоби усули норматив усулга қараганда кўпроқ қўшимча афзалликларга эга.

Унда норматив ҳажмларга нисбатан режалаштирилган ҳажмларни чуқурроқ асосланганлиги, тахминлар аниқлиги назорат самарадорлигини оширишни таъминлайди. У мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларини ҳисобга олган ҳолда материаллар, ёқилғи, энергия, иш ҳақи ва бошқа харажатларни прогрессив нормаларидан келиб чиқиб ташкил этилади. Бу усулнинг асосий афзаллиги шундаки, унда режали харажатлар эришилган натижага эмас, балки келгусидаги тахминга асосланади.

Технологик жараёнга нисбатан харажатлар ҳисобини жараёнли ва буюртмалар бўйича ташкил этиш мумкин.

Маҳсулот таннархини аниқлашнинг жараёнли усулидан маҳсулот ишлаб чиқаришда хомашёнинг бир неча жараёндан ўтганидан сўнг тайёр маҳсулот ҳолига келадиган ишлаб чиқаришларда фойдаланилади.

Таннархни калькуляция қилишнинг жараёнли усули узлуксиз, бир неча босқичдан иборат жараёнлар бўйича кўп миқдордаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда қўлланилади. Бунда маҳсулот таннархини калькуляция қилиш икки усулда амалга оширилади:

— ўртача ҳисоб усули. Мазкур усулда харажатлар, шу жумладан, ҳисобот даври бошидаги қолдиқ суммаси ҳам қўшилиб, шу даврда ишлаб чиқилган шартли тайёр маҳсулот бирлигига бўлинади;

— ФИФО усули. Бунда ҳисобот даври бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи тугатилади, сўнгра янги маҳсулот ишлаб чиқариш амалга оширилади. ФИФО усулини қўллашда бирмунча қийинчиликлар мавжуд, бироқ ўртача ҳисоб усулига нисбатан аниқроқ ҳисобланади.

Харажатлар ҳисоби жараёнли усулининг икки варианти мавжуд: ярим тайёр маҳсулотли ва ярим тайёр маҳсулотсиз.

Ярим тайёр маҳсулотли усулда ҳар бир олдинги қайта ишланган маҳсулот кейинги қайта ишлов учун ярим тайёр маҳсулот ҳисобланади ва у ташқарига сотилиши мумкин. Бу ярим тайёр маҳсулотларни ҳақиқий, норматив ёки режали таннарх бўйича,

ҳисоб-китоб ёки маҳсулотни сотиш баҳолари бўйича баҳолаш заруратини белгилайди. Бу вариантда ярим тайёр маҳсулотлар қиймати алоҳида 2100 - "Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар" номли актив счетда акс эттирилади.

Ярим тайёр маҳсулотсиз усулда ҳар бир қайта ишлов бўйича, асосан, фақат ишлов беришга кетган харажатлар олинади. Тайёр маҳсулот таннархи хомашё, дастлабки материаллар харажатлари, барча қайта ишлаш харажатлари ва бошқа ишлаб чиқариш харажатларини умумлаштириш билан аниқланади. Бунда фақат тайёр маҳсулот таннархи калькуляция қилинади.

Мисол. Корхона эркаклар пойабзали ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқариш учта жараёнда ташкил этилган. Қуйидаги маълумотлар мавжуд:

— ҳисобот даврининг биринчи чорагида 1500 дона маҳсулот ишлаб чиқарилган;

— дастлабки ишлов учун хомашё ва материаллар сарфланган 8400000 сўм;

— оралиқ маҳсулотларга харажатлар қилинди — 2400000 сўм;

— тайёр маҳсулот ҳолига келтириш учун маблағлар сарфланди 1200000 сўм.

Бунда жараёнлар бўйича таннарх аниқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1-жараён — 8400000/1500=5600

2-жараён — 2400000/1500=1600

3-жараён — 1200000/1500=800

Жами: 12000000/1500=8000.

Юқоридаги ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, бир бирлик маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи 8000 сўмни ташкил этади.

Харажатлар ҳисобининг буюртмали усули хусусий ва майда туркумли ишлаб чиқаришда, шунингдек, тажриба-экспериментал ишлаб чиқаришда ва таъмирлаш ишларида қўлланиши мумкин.

Буюртмали усулнинг моҳияти, бир ёки бир неча хилдаги маҳсулотларнинг унча катта бўлмаган туркумини тайёрлашда ҳар

бир буюртма бўйича алоҳида харажатлар ҳисоби амалга оширилади.

Харажатларни ҳисобга олиш ва таннархни калькуляция қилишнинг буюртмали усули қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

— алоҳида буюртмалар бўйича, шунингдек, бир марталик маҳсулот тури ишлаб чиқарилаётганда қўлланилади;

— бу усулда харажатлар муайян ҳисобот даври (бир ой, чорак, йил) оралиғида эмас, балки бажарилаётган буюртма даври бўйича аниқланади;

— қўшимча аналитик маълумотларни йиғиб бориш учун буюртмалар карточкасидан фойдаланиш мумкин. Ушбу буюртмалар карточкасидан харажатлар тегишли жавобгарлик марказлари бўйича йиғиб борилади.

Бу усулда барча бевосита харажатлар ишлаб чиқарилган ёки бажарилган буюртма бирлигига олиб борилади. Буюртмали усулда умумишлаб чиқариш харажатлари махсус усуллар бўйича аниқланади ва маҳсулот таннархига олиб борилади. Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашнинг энг муқобил усули норматив коэффициентлар усулидир.

Коэффициентларни ҳисоблаш уч босқичда амалга оширилади:

— умумишлаб чиқариш харажатлари режасининг йиллик бюджети тузилади;

— харажатларнинг умумий суммаси режалаштирилаётган ишлаб чиқариш ҳажмига қараб аниқланади. Бунда ходимларнинг меҳнат ҳақи, сарфланган киши-соат, сарфланган машина-соат ва ҳ.к;

— режалаштирилаётган ҳисобот даври учун аниқланган умумишлаб чиқариш харажатлари суммаси режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажмига бўлинади.

Юқоридаги ҳисоб-китоблардан сўнг пул бирлиги, соат ва бошқа исталган ўлчов бирлигида аниқланиши мумкин бўлган умумишлаб чиқариш харажатларининг норматив коэффициенти юзага келади.

Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархини ҳисоблашнинг буюртмали усулида калькуляция объекти бўлиб муайян миқдордаги

маҳсулотни ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)га олинган буюртма ҳисобланади.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)да, буюртмачи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида тузилган шартнома асосий бухгалтерия ҳисоби ҳужжати бўлиб ҳисобланади. Мазкур шартномада қуйидагилар ўз ифодасини топади: шартнома объекти, шартнома субъектлари ва уларнинг манзиллари, маҳсулот (иш, хизмат)нинг ҳажми ва юклаб жўнатиш (қабул қилиб олиш) муддати, шартнома баҳоси, тўлов шакллари ва бошқалар.

Буюртмали усулда маҳсулот таннархини ҳисоблаш якка ва туркумли ишлаб чиқаришларда қўлланилади.

Буюртмалар бўйича материал, меҳнат ҳақи ва шу каби харажатлар алоҳида тақсимлаш жадвалларида гуруҳланади. Буюртма объектининг таннархи у очилган кундан бошлаб амалда ишлаб чиқариш харажатларининг йиғиндиси суммаси орқали аниқланади.

Бунинг учун ҳар бир буюртмага бухгалтерияда алоҳида карточка очилади, унда буюртма бўйича харажатлар буюртмани бажаришнинг бутун муддати мобайнида ҳисобга олинади.

Бевосита харажатлар бирламчи ҳужжатлар асосида цехлар ва буюртмалар бўйича ҳисобга олинади. Бунда ҳар бир буюртма учун алоҳида бирламчи ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Билвосита харажатлар корхонада мутаносиб равишда қабул қилинган тақсимот базасига биноан тақсимлаш йўли билан маҳсулотлар таннархига киритилади.

Буюртмани бажариш даврида харажатлар тугалланмаган ишлаб чиқариш сифатида ҳисобга олинади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни тугагандан кейин карточка ёпилади ва буюртмани бажаришга кетган харажатлар ҳисоблаб чиқилади.

Бу харажатлардан қайтарилган чиқиндилар, тузатиб бўлмайдиган брак ва фойдаланилмаган материалларни омборга қайтариш харажатлари чиқариб ташлангач, буюртма бўйича ишланган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи келиб чиқади.

Агар буюртмага мувофиқ бир неча хил буюм тайёрланса, ҳақиқий харажатлар суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига калькуляция моддалари бўйича бўлиш билан бир бирлик маҳсулотнинг таннархи аниқланади.

Мисол. "Садаф" АЖ буюртмалар бўйича тикув машинаси ва музлаттич ишлаб чиқаради. Буюртмачилар томонидан корхонага 6та тикув машинаси ва 8та музлаттичга буюртма берилган. Буюртмалар бажариб бўлинган. Бир дона буюртманинг ҳақиқий таннархини аниқлаш зарур.

Буюртмалар тўғрисида қуйидаги маълумотлар мавжуд:

1) Моддий харажатлар амалга оширилди:

— тикув машиналари учун — 288000 сўм;

— музлаттичлар учун — 768000 сўм.

2) Ходимларга меҳнат ҳақи тўланди:

тикув машиналари учун — 153600 сўм;

музлаттичлар учун — 409600 сўм.

3) Буюртмалар бўйича умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланди.

— тикув машиналари учун — 38400 сўм;

— музлаттичлар учун — 102400 сўм.

Ишлаб чиқариш жараёнига сарфланган жами харажатлар:

— тикув машиналари учун — 288000+153600+38400=480000 сўм;

— музлаттичлар учун — 768000+409600+102400=1280000 сўм.

Ушбу маълумотлар бўйича бир дона буюртманинг таннархи қуйидагича бўлади:

Тикув машинаси учун — 480000/6=80000 сўм;

Музлаттичлар учун — 1280000/8=160000 сўм.

Кўпинча корхона амалий фаолиятида жараёнли усул билан бир қаторда буюртмали усулнинг унсурларини биргаликда қўлловчи аралаш тизимлардан фойдаланилади. Бундай тизимлар туркумли ва серияли маҳсулот ишлаб чиқаришларда қўлланилади. Жумладан, муомалалар бўйича таннарх аниқлаш усули истиқболли аралаш

тизимлардан бири ҳисобланиб, унда харажатларни ҳисобга олишнинг асосий объекти муомала ҳисобланади. Умумишлаб чиқариш харажатлари мазкур муомаладан ўтган маҳсулот бирликлари ўртасида асосий ишлаб чиқариш ходимларининг асосий иш ҳақи салмоғига мутаносиб равишда тақсимланади. Асосий материалларга кетган харажатлар ҳам буюртмали усул каби маҳсулотнинг алоҳида тури таннархига киритилади. Муомалалар усулининг афзаллиги калькуляцияни технологик шароитга яқинлаштиришдан иборат.

Халқаро амалиётда корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятининг счетлар тизимида таннархни шакллантириш усулига қараб харажатлар ҳисобини тўлиқ ёки чекланган таннарх (маржинал даромад усули) бўйича ташкил этишлари мумкин.

Тўлиқ таннарх бўйича харажатлар ҳисоби усулида маҳсулот таннархига доимий ва ўзгарувчан, бевосита ва билвосита харажатларга бўлинишидан қатъи назар, корхонанинг барча харажатлари киритилади. Бевосита маҳсулотга киритиб бўлмайдиган харажатлар аввал улар келиб чиққан жавобгарлик марказлари бўйича тақсимланади, кейин эса танланган асосга мутаносиб равишда маҳсулот таннархига киритилади. Кўпинча тақсимлаш базаси сифатида ишлаб чиқариш ишчиларининг асосий иш ҳақи, ишлаб чиқариш таннархи ва ҳ.к.лар танланади.

Тўлиқ таннарх бўйича харажатлар ҳисоби усули мамлакатимизда кенг тарқалган ва молиявий ҳисоб ҳамда солиққа тортиш бўйича норматив ҳужжатлар талаблари ва Ўзбекистонда юзага келган анъаналарга мос келади. Бироқ мазкур усул маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарганда маҳсулот бирлиги таннархида содир бўладиган ўзгаришларни ҳисобга олмайди.

Хўжалик юритишнинг ҳозирги шароитида чеклашган таннарх, яъни, маржинал усул бўйича харажатлар ҳисоби усулига алоҳида эътибор берилиши зарур. Бу усулга мувофиқ маҳсулот таннархига корхона харажатларининг ҳаммаси киритилмайди, балки унинг бир қисми — ўзгарувчан харажатлар киритилади. Ушбу усулда доимий харажатларни маҳсулот таннархига киритмайдилар ва шундай харажатлар юзага келганда ўша давр фойдасини

камайтиришга йўналтирилади. Аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги мисолни кўриб чиқамиз (15-иловага қаранг).

2003 йилда уюшма корхоналарининг 10%ли сметанани бир литрини ишлаб чиқариш ва сотишга қилинган ўртача харажатлари сўмда қуйидагича:

1. Сотиш баҳоси	772-00
2. Қўшилган қиймат солиғи	129-00
3. Ўзгарувчан харажатлар	270-20
4. Маржинал даромад (1қ.-2қ.-3қ.)	372-80
5. Доимий харажатлар	265-80
6. Фойда (3қ.-4қ.)	107-00

Мисолдан кўриниб турибдики, сметана бирлигидан олинган маржинал даромад 372-80 сўм (772,00-129,00-270,20)ни ташкил этади ва ўзига хос ялпи фойда-брутто фойдаси ҳосил бўлади. Маржинал даромад суммасидан доимий харажатлар суммасини айириб операцион фойда-нетто фойдаси топилади. Бироқ, 17-илова таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тармоқ корхоналарида ҳали маржинал даромад концепцияси қўлланилмаяпти, ваҳолонки молиявий ҳисоботнинг 2-шакли "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" маржинал даромадни аниқлаш талабларига мувофиқ тузилган ва тасдиқланган. Демак, бошқарув ҳисоби тизимини ҳам шу талабларга мослаштириш лозим.

Бинобарин, маҳсулотларнинг сотиш баҳоси ва ўзгарувчан харажатлар суммаси ўртасидаги фарқ қанча кўп бўлса, маржинал даромад ва рентабеллик даражаси ҳам шунча баланд бўлади. Бундан ташқари, харажатларнинг доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлиниши корхона фаолиятини бошқариш ва таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади, жумладан у ассортимент сиёсати, зарарли фаолият юритган ҳолда ёпиб қўйиш ёки инқирозга учраганлигини эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун зарур.

Бу усулнинг асосий афзаллиги доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг бирлашишидан иборат. Ушбу харажатларни бошқариш қуйидаги энг муҳим вазифаларини ҳал этиш имконини беради:

— маҳсулот ёки буюртма баҳосининг қуйи чегарасини аниқлаш;

— маҳсулот турлари фойдалилигини қиёсий таҳлили;

– маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулай дастурини аниқлаш;

– маҳсулот ёки хизматларнинг ўз маҳсулоти ва уларни четдан сотиб олиш ўртасидаги тафовут;

– ишлаб чиқариш технологиясини иқтисодий нуқтаи назардан қулайлигини танлаш;

– корхона рақобатбардошлилиги заҳираси ҳамда зарарсизлик нуқтасини белгилаш ва ҳ.к.

Корхоналарда маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари технология ва ишлаб чиқаришни оқилона ташкил қилишни тақозо этади. Ҳозирги пайтда корхоналарда оддий, жараёнли (шу жумладан, бўлинмали) ва буюртмали усуллар харажатларни ҳисобга олиш ва таннархни аниқлашнинг норматив усули билан боғлаб олиб борилмоқда.

2010-"Асосий ишлаб чиқарин" счетининг ҳар бир маҳсулот турига очилган аналитик счетларида харажатлар белгиланган харажат моддалари бўйича ҳисобга олиб борилади.

Аналитик счетлар маҳсулотларни қайта ишлашдаги технологик жараёнлар бўйича очилади.

Харажатларни умумлаштириш усули (оддий усул)да маҳсулот таннархи маҳсулотнинг алоҳида қисмлари ёки уларни тайёрлаш жараёни бўйича аниқланади. Бу усул, одатда, бир хил маҳсулот ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Қўшимча маҳсулотга харажатларни чиқариб ташлаш усули шундан иборатки, бунда ишлаб чиқаришдан олинадиган маҳсулотлар асосий, қўшимча ва ёндошларга бўлинади. Асосий маҳсулот таннархини аниқлаш учун қўшимча маҳсулотлар ва чиқиндилар олдиндан белгиланган баҳолар бўйича умумий харажатлардан чиқариб ташланади.

Харажатларни мутаносиб тақсимлаш усули маҳсулотларнинг бир неча турини бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш шарти билан улар таннархини калькуляция қилиш учун қўлланилади. Ушбу усул асосан аралаш маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Бунда харажатлар ҳисоби ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар гуруҳи бўйича ташкил этилади, гуруҳлар ичидаги харажатлар эса иқтисодий жиҳатдан асосланган, баъзида мутаносиб равишда

маҳсулотларнинг алоҳида турларига тақсимланади.

Калькуляция қилишнинг аралаш усули юқорида санаб ўтилган усулларнинг ҳар бирини алоҳида қўллаш имкони бўлмаса ёки маҳсулот таннархини асосли ҳисобга олиш таъминлапса, уларнинг бир нечтасини ўзаро бирикувини ифодалайди.

3.3. "Стандарт-кост" тизими бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этиш

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар ўртасида иқтисодий рақобатбардошлик муҳитининг шаклланиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг илғор тизимларидан фойдаланиш заруриятини туғдиради.

Хорижий мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг замонавий шароитида стратегик ва тактик хусусиятга эга бўлган бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни корхонанинг харажатлари ва молиявий натижалари ҳақидаги ахборотга таянади. Бу вазифани бажаришда "Стандарт-кост" ҳисоб тизими корхона харажатларини бошқаришда самарали қуроллардан бири ҳисобланади. Унинг асосида белгиланган нормалар доирасида ҳамда улардан четланишлар бўйича ҳисоб юритиш ва назорат қилиш тамойиллари ётади.

"Стандарт-кост" атамаси икки сўздан ташкил топган: "стандарт" — маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун зарурий бўлган молиявий, моддий ва меҳнат харажатлари учун олдиндан ҳисоблаб қўйилган харажатларни нормативини англатса, "кост" сўзи эса маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни билдиради. Шундай қилиб, "Стандарт-кост" сўзи тўлиқ маъносида стандарт харажатларни англатади.

Стандартлар — энг аввало, ишлаб чиқаришнинг бевосита харажатларидан фойдаланиш устидан назоратни ўрнатишга қаратилган ва бир-бирига боғлиқ, сметалар эса тақсимланадиган харажатлар назорати учун мўлжалланган.

"Стандарт-кост" тизими - бу харажатлар ҳисоби ва таннархни аниқлаш тизими бўлиб, унда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархи аввалдан пухта, обдон ҳисоблаб чиқилган

норматив харажатлар ёрдамида баҳоланади, кейин эса ҳақиқий қилинган харажатлар билан таққосланади. Норматив ва ҳақиқий харажатлар ўртасидаги фарқ четланиш деб аталади. Харажатларни самарали бошқаришнинг муҳим воситаларидан бири четланишлар таҳлили деб юритилади.

"Стандарт-кост" тизимининг таркиби моддалар бўйича харажатларнинг қуйидаги дастлабки (ишлаб чиқариш жараёни бошлангунча) нормаларидан ташкил топади:

— асосий материаллар;

— асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг меҳнат ҳақи;

— ишлаб чиқаришдаги тақсимланадиган харажатлар (ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги ходимлар иш ҳақи, ёрдамчи материаллар, ижара ҳақи, жиҳозлар амортизацияси ва ҳ.к.)

— сотиш харажатлари (маҳсулотни сотиш бўйича харажатлар).

"Стандарт-кост" ҳисоб тизими бўйича фойда қуйидаги тартибда аниқланади:

1. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи даромад;
2. Маҳсулотнинг стандарт таннархи;
3. Ялпи фойда (1қ-2қ);
4. Стандартлардан четланишлар;
5. Фойда (3қ-4қ).

Стандартлар ва нормалар ёрдамида ҳисоблаб чиқилган калькуляциялар ишлаб чиқариш ва харажатларни тезкор бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Харажатларнинг белгиланган стандарт нормаларидан четланиш даражаси мазкур четланишларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш учун таҳлил қилинади. Бу эса маъмуриятга ишлаб чиқаришдаги камчиликларни тезкор бартараф этишга, келажакда ҳам уларнинг олдини олишга имкон яратади.

Шуни таъкидлаш керакки, "Стандарт-кост" ҳисоб тизими хориж амалиётида норматив ҳужжатлар билан белгилаб қўйилмаган, шу сабабли бу тизим стандартларни белгилаш ва ҳисоб қайдномаларини юритишнинг ягона усулига эга эмас, натижада биргина корхона ичида ҳам базисли, жорий, мутлақ, тахминий ва енгиллаштирилган каби турли нормалар амал қилади.

Нормаларни белгиланда маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур хомашё, ишчи кучи ва хизматлар харажатини табиий ҳолда ифода этишга имкон берувчи миқдорий стандартлардан кенг фойдаланилади.

Тақсимланадиган харажатлар. Тақсимланадиган харажатлар назорати учун маҳсулотнинг тахминий ҳажмидан келиб чиқиб маълум давр учун ставкалар белгиланади. Тақсимланадиган харажатлар сметалари доимий тавсифга эга, бироқ ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришида тақсимланадиган харажатлар назорати учун ўзгарувчан стандартлар ва сирпанчиқ сметалар тузилади.

Тақсимланадиган харажатларнинг сирпанчиқ сметалари маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорига боғлиқ равишда доимий, ўзгарувчан ва ярим ўзгарувчан харажатларга бўлинади. Сўнгилари, ўз навбатида, доимий ва ўзгарувчан таркибий унсурларга бўлиб чиқилади. Бундай усулда тақсимланадиган харажатларнинг смета ставкаси (нормаси) маҳсулот ишлаб чиқариш ва доимий харажатлар бирлигига олдиндан белгиланган нормалар улушининг ўзгарувчан қисми сифатида аниқланади.

Маҳсулотнинг стандарт таннархини аниқлаш учун хомашёнинг норматив харажатлари, ишчи кучи ва тақсимланадиган харажатлар умумлаштирилади.

"Стандарт-кост" ҳисоб тизимидан фойдаланадиган корхоналар одатда, харажат моддалари бўйича ҳисобни 3.1 - жадвалда кўрсатилгани каби ташкил этади.

— хомашё харажати бўйича четланишлар;
— меҳнат ҳақи бўйича четланишлар;
— умумишлаб чиқариш харажатлари бўйича четланишлар;
— давр харажатлари бўйича четланишлар.

Зарурат туғилганда (масалан, жавобгарлик марказлари бўйича бўлинмаларда четланишларни акс эттиришда) бу харажат моддаларининг ҳар бири бўйича аналитик счетлар очилиши мумкин.

3.1.-жадвал

"Стандарт-кост" ҳисоб тизимида харажат моддалари бўйича четланишларни туркумлаш

	Четланиш турлари	Четланишларни тавсифловчи кўрсаткичлар ва уларнинг ҳисоб-китоби
1	2	3
	I. Хомашё	
1	*Хомашё қийматидаги четланишлар*	- *хомашё бирлигининг норматив таннархи;* - *ҳақиқий баҳо;* - *сотиб олинган хомашё қиймати.*
2	*Хомашё миқдори бўйича четланишлар*	- *маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган хомашёнинг норматив миқдори;* - *хомашё учун сарфланган ҳақиқий харажат.*
3	*Хомашё бирлигига сарфланадиган харажатлар бўйича четланишлар*	- *хомашё бирлигига сарфланган норматив харажатлар;* - *хомашё бирлигига сарфланган ҳақиқий харажатлар.*
	II. Ишчи кучи	
1	*Меҳнат ҳақи ставкалари бўйича четланишлар*	- *иш ҳақининг норматив ставкаси;* - *иш ҳақининг соатбай ставкаси;* - *ҳақиқий ишланган вақт.*
2	*Меҳнат унумдорлиги даражаси бўйича четланишлар*	- *маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун норматив вақт;* - *маҳсулот бирлигига сарфланган ҳақиқий вақт;* - *меҳнатга ҳақ тўлаш норматив соатбай ставкаси.*
	III. Қўшимча харажатлар	
1	*Доимий қўшимча харажатлар бўйича четланишлар*	- *маҳсулот бирлигига сарфланадиган доимий қўшимча харажатлар меъёри;* - *маҳсулот бирлигига сарфланадиган ҳақиқий доимий қўшимча харажатлар;* - *ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажми.*
2	*Ўзгарувчан қўшимча харажатлар бўйича четланишлар*	- *маҳсулот бирлигига сарфланадиган ўзгарувчан қўшимча харажатлар меъёри;* - *маҳсулот бирлигига сарфланган ҳақиқий ўзгарувчан қўшимча харажат;* - *ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажми.*
	IV. Ялпи фойда	
1	*Сотиш баҳоси бўйича четланишлар*	- *маҳсулот бирлигининг норматив таннархи;* - *маҳсулот бирлигининг ҳақиқий таннархи;* - *сотилган маҳсулот ҳажми.*
2	*Сотиш ҳажми бўйича четланишлар*	- *смета бўйича сотиш ҳажми;* - *ҳақиқий сотилган маҳсулот ҳажми;* - *маҳсулот бирлигига тўғри келган меъёрий фойда.*
3	*Ялпи фойда ҳажми бўйича четланишлар*	- *норматив фойда;* - *ҳақиқий олинган фойда.*

"Стандарт-кост" ҳисоб тизимидаги асосий талаб – бу харажатларнинг белгиланган нормаларидан четланишлари устидан

назорат бўлиб, у харажатлар стандартларини такомиллаштиришга имкон беради. Агар бундай назорат қўлланилмаса, у ҳолда "Стандарт-кост" тизимининг қўлланиши шартли бўлиб қолади ва ижобий натижа бермайди.

"Стандарт-кост" ҳисоб тизими қуйидаги афзалликларга эга:

— "Стандарт-кост" тизими харажатларни оператив бошқаришга кўмаклашади. Четланишларни ўрганишда эътибор режа ва нормативлар мос келмайдиган объектларга қаратилади. "Стандарт-кост" тизимида четланишлар бошқа тизимлардан кўра тезкор ва анча аниқ ҳисобланади;

— ишлаб чиқариш технологияларини модернизация қилиш ва қўллашга кўмаклашади. Инвестициялар, асосан, тежамли технологияларга йўналтирилиши лозимлиги сабабли, ишлаб чиқариш технологиялари доимо қайта кўриб борилади. Зарур пайтда фойдаланилаётган айрим элементларгина эмас, балки бутун технология ҳам қайта кўриб чиқилиши мумкин;

— харажатларни қаттиқ ва аниқ назорат қилишни таъминлайди.

"Стандарт-кост" ҳисоб тизими тайёр маҳсулот ва унинг таркибий қисмлари аниқ баҳоланишини назарда тутади. Норматив харажатлар бу тизимда нафақат ўртача норма, балки аввалги йиллар тажрибаси асосида синалган комплекс баҳолаш мезонларидир.

Юқоридаги ижобий томонлар билан биргаликда "Стандарт-кост" тизимининг қуйидаги камчиликлари ҳам мавжуд:

— "Стандарт-кост" тизимини қўллаш ва уни такомиллаштириш кўп вақт ва харажатлар талаб қилади. Аммо амалиёт кўрсатишича, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига бу харажатлар тезда қопланиб кетади;

— "Стандарт-кост" тизими иқтисодиётда баҳолар, фоиз ставкалари, ишлаб чиқариш технологиялари ва усуллари интенсив ўзгариб турадиган, беқарор шароитларда ижобий самара бермай, ўз долзарблигини йўқотади. Ўз навбатида, бундай шароитларда тизим харажатларни оператив назорат қилишдаги устувор

вазифаларни бажармай, самарали бошқариш дастаги ролини ижро этмай қолади;

— хусусан, бозордаги рақобат натижасида шаклланган баҳонинг ўзгариши ва инфляцияни, омбордаги тайёр маҳсулотлар қолдиғи ва тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини ҳисоблашни мураккаблаштиради;

— стандартларни барча ишлаб чиқариш харажатларига қўллаб бўлмайди, шу сабабли уларни назорат қилиш сусаяди;

— корхона қисқа муддат ичида тавсиф ва типи бўйича турли буюртмаларни катта миқдорда бажараётганда стандартларни ҳар бир буюртмага ҳисоблаб чиқиш имкони чегараланган. Бундай ҳолларда илмий асосланган стандартлар ўрнига ҳар бир маҳсулотга ўртача қиймат белгиланади, у маҳсулотга баҳо белгилаш учун асос (базис) бўлиб ҳисобланади.

Ушбу камчиликларга қарамай корхоналарнинг раҳбарлари ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини калькуляциялаш, шунингдек, бошқариш, режалаштириш ва зарурий қарорлар қабул қилиш учун назорат ўрнатишнинг ишончли қуроли сифатида "Стандарт-кост" ҳисоб тизимидан фойдаланадилар.

Норматив усул ва "Стандарт-кост" тизимини ўрганиш улар ўртасида умумийликлар мавжудлигини тасдиқлайди. Демак, ҳар иккала тизим учун қуйидагилар умумий тамойил бўлиб ҳисобланади:

— харажатларни қатъий нормалаштириш;

— харажатларни алоҳида моддалари бўйича норматив калькуляцияни олдиндан (ҳисобот даври бошлангунча) тузиш;

— четланишларнинг пайдо бўлиши ва жавобгарлик марказларидаги четланишлар ва жорий нормалар бўйича харажатларнинг бўлиниш ҳисоби ҳамда назорати;

— ишлаб чиқариш жараёнида ва харажатларни бошқаришдаги салбий ҳодисаларни бартараф этиш учун ахборотдан фойдаланиш мақсадида пайдо бўлган четланишларни тизимли умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

— маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ва харажатлар ҳисоби усулларининг ҳар тарафламалиги ҳамда имкониятларини

инобатга олиш.

Шуни таъкидлаш лозимки, қайд қилинган умумий тамойиллар ўртасида қуйидаги айрим тафовутлар мавжуд:

– норматив усулдан фарқли равишда "Стандарт-кост" ҳисоб тизимида харажатлар нормалари ўзгаришларининг алоҳида ҳисоби олиб борилмайди;

– харажатларнинг дастлабки ҳисобланган нормалари ҳақиқий харажатларни стандартларга мувофиқ ҳолга келтириш учун қатъий белгиланган ставкалар сифатида кўриб чиқилади;

– четланишлар пайдо бўлганда стандарт нормалари ўзгармайди;

– улар бутун ҳисобот даврига нисбатан барқарор бўлиб қолади.

"Стандарт-кост" ҳисоб тизимидан фарқли ўлароқ, норматив ҳисоб ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиб, сотиш жараёнига мўлжалланмаган. Бу эса маҳсулотнинг сотиш баҳосини белгилаш ва асослашни қийинлаштиради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби тизимини ислоҳ қилиш жараёни бормоқда. У бозор иқтисоди ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талабларига тобора кўпроқ мувофиқлаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг "Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот" номли 1-сонли БҲМСига кўра корхоналарга ҳақиқий ва норматив таннарх бўйича бухгалтерия ҳисоби объектларини баҳолаш ва акс эттириш, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг шакл ва усулларини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилган. Масалан, норматив таннарх бўйича тайёр маҳсулотларнинг синтетик ҳисобини ташкил этувчи корхоналар янги счетлар режасига мувофиқ (2002й.) 2800-"Тайёр маҳсулотлар ҳисоби" счетларини қўллашлари мумкин. Бу счет ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳақидаги ахборотларни умумлаштириш ва уларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархини норматив (стандарт) таннархидан четланишларини аниқлаш учун мўлжалланган.

Ҳисобот ойи тугаганда 2010-"Асосий ишлаб чиқариш" счетида қайд этилган маҳсулотларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи

шу счет кредитидан 2810 "Омбордаги тайёр маҳсулот" счети дебетига тузатиш проводкалари билан ўтказилиши керак. Бунда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот ҳақидаги ахборот икки хил баҳода шаклланади: дебет бўйича — ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи, кредит бўйича – норматив таннарх. Ой охирида 2810-"Омбордаги тайёр маҳсулотлар ҳисоби" счети бўйича дебет ва кредит оборотларини таққослаш билан ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархининг норматив таннархдан четланиши аниқланади. Четланиш суммаси 2810-"Омбордаги тайёр маҳсулотлар ҳисоби" счети кредитидан 9100-"Сотилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархи ҳисоби" счетларининг дебетига ҳисобдан чиқарилиши лозим. Ҳар чоракда 2810-"Омбордаги тайёр маҳсулотлар ҳисоби" счети ёпилади ва келаси чоракнинг бошигача қолдиққа эга бўлади.

Корхоналар амалиётида норматив таннарх ҳисоблаш тизими орқали маҳсулот таннархини калькуляция қилиш харажатлар ҳисобини халқаро "Стандарт-кост" ҳисоб тизимига мувофиқлаштиришни таъминлайди.

Ҳисоб амалиётида 2800-"Тайёр маҳсулотлар ҳисоби" счетларидан фойдаланишда маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи ишлаб чиқарилган, юклаб жўнатилган ва сотилган маҳсулотлар бўйича унинг норматив таннархидан четланишлари бўйича меҳнатталаб ҳисоб-китобларни амалга оширши зарурияти қолмайди, чунки тайёр маҳсулотлар бўйича аниқланган четланишлар дарҳол 9100-"Сотилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархи ҳисоби" счетларига ёзиб қўйилади, бироқ бу вариант фақаттина маҳсулот ишлаб чиқарилган ва ўша чоракнинг ўзида сотилган бўлсагина сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини аниқлашга имкон беради.

Амалдаги счетлар режаси корхоналарда норматив таннарх бўйича материаллар ҳисобини икки усул билан олиб борши имконини яратади:

— ҳақиқий таннарх бўйича;

— ҳисоб баҳолари бўйича.

Корхоналар ҳисоб баҳолари сифатида материалларни сотиб

олишда норматив ёки режадаги қийматдан, сотиб олиш ёки ўртача баҳолар ва ҳ.к.дан фойдаланишлари мумкин.

Биринчи усулга кўра, 1000-"Материаллар ҳисоби" счетларида материалларни сотиб олиш ва тайёрлаш бўйича барча ҳақиқий харажатлар акс эттирилади.

Иккинчи усулда, 1510-"Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш ҳисоби" ҳамда 1610-"Материаллар қийматидаги четланишлар ҳисоби" счетларидан фойдаланилади. Ушбу усуллардан биронтасини қўллашни корхона мустақил белгилайди ва уни ўз ҳисоб сиёсатида кўрсатади.

Материалларнинг синтетик ҳисоби норматив усул билан олиб борилганда материаллар кирими ҳақиқий таннарх бўйича 1510-"Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш ҳисоби" счетининг дебетида олиб борилади. Бунда кирим дафтарига ёзилган материалларнинг норматив қиймати 1000-"Материаллар ҳисоби" счётлари ва сотиб олинган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархининг норматив таннархидан четланишлари 1610-"Материаллар қийматидаги четланишлар ҳисоби" счетининг дебети ҳамда 1510-"Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш ҳисоби" счетининг кредитида акс эттирилади.

Материал ва бошқа ишлаб чиқариш заҳираларининг счетлар режасида акс эттирилишидаги вақт ўртасидаги тафовут "Стандарт-кост" ҳисоб тизимини қўллашга салбий таъсир кўрсатади, чунки бир томондан тайёр маҳсулотлар заҳиралари ва жўнатилган товарлар норматив таннарх бўйича ҳар ҳисобот кунининг охирида акс эттирилса, иккинчидан материал заҳиралари ва туталланмаган ишлаб чиқариш ҳақиқий таннархи бўйича ҳисобот даврининг охирида қайд қилинади.

3.4. "Директ-костинг" тизими бўйича харажатларни ҳисобга олиш

Корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш ва самарали бошқариш таннарх аниқлашнинг замонавий тизимларини амалиётга жорий қилишни тақозо этади.

"Директ-костинг" ҳисоб тизими ҳам республикамиз бухгалтерия ҳисоби учун янги тизимлардан ҳисобланиб, бугунги кунда иқтисодий ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилмоқда. Германия ва Австралияда мазкур усул "қисман харажатлар ҳисоби" деб аталади. Британияда у "маржинал харажатлар ҳисоби", Францияда "маржинал бухгалтерия" ёки "маржинал ҳисоб" деган номларни олган. Ўзбекистонда эса "чекланган, тўлиқ бўлмаган ёки қисқартирилган таннарх ҳисоби" тушунчалари қўлланилиб келмоқда.

Ғарб мамлакатларида маржинал даромад усулидан ишлаб чиқаришни (экстенсив) ривожлантириш модели ўрнига янги модел — интенсив ривожланиш модели сифатида фойдаланила бошланди. Бундай моделдан фойдаланиш, ўз навбатида, харажатларни бевосита ва билвосита, асосий ва қўшимча, доимий ва ўзгарувчан харажатларга аниқ бўлишни ва шу асосда бошқаришнинг стратегик вазифаларини ҳал этишни талаб қилади.

Шуни назарда тутиш керакки, "Директ-костинг" тизимининг пайдо бўлиши соф бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ эди. Ҳисоб ходимлари ўша даврда шундай хулосага келишдики, барча харажатлар мазкур ҳисобот даврига ва шу даврдаги ишлаб чиқарилган маҳсулот билан боғлиқ, яъни, улар маҳсулот сотилгандаги ҳисобот даврига тегишли бўлиши лозим.

"Директ-костинг" тизимининг асосий мақсади корхона харажатларини ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқ ҳолда доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлишдан иборат.

Дастлабки босқичда таннархга фақат ўзгарувчан харажатлар киритилар эди, доимий харажатлар эса корхонанинг молиявий натижаларига ҳисобдан чиқарилар эди. Direct-Costing-System (бевосита харажатлар ҳисоби тизими)нинг номи ҳам шундан келиб чиққан, кейинроқ "Директ-костинг" тизими шундай ҳисоб тизимига айландики, унда таннарх фақат бевосита ўзгарувчан харажатлар қисмида ҳисоб қилинадиган бўлди. Мазкур номдаги бир қатор шартлиликлар ана шундан келиб чиққан.

Амалиётда "Директ-костинг" тизимини турли вариантларда

қўллаш имконияти мавжуд. Бевосита харажатлар бўйича калькуляциялашни кўзда тутувчи классик "Директ-костинг" тизимида харажатларни калькуляциялаш ўзгарувчан харажатлар бўйича амалга оширилади. Бунда ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона ва тўлиқ қуввати бўйича фойдаланиш харажатларини калькуляциялаш жараёнига барча ўзгарувчан харажатлар ҳамда умумишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми киради. Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициентига мувофиқ аниқланади.

"Директ-костинг" ҳисоб тизимида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот тизимидаги кўринишда акс эттирилади.

3.2.-жадвал

Шаҳриҳонсут" ХЖнинг 2003 йилги маълумотлари асосида "Директ костинг" ва маҳсулотнинг тўлиқ таннархини ҳисоблаш тизимлари бўйича корхона молиявий натижасини аниқлашнинг қиёсий кўриниши

№	"Директ-костинг" тизими бўйича	Сумма	№	Тўлиқ таннарх усули бўйича	Сумма
1.	*Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан тушган тушум*	358357	1.	*Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан тушган тушум*	358357
2.	*Ўзгарувчан харажатлар (сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархи)*	288916	2.	*Сотилган маҳсулотларнинг тўлиқ таннархи*	334484
3.	*Маржинал даромад (1қ-2қ) (маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарар))*	69441	3.	*Асосий (операцион) фойда (зарар)*	23873
4.	*Доимий харажатлар (давр харажатлари)*	45568			
5.	*Асосий (операцион) фойда (зарар)*	23873			

Жадвал маълумотлари молиявий натижани аниқлаш тартибидан келиб чиқиб "Директ-костинг" ҳисоб тизими ва маҳсулотнинг тўлиқ таннархи ўртасидаги фарқли жиҳатларни ифода этади.

Шундай қилиб, "Директ-костинг" ҳисоб тизими қуйидаги хусусиятларга эга:

— ҳисобни биринчи навбатда маржинал даромад, яъни, оралиқ

молиявий натижани аниқлашга йўналтирилиши;

маҳсулотни фақат ўзгарувчан харажатлар нуқтаи-назаридан ҳисобга олиш ва ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш;

корхона бўйича доимий харажатлар ҳисоби ва уларни якуний молиявий натижани аниқлаш учун операцион фойдани камайтиришга қаратиш;

– баҳони тезкор бошқариш жараёни асоси сифатида маржинал даромадни аниқлаш;

– сотиш ҳажми, таннарх ва фойда ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва муносабатни аниқлаш;

– зарарсизлик нуқтасини белгилаш.

"Директ-костинг" ҳисоби тизимининг асосий афзалликлари қуйидагилар:

— маҳсулот таннархини ҳисоблашдаги соддалаштириш ва аниқлик (чунки, таннарх фақат ўзгарувчан харажатлар қисмидагина режалаштирилади ва ҳисобга олинади);

— маҳсулот турлари ўртасида доимий харажатларни шартли тақсимлаш учун мураккаб ҳисоб-китоблар қилинмаслиги (улар маҳсулот таннархи таркибига киритилмайди ва молиявий натижалар ҳисобидан қопланади);

— рентабеллик даражаси (зарарсизлик нуқтаси, сотиш ҳажми), маҳсулот баҳосининг қуйи чегарасини аниқлаш имконияти;

— маҳсулотнинг хилма-хил турлари бўйича рентабеллик даражасини қиёсий таҳлил қилиш имконияти;

— маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулай дастурини аниқлаш имконияти;

— ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ёки хизматлар ҳамда уларни четдан сотиб олишдаги танлов имконияти.

"Директ-костинг" ҳисоб тизими раҳбарларга корхона миқёсида ва турли маҳсулотлар бўйича маржинал даромаднинг ўзгаришига эътиборни кучайтиришга имкон беради, бунда юқори рентабелли маҳсулотни аниқлашда сотиш баҳоси ва ўзгарувчан харажатлар суммаси ўртасидаги тафовут алоҳида маҳсулотлар таннархига доимий харажатларни киритиш натижасида яширинib қолмайди,

мазкур тизим бозор шароити ўзгаришига жавобан харидоргир маҳсулотларни тез илғаб олиш имконини беради. Эркин бозор рақобати шароитида "Директ-костинг" ҳисоб тизими корхонани бошқарин тизими — маркетингнинг таркибий қисмига айланади.

Бундан ташқари, "Директ-костинг" ҳисоб тизими доимий харажатлар устидан тезкор назорат ўрнатишга кўмаклашади, чунки таннархни назорат қилиш жараёнида стандарт (норматив) харажатлар ("Директ-костинг" ҳисоб тизими "Стандарт-кост" тизими билан биргаликда ташкил этилади) ёки мослашувчан сметалардан фойдаланилади. Модомики, "Директ-костинг" тизимида стандартлар қўлланилар экан, бунда ўзгарувчан ва доимий харажатларга нормалар белгиланади. Шуни назарда тутиш керакки, тўлиқ таннарх ҳисоби тизимида қўшимча харажатлар тақсимланмаган суммасининг бир қисми бир ҳисобот давридан бошқасига ўтади, шу боис, уларни назорат қилиш сустлашади. Бундай ҳолда "Директ-костинг" тизими қўшимча харажатлар тақсимланишининг меҳнатталаблигини камайтиришга ёрдам беради.

Шунингдек, "Директ-костинг" тизимининг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш унга хос бўлган қуйидаги камчиликларни аниқлашга имкон беради:

— рақобат курашида баҳоларни сунъий равишда пасайтириш кузатилса, доимий харажатлар маржинал даромад ҳисобидан қопланиши мумкин бўлмайди, яъни, корхона зарар кўра бошлайди.

— "Директ-костинг" тизими мухолифларининг фикрича, бу тизим ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тўлиқ таннархини счетлар тизимида аниқлаш мушкул. Шу боис, тайёр маҳсулот ёки тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг тўлиқ таннархини аниқлаш зарур бўлганда шартли-доимий харажатларни қўшимча тарзда тақсимлаш талаб этилади.

— фақат ишлаб чиқариш таннархи, яъни, моддаларни қисқартирилган номенклатура нуқтаи-назаридан ҳисоб олиб бориш ҳисоб талабларига жавоб бермайди, чунки бунда зарурий маҳсулотнинг тўла таннархи ҳисоб-китоб қилинмайди.

"Директ-костинг" тизимини Ўзбекистон корхоналарини бошқаришда қўллашнинг имкониятлари ва мақсадга мувофиқлигини таҳлил этиш тадқиқотнинг навбатдаги босқичи ҳисобланади.

Мустақиллик йилларигача маҳсулотнинг тўлиқ таннархини калькуляция қилиш Ўзбекистон бухгалтерия ҳисоби учун ноъанавий ҳисобланган. Ундаги ҳисоб маҳсулотнинг тўлиқ таннархи ҳақида маълумотлар олишга қаратилган. Бу вариантда маҳсулот таннархи доимий ва ўзгарувчан, асосий ва қўшимчаларга, бевосита ва билвосита, узлуксиз ишлаб чиқариладиган ва даврийга бўлинишидан қатъи назар, унга корхонанинг барча харажатлари киради. Бевосита маҳсулотга тааллуқли бўлмайдиган харажатлар ҳисобот даври мобайнида йиғиб-тақсимловчи счетларда тўпланади, сўнгра ҳисоб сиёсати бўйича тасдиқланган базага мутаносиб равишда маҳсулот таннархига ўтказилади, бироқ бу вариантда маҳсулот бирлиги таннархи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарганда ўзгариши ҳисобга олинмайди.

Агар корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни кенгайтирса, маҳсулот бирлиги таннархи пасаяди, агар корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартирса, таннарх ўсади. Бундай шароитда Ўзбекистон корхоналарида "Директ-костинг" тизимини қўллаш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги долзарб бўлиб қолади.

"Директ-костинг" тизими элементларини республикамиз амалиётида қўллашда 1994 йил бурилиш даври бўлди. Бунда корхоналар аста-секин таннархни калькуляция қилишнинг Ўзбекистон ҳисоби учун ноанъанавий бўлган усулини ўзлаштира бошладилар. Бу усул "Директ-костинг" тизими асосида жорий қилина бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартда 164-сонли "Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ва бухгалтерия ҳисоби счетлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори асосида бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш бўйича бир неча қадамлар қўйилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

томонидан тасдиқланган ва БМТнинг халқаро экспертлари иштирокида ишлаб чиқилган "Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида"ги Низом (1995 йил 27 январ) қабул қилинди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1995 йил 4 апрелдаги 17-02/28-сонли Йўриқномаси тасдиқланиб, унда маъмурий бошқарувга оид харажатлар "Давр харажатлари" деб аталиши ва улар "Фойда ва зарарлар" счетига ҳисобдан чиқарилиши белгилаб қўйилди. Албатта, бу тарихга айланган ҳақиқат, бироқ шу даврдан бошлаб Ўзбекистонда "Директ-костинг" тизими ва маржинал даромад концепциясига асос солинди, десак, муболаға бўлмайди. Мазкур қоида 21-БҲМСга асосан, бухгалтерия ҳисобида қўшимча харажатлар 9000-"Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби" счетларининг дебети ва 9400-"Давр харажатлари ҳисоби" счетларининг кредити бўйича қайд этилишини назарда тутган.

3.5. "JIT" тизими бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этиш

Корхоналар фаолиятида ишлаб чиқариш харажатларини мақбул даражада камайтириб, бозорбоп ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

Шу сабабли, хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқаришни бошқариш ва меҳнатни ташкил қилишда ривожланган мамлакатлар амалиётида фойдаланилаётган илғор усуллардан бири саналган "JIT" ("Just-in-time" яъни "Аниқ муддатда") тизимини қўллаш ижобий самара беради.

Бошқарув ҳисобини юритишнинг "JIT" тизими XX асрнинг 70-йилларида Японияда "Тойота" компаниясида жорий қилинди ва "Канбан", яъни, "Карточка" ёки ёзувнинг визуал тизими маъносида қўлланилиб келинмоқда. Шунингдек, ҳозирги вақтда бу тизимдан жаҳоннинг саноати ривожланган кўпчилик мамлакатларида муваффақиятли фойдаланилмоқда.

"JIT" тизимининг муҳим хусусияти маҳсулотларни йирик туркумларда ишлаб чиқаришдан воз кечиш, бунинг ўрнига узлуксиз, буюртма олинган вақтдан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобланади. Мазкур тизимнинг асосий мақсади барча ортиқча харажатларни бартараф қилиш ва корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланишни таъминлашдир.

Ушбу тизим "маҳсулотни унга талаб бўлгандагина ишлаб чиқариш", "фақат харидорнинг буюртмаси бўйича ишлаб чиқариш" каби тамойилларга асосланади, бу эса маҳсулот (иш ва хизмат)ларга бўлган талабни ҳар доим таклиф билан таъминлашга хизмат қилади.

"JIT" тизимида ишлаб чиқариш цехлари ва бўлинмалари майда-майда туркум буюртмалар билан таъминланади ҳамда доналаб маҳсулот ишлаб чиқариш бошланади. Бу тизим қўлланилганда корхонада товар-моддий заҳираларининг меъёридан ортиқчасини мавжуд бўлиши салбий ҳолат ҳисобланади. Сабаби, уларни сақлашга ортиқча харажатлар талаб этилади, шунингдек, моддий заҳираларнинг тўпланиб қолиши ва молиявий ресурсларнинг ҳаракатсиз туриши корхона фаолияти самарадорлигини сўндиради ва рақобатбардошлигини сусайтиради.

Бу тизимда ишлаб чиқариш жараёнида муомалаларнинг қатъий кетма-кетлиги таъминланиб, деталлар, қисмлар ва материаллар фақат фойдаланиш зарурияти туғилгандагина харид қилинади.

"JIT" ҳисоб тизими ишлаб чиқарилаётган туркум миқдорини, тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғини камайтириш, товар-моддий заҳиралари ҳажмини энг кам даражага келтириш ва ишлаб чиқариш буюртмаларини ойлар ва ҳафталар бўйича эмас, балки кунлар ва соатлар бўйича бажаришни кўзда тутади.

Ушбу тизимни қўллаш вақтида корхона харажатларининг бир қисми бевосита доимий харажатлар гуруҳидан ўзгарувчан харажатлар таркибига ўтади. Натижада, маъмурий харажатлар камайиб, бўлинмаларнинг ўз фаолиятлари натижалари учун жавобгарлиги, ўз навбатида эса моддий манфаатдорлиги ҳам ортади. Масалан, "JIT" тизими бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этиш шароитида ишлаб чиқариш линияларида ишчилар техник хизмат,

таъмир ва созлаш ишларини ҳам бажаришлари керак бўлади, аслида буларни бошқа ишчилар бажаришлари ва билвосита харажатларга киритишлари лозим эди. Бу ҳолат маҳсулот бирлиги таннархининг аниқлигини оширишга имкон беради.

"ЛТ" тизимини қўллаш хизмат сифатини кўтаришга ва баҳони аниқ белгилашга имконият туғдиради, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш жараёнини соддалаштиради, маҳсулот сифатини яхшилаш, анъанавий бошқаришда менежерларга ёрдам беради. Бу жараённинг соддаланиши ишлаб чиқариш ҳисоби тизимини баҳони бошқариш тизимига айлантиради. "ЛТ" ҳисоб тизимида материаллар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисоби битта яхлит счетда олиб борилади. Бундай шароитда материаллар, омбордаги заҳиралар устидан назорат учун алоҳида счетдан фойдаланиш ўз долзарблигини йўқотади.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли миллий стандартига биноан моддий бойликлар ҳаракати бўйича бухгалтерия ёзувлари қуйидаги тарзда амалга оширилади:

1. Пудратчилардан моддий заҳираларнинг келиб тушиши:

Дебет — "Материаллар ҳисоби" счетлари.

Кредит — "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар" счети.

2. Товар-моддий заҳиралар омборхонадан ишлаб чиқаришга берилди:

Дебет — "Асосий ишлаб чиқариш" счети.

Кредит — "Материаллар ҳисоби" счетлари.

3. Тайёр маҳсулотлар омборга қабул қилинди:

Дебет — "Тайёр маҳсулотлар ҳисоби" счети.

Кредит — "Асосий ишлаб чиқариш" счети.

4. Тайёр маҳсулотларни жўнатиш ва сотиш:

Дебет — "Сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи ҳисоби" счети.

Кредит — "Тайёр маҳсулотлар ҳисоби" счети.

Кўплаб фирмалар сотиб олишни ташкил этишда материалларни харид қилиш баҳосидан четланишлар ҳисобига асосий эътиборни

қаратади. Тегишли чегиришлар билан катта миқдордаги материалларни сотиб олиш ёки паст сифатли маҳсулот сотиб олиш ҳисобига, одатда, ҳисоб-китоб баҳосидан мақбул тарзда четланишларга эришилади. "JIT" ҳисоб тизими шароитида эса фақатгина сотиб олиш баҳолари даражасига эмас, балки материалларнинг сифатига, нафлилигига ва умумий қийматига катта эътибор берилади.

Ишлаб чиқариш анъанавий ташкил этилган кўплаб корхоналарда бошқарув ҳисоби соҳасидаги муаммоларнинг аксарият қисми меҳнат ва бошқа харажатлар бўйича норматив харажатлар ҳисобини жорий этиш, шунингдек, улар бўйича четланишлар ҳисобини юритишни ташкил қилади. "JIT" ҳисоб тизими бўйича ишлайдиган компанияларда "ишчи кучи ва қўшимча харажатлар бўйича четланишлар ҳисобига эътибор сусаяди. Четланишлар таҳлилидан фойдаланиш корхона даражасида сақланиб қолади, бироқ ҳар бир муайян ҳодиса учун четланишларнинг мутлақ аҳамияти нуқтаи-назаридан асосий эътибор ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришнинг маълум тенденциялари ҳисобига ўтади".

Ҳисобнинг анъанавий тизимида билвосита харажатларга киритиладиган кўпгина харажатлар "JIT" ҳисоб тизимида бевосита харажатлар таркибига киритилади (3.3-жадвал).

Бундан ташқари, ишлаб чиқариш самарадорлигининг эътироф этилган анъанавий кўрсаткичлари (масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш пормасининг бажарилиши ва ускуналардан фойдаланиш коэффициенти) "JIT" ҳисоб тизимидаги баҳони бошқариш тамойиллари доирасига киритилмайди. Бундай номувофиқлик:

1) корхонанинг режалаштирилган зарурий эҳтиёжларини инобатга олмасдан моддий бойликлар заҳираларини ортиқча тўпланишига сабаб бўлади;

2) меъёрий кўрсаткичлар асосида самарадорликни баҳолаш натижасида сотиш ҳажми ва маҳсулот сифатига қараганда ишлаб чиқариш ҳажмининг устуворлигига бўлган эътиборни кучайтиради.

"JIT ҳисоб тизими қуйидаги кўпгина афзалликларга эга:

3.3-жадвал

Бевосита ва билвосита харажатларнинг таснифланиши

№	Харажатларнинг турлари	Харажатлар турлари	
		Ҳисобнинг анъанавий тизимида	"ЛТ" ҳисоб тизимида
1.	*Меҳнат харажатлари*	*Бевосита*	*Бевосита*
2.	*Моддий харажатлар*	*Бевосита*	*Бевосита*
3.	*Материалларни қайта ишлаш*	*Билвосита*	*Бевосита*
4.	*Таъмирлаш ва техник хизмат*	*Билвосита*	*Бевосита*
5.	*Энергия таъминоти*	*Бевосита*	*Бевосита*
6.	*Жорий харажатлар*	*Билвосита*	*Бевосита*
7.	*Сифат назорати*	*Билвосита*	*Бевосита*
8.	*Бинолар ва иншоотлар амортизацияси*	*Билвосита*	*Билвосита*
9.	*Суғурта тўловлари, солиқ ва йиғимлар*	*Билвосита*	*Билвосита*
10.	*Бинолар ижараси*	*Билвосита*	*Билвосита*
11.	*Технологик жиҳозлар амортизацияси*	*Билвосита*	*Бевосита*
12.	*Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш*	*Билвосита*	*Билвосита*

— уни қўллаш товар-моддий заҳираларининг ортиқча тўпланиб қолишининг олдини олади.

— корхона фаолиятида "ЛТ" ҳисоб тизимидан фойдаланиш олинган буюртмаларнинг бажарилиш имкониятларини оширади, чунки бунда материалларни харид қилиш ва сақлашга кам вақт сарфланади. Буюртмаларни бажариш жараёнининг соддалашиши айланма маблағларнинг ҳам анча тежалишини таъминлайди. Бундай шароитда ишлаб чиқариш графиги бўйича ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми қисқаради. Бу ҳолат эса корхонага бозор конъюнктураси талабларидан келиб чиққан ҳолда вақтдан ютишга имкон беради.

Бунда корхонага фойдали бўлган ва бозоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришга тезкор ўтиш муносабати билан майда туркумли маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг ҳам юқори мослашувчанлигига эришилади.

Мазкур тизимни жорий этишда маҳсулот сифатининг яхшиланиши кузатилади. Буюртма берилган маҳсулот миқдори катта бўлмаганда сифат билан боғлиқ муаммо тез ҳал бўлади ва тузатишлар зудлик билан киритилади.

Юқоридагилардан ташқари "JIT" ҳисоб тизимининг бошқа афзалликлари ҳам мавжуд:

— товар-моддий заҳираларининг тўпланиб қолиш хавфи камаяди;

— материаллар ва тайёр маҳсулотлар заҳиралари учун омборхоналарни сақлашга сарфланадиган маъмурий харажатлар қисқаради;

— маҳсулот сифатини ошириш ҳисобига асосий материал харажатлари қисқаради;

— яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқариш туфайли зарар кўриш эҳтимоли ва қайта ишлаш харажатлари камаяди.

Шу билан бирга, "JIT" ҳисоб тизими ишлаб чиқариш ҳисоби хусусиятларига ҳам таъсир кўрсатади. Уни қўллаш орқали билвосита харажатларни камайтиришга эътибор кучаяди. Бундай ҳол харажат турлари ўртасида турли тақсимот базаларидан фойдаланиш заруратини камайтиради, шу билан бирга харажатлар калькуляциясининг аниқлиги ортади.

3.6. "ABC" тизими бўйича бошқарув ҳисобини ташкил қилиш

ABC ҳисоб тизими ("Activity-Based Costing") жавобгарлик марказлари бўйича таннарх ҳисоб-китобини "Директ-костинг" усулидаги каби доимий (fixed costing) ва ўзгарувчан (veriable costing) харажатларга бўлиб ҳисобга олишни, аммо асосий эътиборни фаолият турлари ва функционал хизматларга қаратишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Мазкур тизим бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар, жумладан Европа ва Америка корхоналари амалиётида кенг қўлланилади.

Умуман, ABC тизими фаолият турлари бўйича харажатлар ҳисобини (харажатларнинг функционал ҳисоби) англатади

3.4.-жадвал

Харажатларни самарали бошқариш тизимларини қиёсий таҳлили ва уларни сут саноатида қўллаш имкониятлари

Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари	Афзаллиги	Камчилиги	Самарали қўлланилиш соҳаси
1	2	3	4
"Директ-костинг" ҳисоб усули (оддий ва ривожланган)	– харажатларни меъёрлаштириш, режалаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг соддалаштирилганлиги; – ҳисобнинг қўшимча таҳлилий имкониятларини пайдо бўлиши; – ҳисоб маълумотлари асосида ишлаб чиқаришни оператив бошқариш имконияти; – маҳсулот таннархини аниқлашнинг оддий ва соддалиги; – маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажмини, ишлаб чиқариш ва молиявий дастаклар самарасини, молиявий чидамлилик заҳирасини аниқлаш имконияти; – баҳоларни қуйи чегарасини белгилаш имконияти.	– харажатларни доимий ва ўзгарувчанга асосли равишда ажратишда муаммолар туғилиши; – устама харажатларни тақсимлашда муаммонинг ечилмай қолиши; – маҳсулотлар тўлиқ таннархини аниқлашнинг заруриятини сақланиб қолиши; – солиқлар ҳисоби билан бевосита алоқа ва боғланишнинг мавжуд эмаслиги.	– назоратнинг самарали тизими ва устама харажатларни тақсимлашнинг оқилона усули танланганда барча хўжалик юритувчи субъектлар учун қўллаш имконияти мавжуд.
"Стандарт-кост" ҳисоб усули	– ўтган ҳисобот даврларида қилинган харажатларга эмас, балки истиқболни белгилашга асосланиб харажатларни режалаштириш; – юқори аниқликда таннархни калькуляция қилиниши; – харажатларни оператив назорат қилиниши; – бошқарувчиларни қутилаётган харажатлар ва даромадлар тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш; – нормативларнинг юқори даражада асосланганлиги.	– ҳисоб юритиш қийин, чунки бевосита ўзгарувчан харажатлар маҳсулот турлари бўйича, уларнинг айрим қисмлари эса - жавобгарлик марказлари бўйича режалаштирилади; – ҳисоб юритишнинг меҳнат талаблиги; – нормативларни доимо янгилаб туриш зарурлиги.	– сутни қайта ишловчи мини корхоналар; – бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар.

3.4.-жадвалнинг давоми

1	2	3	4
ABC ("Actiÿity-Based Costing) Харажатларнинг функционал ҳисоби усули	–фаолият турлари бўйича харажатларни гуруҳлаш имконияти; –маҳсулот таннархи таркибида ўзгарувчан харажатларнинг салмоги юқори бўлиши таъминланиб, буюртмалар сони ва маҳсулот ассортиментини ошириб юборилмаслигини назорат қилади; –устама харажатларни имконият даражасида аниқ тақсимлаш ва натижада таннархни ҳисоблашни амалга оширилиши.	– бевосита харажатларнинг тўлиқ назорат қилинмаслиги.	– сутни қайта ишлаш корхоналари ва иқтисодиётнинг бошқа ишлаб чиқариш соҳалари.
SCA (Strategic Cost Analysis) Харажатларни стратегик таҳлил қилиш усули	– маҳсулот сифатини комплекс бошқариш тамойили (TQM) асосида маҳсулот сифатини ва ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш; – истеъмол қиймати (харидорнинг ютуғи)ни шакллантириш занжири ёрдамида рақобатчилар устидан барқарор мавқега эга бўлиш; – устама харажатларни минималлаштириш; – фан-техника тараққиётини ўрганиб бориш ва янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш.	– корхоналарда маҳсулот сифа-тини таҳлил қилишни амалга оширилмаётганлиги; – анъанавий бухгалтерия ҳисобида харажатлар меъёрларини бозор шароитларига мослаб истиқболли тузатиб борилмаслиги; – режалаштирилган устама харажатлардан кескин четланишларнинг мавжудлиги, хомашё ва материаллар баҳоларининг тез-тез ўзгариб туриши.	– сутни қайта ишлаш корхоналари ва иқтисодиётнинг бошқа ишлаб чиқариш соҳалари.

(3.1-чизма).

Келтирилган чизмадан кўриниб турибдики, АВС тизими устама харажатлар динамикасини ва мазкур харажатлар турларининг келиб чиқиш сабабларини, шунингдек, уларни тайёр маҳсулот қийматига киритиш тартибини ҳисобга олишга имкон беради.

Ўзгарувчан харажатлар маҳсулот таннархига киритилади, улар ишлаб чиқариш харажатларини акс эттиради. Доимий харажатлар маҳсулот таннархига киритилмайди, балки маъмурий-бошқарув харажатлари сифатида молиявий натижалар ҳисобидан қопланади, бироқ амалда корхона фаолиятини юритиш учун бозорни тадқиқ этиш, маҳсулотларни узоқ муддат билан ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш талаб этилади. Шу боис, ҳисоб-китобларда маржинал харажатлар ва даромадлар яхши натижа беришига қарамай, "Директ-костинг" тизимини қўллаш фақат тегишли шароитлардагина самара бериши маълум бўлди (3.4-жадвал):

Биринчидан, корхонанинг бевосита харажатлари умумий харажатларнинг асосий қисмини ташкил этиши зарур.

Иккинчидан, корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ассортименти ва буюртмаларнинг сони ошириб юборилмаслигини назорат қилиш лозим. Бундай талаблар қўйилганда харажатлар ҳисобининг аввалги тизими корхонанинг янги стратегик бошқарув сиёсатига жавоб бера олмай қолади.

Бозор талаби ва рақобат муҳитига мослашиш учун маҳсулот ассортименти ва сифатини кескин ошириш лозим бўлади. Натижада, корхонада устама харажатларнинг иккита тури: ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ва бошқарув бўлинмаларини асраш билан боғлиқ харажатлар асосий ўринни эгаллайди.

Бунда буюртмаларни ва махсус компонентларни ишлаб чиқариш харажатларига эътибор қаратилади.

Буюртмаларни ишлаб чиқариш харажатлари шартномалар тузиш бўйича музокаралар олиб бориш, буюртмалар қабул қилиш, счетлар ёзиб бериш, юкларни жўнатиш ва қайта ишлаш каби харажатларни ўз ичига олади.

3.1-чизма. АВС тизими бўйича харажатлар ҳисоби

Махсус компонентлар ишлаб чиқариш харажатларига маҳсулотнинг янги турини ишлаб чиқариш учун харид қилинадиган ёрдамчи материаллар, бутловчи қисмлар, ярим тайёр маҳсулотларни келтириш бўйича шартномалар тузиш, ишлаб чиқаришни назорат ва экспертиза қилиш, нарядлар ёзиш харажатлари киритилади. АҚШнинг EMW компанияси мисолида кўрадиган бўлсак, махсус компонентларни ишлаб чиқариш жараёнида ҳар бир компонент учун алоҳида наряд тўлғазиш талаб қилинган. Натижада йил давомида ўндан ортиқ ишлаб чиқариш циклида 30000 та турли хил махсус компонентга 325000 долларлик нарядлар тўлғазилган.

Агар корхона бундай шароитда бозорни чуқур ўрганмаса, таннарх ва баҳо кўрсаткичларининг номутаносиблиги муқаррар тусни олади, яъни, майда туркумли маҳсулотга паст баҳо, йирик

туркумлиларга юқори баҳо белгиланади, натижада технологик оддий маҳсулотга қарагáнда мураккаб ва инновация талаб қиладиган маҳсулотларнинг фойдалилиги юқори бўлиб кўринади.

Бинобарин, бошқарув ҳисобининг асосий вазифаларини ҳал этиш учун харажатларни доимий ва ўзгарувчанга бўлиш усулини қўллаш ҳамма соҳада ҳам самара беравермагач, харажатлар ҳақида ишончли ахборотни олишнинг янги усулларини қидириб топиш АВС ҳисоб тизимининг пайдо бўлишига олиб келди.

АВС тизимида корхона ишчиси операциялар тўплами, деб қаралади. Иш жараёнида ресурслар истеъмол қилинади (материаллар, ишчи ҳақи, жиҳозлар) ва муайян натижа юзага келади. Ресурслардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда параллел равишда мураккаб ишчи операцияларини энг оддий қисмларга бўлиб чиқиш йўли билан корхонадаги ишлар миқдори ва кетма-кетлигини аниқлаш "АВС"ни қўллашнинг бошланғич босқичи ҳисобланади.

АВС доирасида маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги иштирокига қараб ишлар тўртта таркибий қисмга ажратилади: Unit Level (донали иш), Batch Level (тўпламли иш), Product Level (маҳсулотли иш) ва Facility Level (умумишлаб чиқариш харажатлари). Бундай тасниф харажатлар ва турли ишлаб чиқариш жараёнлари ўртасидаги қуйидаги боғлиқликни ўрганишга асосланади: маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш, буюртмани ишлаб чиқариш, маҳсулотни ишлаб чиқариш.

Бунда харажатларнинг ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ бўлган яна бир муҳим категорияси ҳисобга олинмайди — бу бутун корхона фаолиятини таъминловчи харажатлардир.

Бундай харажатларни ҳисобга олиш учун ишларнинг тўртинчи тоифаси — Facility Level (умумишлаб чиқариш харажатлари) киритилади.

Дастлабки уч тоифа, аниқроғи, уларга сарфланган харажатлар бевосита маълум бир маҳсулотга тегишли бўлиши мумкин, бироқ умумишлаб чиқариш харажатлари натижаларини бирон-бир маҳсулот турига тегишли қилиб кўрсатиб бўлмайди, шу боис, уларни тақсимлаш учун турли арифметик ҳисоб-китоблардан

фойдаланишга тўғри келади.

Фаолият турига сарфланган ҳамма ресурслар унинг қийматини ташкил этади. Корхонанинг барча фаолият турлари уларни бошқариш учун сарфланган харажатлар билан солиштириб чиқилиши керак. Кўпинча харажатлар моддаси қайсидир бир фаолият турига мос келади. Масалан, "Таъминот бўлими иш ҳақи" "Таъминот" иши жараёни қийматига киради.

Шу билан бирга "Бошқарув биноси ижараси" харажат моддаси мутаносиб равишда "Таъминот", "Ишлаб чиқариш", "Маркетинг" ва ҳ.к. харажат моддалари бўйича тақсимлаб чиқилиши керак.

АВС тизимига кўра фаолият турининг натижаси — кост-драйвер индекс ўлчамига, яъни, тақсимот базасига эга бўлиши муҳимдир.

Масалан, "Таъминот харажатлари" моддаси учун "Сотиб олишлар миқдори" кост-драйвер бўла олади, "Созлаш" моддаси учун— "Созлашлар миқдори".

АВСни қўллашнинг иккинчи босқичи кост-драйвер ҳисоб-китоби ва уларнинг ҳар бир ресурсларини истеъмол қилиш кўрсаткичларидан иборат. Бу кўрсаткич иш бажарилиши бирлиги қийматига кўпайтирилади.

Маҳсулот таннархини ҳисоблаш жараёни — АВС тизимини амалиётга қўллашнинг учинчи босқичини ташкил этади.

Корхонанинг фаолият турлари ва функционал хизматларини АВС тизимида ҳисобга олиш, шунингдек, инвестициялаш, ходимлар ҳисоби, кадрларни бошқариш каби соҳалар фаолиятини сифатли баҳолашга имкон беради.

3.7. "SCA" тизими бўйича бошқарув ҳисобини ташкил қилиш

SCA (Strategic Cost Analysis) — харажатларни стратегик таҳлил қилиш тизими бошқарув ҳисобининг муҳим элементи сифатида 90-йилларда пайдо бўлди. Мазкур ҳисоб тизимининг асосий таркибий қисми ва марказий объекти — истеъмол қийматини шакллантириш занжири (value chain) ҳисобланади.

Истеъмол қийматини шакллантириш занжири усулида ҳар бир таркибий бўлинма олдига истеъмол қийматини ҳозирги даражада сақлаган ҳолда харажатларни камайтириш ёки харажатларни кўпайтирмаган ҳолда истеъмол қиймати (даромад)ни ошириш имкониятини қидириш вазифаси қўйилади.

Занжирнинг ҳар бир халқаси ишлаб чиқариш жараёнида зарурлиги, шунингдек, истеъмол қилинадиган ресурслар нуқтаи-назаридан таҳлил қилинади, шундан сўнг аниқ муомалани бажариш қийматини тавсифловчи ўлчам — Cost Driver (кост-драйвер) аниқланади. Кост-драйвер ва қийматни шакллантириш занжирини қайта қуриш натижасида рақобатчилар устидан барқарор мавқега эга бўлишга ҳаракат қилинади. Бундан ташқари бошқарув ҳисоби корхонани кескин рақобат шароитида маркетинг мақсадларига бўйсунишига олиб келади.

Анъанавий бошқарув ҳисобида ягона кост-драйвер бўлиб маҳсулот ҳажми ҳисобланса, харажатларни стратегик таҳлил (SCA) қилиш усулида иккита: таркибий ва операцион кост-драйверлар кўриб чиқилади. Таркибий кост-драйвернинг бешта мезони мавжуд:

— ишлаб чиқаришнинг кўлами (ишлаб чиқаришга, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ) ва маркетингга йўналтирилган инвестициялар ҳажми);

— таъсир доираси (вертикал интеграция даражаси);

— тажриба (кутилаётган муомалаларни амалга оширишнинг аввалги иқтисодий тажрибаси натижаси қандай бўлган?);

— технологиялар ва уларнинг хусусиятлари;

— мураккаблик (маҳсулот (иш, хизматлар) номенклатурасининг кенглиги).

Операцион кост-драйверлар корхонанинг таркибий сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга кўмаклашиши билан тавсифланади. У ҳам ўз навбатида қуйидаги бўлакларга бўлинади:

— ходимларни жалб этиш — корхонанинг умумий мақсадига эришиш учун ходимлар қай даражада бу ишга жалб этилган;

— умумий сифат назорати (TQM - Total Quality Management);

— қувватлардан тўлиқ фойдаланиш даражаси;

маҳсулотларнинг конструкцияси;

мол юборувчи ва харидорлар билан алоқалар.

Агар маҳсулот таннархи анъанавий баҳо шаклланишининг *таъси қилиб олинса*, корхонанинг маҳсулот ҳажми ва чакана баҳоси бизасида — "Аниқ мўлжалли таннарх" номли бизга ноғанин бўлган *янги* категория туғилади. Шундай қилиб, харажатларни стратегик бошқаришга ишлаб чиқариш ҳажмини назорат қилиш, харажатларни иқтисод қилиш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, сотиш ва реклама харажатларини минималлаштириш орқали эришилади.

Мисол. Компания видеотехника ишлаб чиқариш жараёнида видеомагнитофонларни такомиллаштириб, ўз-ўзини тозалаб борувчи қалпоқчалар билан жиҳозлаши учун 10 доллар қўшимча маблағ сарфлайди. Бу анъанавий бошқарув ҳисоби назарияси бўйича ортиқча харажатдир. Агар харидор қалпоқчани ўзи сотиб олса, бу унга йилига 20 долларга тушади. Видеомагнитофон 5 йил хизмат қилса, демак харидор 100 доллар қўшимча маблағ сарфлайди. Ишлаб чиқарувчи шуни инобатга олиб, истеъмол қийматини шакллантириш занжири қоидасига биноан (100-10=90) 90 доллар иқтисод қилинадиган маблағ ҳисобидан баҳони 10 долларга ошириши мумкин.

Демак, корпоратив стратегия корхона эришишни мақсад қилиб қўйган стратегик мақсадлар тўплами бўлиб, уларни амалга ошириш натижасида корхонада бажариладиган ишлар моделини тузиш, корпоратив стратегияни рўёбга чиқаришда корхона бизнес жараёнининг қайта ташкил қилинишини таъминлайди.

3.8. Функционал - қиймат таҳлили усулини бошқарув ҳисобида қўллаш

Функционал-қиймат таҳлили (ФҚТ) усули объект (маҳсулот, жараён, тузилма)ни тизимли тадқиқ қилишнинг сифат ва фойдалилигини оширган ҳолда уни лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва фойдаланиш соҳаларида харажатларнинг энг кичик миқдорини таъминловчи усулдир.

ФҚТ иқтисодий таҳлилнинг истиқболли усули сифатида бошқарув ҳисобининг муҳим таркибий қисми ва воситаси ҳисобланади.

Рақобатли бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар ўз иқтисодий фаолиятини ташкил этишда доимо ички ва ташқи омиллар таъсирига дуч келади. Бу каби ҳолатлар ҳар бир корхона ва фирмага молиявий-хўжалик фаолиятини чуқур таҳлил қилиш асосида оқилона бошқарув қарорлари, чора-тадбирларини қабул қилиш заруриятини юзага келтиради. Бу масалаларни ҳал этишга ФҚТ усулини қўллаш асосида осонгина эришиш мумкин. ФҚТ усулидан жаҳон иқтисодиётида, хусусан, ривожланган мамлакатлар амалиётида кенг фойдаланилиб келинмоқда.

Хориж амалиётида функционал-қиймат таҳлилидан "қиймат таҳлили" ва "муҳандислик қиймат таҳлили" номи остида фойдаланилмоқда. Биринчи атамада сўз мавжуд маҳсулотлар таҳлили ҳақида борса, иккинчиси — янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш лойиҳалаштирилаётганда қўлланилади, бироқ, ҳар икки турдаги таҳлилнинг мақсади бир: иккаласи ҳам оз миқдордаги харажатлар ҳисобига маҳсулотларнинг муқобил сифатларини таъминлаш учун мўлжалланган. Ушбу усулни изоҳлаш учун хориж амалиётида "бойликка раҳбарлик қилиш" ёки "бойликни бошқариш" атамалари тобора кўпроқ қўлланилмоқда.

Дастлаб функционал-қиймат таҳлили усули фақат ортиқча харажатларни аниқлашнинг муҳим воситаси ҳисобланган. Бироқ ундан ҳозирги кунда маҳсулотларни лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнида турли тадбирларни ташкил этиш ва бошқариш соҳасида самарасиз бошқарув қарорлари қабул қилишни бартараф этиш мақсадида кенг фойдаланила бошланди.

Функционал-қиймат таҳлили усули маҳсулот ишлаб чиқариш ва у билан боғлиқ бошқа харажатларни пасайтиришда фойдаланиладиган усуллардан тубдан фарқ қилади, чунки, у функционал ёндашувни назарда тутади. Бу ёндашувнинг моҳияти объектни муайян шаклда эмас, балки у бажарадиган функциялар нуқтаи-назаридан таҳлил қилиб чиқишдир.

Функционал ёндашув нафақат буюртмачиларнинг муайян

эҳтиёжларини ўрганиш, балки бу эҳтиёжларнинг миқдор ва сифат жиҳатларини чуқурроқ таҳлил этиш, уларни ишлаб чиқаришга мувофиқлаштиришни ҳам талаб қилади.

Функционал-қиймат таҳлилида функция дейилганда, муносабатларнинг айни тизимида бирон-бир объект хусусиятини ташқи томондан намоён бўлиши тушунилади.

Функционал-қиймат таҳлилининг объекти сифатида унинг функциялари (маҳсулотлар ва жараёнларнинг истеъмол хусусиятлари), яъни, истеъмол қиймати, нафлилиги билан бу функцияларни яратишга сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнат харажатлари ўртасидаги муносабат тушунилади.

ФҚТнинг предмети эса аниқ меҳнат маҳсули (маҳсулотлар ва жараёнлар)нинг истеъмол қиймати ва қиймати ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаси ҳисобланади.

Функциялар объектга қараб асосий, ёрдамчи ва кераксиз ларга бўлинади.

Асосий функциялар харажатларни уларнинг қиймати ва истеъмол қиймати нуқтаи-назаридан таҳлил этишдан иборат. Ёрдамчи функциялар дейилганда асосий функцияларни бажаришга ёки уларни тўлдиришга имкон берувчи функциялар тушунилади. Кераксиз функциялар тузилманинг асосий вазифасини бажаришга имкон бермайди, аксинча, объектнинг техник жиҳатлари ва иқтисодий кўрсаткичларини ёмонлаштиради.

ФҚТ усулини иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш, савдо-сотиқ каби соҳаларига самарали жорий этиш имконияти мавжуд.

Функционал-қиймат таҳлили бир қанча босқичларда амалга оширилади.

Дастлабки, тайёргарлик босқичида асосий таҳлил объекти ҳисобланган харажатлар манбаи аниқланади. Бу жараён, айниқса, ишлаб чиқарувчининг ресурслари чекланганда алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, кўп миқдорда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни такомиллаштириш, уларга ишлов бериш корхонага кам миқдорда ишлаб чиқариладиган бошқа қимматроқ маҳсулотга қараганда кўпроқ фойдали бўлиши мумкин. Бошқаларига нисбатан таннархи

арзон ва сифати юқорироқ маҳсулот тури топилса мазкур босқич тугалланган ҳисобланади.

Иккинчи, ахборот босқичида тадқиқ қилинаётган объект ва уни ташкил этувчи қисмлар (материаллар, маҳсулот таннархи) тўғрисидаги маълумотлар тўпланади. Бу маълумотлар очиқ ахборот тармоғи орқали корхонанинг конструкторлик, иқтисодий бўлинмалари ва истеъмолчиларидан тегишли хизматларнинг раҳбарларига бир неча йўналишлар бўйича келиб тушади. Истеъмолчиларнинг талаблари бўйича маълумотлар корхонанинг маркетинг бўлимида жамланади. Таҳлил жараёнида дастлабки маълумотларга қайта ишлов берилади ва улар барча манфаатдор бўлинмалардан ўтгандан сўнг, сифат ва харажатларнинг тегишли кўрсаткичлари лойиҳа раҳбарига тақдим этилади.

Учинчи, таҳлилий босқичда маҳсулот функциясини (унинг таркиби, фойдалилик даражаси) қиймати ва иккинчи даражали фойдасиз функцияларни комплекс таҳлил қилиш имкониятлари ўрганилади. Бу босқичда маҳсулотнинг қисмлари нафақат техник, балки таркибий, эстетик ва бошқа жиҳатлардан ҳам таҳлил қилинади.

Ушбу таҳлилни Эйзенхауернинг АВС тамойилидан фойдаланиб муваффақиятли амалга ошириш мумкин. Бунга кўра функциялар:

— бош, асосий ва фойдалиларга (А);

— иккинчи даражали, ёрдамчи ва фойдалиларга (В);

— иккинчи даражали, ёрдамчи ва фойдасизларга (С) бўлинади.

Бунда функцияларни амалга оширишда тақсимлаш жадвалидан фойдаланилади (3.5.-жадвал).

Ушбу жадвалга асосланиб, иккинчи даражали ва фойдасиз функциялар ҳамда харажатлар олиб ташланади. Бунда якуний жадвалга иккинчи даражали ёрдамчи, фойдасиз функциялар, уларнинг таркибий қисмлари киритилади. Бу уларнинг зарурлиги тўғрисида дастлабки хулоса қилишга имкон беради.

Шундан кейин смета ёки ундан муҳимроқ моддаларни ташкил этувчи бўлинмалар харажатлари бўйича жадвал тузилади ва ҳар бир бўлинманинг функцияларини таъминлашга сарфланадиган харажатлар режалаштирилади. Бу маҳсулот конструкциясига,

3.5.-жадвал

АВС тамойилига биноан "А" маҳсулот бўйича хизмат функцияларини тақсимлаш

Таркиб топтирувчи бўлинмалар	Функциялар				Бўлинмалар бўйича жами	Дастлабки хулоса
1.	АВ	В	В	С	1С	-
2.		С	А	С	2С	Такомиллаштириш керак
3.	В	А	В	С	1С	-
4.	С	В	В	А	1С	-
Функциялар бўйича жами	1С	1С	-	3С	-	-
Дастлабки хулоса	-	-	-	Тугатиш керак	-	-

ишлаб чиқариш технологиясига ўзгартиришлар, ўз маҳсулоти қисм ва бўлинмаларидан олинган бутловчи қисмларни алмаштириш, бир материални қайта ишлашда анча арзон ва тежамли бошқаси билан алмаштириш йўли билан харажатларни камайтиришнинг йўналишлари, уларни стказиб бериш миқдорларини аниқлаш имконини беради ва ҳ.к.

Ишлаб чиқариш омиллари бўйича функцияларга сарфланган харажатларнинг гуруҳлаштирилиши маҳсулот қийматини пасайтириш йўналишларини аниқлаш имконини беради. Бундай йўналишларни эксперт йўли билан аниқлашда харажатларни занжирли боғланиш усули асосида қиёслаган ҳолда тартиблаштириш, маҳсулотни арзонлаштириш йўлини танлаш лозим. Бунинг учун қуйидаги жадвал тузилади (3.6-жадвал).

Мазкур жадвал умумий харажатлардаги функцияларга сарфланган барча харажатларнинг оқилона салмоғи ва унга мос келувчи функция аҳамиятлилигини таққослаб, функциялар бўйича харажатлар коэффициентини аниқлаш имконини яратади (4-устун). Бунда, К2,1>1 га қараганда К3,4J1 фойдалироқ, деб танланади. Мазкур коэффициентнинг бирдан катта бўлиши ушбу функцияни самарадорлигини оширишзарурлигини билдиради. Бизнинг мисолимизда аҳамияти жиҳатидан 30% бўлган функция шундай функция ҳисобланади.

3.6-жадвал

Функцияларнинг аҳамиятлилиги ва улар қиймати коэффициентини тиққослаш

Функциялар даражаси	Аҳамиятлилиги, %	Умумий харажатлардан функцияларга сарфланган харажатларнинг солиштирма бирлиги, %	Функцияларга сарфланган харажатлар коэффициенти (К)
1	2	3	4
1	40	40	1,00
2	30	50	1,67
3	20	7	0,35
4	10	3	0,30
Жами	**100**	**100**	-

ФҚТнинг иқтисодий самарадорлигини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб, харажатлар имконият даражасида кичик ҳажмга эга бўлган шароитда, уларни пасайтириш қандай миқдорга эгалигини аниқлаймиз:

$$K_{ФҚТ} = \frac{Z_р - Z_м}{Z_м}$$

бу ерда,

$K_{ФҚТ}$ - ФҚТнинг иқтисодий самарадорлиги (жорий харажатларнинг пасайиш коэффициенти);

ZР — ҳақиқатда қилинган харажатлар йиғиндиси;

Zм — маҳсулотнинг лойиҳа бўйича сарфланадиган минимал харажатлари.

Тўртинчи босқич тадқиқот босқичи ҳисобланиб, унда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таклиф этилаётган вариантлари баҳоланади.

Бешинчи босқич хулоса ва тавсиялар босқичи бўлиб, унда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва такомиллаштиришнинг мазкур ишлаб чиқариш учун мақбул бўлган вариантлари ажратиб олинади. (3.7.-жадвал).

3.7 жадвал

Ишлаб чиқариш учун маҳсулотларни танлаш вариантлари бўйича қарорлар қабул қилиш

Кўрсаткичлар		Харажатлар			Бошқарув қарорлари вариантлари
		Паст	Ўртача	Юқори	
Функцияларнинг аҳамияти	Юқори	A Маҳсулот рентабеллиги юқори	B Маҳсулот рентабеллиги ўртача	C Маҳсулот рентабеллиги ўртача	Мақбул
	Ўрта	D Маҳсулот рентабеллиги юқори	E Маҳсулот рентабеллиги ўртача	F Маҳсулот рентабеллиги паст	Баҳсли
	Паст	G Маҳсулот рентабеллиги ўртача	H Маҳсулот рентабеллиги паст	J Маҳсулот рентабеллиги паст	Номақбул

Ушбу жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш вариантларини танланда A, B, C ва D маҳсулотларни ишлаб чиқаришга эътибор берилади. Уларда функцияларнинг аҳамияти ва ишлаб чиқариш рентабеллиги кўрсаткичлари юқори ва қўйилган талабларга жавоб беради.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш харажатлари паст бўлган шароитда функцияларнинг фаолияти юқори бўлганда рентабеллик даражаси юқори бўлади.

Буларнинг барчаси ишлаб чиқаришга муайян маҳсулотни ёки йўналишларни ва уларни қиёслаш миқёсини танлаш ҳақида қарор қабул қилишга хизмат қилади.

ФҚТнинг сўнгги босқичи, таҳлил натижаларини амалиётга қўллаш ҳисобланади. Бунда:

— маҳсулотнинг тажриба намуналарини тайёрлаш учун чизмалар ишлаб чиқиш;

— махсус мослама ва асбоб-ускуналарни тайёрлаш ҳамда лойиҳалаштириш;

— тажриба нусхаларини тайёрлаш ва синовдан ўтказиш;

— конструкцияларни ўзгартириш учун техник ҳужжатларни

ишлаб чиқиш;

буюртмачи, муаллиф ва ихтирочилар билан амалиётдаги ўзгаришларни келишиб олиш.

Бошқарув ҳисобида харажатларни келиб чиқиш жойлари ва жавобгарлик марказлари бўйича ҳисоб юритилганда ҳамда АВС усули қўлланилганда ФІҚТ тизими юқори самара беради.

Тест топшириқлари

1. Калькуляция бирлиги бу - ...

A) калькуляция объекти ўлчови;

B) маҳсулот таннархини аниқлаш усули;

C) жавобгарлик маркази тури;

D) корхона даромадлари унинг харажатларини тўлиқ қоплайдиган нуқта;

E) A ва B.

2. Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ҳисобдан чиқарилганда қандай бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади?

A) Дт 9110 Кт 8810;

B) Дт 9210 Кт 8920;

C) Дт 9110 Кт 2810;

D) Дт 9020 Кт 2810;

E) Дт 9110 Кт 2910.

3. Маҳсулот таннархини аниқланнинг буюртмали усули ...

A) қабул қилинган буюртмаларга сарфланган харажатларни умумлаштирувчи, мураккаб, алоҳида ва тажриба ишларини бажаришда қўлланилади;

B) бир ёки бир неча хилдаги маҳсулотларнинг унча катта бўлмаган туркумини тайёрлашда ҳар бир буюртма бўйича алоҳида харажатлар ҳисобини амалга оширади;

C) A ва B;

D) хомашёнинг бир неча жараёндан ўтганидан сўнг тайёр маҳсулот ҳолига келадиган ишлаб чиқаришларда фойдаланилади

E) маҳсулотлар бирлиги таннархининг норматив калькуляциясини тузиш, амалдаги нормалар ва улардан четланишлар бўйича харажатлар ҳисобини юритишни ифодалайди.

4. "Стандарт кост" ҳисоб тизими қачон ва қаерда пайдо бўлган?

A) 1911 йил АҚШда;

B) 1912 йил Францияда;

C) 1914 йил Италияда;

D) 1915 йил Болгарияда;

E) 1920 йил Россияда.

5. "Директ-костинг" ҳисоби тизими биринчи марта қачон ва қаерда пайдо бўлган?

A) 1934 йил Германияда;

B) 1936 йил АҚШда;

C) 1935 йил Францияда;

D) 1937 йил Японияда;

E) 1933 йил Англияда.

6. "JIT" ҳисоб тизими - ...

A) фаолият турлари ва функционал хизматлар бўйича ҳисоб юритишни назарда тутади;

B) корхонанинг маълум даврга мўлжалланган молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштиришни ифодалайди;

C) корхона харажатларини ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқ ҳолда доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлишга асосланган таннарх ҳисоблаш тизими ҳисобланади;

D) маҳсулотларни йирик туркумларда ишлаб чиқаришдан воз кечиш, бунинг ўрнига узлуксиз, буюртма олинган вақтдан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқариш орқали ортиқча харажатларни бартараф қилиш ва ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланишга қаратилган ҳисоб юритиш тизимидир;

E) харажатлар ҳисоби ва таннархни калькуляция қилиш тизими бўлиб, унда ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархи аввалдан ҳисоблаб чиқилган норматив харажатлар ёрдамида баҳоланади, кейин эса ҳақиқий қилинган харажатлар билан таққосланади.

7. Қайси қаторда "ABC" ҳисоб тизимининг камчилиги ифодаланган?

A) бевосита харажатларнинг тўлиқ назорат қилинмаслиги;

B) маҳсулот сифатини таҳлил қилиш амалга оширилмаётганлиги;

C) харажатларни доимий ва ўзгарувчанга ажратилмаслиги;

D) нормативларни доимо янгилаб туриш зарурлиги;

E) анъанавий бухгалтерия ҳисобида харажатлар меъёрларининг бозор шароитларига мослаб истиқболли тузатиб борилмаслиги.

8. SCA (Харажатларни стратегик таҳлил қилиш) усулининг афзалликлари келтирилган қаторни кўрсатинг.

A) маҳсулот сифатини комплекс бошқариш тамойили (TQM) асосида маҳсулот сифатини ва ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш;

B) истеъмол қиймати (харидорнинг ютуғи)ни шакллантириш занжири ёрдамида рақобатчилар устидан барқарор мавқега эга бўлиш;

C)устама харажатларни минималлаштириш;

D)фан-техника тараққиётини ўрганиб бориш ва янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;

E)барча жавоблар тўғри;

9.Функционал-қиймат таҳлили усули ...

A)объект (маҳсулот, жараён, тузилма)ни тизимли тадқиқ қилишнинг сифат ва фойдалилигини оширган ҳолда уни лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва фойдаланиш соҳаларида харажатларнинг энг кичик миқдорини таъминловчи усул;

B) корхона харажатларини ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқ ҳолда доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлишга асосланган таннарх ҳисоблаш тизими;

C)корхонанинг муайян қисмини ёки нисбатан мустақил бўлинмасини маълум ваколатлар ва масъулият бериш мақсадида ажратиш;

D)бўлинма раҳбари нафақат даромад ва харажатларга, балки капитал қўйилмаларга ажратилган маблағларнинг оқилона сарфланишига ҳам жавоб берадиган марказ тури;

E)харажатларни стратегик таҳлил қилиш тизими бўлиб, унинг асосий таркибий қисми ва марказий объекти истеъмол қийматини шакллантириш занжири ҳисобланади.

10. Функционал қиймат таҳлили усули нечта босқичда амалга оширилади?

A) 4 та;
B) 5 та;
C) 6 та;
D) 7 та;
E) 8 та;
F) 9 та.

Такрорлаш учун саволлар

1.Маҳсулот таннархи нима?

2.Маҳсулот таннархини ҳисоблашда калькуляция бирлиги қандай аҳамиятга эга?

3.Калькуляция бирликлари қандай таснифланади?

4.Калькуляция объектлари деганда нимани тушунасиз?

5.Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари қандай гуруҳланади?

6.Корхона фаолиятида норматив усулни қўллашнинг қандай афзалликлари мавжуд?

7.Ярим тайёр маҳсулотли ва ярим тайёр маҳсулотсиз усулларга изоҳ беринг.

8.Калькуляция қилишнинг буюртмали усулининг моҳияти нимада?

9.Маржинал таннарх усулининг қандай ижобий томонлари бор?

10. "Стандарт-Кост" ҳисоб тизимининг моҳияти нимадан иборат?

11. "Стандарт-Кост" ҳисоб тизими билан амалдаги норматив ҳисоб тизими ўртасида қандай умумий ва фарқли жиҳатлар мавжуд?

12. "Директ-костинг" ҳисоб тизимининг қандай афзалликлари мавжуд?

13.Бошқарув ҳисобини ташкил этишда "JIT" тизимининг қандай афзаллик томонлари мавжуд?

14."ABC" тизими бўйича бошқарув ҳисоби қандай ташкил этилади?

15. SCA ҳисоб тизими корхона фаолиятида қандай ўрин тутади?

Адабиётлар рўйхати

1. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 й. 30 август.

2. "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси

Қонуни. 2003 й. 11 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартлари. Т.: Ўз. БАМА. 1999.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги "Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги 54-сонли қарори (2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли қарор асосидаги ўзгартишлар билан).

5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон. 1998. 686 б.

6. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. "Халқ сўзи". 2002 йил 30 август. №183-184.

7. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. Т.: Ўзбекистон. 2004.-399 б.

8. Каримов И.А. Мавжуд салоҳият ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш тараққиёт омили.-Т.: "Халқ сўзи". 2004 йил 31-январ.

9. Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан бориш – асосий вазифамиз. 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза, 2004 йил 7-феврал. Т.12. Т.: Ўзбекистон. 2004.-399 б.

10. Каримов И.А. Об основных итогах социально-экономического развития Республики Узбекистан в 2004 году.-Т.: Налоговые и таможенные вести. 28 марта 2005 г. №14 (558).

11. Вахрушина М.А. Бухгалтерский управленческий учет. Учебное пособие.-М.: ЗАО Финстатинформ. 1999.-359с. (переиздание 2002 г., 528 с.).

12. Друри К. Управленческий и производственный учет.-М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2003.-1071 с.

13. Жуманиёзов К.К. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари. Т.: А.Қодирий ном. "Халқ мероси" нашриёти. 2003.- 159 б.

14. Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби.-Т.: Шарқ,

2004.-592 б.

15. Керимов В.Э., Иванова Е.В. Организация управленческого учета по методам "SCA" и "LCC" //Реформирование бухгалтерского учета и бухгалтерского образования в соответствии с международными стандартами: Тез. докл. науч. практ. конф. "Татуровские чтения".-М., МАКС Пресс. 2001. с. 399 (с. 148-154).

16. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма.-Т.: Академия. 2002.-176 б.

17. Райан Б. и др. Стратегический учет для руководителя.-М.: Аудит ЮНИТИ. 1998.-206 с.

18. Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.-Т.: Ўзбекистон БАМА нашр. I II-том. 2002. 122 б.

19. Сеничева С. Система "Стандарт-кост" — развитие и значение. //Реформирование бухгалтерского учета и бухгалтерского образования в соответствии с международными стандартами: Тез. докл. науч. практ. конф. "Татуровские чтения".-М.: МАКС ПРЕСС, 2001. с. 338-343.

20. Хасанов Б.А. Учет нормативных затрат в системе "Стандарт-кост". //Татуровские чтения. тез. докл. межд. конф. 2001.

21. Хасанов Б.А. Функционал-қиймат таҳлил усули-бошқарув ҳисобининг самарали воситаси. //Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2002. №12.

22. Хасанов Б.А. "JIT" тизими бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этиш асослари. Т.: //журн. "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси". 2004. №9.

23. Хасанов Б.А. Хўжамуродов А.М. Харажатларни стратегик бошқаришнинг хусусиятлари. // "Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ўсишини таъминлашда молия кредит механизмларининг самарадорлигини оширишнинг муаммолари": Халқ. илм-амал. сем. матер. 2004 йил 25 май.-Т.: БМА, Молия. 2004.

24. Қодирхонов С.Б., Жуманиёзов К.К. Чет эл фирмаларида бошқарув ҳисобини юритиш асослари.-Т.: 2000.

IV БОБ. БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

4.1. Бошқарув қарорлари ва уларни қабул қилиш босқичлари

Корхоналар иқтисодий фаолиятида бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёни алоҳида ўрин тутади, у юқори малака ва амалий тажрибага эга бўлишни талаб қилади.

Бошқарув қарорлари қабул қилиш корхона олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни аниқлашдан бошланади.

Бошқарув қарорлари амал қилиш даврига кўра стратегик (узоқ муддатли) ва қисқа муддатли қарорларга бўлинади.

Стратегик бошқарув қарорлари корхонанинг олдига қўйган мақсадига эришишида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Мазкур қарорлар корхона раҳбарияти томонидан истиқболли ривожлантириш дастурларини амалга ошириш мақсадида қабул қилинади.

Қисқа муддатли қарорлар қўйилган мақсадга эришишда қабул қилинадиган тезкор қарорлардир. Улар корхонанинг жорий режаларини тузиш, кадрлар масаласини ҳал қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда қабул қилинадиган бошқарув қарорларига бир қанча талаблар қўйилади. Бу талаблар бошқарув қарорларининг ишончлилигини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш зарурати билан изоҳланади.

Бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнига қуйидаги талаблар қўйилади:

— аниқ йўналишга эга бўлиши ва корхона манфаатларини тўлиқ ифода этиши. Бунда бошқарув қарорларининг корхона олдида турган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга ҳамда унинг фойдасини оширишга йўналтирилиши назарда тутилади;

– илмий амалий жиҳатдан асосланиши. Бошқарув қарорларини қабул қилишда корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти таҳлили натижалари, унинг иқтисодий имкониятлари ҳамда замонавий фан-техника ютуқларини тўлиқ ҳисобга олиш зарур;

— аниқ муддатларда қабул қилиниши ва амалга оширилиши. Бошқарув қарорларини амалга ошириш даври белгилаб олиниши лозим. Бу ҳолат унинг ўз вақтида ва оқилона бажарилишини назорат қилишга кўмаклашади;

— тезкор бўлиши. Бошқарув қарорлари бозор талаблари ва корхона молиявий хўжалик фаолиятидаги ўзгаришлардан келиб чиқиб зарур ҳолларда тезкор қабул қилиниши шарт.

— юқори иқтисодий самарадорликка эга бўлиши. Бошқарув қарорларини қабул қилишда унумсиз ва ортиқча харажатларни режалаштирилишига йўл қўймаслик лозим.

Шунингдек, бошқарув қарорларини қабул қилишда ходимлар манфаатлари корхонанинг умумий манфаатига мос бўлиши, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан тежамли фойдаланиш, корхонанинг иқтисодий, техникавий салоҳиятини таҳлил этиш каби жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Бу ҳол эса, ўз навбатида, корхоналардан бошқаришнинг бозор иқтисодиётига мос механизмларини шакллантиришни талаб этади. Ушбу механизмлар корхоналарнинг юқори самарадорлик билан фаолият кўрсатиши, бозорда барқарор мавқега эга бўлишини ва маҳсулотларининг рақобатбардош бўлишини таъминлаши зарур. Бу масалаларни ҳозирги замон менежментисиз ҳал этиш мураккаб ҳисобланади. Шу сабабли, корхоналарни ривожлантиришда замонавий менежментнинг мазмун ва моҳияти, вазифаларига батафсилроқ тўхталиш мақсадга мувофиқ.

Менежментга бағишланган иқтисодий адабиётларда унинг моҳияти ва мазмунига турли ёндошувлар мавжуд (4.1-жадвал):

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, менежментнинг кўп йиллик ривожланиши бошқарув фаолиятини ишлаб чиқариш вазифасидан фарқ қилувчи алоҳида вазифага ажратади.

Бошқарув вазифа сифатида у томонидан бошқарув вазифалари,

деб ном олган бошқарув жараёнларини амалга оширишда намоён

4.1-жадвал

Менежмент атамасининг моҳияти ва мазмунига мавжуд ёндошувлар

Менежментнинг моҳияти қуйидагича аниқланади:	Вазифа, фаолият тури
	Фан ва санъат
	Бошқарув органи ёки аппарат
	Жараён
	Инсонлар категорияси

бўлади. Улар биринчи марта француз олими А.Файол томонидан асосланган эди. Бу вазифалар режалаштириш, ташкил этиш, фармойиш бериш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш кабилардан иборат. Кейинчалик, бошқарув жараёнларини янада мукаммаллаштириш ҳисобига кўпгина ишланмаларда бу вазифалар тўлдириб борилган. Жумладан, менежмент вазифаларига мотивлаштириш, коммуникация, тадқиқ этиш, баҳолаш, қарорларни қабул қилиш кабилар қўшилди.

Менежментни вазифа сифатида кўриб чиқиш бошқарув фаолиятини ҳамма турларининг таркиби ва мазмуни, шунингдек, уларни замон ва макондаги ўзаро алоқадорлигини ишлаб чиқишни талаб этади.

Менежмент мустақил фан сифатида XIX асрнинг охирида шаклана бошлади. Унинг асосини кўп йиллар давомида тўпланиб борган бошқарув тўғрисидаги билимлар ташкил этади. Улар турли концепциялар, назариялар, тамойиллар, бошқарув услублари ва шаклларида ўз аксини топган. Менежментнинг фан сифатидаги таърифи асосида бошқарув хусусидаги билимларнинг шаклланганлиги ва муайян тизимга келтирилганлигига алоҳида ўрин берилади. Бу эса, биринчидан, корхоналарга жорий фаолиятни ўз вақтида самарали бошқаришга, иккинчидан эса истиқболни белгилаш ва унга мос равишда корхонанинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишга имкон беради. Шу боис, бошқарув фани ўзининг назариясини ишлаб чиқади. Унинг мазмунини эса

бошқариш жараёнида инсонлар фаолиятининг қонун ва қонуниятлари, тамойиллари, вазифалари ва услублари ташкил этади.

Амалиётда менежментни санъат сифатида тушуниш кенг тарқалган. У хўжалик корхоналари мураккаб тизим эканлиги ва уларнинг фаолиятига бир нечта ташқи ва ички муҳит омиллари таъсир этишига асосланади. Бундай мураккаб механизмни бошқариш юқори сифат даражадаги касбий тайёргарликни талаб этади. Шунинг учун ҳам менежмент санъат сифатида талқин қилинади ва у тегишли концепция, назария, тамойиллар, шакл ва услубларга таянади.

Бу каби ёндашувлар корхона менежерларига нафақат илмий билимларни доимо тўлдириб, янгилаб бориш, балки шахсий сифатларни такомиллаштириб бориш, ўз билимларини амалиётда қўллаш лаёқатини мустаҳкамлашни талаб қилувчи фан ва санъатни бир жараёнга бирлаштиришга имкон беради.

Корхоналарда ишловчи ходимлар ўз куч ва имкониятларини аниқ мақсадларга эришишга йўналтиришлари учун менежерлар улар билан доимий алоқада бўлишлари ва самарали фаолият кўрсатишлари учун шароит яратиб беришлари зарур.

Менежмент, шунингдек, интеграцион жараён сифатида ҳам талқин қилинади. Унинг асосида юқори касб малакасига эга мутахассислар корхона фаолиятини ташкил этади ва мақсадларни аниқлаш, уларга эришиш услубларини ишлаб чиқиш йўли билан корхонани бошқаради.

Таъкидланганидек, менежмент жараёни режалаштириш, ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш, мотивация ва назорат қилиш каби вазифаларни бажаришни назарда тутади. Улар ёрдамида менежер корхонада ишловчи ходимларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун шароит яратади.

Шу муносабат билан бошқарув жараёнини менежмент соҳасида юқори касбий тайёргарликка эга мутахассислар амалга оширади. Улар корхона фаолиятини юритади, мақсадларни белгилайди, унга эришиш усулларини ишлаб чиқиб амалда қўллайди. Бу санъатга маълум бир инсонлар категорияси — менежерлар эга бўлиши лозим. Уларнинг вазифаси ходимларни оқилона бошқариш натижасида

корхонанинг самарали фаолият юритишини таъминлашдан иборат.

Кўп ҳолларда менежмент орган ёки бошқарув аппарати билан тенглаштирилади. Менежмент — тижорат ва нотижорат корхоналарнинг ўзига хос органидир. Корхона бу органларсиз бир бутун тизим сифатида фаолият кўрсата олмайди. Шунинг учун бошқарув аппарати ҳар қандай корхонанинг таркибий қисми ҳисобланиб менежмент фаолиятига тенглаштирилди. Унда банд бўлган ходимларнинг бош вазифаси пировард мақсадга эришиш учун корхона ихтиёридаги барча ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Шундай қилиб, "менежмент" атамаси бошқарув хусусидаги адабиётларда жуда кенг талқин этилади. Бинобарин, унинг ҳар қандай таърифи тўлиқ эмас. Масалан, менежмент ҳар хил тамойиллар, вазифалар ва менежментнинг социал-иқтисодий услубларидан фойдаланиш асосида бозор иқтисодиёти шароитида ҳаракат қилувчи корхоналарнинг мақбул хўжалик натижаларига эришишга қаратилган касбий фаолиятининг ўзига хос тури. Бу таърифда урғу менежмент касбий фаолият тури эканлигига берилмоқда.

Менежмент алоҳида инсонлар ва жамоаларга тизимий таъсир этишни таъминлайди. Бундан мақсад, келишилган ҳолда биргаликда фаолият кўрсатиб, кўзланган мақсадга эришишдан иборат. Шунингдек, менежмент ҳаракатларни танлаш, уларни комбинациялаш, кетма-кетлигини белгилаш, пировард натижаларни баҳолашни назарда тутади.

Ҳозирги замон менежментининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

— ишлаб чиқариш ва бизнес самарадорлигини оширишга интилиш ҳамда корхона томонидан режалаштирилган пировард натижага эришишга йўналтирилганлик;

— ташқи муҳитдаги ўзгаришларга боғлиқ ҳолда белгиланган мақсадлар ва дастурларга доимо равишда тузатиш киритиб бориш;

— режалаштириш жараёнини жорийдан истиқболга қараб ўзгартириш;

бошқарув қарорларини қабул қилишда кўп вариантли ҳисобларни амалга оширишда учун ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш;

— корхона фаолиятини самарали бошқаришга барча ходимларни жалб этиш;

— бошқарув жараёнида рўй бераётган ўзгаришларни таҳлил этиш ва тегишли мослашувчан қарорлар асосида иш олиб бориш;

— корхона бошқарувининг барча бўғинларида инновацион ёндашувдан кенг фойдаланиш ва ҳ.к.лар.

Корхонани самарали бошқариш ходимларни қўйилган мақсадга эришиш учун моддий, иқтисодий, ҳуқуқий шароитлардан фойдаланиб биргаликда ҳаракат қилишларини ташкил этади. Ходимлар фаолиятининг шароитлари яхлит ҳолда корхонанинг ташкилий тузилмасини ташкил этади. Шу сабабли, корхонани ресурслар, ишлаб чиқариш жараёни ва маҳсулот каби уч элементдан иборат тизим сифатида тасаввур қилиш мумкин. Бунда бошқарув қисми объектнинг ҳолати тўғрисидаги ва бошқа ахборотлардан фойдаланиб қарорлар қабул қилиш орқали бошқарув жараёнини амалга оширади (4.1-чизма).

Шуни таъкидлаш зарурки, корхонани самарали бошқариш бевосита қуйидагиларга боғлиқ:

— аниқ мақсаднинг мавжудлиги. Бу корхонанинг самарали фаолият кўрсатишига имконият яратади, унинг ходимлари ҳаракати йўналишларини белгилаб беради;

— корхона барқарорлиги, ички ва ташқи иқтисодий муносабатларда мустаҳкамлик ҳамда доимийликни таъминлайдиган ички мувофиқлаштирувчи тизимнинг амал қилиши;

— корхонанинг барча ички жараёнларини ўз-ўзини тартибга солиш тамойили асосида мувофиқлаштирилганлиги;

— корхонанинг алоҳидалиги, яъни, уни бошқа корхоналардан ажратиб турувчи чегаранинг мавжудлиги;

— ташкилий маданиятнинг мавжудлиги.

Бозор иқтисодиёти шароитида менежмент миллий иқтисодиётнинг бирламчи бўғини бўлган корхоналарни самарали фаолият кўрсатиши ва уларни истиқболли таъминловчи асосий

омиллардан бири ҳисобланади.

4.1-чизма. Корхонада бошқарув жараёнининг модели

Макроиқтисодиёт нуқтаи назаридан корхоналарнинг самарали ривожланиши қуйидаги ижобий афзалликларга эга:

— биринчидан, аҳолининг мавжуд эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга имкон беради;

— иккинчидан, иқтисодий ўсишни таъминлайди. Бу эса бевосита ялпи ички маҳсулот миқдорининг ўсишида намоён бўлади;

— учинчидан, аҳолининг яшаш даражаси, фаровонлигини яхшилайди;

— тўртинчидан, меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашга кўмаклашади.

Микроиқтисодий нуқтаи назардан эса, корхона олаётган фойда миқдорининг ошиши натижасида ходимларнинг даромадлари кўпаяди, жамғаришга кўпроқ маблағ ажратилиши натижасида корхонанинг ички инвестиция қилиш имкониятлари ошади. Бу эса унинг инновацион асосда ривожланишига имкон беради. Энг асосийси, корхонани маҳсулотга бўлган талаби кўпроқ даражада қондирилиб борилади.

Амалиётда, кўпчилик ҳолларда қабул қилинадиган қарорлар тор доирага эга бўлиб, корхонани истиқболли ривожлантириш йўналишлари ва тамойилларини ифодалай олмайди. Бу ҳолат эса республикамиз корхоналарида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг аниқ босқичларини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтиради (4.2-чизма).

4.2 чизма. Корхоналарда бошқарув қарорлари қабул қилишнинг асосий босқичлари

Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг дастлабки босқичида корхона бўлинмалари амалиётидаги муаммоларни аниқлашга эътибор қаратилади. Бу босқичда корхона бухгалтери томонидан мавжуд муаммони ҳал этиш йўналишлари ишлаб чиқилади.

Муаммолар ечимларининг муқобил вариантлари аниқлангандан кейин бухгалтер ҳар бир муҳокама қилинаётган вариантларни харажатларни ҳисоблаш, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини тежаш имконияти ҳамда хўжалик муомалаларининг молиявий натижаларини аниқлашга таъсирини таҳлил қилади. Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг ҳар бир босқичида турли хил ҳисоб ахборотларидан фойдаланилади.

Бошқарув ҳисобида оқилона бошқарув қарорлари қабул қилишда мавжуд муаммолар ечимига кўп вариантлилик тамойили

асосида ёндашиш талаб қилинади. Бунда муҳокама қилинаётган масаланинг икки ёки ундан ортиқ вариантдаги ечими мавжуд бўлса, улар орасида энг мақбулини танлаб олиш бошқарув ҳисобидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Танлаш жараёнида менежер учун бошқарув самарадорлигини баҳолаш муҳим ҳисобланади.

Қўйилган муаммони ечиш учун талаб қилинадиган барча ахборотлар олингач, менежерлар қарорлар қабул қилишнинг самарали вариантларини танлашлари мумкин.

Кейинги босқичда корхона бухгалтери қабул қилинган қарорлар натижаларини таҳлил қилади ва ўз хулосаларини раҳбариятга тақдим этади.

Агар мавжуд муаммоларнинг ечимларини топиш борасида бошқа чоралар кўриш зарурати бўлмаса, бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёни тугалланган ҳисобланади, акс ҳолда барча босқичлар қайтадан амалга оширилади.

4.2. Ишлаб чиқариш зарарсизлигини таҳлил этиш

Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари турли хил оқилона бошқарув қарорларини қабул қилишга мажбур бўлади.

"Харажатлар — ишлаб чиқариш ҳажми — фойда" (Cost-Volume-Profit) ўзаро алоқадорлик таҳлили зарарсизлик нуқтасини аниқлашда менежерлар учун муҳим восита ҳисобланади. Шунингдек, мазкур таҳлил тизими ёрдамида бухгалтерлар, аудиторлар, экспертлар ва маслаҳатчилар корхона молиявий натижасини ҳаққоний баҳолаш ва яхшилаш учун муҳим тавсиялар беришлари мумкин.

Зарарсизлик нуқтаси корхона даромадлари унинг харажатларини тўлиқ қоплаш нуқтаси бўлиб, молиявий натижаларни аниқлашнинг оддий ва аниқ усули ҳисобланади.

Баҳолар, корхона харажатлари, маҳсулотни сотиш ҳажми ва таркибига оид ҳар бир қабул қилинган қарор пировард-натижа корхона молиявий натижасида намоён бўлади.

"Харажатлар — ишлаб чиқариш ҳажми — фойда" қуйидаги имкониятларни беради:

– *ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш ва назорат* қилиш;

— харажатлар, ишлаб чиқариш ҳажми ва фойданинг ўзаро боғлиқлиги таъсири натижасида харажатларнинг қандай ўзгариши мумкинлигини аниқлаш;

— корхона раҳбарларининг қисқа муддатли бошқарув қарорлари қабул қилишларига кўмаклашиш;

— корхонани истиқболли ривожлантириш имконини берадиган вариантлар орасидан энг мақбулини танлаш ва ҳ.к.

"Харажатлар — ишлаб чиқариш ҳажми — фойда" таҳлили тизими нафақат кичик тадбиркорлик субъектлари, балки йирик корхоналар раҳбарлари учун ҳам ишончли бошқарув қарорлари қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бу тизимида харажатлар, ишлаб чиқариш жараёнлари ва молиявий натижалар боғлиқлигига таъсир этувчи турли хил омиллар ўрганилади. Бу ҳолат корхона менежерларини мунтазам равишда сотиш баҳоси, ўзгарувчан ва доимий харажатлар, ресурсларни сотиб олиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида қарорлар қабул қилиши зарурлиги билан ифодаланади.

CVP-таҳлили маржинал даромад, рентабеллик остонаси (зарарсизлик нуқтаси), ишлаб чиқариш дастаги ва чидамлиликнинг маржинал захираси каби асосий элементлардан иборат.

Маржинал даромад корхоналарда маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан олинадиган тушум ва уларни ишлаб чиқариш таннархи суммаси ўртасидаги тафовутни ифодалайди.

Доимий ва ўзгарувчан харажатларни қоплювчи тушум ҳажмини ҳисоблаш учун корхоналарда маржинал даромад ҳажми ва коэффициенти кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Маржинал даромад ҳажми корхонанинг доимий харажатларни *қоплаш ва фойда олишга қўшган ҳиссасини кўрсатади.* Уни ҳисоблашнинг икки усули мавжуд:

— биринчи усулда маҳсулотларни сотишдан тушган тушумдан

барча ўзгарувчан харажатлар чиқариб ташланади;

иккинчи усулда эса маржинал даромад ҳажми корхона доимий харажатлари ва фойдасини қўшиш йўли билан аниқланади.

Маржинал даромаднинг ўртача ҳажми деганда, маҳсулот баҳоси билан ўртача ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги тафовут тушунилади. Бу кўрсаткич маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган доимий харажатларни қоплашга қўшилган ҳисса ва олинган фойдани акс эттиради.

Маржинал даромад коэффициенти маҳсулот сотишдан олинган тушумдаги маржинал даромаднинг улуши ёки товар баҳосидаги маржинал даромаднинг ўртача улушини ифодалайди.

Ривожланган мамлакатлар бошқарув ҳисоби назарияси ва амалиётида CVP - таҳлилини ўтказишнинг бир қанча усулларидан фойдаланилади. Улар устида олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, зарарсизлик нуқтасини аниқлаш ва унга таъсир этадиган омилларни ҳисоблаш учун кўплаб формулалар қўлланилади. Шу билан бирга, амалиётнинг ўзи ҳам шундай ҳар томонлама қулай формулани қўллашни талаб этадики, у CVP - таҳлилини ташкил этувчи барча баҳоларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш ва анча оддий йўл билан ҳар бир омилнинг таъсирини аниқлашга имкон туғдириши лозим. Бундай мақсадга эришиш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$М_ф = \frac{Хд + Ф}{Мб} = \frac{Хд + Ф}{Бм - Хуз}$$

бу ерда,

$М_ф$ — маҳсулот ҳажми;

$Хд$ — доимий харажатлар суммаси;

$Ф$ — фойда суммаси;

$Мб$ — маржинал даромаднинг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган суммаси;

$Бм$ — маҳсулот бирлиги баҳоси;

$Хуз$ — ўзгарувчан харажатларнинг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган суммаси.

Қуйида 100000 сўмлик фойдани олиш учун

режалаштириладиган сотиш ҳажмини аниқлаймиз.

$$М_ф = \frac{Хд + Ф}{Б - Хуз} = \frac{500000 + 100000}{200 - 120} = 7500 \text{ кг}$$

1. Бу ерда маҳсулотни зарарсиз сотиш ҳажми қуйидагини ташкил этади:

$$М_з = \frac{Хд}{Б - Хуз} = \frac{500000}{200 - 120} = 6250 \text{ кг}$$

2. Берилган координатлардаги кутилаётган фойда суммасини аниқлаймиз:

$$Ф = М_ф(Б - Хуз) - Хд = 7500(200 - 120) - 500000 = 100000 \text{ сум}$$

3. Берилган координатлардаги доимий харажатлар суммасини аниқлаймиз:

$$Хд = М_ф(Б - Хуз) - Ф = 7500(200 - 120) - 100000 = 500000 \text{ сум}$$

4. Сотишларнинг режалаштирилган баҳосини аниқлаймиз:

$$Б = Хуз + \frac{Хд + Ф}{М_ф} = 120 + \frac{500000 + 100000}{7500} = 200 \text{ сум}$$

5. Ўзгарувчан харажатларнинг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган суммасини аниқлаймиз:

$$Хуз = Б - \frac{Хд + Ф}{М_ф} = 200 - \frac{500000 + 100000}{7500} = 120 \text{ сум}$$

6. Маржинал даромаднинг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган суммасини аниқлаймиз:

$$МБ = \frac{Хд + Ф}{М_ф} = \frac{500000 + 100000}{7500} = 80 \text{ сум.}$$

"Харажатлар — ишлаб чиқариш ҳажми — фойда" таҳлилининг муҳим шарти корхона харажатларини доимий ва ўзгарувчанларга бўлиш ҳисобланади. Доимий харажатлар ишлаб чиқариш ва сотишлар ҳажмига боғлиқ бўлмайди, ўзгарувчан харажатлар эса - бу иккита омилнинг ўзгаришига мутаносиб равишда ўзгариб туради. Шу боис, юқорида келтирилган формулаларга асосан зарарсизлик нуқтасини аниқлаш учун маҳсулотни зарарсиз сотиш коэффициенти кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

У қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$К_з = \frac{М_з}{М_ф}$$

бу ерда,

$К_з$ — маҳсулотни зарарсиз сотиш коэффициенти;

$М_з$ — маҳсулотни зарарсиз сотиш ҳажми;

$М_ф$ — маҳсулотни фойдали сотиш ҳажми.

Қуйида маҳсулотни зарарсиз сотиш коэффициентини ҳисоблаймиз:

$$К_з = \frac{6250}{7500} = 0,83$$

Бу коэффициент ёрдамида маҳсулот сотиш ҳажмига боғлиқ зарарсизлик кўрсаткичини аниқлаймиз.

1. Маҳсулот сотиш ҳажмини қиймат кўринишида аниқлаймиз.

1500000 x 0,83 = 1245000 сўм

2. Маҳсулотнинг зарарсиз нархини белгилаймиз.

100 x 0,83 = 83 сўм

3. Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатларни аниқлаймиз.

60 x 0,83 = 49,8 сўм

4. Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган маржинал даромад суммасини аниқлаймиз.

40 x 0,83 = 33,2 сўм

CVP - таҳлил тизими ҳисоб-китобларни соддалаштиради ва уларнинг меҳнат талаблилигини камайтиради, шунингдек, қабул қилинадиган бошқарув қарорлари самарадорлигини оширишга имкон беради.

CVP - таҳлили амалиётда гоҳо зарарсизлик нуқтаси таҳлили деб ҳам юритилади.

Зарарсизлик нуқтаси (рентабеллик чегараси) деганда, корхона ишлаб чиқаришининг шундай ҳажми ва тушуми тушуниладики, бунда барча харажатлар қопланиши ва дастлабки фойда олиниши таъминланади, яъни, маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинадиган тушум унинг барча харажатлари йиғиндисига тенг бўлади. Бу сотишларнинг шундай ҳажмики, унда корхона фойда

ҳам, зарар ҳам кўрмайди.

Мазкур нуқта "Хатарли", "Ўлик" ёки "Мувозанат" нуқтаси дейилади. Иқтисодий адабиётларда бу нуқтани BEP ("Break-even point" — қисқартмаси) сифатида белгиланади ва у рентабеллик нуқтаси ёки остонаси деб аталади.

4.2.1. Бошқарув ҳисобида зарарсизлик нуқтасини ҳисоблаш усуллари

Зарарсизлик нуқтаси (рентабеллик остонаси)ни ҳисоблаш график, тенгламалар ва маржинал даромад каби усуллар ёрдамида амалга оширилади.

График усулда зарарсизлик нуқтаси (рентабеллик остонаси)ни топиш "Харажатлар — маҳсулот ҳажми — фойда" яхлит графигини тузиш имконини беради (4.3-чизма).

Келтирилган чизмадаги зарарсизлик нуқтасига мос келувчи тушум остонавий тушум деб аталади. Зарарсизлик нуқтасидаги ишлаб чиқариш (сотиш) ҳажми ишлаб чиқариш (сотишлар)нинг остонавий ҳажми деб аталади. Агар корхона сотишларнинг остонавий ҳажмидан кам маҳсулот сотса, у зарар кўради, кўп сотса фойда олади.

Шуни таъкидлаш зарурки, ишлаб чиқаришнинг зарарсизлик нуқтаси ва ялпи фойда чизмасини тасвирлашда турли даражадаги ишлаб чиқаришлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш муаммоси пайдо бўлади. Зарарсизлик нуқтаси чизмаси бўйича фойда ва зарарлар ўртасидаги оқилона нисбатни аниқлаш учун жами харажатлар ва даромадлар чизиқлари орасидаги масофа аниқланади. Бунда фойданинг ошишига маҳсулот ҳажми ўзгаришининг таъсирини аниқлашда қулай усуллардан бири фойда ва маҳсулот ҳажми чизмаси ҳисобланади (4.4-чизма).

Келтирилган чизмадан кўриниб турибдики, горизонтал ўқ ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини, вертикал ўқ эса ҳисобот давридаги фойда ва зарарларни акс эттирган. Агар сотиш ҳажми нолга тенг бўлса, унда максимал зарарлар доимий харажатлар суммасига тенг

бўлиши шарт, чунки корхонанинг зарарлари унинг доимий харажатлари суммасидан ошиб кетмаслиги лозим.

4.3.-чизма. Зарарсизлик нуқтаси (рентабеллик остонаси)ни аниқлаш тартиби

Ҳар бир бирлик маҳсулот сотилганда, доимий харажатлардан юқори 10000 сўмлик ялпи фойдага эришилади, чунки фойда ва зарарларнинг интервали 10000 сўмдан қилиб белгиланган, натижада сотиш ҳажми 6000 донага етганда ялпи фойда доимий харажатлар йиғиндисига тенглашади.

Бунда ҳар бир 6000 донадан юқори сотилган маҳсулот учун 10000 сўмдан қўшимча фойда олинади. Демак, сотиш ҳажми 10000 дона бўлганда фойда суммаси 400000000 сўмни (40000 сўм х 10000 дона) ташкил этади. Сотиш ҳажми ва фойда ўртасидаги бу нисбат чизмада пунктир чизиқ билан кўрсатилган.

Бошқарув ҳисобида ишлаб чиқариш ҳажми (қуввати) машина ва ускуналарнинг бўш туриб қолиши, уларни таъмирлаш вақти, ишдаги танаффуслар ва шу кабилар билан боғлиқ бўлиб, у оптимал ёки реал имконият даражасига эга бўлади. Оптимал имконият —

машина ва жиҳозларнинг бўш турмасдан юқори унум билан ишлаш даражаси ҳисобланади. Реал имконият эса машина ва жиҳозларнинг ўртача (нормал) қувват билан ишлаши мумкин бўлган имкониятидир. Демак, оптимал имкониятдан реал имкониятни чегириб ташласак, ишлаб чиқариш қуввати келиб чиқади, бу амалиётда назарий қувват (имконият) деб ҳам аталади.

4.4-чизма. Фойда ва маҳсулот ҳажми ўртасидаги боғлиқлик

Шу ўринда, ишлаб чиқариш ҳажми билан ўзгарувчан харажатлар ўртасида ўзаро чизиқли боғланиш мавжудлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим, яъни, координата текислигида харажатлар ва маҳсулот бирлиги маълум нуқталарда кесишади. Бироқ ҳамма ўзгарувчан харажатлар ҳам ишлаб чиқариш қуввати билан тўғри чизиқли боғланишда бўлмайди. Шу сабабли, уларни режалаштириш,

таҳлил қилиш ва улардан бошқарув қарорлари қабул қилишда фойдаланиш имконияти мавжуд эмас. Чизиқсиз боғланган харажатларни шартли равишда чизиқли боғланишга мослаштириш мақсадида "чизиқли апроксимация" усулидан фойдаланилади.

Релевантли даромад ва харажатлар — ҳақиқий олинган даромад ва қилинган харажатлар бўлмай, улар келажакда кутилаётган даромад ва харажатлар ҳисобланиб, бошқарув қарорлари таъсирида ўзгаради.

Уларни тан олишнинг иккита мезони мавжуд:

— агар даромад ва харажатларнинг келгуси бошқарув қарорлари таъсирида ўзгариши кўзда тутилса, улар релевантли дейилади;

— даромад ва харажатларнинг миқдори бошқарув қарорлари таъсирида ўзгарса, яъни, кўп вариантлилик вужудга келса, улар релевантли дейилади.

Шуни таъкидлаш зарурки, ҳақиқий харажатлар ва олинган даромадлар релевантли, деб қаралмайди, чунки қандай бошқарув қарорлари қабул қилишдан қатъи назар уларнинг миқдорини ўзгартириб бўлмайди.

Кўп вариантлилик, яъни, релевантлик ҳолатини қуйидагича тасвирлаш мумкин (4.5-чизма).

Ушбу чизмадан кўриниб турибдики, тўғри чизиқли ўзгарувчан харажатлар билан эгри чизиқли ўзгарувчан харажатлар маълум даражада алоҳида, маълум бир нуқтада эса бир текисда ҳаракат қилади ва кейинчалик яна ажралиб кетади. Мана шу чизиқлар қўшилган оралиқ релевантлик даражаси, деб аталади.

Тўпламлар (тенгламалар) усули ёрдамида зарарсизлик нуқтаси (рентабеллик остонаси)ни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади.

Ялпи тушум — Ўзгарувчан харажатлар—
— Доимий харажатлар = Фойда

Формула кўрсаткичлари ҳисоб-китобини қуйидагича ёйиб чиқиш мумкин:

(Бир бирлик маҳсулотнинг баҳоси х Бир бирлик маҳсулотнинг миқдори) — (Бир бирлик маҳсулотга қилинган ўзгарувчан

харажатлар x Бир бирлик маҳсулотнинг миқдори) - Доимий харажатлар = Фойда

4.5-чизма. Релевантлик даражасининг апроксимация чизиғи билан ўзаро боғлиқлиги

Сотишларнинг зарарсизлик (критик) нуқтасини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\textit{Сотилган маҳсулот бирлигига тўғри келадиган критик нуқта} = \frac{\textit{Доимий харажатлар}}{\textit{Баҳо} \times \textit{Шу бирлик маҳсулотнинг ўзгарувчан харажати}}$$

Маржинал даромад усули тенгламалар усулининг турларидан бири ҳисобланади. Бунда зарарсизлик нуқтаси (рентабеллик остонаси) қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\textit{Зарарсизлик нуқтаси} = \frac{\textit{Доимий харажатлар}}{\textit{Маржинал даромад нормаси}}$$

Чидамлиликнинг маржинал захираси — бу маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан олинадиган ҳақиқий тушумнинг сотишни зарарсизлигини таъминловчи остонавий тушумдан ошиб кетишини кўрсатувчи катталикдир. Бу кўрсаткич қуйидаги формула билан топилади:

$$\textit{Чидамлиликнинг маржинал захираси} = \frac{\textit{(Ҳақиқий тушум - Остонавий тушум)}}{\textit{Ҳақиқий тушум x 100\%}}$$

Зарарсиз сотув вақтида маҳсулот баҳосини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\textit{Зарарсизлик баҳоси} = \frac{\textit{Остонавий тушум}}{\textit{Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми}}$$

Мазкур формула ёрдамида ишлаб чиқариш ҳажмини белгилаш, сотиш ва зарур даражада фойда олиш имконини берадиган баҳони белгилаш мумкин.

4.2.2. Корхоналарда ишлаб чиқариш дастаги самарасини аниқлаш тартиби

Ишлаб чиқариш дастаги (leverage, сўзма-сўз таржимада ричаг, дастак) — бу корхона фойдасини самарали бошқаришнинг доимий ва ўзгарувчан харажатларни ўзаро мутаносиблигига асосланган механизмидир. Унинг ёрдамида сотиш ҳажми ўзгаришига боғлиқ равишда корхона фойдаси ўзгаришини тахминлаш, шунингдек, зарарсиз фаолият юритиш нуқтаси топилади. Корхона харажатларини доимий ва ўзгарувчанга бўлишга асосланган маржинал усулдан фойдаланишда ишлаб чиқариш дастаги механизмини қўлланиши зарурий шартдир.

Ишлаб чиқариш дастаги самараси қуйидаги формула билан аниқланади:

$$с_{ли} = \frac{MD}{Ф} \text{ ёки } \frac{Хд+Ф}{Ф} = 1 + \frac{Хд}{Ф}$$

бу ерда,

$с_{ли}$ — ишлаб чиқариш дастаги самараси;

MD — маржинал даромад;

$Хд$ — доимий харажатлар;

$Ф$ — фойда.

Ушбу формула ёрдамида топилган ишлаб чиқариш дастаги самарасининг қиймати корхона тушуми ўзгаришига боғлиқ равишда фойданинг ўзгаришини тахминлаш имконини беради.

Ушбу *ҳолат қуйидаги кўринишда* ифодаланади:

$$с_{ли} = \frac{\Delta Ф}{\Delta Т}$$

бу ерда,

$\Delta Ф$ — фойданинг ўзгариши, % да;

$\Delta Т$ — тушумнинг ўзгариши, % да.

Янада аниқроқ тасаввур қилиш учун ишлаб чиқариш дастаги самарасини "Андижонсут" акционерлик жамиятининг 2003 йилги маълумотлари асосида таҳлил қилиб чиқамиз (сўмда).

1) Сотишлар суммаси (тушум)	575454
2) Ўзгарувчан харажатлар	444096
3) Маржинал даромад (1қ-2қ)	131358
4) Доимий харажатлар	74045
5) Асосий фаолият(операцион) фойдаси (3қ-4қ)	57313
6) Сотилган маҳсулот ҳажми, дона	1050
7) Бир бирлик маҳсулот баҳоси, сўм	548,05
8) Ишлаб чиқариш дастаги самараси (3қ:5қ)	2,29

Бизнинг мисолимизда ишлаб чиқариш дастаги самараси 2,29 бирликни ташкил этади (131358:57313). Бу шуни англатадики, корхона тушуми 1%га пасайганда, фойда 2,29%га қисқаради, тушум 23%га пасайганда эса, биз рентабеллик остонасига етамиз, яъни, фойда ноль бўлади. Фараз қилайлик, тушум 10%га қисқарди ва 517908,6 сўмни ташкил этди (575454x10:100). Бундай шароитда

корхона фойдаси 22,9%га қисқаради ва 27232,02 сўмни ташкил этади.

$$И_д = \frac{М_х(Б - Хуз)}{М_х(Б - Хуз) - Хд}$$

бу ерда,

$И_д$ — ишлаб чиқариш дастаги;

$М_х$ — сотилган маҳсулот ҳажми, дона;

$Б$ — бир бирлик маҳсулотнинг баҳоси;

$Хуз$ — бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар;

$Хд$ — доимий харажатлар.

Ишлаб чиқариш дастаги корхона раҳбарларига харажатлар ва фойдани бошқариш, юқори фойда олиш бўйича стратегияни ишлаб чиқишга кўмаклашувчи молиявий кўрсаткич ҳисобланади. Мазкур кўрсаткич ҳажмининг ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

— ўзгарувчан ва доимий харажатлар;

— сотиш баҳоси ва ҳажми;

— юқоридаги омиллар комбинацияси (молиявий ва ишлаб чиқариш дастакларини ҳисоблашда занжирли боғланиш усулини қўллаш).

Қуйида "Андижонсут" акционерлик жамиятининг юқорида келтирилган маълумотлари асосида ҳар бир омилнинг ишлаб чиқариш дастаги самарасига таъсирини таҳлил қилиб чиқамиз.

Сотиш баҳосини 10% (бир донаси 602,86 сўмгача) ошиши сотишлар ҳажмини 633003 сўмгача, маржинал даромаднинг 188907 сўмгача (633003-444096) ва фойданинг 114862 сўм (188907-74045)гача ошишига олиб келади. Бунда биргина ҳисоб-китобда маржинал даромад ҳам 125,1 сўмдан (131358 сўм:1050 дона) 179,9 сўмгача (188907 сўм:1050 дона) ошади. Бундай тартибда доимий харажатларни қоплаш учун сотишларнинг кичик ҳажми талаб этилади: зарарсизлик нуқтаси 411 донани (74045 сўм:179,9 сўм), корхона чидамлилигининг маржинал захираси эса 639 дона (1050 дона - 411 дона) ёки 61% гача ортади. Натижада корхона 57549 сўм (114862-57313) миқдорида қўшимча фойда олади. Бунда ишлаб

чиқариш дастагининг самараси 2,29 дан 1,64 бирликкача (188907:114862) пасаяди.

Ўзгарувчан харажатларнинг 10%га пасайиши (444096 сўмдан 399686,4 сўмгача) маржинал даромадни 175767,6 сўмгача (575454-399686,4) ва фойданинг 101722,6 сўмгача (175767,6-74045) ортишига олиб келади. Бунинг натижасида зарарсизлик нуқтаси (рентабеллик остонаси) 238854,8 сўмгача [74045:(175767,6: 575454)] ортади, миқдор кўринишида бу 227 дона (238854,8:1050) ни ташкил этади. Бинобарин, корхона чидамлилигини маржинал захираси 336599,2 сўм (575454-238854,8) ни ёки 614 дона (336599,2 сўм:548,05 сўм)ни ташкил этади. Бундай шароитда корхонадаги ишлаб чиқариш дастаги самараси 1,7 бирликкача (175767,6:101722,6) пасаяди. Доимий харажатларнинг 10%га пасайиши даврида (74045сўмдан 66640,5сўмгача) корхона фойдаси 64717,5сўмгача (575454-444096-66640,5) ортади. Бундай шароитда зарарсизлик нуқтаси пул ифодасида 289741,3сўм [66640,5: (131358:575454)], ҳажм кўринишида эса 528 донани (289741,3: 548,05) ташкил этади. Бунда корхонада чидамлиликнинг маржинал захираси 285712,7 сўм (575454-289741,3) ёки 521 дона (285712,7: 548,05)ни ташкил этади. Бинобарин, доимий харажатларнинг 10% га пасайиши натижасида ишлаб чиқариш дастаги самараси 2,03 бирликни (131358:64717,5) ташкил этади ва дастлабки даражасига нисбатан 0,26 бирликка (2,29-2,03) пасаяди.

Ушбу ҳисоб-китоблар таҳлили шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш дастаги самарасининг ўзгаришида корхона харажатлари умумий суммасидаги доимий харажатлар ҳиссасининг ўзгариши муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, сотишлар ҳажмининг ўзгариши фойданинг доимий ва ўзгарувчан харажатларга нисбати турлича бўлган корхоналарда бир хилда бўлмаслиги мумкин. Бунда корхона харажатларининг умумий суммасидаги доимий харажатларнинг солиштирма оғирлиги қанча паст бўлса, корхона тушуми ўзгариши суръатларига нисбатан фойда ҳажми шунчалик ўсади.

Ишлаб чиқариш дастаги механизмининг намоён бўлиши бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Ишлаб чиқариш дастагининг ижобий самарасига корхона маҳсулот ишлаб чиқаришнинг зарарсиз нуқтасини бартараф этгандан кейингина эришиш мумкин. Бунда корхона ўзининг аввалги доимий харажатларини қоплаш учун маржинал даромаднинг етарли миқдорини белгилайди;

2. Сотиш ҳажмининг бундан кейинги ортиб бориши ва зарарсизлик нуқтасидан узоқлаша бориши билан ишлаб чиқариш дастаги самараси пасая боради. Сотиш ҳажми ўсишининг ҳар бир кейинги фоизи фойда суммасининг ўсишини таъминлайди;

3. Ишлаб чиқариш дастаги механизми тескари йўналишга ҳам эга, яъни, сотиш ҳажмининг пасайишида корхона фойдаси ҳажми ҳам камайиб боради;

4. Ишлаб чиқариш дастаги ва корхона фойдаси ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд, корхона фойдаси қанча юқори бўлса, ишлаб чиқариш дастаги самараси шунча паст бўлади ва унинг тескариси ҳам кузатилади;

5. Ишлаб чиқариш дастаги самараси фақат қисқа муддатда юзага келади, яъни, корхона доимий харажатлари қисқа вақт оралиғидагина ўзгаришсиз қолади. Сотиш ҳажмининг ортиши жараёнида доимий харажатлар суммасининг навбатдаги ўзгариши рўй бериши биланоқ корхона зарарсизликнинг янги нуқтасини белгилаши ва унга ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятини мувофиқлаштириши лозим.

Корхона товар бозорининг сотиш ҳажми пасайиши мумкинлигини белгилаб берувчи ноқулай конъюнктурада, шунингдек, корхона иқтисодий фаолиятининг илк босқичларида зарарсизлик нуқтаси бартараф этилмаганда, доимий харажатларни пасайтириш учун чора-тадбирлар кўрилади. Шунингдек, товар бозорининг қулай конъюнктурасида ва чидамлиликни маълум маржинал захираси мавжудлигида доимий харажатларни иқтисод қилишни амалга оширишга бўлган талаблар анча пасайиши мумкин. Бундай шароитларда корхона асосий ишлаб чиқариш воситаларини

қайта жиҳозлаши ва янгилаши, реал инвестициялар ҳажмини анча кенгайтириши лозим. Зарурат туғилганда ҳар бир корхона доимий харажатлар суммаси ва ҳажмини пасайтириш учун етарли даражада ресурсларга эга бўлиши зарур. Ушбу ресурслар таркибига товар бозорининг ноқулай конъюнктурасида устама харажатлар (бошқариш харажатлари)ни имкон даражада қисқартириш, амортизация ажратмаларини камайтириш мақсадида номоддий активлар ва асбоб-ускуналарнинг фойдаланилмаётган қисмини сотиш, асосий воситаларни сотиб олмасдан уларни оператив лизинг шартномаси асосида олиш, коммунал хизматлар ҳажмини қисқартириш ва ҳ.к.лар киради.

Ўзгарувчан харажатларни тежашнинг асосий захиралари қаторига қуйидагилар киритилади: ходимлар меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимлари сонини камайтириш, товар бозорининг ноқулай конъюнктураси шароитида хомашё, материаллар ва тайёр маҳсулотлар захиралари ҳажмини қисқартириш, хомашё ва материалларни етказиб беришнинг корхона учун қулай шароитларини яратиш ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш дастаги механизмидан фойдаланиш доимий ва ўзгарувчан харажатларни аниқ мақсадга йўналтириш ва бошқариш, беқарор бозор шароитида улар ўртасидаги ўзаро нисбатни тезкор ўзгартириб бориш ҳамда корхона фойдасини оширишга имкон беради.

Шундай қилиб, CVP - таҳлили корхона раҳбарларига ўзгарувчан ва доимий харажатлар, баҳо ва маҳсулот сотиш ҳажми ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга, ишбилармонлик таваккалчилигини пасайтириш имконини яратади. Уни универсал формуласини қўллаш орқали ўтказиладиган таҳлил сифатини оширишга эришилади.

4.3. Инвестиция лойиҳалари бўйича бошқарув қарорлари қабул қилиш

Инвестиция фаолияти корхона томонидан инвестиция

ресурсларини (пул маблағлари, қимматли қоғозлар, ақлий салоҳият, кредит, ер ва бошқа кўчмас мулк объектлари каби) иқтисодиёт соҳаларига даромад (фойда) олишни ёки ижтимоий самарага эришишни мақсад қилиб жойлаштирилиш жараёнини ўзида ифода этади.

Иқтисодий адабиётларда инвестициялар йўналтириладиган соҳага кўра ишлаб чиқариш ва молиявий инвестицияларга бўлиниши кўрсатиб ўтилган.

Ишлаб чиқариш (реал) инвестицияси корхона фаолиятининг муайян соҳаси ва турига, реал капитал ўсишига, яъни, ишлаб чиқариш воситалари, айланма маблағлар қийматининг ўсишига, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини ривожлантиришга асосий омил бўлувчи харажатлардир.

Молиявий (портфелли) инвестициялар эса қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий қўйилмаларга қилинган харажатларни ифодалайди. Бу харажатлар бевосита моддий капитални кўпайтира олмайди, аммо корхонага қўшимча фойда келтиради. Қўшимча фойда таркибига қимматли қоғозлар курсининг вақтга қараб ижобий ўзгариши ёки ижобий валюта тафовути киритилади.

Инвестиция пул маблағларини бирор-бир фаолият турига маълум муддатга сарфланишига қараб, узоқ (1 йилдан ортиқ) ва қисқа муддатли (1 йилгача) инвестицияларга бўлинади.

Инвестиция харажатлари фақат келгусида даромад келтирганлиги боис инвестиция фаолияти корхоналар учун мураккаб ҳисобланади. Шу сабабли, корхоналар оқилона инвестиция қарорлари қабул қилиш учун дастлаб таклиф этилаётган лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашлари ҳамда уларнинг кўп маблағ талаб қиладиган томонлари ҳақида аниқ маълумот олишга ҳаракат қилишлари лозим.

Инвестиция лойиҳаси аниқ, пухта ўйланган ғояга, мақсадга эга бўлган (шу жумладан капитал қурилиш ҳам), уни амалга оширишш учун инвестиция қўйилишини талаб қиладиган харажат дастуридир.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг иккита шарти мавжуд: лойиҳага маълум миқдорда маблағлар сарфлаш зарурияти, маблағларни сарфлаш ва қоплаш (фойда олиш) ўртасида муайян

вақт мавжудлиги.

Инвестиция лойиҳаларини яратиш ва уни амалга ошириш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

— инвестиция ғояларининг шаклланиши, яъни, ғояни танлаш ва дастлабки асослаш, экологик нуқтаи-назардан бир қарорга келиш, уни амалга ошириш давомида қўйиладиган талабларга жавоб бериш;

— инвестиция имкониятларини излаш, яъни, ишлаб чиқариладиган маҳсулотга ёки хизмат турига бўладиган талабни ўрганиш, лойиҳа иштирокчилари таркиби бўйича таклифлар, лойиҳанинг қиймати ва унинг самарасини аниқлаш;

— лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланиши;

— шартномага оид ҳужжатларни тайёрлаш;

— тендер савдоларига тайёргарлик;

— салоҳиятли инвесторлар билан мулоқотлар;

— лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш;

— ностандарт технологик жиҳозларни тайёрловчи ва етказиб берувчиларни аниқлаш;

— қурилиш-монтаж ишлари;

— объектни ишлаб чиқаришда тажрибадан ўтказиш, иқтисодий кўрсаткичлар мониторинги ва объектни лойиҳа қувватига етказиш.

Инвестиция лойиҳаларни амалиётда татбиқ қилиш жараёни иккита босқичга ажратилади:

Лойиҳани ишлаб чиқиш лойиҳа мақсадларига эришиш учун амалга ошириладиган бошланғич жараён бўлиб, у дастлабки ҳисоб-китобларни бажариш, қулай вариантларни танлаш, лойиҳа қарорларини иқтисодий жиҳатдан асосландир.

Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда асосий вазифа — лойиҳани амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилиш ва бу лойиҳага инвестиция ажратиш мақсадида ҳар тарафлама техник-иқтисодий асоснома тайёрландир. Агар лойиҳа тижорат хусусиятига эга бўлса, техник-иқтисодий асосномага қўшимча равишда лойиҳанинг бизнес-режаси ҳам ишлаб чиқилиши лозим.

Лойиҳани амалга ошириш уни амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш, лойиҳани муайян иқтисодий воқеликка айлантириш, лойиҳани олдига қўйилган барча мақсадларга эришишдир.

Амалиётда инвестиция жараёни уч асосий фазага бўлинади. Бунда инвестиция жараёнининг бутун даври лойиҳанинг ҳаётий муддати ёки ҳаётий жараёни деб аталади.

Инвестиция лойиҳаси жараёни фазаларининг моҳияти ва ўзига

хос хусусиятларини аниқ тасаввур қилиш учун қуйидаги чизмага мурожаат қиламиз (4.6-чизма).

4.6-чизма. Инвестиция харажатлари ва уларни инвестиция лойиҳасининг турли босқичларида келтирган даромадининг ўзгариши

Келтирилган чизманинг қуйи қисмида лойиҳани амалга ошириш жараёнида сарфланадиган инвестиция захиралари ҳажми, юқори қисмида эса лойиҳага капитал сарфлашдан олинган даромад (фойда)нинг ўзгарини тасвирланган.

Инвестиция жараёнининг дастлабки фазасида лойиҳани иқтисодий ва техник жиҳатдан асослаш бўйича тадқиқотлар ўтказилади, яъни, лойиҳа иқтисодий, техник ва технологик жиҳатдан қайта ишланади. Бу фаза лойиҳани бошланғич ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан якунланади.

Инвестиция олди (дастлабки) фазаси инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқишнинг асосий босқичи ҳисобланади. Мазкур фаза инвестиция лойиҳаси бўйича дастлабки изланишлардан бошлаб уни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилингунгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Инвестиция жараёнининг иккинчи фазаси инвестиция фазаси деб аталади. Бу фазанинг асосий вазифаси лойиҳага ажратилган молиявий инвестицияларни тўғри сарфланишини ҳамда лойиҳада белгиланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёни ва самарадорлигини таъминлашдир.

Инвестиция фазасида иморатлар ва иншоотларни таъмирлаш ишлари бажарилади, жиҳозлар сотиб олинади ва ўрнатилади, ишлаб чиқариш инфратузилмаси шакллантирилади, ундан кейин маҳсулотни туркумли ишлаб чиқариш ва сотишга ўтилади.

Инвестиция фазаси тугаб, лойиҳа амалга оширила бошлагач, инвестиция харажатлари ҳажми камайиб боради. Инвестиция лойиҳаси келтирадиган даромад ҳажми эса ортади, чунки у аста-секин ўз самарасини бера бошлайди. Бу ҳолат ишлаб чиқариш харажатларини камайтириб, сотиш ҳажмини кўпайтиришга имкон беради.

Лойиҳанинг бу тариқа ривожи унинг фойдаланиш, деб аталувчи учинчи фазасида давом этади. Учинчи фазада ишлаб чиқариш ҳажмини сақлаб туриш ва кўпайтириш учун асосий воситаларнинг эскириши орқали жамғарилган манбадан ҳам фойдаланилади. Унда маҳсулотларни сотишдан олинадиган даромаднинг инвестиция харажатларидан ошиши кузатилади. Натижада 11 вақтда даромаднинг умумий суммаси лойиҳага қўйилган капитал қўйилма қийматига тенг бўлади ва лойиҳани қоплаш нуқтасига етади.

Лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида уни молиявий жиҳатдан баҳоланади. Бунинг учун лойиҳани қоплаш даражаси, инвестициялар самарадорлиги каби иқтисодий кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

Корхоналар фаолиятида инвестиция манбаларининг етишмаслиги доимо улардан оқилона фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Агар инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун инвестиция ҳажми етарли бўлса, корхона сарфланган инвестициядан, инвестиция захирасининг ҳар бир бирлигидан эҳтимолда кутилган энг кўп иқтисодий самара олишга ҳаракат қилинади.

Корхонада инвестициялар самарадорлигини баҳолаш

"иқтисодий самара" ва "иқтисодий самарадорлик" атамаларининг фарқли жиҳатларини ўрганишга бевосита боғлиқ.

Иқтисодий самара инвестициялаш, капитал харажатлаш ҳисобига эришиладиган натижа бўлиб, қуйидаги тенглик орқали аниқланади:

Иқтисодий самара = молиявий натижалар - харажатлар

Бозор иқтисодиётига ўтиш давригача самарадорликни баҳолашда харажатлар мезони кенг тарқалган эди:

Иқтисодий самарадорлик = молиявий натижалар : харажатлар

Акционерлик жамиятларининг пайдо бўлиши, турли хил мулк шаклларининг ривожланиши, иқтисодиётда давлат мулки ҳиссасининг камайиши, ички ва ташқи инвесторларнинг фаоллашуви рентабелликни аниқлашга янгича ёндашув — инвестициялар (ёки уларнинг алоҳида элементлари: капитал қўйилма, капитал) самарадорлигини ҳисоблашни талаб қилмоқда.

Сарфланган капиталдан олинадиган мутлақ иқтисодий самара (Э) сарфланган капитал ҳисобига олинган даромад (Д) ва инвестиция қўйилмаларининг ҳажми (Их) ўртасидаги боғлиқликни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$Э = Д - И_{х}$$

Капитал қўйилмалардан келган даромад миқдори уларнинг дастлабки ҳажмидан ошган вақт инвестицияларни қоплаш муддати, деб аталади. Кейинги ҳолатда капитал сарфлашдан олинган даромад капитал қўйилмадан орта бошлайди. Бу кўрсаткич иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги капитал сарфлаш самарадорлигининг энг зарур кўрсаткичидир.

Амалиётда кичик тадбиркорлик субъектларига қилинган узоқ муддатли инвестиция қўйилмалари 2-3 йил ичида қопланади, узоқ муддатли инвестиция қўйилмаларини қоплаш учун эса 10-15 ва

ундан ҳам кўпроқ йил талаб қилинади. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги капитал қайтимига нисбатан инвестициялардан тушган фойда билан белгиланади.

Иқтисодий лойиҳа асосида амалга оширилган инвестицияларнинг самарадорлиги (Ис) қуйидаги формула билан аниқланади:

$$И_с = \frac{Ф}{И_х}$$

бу ерда,

Ф — инвестиция натижасида олинган фойда.

Шубу ҳолатда инвестиция самарадорлиги бир бирликдан ортиқ бўлиши керак, шундагина қилинган харажатлар қопланади. Халқаро амалиётда инвестицияларнинг рентабеллиги йиллик баланс фойдасини (Ф) жами авансланган капиталга нисбати билан аниқланади:

$$И_р = \frac{Ф}{А_1 + А_2 + А_3 + А_4}$$

бу ерда,

$И_р$ — авансланган инвестицияларнинг рентабеллиги;

$Ф$ — йиллик баланс фойда;

$А_1, А_2, А_3, А_4$ — чоряклар бўйича авансланган капитал қиймати.

Капитал даромадлилиги Дюпонинг машҳур формуласи асосида қуйидаги кўринишда ҳисобланади:

Инвестицияланган капитал даромадлилиги = ***Даромад рентабеллиги*** x ***Капитал айланиши***

бу ерда,

$$\textit{Даромад рентабеллиги} = \frac{\textit{Соф фойда}}{\textit{Ялпи даромад}} \times 100$$

$$\textit{Капитал айланиши} = \frac{\textit{Ялпи даромад}}{\textit{Капитал}}$$

(Капитал айланиши капиталнинг "унумдорлиги", яъни, асосий ва айланма маблағларнинг қайтими сифатида таърифланади).

Юқоридаги иккита формуланинг ёймасини бир-бирига кўпайтириб, қуйидаги нисбатга эга бўламиз:

$$\textit{Инвестицияланган капитал даромадлилиги} = \frac{\textit{Соф фойда}}{\textit{Йлли даромад}} \times \frac{\textit{Йлли даромад}}{\textit{Капитал}} =$$

$$= \frac{\textit{Соф фойда}}{\textit{Капитал}} = \frac{5431}{206168} = 2{,}63$$

"Шаҳрихонсут" ҳиссадорлик жамиятининг маълумотлари асосида 2003 йилда инвестицияланган капитал даромадлилигини ҳисоблаб топамиз:

4.2-жадвал

Корхонанинг йил охирига бўлган бухгалтерия баланси маълумотлари (минг сўм)

Актив (мулклар)	Сумма	Пассив (капитал)	Сумма
1.Асосий воситалар (биноолар, иншоотлар, куч узатувчи қурилмалар ва ҳ.к.) ва номоддий активлар	166481,0	1.Устав капитали, қарзлар ва бошқа мажбуриятлар	206168,0
2.Узоқ муддатли инвестициялар	2065,0		
3.Айланма маблағлар (захиралар, пул маблағлари, тайёр маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ҳ.к.)	37662,0		
Жами (баланс)	**206168,0**	**Жами (баланс)**	**206168,0**

4.3-жадвал

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, (минг сўм)

Харажатлар	Сумма	Тушумлар	Сумма
Сотилган маҳсулот, иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархи	313248,0		
Давр харажатлари	38403,0		
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	21752,0	Айланма (даромад)	413361,0
Солиқлар	34527,0		
Соф фойда (хотима ёзуви)	5431,0		
Жами	**413361,0**	**Жами**	**413361,0**

Юқоридаги жадваллар маълумотларига асосан корхонанинг инвестицияланган капитали даромадлилиги Дюпон пирамидаси ёрдамида қуйидагича тасвирланади (4.7 чизма).

4.7-чизма. Инвестицияланган капитал даромадлилигини Дюпон пирамидаси ёрдамида ҳисоблаш

Корхоналарнинг ўз маблағларини келгусида фоиз ставкаси кўринишида фойда олиш мақсадида жорий қийматида вақтинчалик инвестициялаш жараёни дисконтлаш, унинг натижасида ҳосил бўлган кўрсаткич - дисконтланган қиймат дейилади.

Харажатларни дисконтлаш коэффициенти ($Д_к$) қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Д_к = \frac{И_к}{П_{мо}}$$

бу ерда,

$И_к$ — инвестицияларнинг қиймати;

$П_{мо}$ — йиллик пул маблағлари оқими.

Инвестициялаш жараёнини амалга оширишу учун узоқ муддат талаб қилиниши сабабли маблағларни инвестициялаш вақтида пул маблағларини уларнинг қайтими билан таққослаш зарурияти

тўғилади. Бу мақсадда пул маблағларининг келгуси ва ҳақиқий қиймати тушунчаларидан фойдаланиш зарур.

Пул маблағларининг келгуси қиймати жорий даврда инвестицияланган маблағларнинг суммасини ифодалайди, улар белгиланган фоиз ставкасини ҳисобга олган ҳолда маълум вақт оралиғида шу суммага айланади.

Пул маблағларининг ҳақиқий (ҳозирги) қиймати фоизнинг маълум ставкасини ҳисобга олган келгуси пул маблағлари суммасини билдиради. Пул маблағларининг ҳақиқий қийматини аниқлаш учун улар қийматини муайян вақтдаги дисконтлаштириш жараёнини ҳам ҳисобга олиш лозим, чунки у пул маблағларининг келгуси миқдорда ортиб боришига тескари муомалани ифодалайди. Бундай ҳолда фоиз суммаси (дисконт) пул маблағларининг якуний суммаси (келгуси қиймати)дан айириб ташланади.

Маблағларни инвестиция қилиш ва инвестиция фойдасини шакллантириш билан боғлиқ молиявий ҳисоб-китобларни амалга оширишда пайтида пул маблағлари қийматини ошира бориш (компаундинг) ҳамда дисконтлаш жараёнларини оддий ва мураккаб фоизлар бўйича ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

Оддий фоизлар қисқа муддатли инвестициялашда, мураккаб фоизлар эса узоқ муддатли инвестициялашда қўлланилади.

Оддий фоизлар деганда маблағларни инвестициялаш жараёнида шартномага асосан келишилган тўловнинг ҳисобот даври (ой, чорак ва ҳ.к.) якунида қўйилмапинг дастлабки (ҳақиқий) қийматига асосан ҳисоб қилиниши тушунилади.

Оддий фоиз суммаси қўлланилганда қўйилмани ортиб борини (компаундинг) жараёнида қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$И_п = К_0 \bullet n \bullet Ф_п$$

бу ерда,

Ип — инвестициялашнинг келишилган даври учун фоиз ставкаси;

К0 — қўйилманинг дастлабки суммаси;

n — инвестициялаш давомийлиги (ҳар бир фоиз тўлови амалга

оширилади ган даврлар миқдори билан ифодаланган);

Фп - ўнли каср билан ифода этилган. фойдаланиладиган фоиз ставкаси.

Ушбу ҳолатда қўйилманинг келгуси қиймати (Кқ) фоиз суммасини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Кқ = К_0 + Ип = К_0 (1 + п \bullet Фп)$$

1-мисол. Қуйида берилган шартлар орқали бир йил учун фоиз суммасини аниқлаш зарур. Қўйилманинг дастлабки суммаси 500000 сўм. Ҳар чоракда тўланадиган фоиз ставкаси - 10%. Бу миқдорларни формулага қўйиб чиқиб фоиз суммасини аниқлаймиз:

$$Ип = 500000 \bullet 4 \bullet 0,1 = 200000 \text{ сўм}$$

Қавс ичидаги кўрсаткичлар (1Кп Фп) оддий фоизлар суммасини ортиб бориши коэффициенти дейилади. Бу коэффициент доим бир бирликдан катта бўлади.

Пул маблағи қийматини дисконтлаш жараёнида оддий фоиз суммасини ҳисоб-китоб қилишда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Д = К_б - К_0 \cdot \frac{1}{1 + п \cdot Ф_п}$$

2-мисол. Қуйидаги шартлар асосида бир йил учун оддий фоиз бўйича дисконт суммасини аниқлаш лозим. Қўйилманинг якуний суммаси 800000 сўм миқдорида белгиланган.

Ҳар чоракда тўланадиган дисконт ставкаси 10%ни ташкил этади.

Бу кўрсаткичларни дисконт суммасини ҳисоблаш формуласига қўйиб чиқсак, қуйидаги натижани оламиз:

$$Д = 800000 - 800000 \cdot \frac{1}{1 + 4 \cdot 0,1} = 228571,4$$

Демак, бир йилдан сўнг 800000 сўм олиш учун зарур бўлган инвестиция харажатларининг ҳақиқий қиймати қуйидагича бўлиши лозим:

$$К_0 = 800000 - 228571,4 = 571428,6$$

Мураккаб фоиз деб, ҳисобланган оддий фоиз суммаси

белгиланган ҳар бир даврдан кейин тўланмайдиган, балки асосий қўйилма суммасига қўшилиб, кейинги тўлов даврида даромад келтирадиган инвестиция қилиш натижасида юзага келадиган фойда суммасига айтилади.

Қўйилма суммасини ҳисоблашда мураккаб фоизлар бўйича унинг ортиб бориши қуйидаги формула орқали топилади:

$$К_{бс} = К_0 \bullet (1 + Ф_п)^n$$

бу ерда,

$К_{бс}$ — қўйилманинг мураккаб фоизлар бўйича ортиб бориш қиймати.

Ушбу формулага мувофиқ фоиз суммаси (Ип) қуйидагича ҳисобланади:

$$Ип = К_0 + К_{бс}$$

3-мисол. Қуйидаги шартлар асосида инвестициялашнинг бутун даврида мураккаб фоиз суммаси билан қўйилманинг келгуси қийматини аниқлаш талаб қилинади.

Қўйилманинг дастлабки қиймати 500000 сўм.

Мураккаб фоизли усулда қўлланиладиган ва ҳар чоракда тўланадиган фоиз ставкаси — 10%.

Инвестициялашнинг умумий даври кўрсаткичларини юқоридаги формулага қўйиб, қўйилманинг келгуси қийматини аниқлаймиз:

$$К_{бс} = 500000 \cdot (1 + 0{,}11) = 555000$$

Ушбу ҳолатда фоиз суммаси 55000 сўм (555000-500000)ни ташкил этади.

Пул маблағларининг ҳақиқий қийматини ҳисоблашда мураккаб фоизлар бўйича дисконтлаш жараёнини қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$К_х = \frac{К_0}{(1+Ф_п)^n}$$

бу ерда,

$К_х$-мураккаб фоизлар бўйича ҳисобланган қўйилманинг дастлабки суммаси.

Шунга биноан дисконт суммаси (Дс) қуйидаги формула орқали аниқланади:

$Дс = К_0 \quad Кх$

4-мисол. Қуйидаги шартлар асосида бир йил учун мураккаб фоизлар бўйича дисконт суммаси ва пул маблағининг ҳақиқий қийматини аниқлаш зарур. Пул маблағининг берилган қиймати 500000 сўм.

Мураккаб фоизни дисконтлаш учун фойдаланиладиган ставкаси ҳар чоракда 10%ни ташкил этади.

Ушбу кўрсаткичларни формулага қўйиб, пул маблағининг ҳақиқий қийматини аниқлаймиз:

$$Ҳақиқий\ қиймат = \frac{500000}{(1+0,1)^4} = 343465,8\ сўм$$

Шунга мувофиқ, дисконт суммаси 157534,2 сўм (500000-342465,8)ни ташкил этади.

Пул оқимларини ўзаро тенг тўловларининг бундай бир текислиги аннуитет деб аталади. Аннуитетга мисол қилиб инвестициялар бўйича ҳар чоракда тўланадиган фоиз тўловлари суммаси, ижарадаги мулк учун бир текис тўлов ва ҳ.к.ларни олиш мумкин. Аннуитет кўринишидаги пул оқимлари тўловларини кетма-кетлигини аниқлаш пул маблағларини ортиб бориш жараёнини ҳисоблашни анча сиғиллаштиради ҳамда улар қийматини дисконтлаш учун соддалаштирилган формулалар тўпламидан фойдаланиш имконини беради.

5-мисол. Инвестор 500000 сўмни 1 йил муддат билан депозит қўйилмага жойлаштиришни мўлжаллаган. Бир банк инвесторга мураккаб фоизлар бўйича ҳар чоракда 7,5% миқдорда тўлашни, иккинчиси эса 10% миқдорида тўрт ойда бир марта, учинчиси – 15% миқдорида йилда икки марта, тўртинчиси – 30% миқдорида йилига бир марта тўлашни таклиф қилади.

Бу вариантларни таққослаб шундай хулосага келиш мумкинки, инвестор учун биринчи банк таклиф этаётган фоиз ставкаси фойдали ҳисобланади.

Аннуитетнинг келгуси қийматини аниқлаш учун қуйидаги

формуладан фойдаланиш мумкин:

$$A_{кел.} = A_{тс} \cdot d_{коэф.}$$

бу ерда,

$A_{кел.}$ маълум даврр охирида аннуитетнинг келгуси қиймати;

$A_{тс}$ — аннуитет тўлови суммаси;

$d_{коэф.}$ — аннуитет қиймати ортиб боришини фоизнинг қабул қилинган ставкаси ва даврларини ҳисобга олган махсус жадвал бўйича аниқланадиган коэффициенти.

Инвестициялашнинг қайси варианти самаралилигини аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузамиз (4.4-жадвал).

4.4-жадвал

Инвестициялашнинг турли шароитларида қўйилмининг келгуси қийматини ҳисоблаш

Варианглар	Қўйилманинг ҳақиқий қиймати	Фоиз ставкаси	Якуний келгуси қиймат			
			1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак
1	500000	0,075	537500	577812,5	621148,4	667734,5
2	500000	0,1	550000	605000	665500	732050
3	500000	0,15	575000	661250	760437,5	874503,1
4	500000	0,3	650000	845000	1098500	1428050

Шунга биноан, аннуитетнинг ҳақиқий қийматини аниқлаш учун формула қуйидаги кўринишни олади:

$$A_{ҳақ} = \frac{A_{кс}}{A_{дк}}$$

бу ерда,

$A_{ҳақ}$ — аннуитетнинг ҳақиқий қиймати;

$A_{кс}$ — аннуитетни қоплаш суммаси;

$A_{дк}$ — қабул қилинган дисконт ставкаси ва даврлар миқдорини ҳисобга олиб, махсус жадваллар бўйича аниқланадиган аннуитетни дисконтлаш коэффициенти.

Пул маблағларининг ҳақиқий қийматини баҳолашда инфляция омили ҳам муҳим аҳамиятга эга, у пул маблағларининг сотиб олиш

қобилиятини пасайишига сабаб бўлади.

Инвестициялаш жараёнида пул оқимларини самарали бошқариш билан боғлиқ ҳисоб-китобларга инфляциянинг таъсирини баҳолашда пул маблағларининг номинал ва ҳақиқий қийматидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Пул маблағларининг номинал қиймати пулнинг сотиб олиш қобилияти ўзгаришини ҳисобга олмай унинг ҳажмини баҳолашни назарда тутади.

Пул маблағларининг ҳақиқий қиймати эса уларнинг келгуси ва ҳозирги қийматини аниқ ҳисобланда самарали қўлланилиши мумкин.

Одатда, инфляция таъсирини баҳолашда қуйидаги асосий кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин:

1) инфляция суръати (Ис). Бу кўрсаткич муайян даврда (n) баҳоларнинг инвестиция ҳисоб-китобларида ифода этилган ўнлик касрдаги ўрта даражадаги ўсишни ифодалайди.

2) инфляция индекси (Иindек.).

1+Ис деб белгиланадиган кўриб чиқилаётган даврда (n) инфляцияни ҳисобга олган ҳолдаги пул маблағларининг қўшилган қиймати қуйидаги формула билан аниқланади:

$$П_{ҳақ} = \frac{П_{ном.}}{И_{индек.}}$$

бу ерда,

Пҳақ. — пул маблағларининг келгуси ҳақиқий қиймати;

Пном. — пул маблағларининг келгуси номинал қиймати;

Мазкур формула ёрдамида пул маблағлари қиймати ортиб бориши жараёнидаги фоизнинг фойдаланиладиган ставкасида инфляция даражаси ҳисобга олинган бўлмаса, пул маблағларининг аниқ тўланган қийматини аниқлаш мумкин.

4.4. Бизнес таркибини ўзгартириш бўйича қарорлар қабул қилиш

Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида республикамиз корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга

оширин, яъни, бизнес таркибини ўзгартириш (қайта таркиблаш) моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни тақсимлаш имконини беради.

Ушбу таркибий ўзгаришларнинг асосий мақсади корхонанинг танлаган ривожланиш стратегиясига мувофиқ унинг ташкилий тузилмасини мукаммаллаштириш, ишлаб чиқаришни марказлашмаган ҳолда бошқаришга эришиш ҳисобланади.

Қуйидаги ҳолатлар корхоналарда қайта таркиблаш заруратини юзага келтиради:

— маблағларни қайта инвестициялаш, ривожланишнинг узоқ муддатли дастурини амалга ошириш, уларнинг узлуксиз молияланишини таъминлаш;

— бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш;

— биргаликдаги фаолиятдан олинадиган маблағлардан мақсадли фойдаланишни қатъий назорат қилиш;

— инвестиция лойиҳалари (бизнес-режалар)ни ягона стандартлар асосида, хорижий инвесторлар манфаатлари ва ташқи омиллар (инфляция даражаси, солиқ қонунчилиги, тармоқнинг ривожланиш тамойиллари ва ҳ.к.)ни инобатга олган ҳолда расмийлаштириш;

— инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича режаларни корхона томонидан бажарилишини жорий назорат қилиш, тезкор бошқарув қарорлари қабул қилишда лойиҳалар борасидаги мавжуд муаммолар ҳақида раҳбариятга ўз вақтида хабар қилиш;

— корхона молиявий-хўжалик ҳолати ва инвестиция лойиҳалари самарадорлиги таҳлили асосида инвестиция фаолиятининг стратегик режасини ишлаб чиқиш;

— инвестиция лойиҳаларини молиялаш стратегиясини режалаштириш. Бунда инвестиция лойиҳаларига мавжуд молиявий ресурсларни тақсимлаш, уларни самарадорлик даражасига қараб гуруҳлаш талаб этилади;

— фонд бозорига маблағларни жалб этиш учун шароитлар яратиш;

— қарзларни қайта таркиблаш ва уларни тўлаш борасидаги

муаммоларни ҳал этиш.

Бизнес таркибини ўзгартириш (қайта таркиблаш) бўйича самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш қуйидаги ижобий хусусиятларга эга:

— бозор конъюнктурасининг ўзгарувчан талабларига мувофиқ ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини тез муддатларда ўзгартириш;

— ишлаб чиқариш қувватларидан оптимал даражада фойдаланиш;

— айланма маблағлар айланиши тезлигини таъминлаш ва назорат қилиш имконияти;

— корхонанинг ишлаб чиқариш ва бошқа бўлинмалари ўртасида оқилона баҳо сиёсати юритилишига эришиш ва ҳ.к.

Шунингдек, бизнес таркибини ўзгартириш натижасида ишлаб чиқариш жараёни ва технологияси, маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишни бошқаришда муҳим ўзгаришлар рўй беради. Бу ҳолат эса корхона *молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини* яхшиланишига хизмат қилади.

Қайта таркиблаш жараёнида корхонани бошқаришнинг ташкилий тизими таҳлил қилиб чиқилади, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўлимлари, цехлари бозорда талаб мавжуд бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаштирилади, самарали фаолият кўрсатмаётган бўлимлар, ишлаб чиқариш шоҳобчалари тугатилади. Бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан қарзлар фойдаланилмаётган асбоб-ускуна, жиҳозлар ёки биноларни сотиш ҳисобига қопланади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш жараёнини хомашё ва материал, техник воситалар билан таъминловчи корхона ёки фирмалар билан ўзаро иқтисодий муносабатлар ҳам қайта кўриб чиқилади. Шулар қаторида қайта таркиблашнинг бошқа чора-тадбирлари ҳам амалга оширилади.

Албатта, бундай усулни қўллаш, биринчидан, корхонанинг бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариши, иккинчидан, харажатларни самарасиз йўналтирилаётган қисмини тежаб қолиш ва корхонанинг ниҳоят молиявий натижасини ошишига олиб келади.

Қайта таркиблаш жараёни зарар кўриб келаётган корхоналар ишлаб чиқаришини тиклаш ёки амалдаги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга имкон беришини аниқлаш учун корхонанинг сўнгги йиллардаги иқтисодий кўрсаткичларининг ҳолати ва динамикаси, уларга солиққа тортиш тизимининг таъсирини таҳлил қилиш зарур.

Бунда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

— фаолият якуний натижалари (дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, таннарх, тушум, тақсимланмайдиган фойда, рентабеллик, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси, ходимлар сони, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди);

- инвестиция ва иш фаоллигининг ҳолати (ўз ва қарз маблағлари, захира ва харажатларнинг айланма маблағлар билан таъминланганлиги, захиралар ва ўз маблағларининг айланувчанлиги);

— ликвидлилик ва тўлонга лаёқатлилик (жорий ликвидлилик, айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти).

Корхона активларини қайта таркиблашда қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

— ишлаб чиқариш рентабеллигини таъминлаш;

— корхонада фойдаланилмаётган активларни сотиш ва ижарага бериш, гаровга бериш ҳамда рўйхатдан чиқариш;

— тугалланмаган ишлаб чиқариш, сафарбар этилган ва бошқа мол-мулкни консервациялаш;

— янги юқори сифатли жиҳозларни харид қилиш, ижарага, лизингга олиш;

— омборлардаги захираларни камайтириш, фойдаланилмаётган биноларни ижарага бериш;

— дебиторлик қарзлари қайтарилиши устидан назорат қилишни кучайтириш;

— молиявий қўйилмаларни сотиш, гаровга қўйиш, ишончли бошқарувга топшириш.

Корхона пассивларини қайта таркиблаш (пассивларнинг таркиби ва асосий унсурлари, яъни, устав ҳамда захира капитали, жамғарма фонди, ижтимоий соҳа фонди, мақсадли молиялаш ва

тушумлар, тақсимланмайдиган фойда, узоқ муддатли ва қисқа муддатли қарз маблағлари, кредиторлик қарзларини таҳлил қилиш) ҳам юқоридаги тартибда амалга оширилади.

Устав капитали ва кредиторлик қарзларини қайта таркиблаш жараёнига тўхталамиз. Фараз қилайлик, "А" корхонанинг устав капитали "В" корхонаникига қараганда 6 марта кўп. Мазкур ҳолатда "В" корхонанинг устав капиталини қайта таркиблаш корхона мулкдорлари (акциядорлар) таркибини ўзгартиришни назарда тутади. Бу унинг молиявий аҳволини яхшилайди, салоҳиятли инвесторларни тошишга кўмаклашади.

Ушбу жараёнинг камчилиги шундаки, бунда корхона мулкдорлари устав капиталидаги ўз улушларининг қисқаришига рози бўлишга мажбур. Аммо мулкдорлар устав капиталидаги ўз улушини камайтириш орқали ишлаб чиқаришни сақлаб қолишлари мумкин. Айни пайтда улар қайта таркиблаш йўли билан устав капиталини маълум даражада кўпайтиришдан манфаатдордир, чунки корхона банкротликка учраганда унинг барча мажбуриятлари амалга оширилганидан кейин қолган мол-мулкни сотишдан маблағлар олиш мумкин.

Корхоналар ва холдингнинг молиявий аҳволига бюджет ҳамда бюджетдан ташқари фондларга қарзлар бўйича қайта таркиблаш самарали таъсир кўрсатади.

Банкнинг қисқа муддатли кредитларини узоқ муддатли қарзларга қайта расмийлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Фараз қилайлик, "А" корхонадаги кредиторлик ва дебиторлик қарзлари "В" корхонадагига қараганда икки марта кўп. Бунда мол етказиб берувчилар ва бошқа кредиторларга қарзлар бир неча усуллар билан қайта таркибланади. Жумладан, бу ҳолда мол етказиб берувчиларни корхона устав капиталида иштирок этишга қизиқтириши мумкин. Бундай ҳолатда устав капиталини ошириш ва акциялар (улушлар ва пайлар)нинг бир қисмини мол етказиб берувчиларга сотиш қарзларни тўлаш имконини беради.

Қайта таркиблаш асосида меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарздорликни ҳам бартараф этиш имконияти мавжуд. Бунда қарзни ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки корхонанинг акциялари

билан қоплаш мумкин. Аммо бунинг учун Низомга мувофиқ ходимлар ва акциядорларнинг розилигини олиш талаб этилади.

Пассивлар ва активларни қайта таркиблаш нафақат ўзаро узвий боғланган, балки улар бошқарув тизимини қайта таркиблашнинг узвий қисми ҳисобланади. Хусусан, пассивларни қайта таркиблаш ўз-ўзидан активларнинг қайта таркибланишига олиб келади, бу эса ўз навбатида бошқарув таркибий тузилмасини такомиллаштиришни талаб қилади.

Қайта таркиблаш мақсадида бошқарув тузилмаси учта йўналишга ажратилади:

— ишлаб чиқаришни бошқариш;

— ходимларни бошқариш;

— интеграцион бошқарув.

Ишлаб чиқаришни самарали бошқариш корхонани ривожлантириш стратегиясига мос келиши лозим. Бу эса нафақат ишлаб чиқаришни қайта таркиблаш, балки оқилона кадрлар сиёсатини амалга ошириш, молиявий-иқтисодий, маркетинг ва юридик бўлинмаларни малакали мутахассислар билан таъминлаш, кадрларнинг миқдорий ва сифат таркибини яхшилашга асосланади.

Қайта таркиблашдан олдин ишлаб чиқаришни тезкор ва стратегик бошқаришнинг таҳлили ҳамда шу асосда бошқарув қарорларини қабул қилиш амалга оширилади.

Ишлаб чиқаришни қайта таркиблашдан мақсад — ишлаб чиқаришни тайёрланаётган маҳсулотларга буюртмалар билан имкон даражада таъминлаш, уларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шароитлар яратиб бериш ҳисобланади. Шунингдек, бунда ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, капитал маблағлар таркибини ўзгартириш, бошқарув тизимининг қайта ташкил этилишини назарда тутувчи товарларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва улар сифатини ошириш истиқболларини белгилаш ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришни қайта таркиблаш тўғрисида бошқарув қарорлари қабул қилишнинг зарурати ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулотнинг молиявий-иқтисодий ва маркетинг жиҳатдан таҳлилини талаб даражасида эмаслиги ҳисобланади. Маркетинг

тадқиқотлари асосида жорий йилда ва келгусида қандай товарларни қанча миқдорда ишлаб чиқариш ва сотиш имкони мавжудлигини аниқлаш мумкин.

Қайта таркиблаш жараёнида корхоналарнинг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг фойдали йўналишларини иқтисодий жиҳатдан асослаб беради. Бу маълумотлар асосида корхонада бошқарув ва ишлаб чиқариш бўлинмаларининг янги, самарали таркиби шаклланади. Қайта таркиблашда рентабелли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи бўлинмалардан ташқари бўлинмаларни салбий натижалар (зарур мутахассислар штатининг қисқариши, тупумнинг камайиши ва ҳ.к.)га олиб келишига қарамасдан тугатишга тўғри келади. Чунки бу тадбир корхонани иқтисодий соғломлаштиришга кўмаклашади.

Шунингдек, ишлаб чиқаришни қайта таркиблашда қуйидагиларга асосланиш зарур:

— уй-жой коммунал хўжалиги, капитал қурилиш, ёрдамчи хўжаликлар каби ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиган бўлинмаларни мустақил хўжалик субъектларига ажратиш;

— рентабелли ишлаб чиқаришни шўъба ва тобе жамиятларга ажратиш;

— тегишли хизмат турларини сотиш жараёнини бошқарувчи бўлинмаларга топшириш ва ҳ.к.

Бу ҳолатлар корхона молиявий-хўжалик фаолиятини харажатлар ва иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан таҳлил этишни талаб қилади. Ишлаб чиқаришни юқори иқтисодий самарадорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ходимларнинг малакали касбий тайёргарликка эга бўлишидир.

Ишлаб чиқаришни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш учун корхонани қайта таркиблашнинг ялпи дастури ишлаб чиқилади. Мазкур дастур таҳлилий амалларнинг натижаларини синтезлаш, улар асосида қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш йўллари, усуллари, шарт-шароитларини аниқлаш, бу борадаги зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган.

Қайта таркиблаш дастури мақсад ва вазифалар, қайта

таркибланаётган корхонанинг умумий хусусиятлари, молиявий-иқтисодий ҳолатининг таҳлили, товар бозорлари конъюнктураси ва маҳсулотлар ассортименти таҳлили, бошқарув тизими, активлар ва пассивларни қайта таркиблаш, қайта таркиблаш бўйича амалга оширилaдиган чора-тадбирларнинг тақвим режаси, молиявий режа, масъул ижрочилар тўғрисидаги маълумотлар, қайта таркиблашнинг самарадорлиги, хатарларни баҳолаш, кафолатлар, қайта таркиблаш амалга оширилишининг назорати каби бўлимлардан иборат бўлади.

Қайта таркиблашнинг ялпи дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ривожланиш стратегияси ва бозордаги хатти-ҳаракатлари, шунингдек, ишлаб чиқариш ва маркетингни режалаштиришда ҳал этиладиган вазифаларни инобатга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Дастур корхонани бошқаришнинг ваколатли органи томонидан муҳокама қилинади ва тасдиқланади. Ушбу орган томонидан дастурнинг ижрочилари ва раҳбари тайинланади.

Дастур бажарилишининг бориши ҳақида ҳисоботлар корхонанинг бошқарув органига тақдим этилади ва зарур ҳолларда унга тегишли тузатишлар киритилади. Дастурнинг амалга оширилиши бўйича ишлар тасдиқланган молиявий режага мувофиқ молиялаштирилади. Мазкур дастур корхонани қайта таркиблаш бўйича тадбирлар тақвим режасининг бажарилиши билан якунланади.

Қайта таркиблашнинг ялпи дастури нафақат иқтисодий ночорлик ҳолатига тушиб қолган корхоналарга, балки самарали фаолият кўрсатиб турган корхоналарга ҳам фойдали бўлиши мумкин. Чунки у оқилона бошқарув қарорлари қабул қилиш заруратини асослаш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилашга кўмаклашади. Дастурни амалиётга жорий этиш корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

4.5. Бизнес таркибини ўзгартириш бўйича қарорлар қабул қилишда бошқарув самарадорлигини баҳолаш

Корхоналарда бизнес таркибини ўзгартириш бўйича оқилона

бошқарув қарорлари қабул қилиш бошқарув тизими самарадорлигини таҳлил қилишга бевосита боғлиқ.

Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектлар бошқаруви самарадорлигини ошириш мамлакат иқтисодиётини истиқболли ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Мазкур ҳолатда корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти ички ва ташқи омиллар таъсирида такомиллашади. Улар олдига ўз фаолиятларини бозор тамойилларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш талаби қўйилади.

Бу каби талаблар корхоналарга харидорлар эҳтиёжларини оптимал даражада қондириш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган ҳамда ташқи муҳит ўзгаришларига мослашувчан бошқарув тизимини вужудга келтиришни тақозо этади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашда бошқарув самарадорлиги алоҳида ўрин эгаллайди, чунки ҳар бир иқтисодий тизим ва жараён самарали бошқаришни талаб қилади. Иқтисодиётнинг бошқариш самарадорлиги дейилганда, аввалambор, бошқариш жараёнининг натижавийлиги тушунилади.

Агар корхона бошқарув фаолиятининг натижавийлиги ходимлар фаолиятининг пировард натижавийлиги билан тўғри келса, бошқаришда мураккаб, кўп қиррали объектни баҳолаш бўйича тўлиқ (умумий) ёки шаклан самарадорлик юзага келади (4.8-чизма).

Самарадорлик ижтимоий-иқтисодий категория сифатида бошқарувнинг барча томонларини қамраб олади ва иқтисодий, ташкилий, маркетинг ҳамда бошқа муносабатларни ифодалайди.

Бошқарув самарадорлиги бошқарувнинг ўзига эмас, балки ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши зарур. Бу ҳолат бошқарув ва ишлаб чиқаришни бир-биридан ажратиб бўлмаслиги, бироқ бу яхлитликда ишлаб чиқариш устувор ҳисобланиши лозимлиги билан изоҳланади.

Иккинчидан,бозор иқтисодиётига ўтиш фақат ишлаб чиқаришни эмас,балки корхона фаолиятининг бошқа жиҳатлари, хусу-

сан, бозорларни ўрганиш, ходимлар ва молияни бошқариш кабиларнинг самарадорлигини оширишни ҳам талаб этади. Шу сабабли, бошқарув самарадорлиги деганда, пировард натижада объектни яхлит тизим сифатида оқилона фаолият кўрсатиши ва унинг ривожланишини таъминлайдиган бошқаришни тушуниш зарур.

4.8-чизма. Корхонада бошқарув самарадорлигининг турлари

Корхона бошқаруви самарадорлигини таъминлашда унинг услубий жиҳатдан мезон ва кўрсаткичлари аниқланиши алоҳида аҳамиятга эга. Бу кўрсаткичларни аниқлаш учун бошқарув тизими самарадорлигининг таҳлилини ўтказиш лозим. Чунки ўтказиладиган таҳлил қанчалик чуқур ва сифатли бўлса, бошқарув самарадорлигининг объектив баҳоланишига шунчалик ижобий таъсир кўрсатади. Мазкур таҳлил жараёнида аниқланган мезон ва кўрсаткичлардан фойдаланиб бошқарув самарадорлигига баҳо берилади. Қуйидаги чизмада бошқарув тизими самарадорлигини таҳлил қилиш модели келтирилган (4.9-чизма):

Чизмадан кўриниб турибдики, таҳлил модели шартли равишда учта блокка бўлинган:

I-блок — корхонанинг таъминот таҳлили (кадрлар, моддий,

техник, ахборот ва ҳ.к.);

II-блок — бошқарувнинг ташкилий тузилмаси ва бошқарув жараёнлари таҳлили;

III-блок — ишлаб чиқариш бўлинмалари ва ҳисоб тизими ҳолати таҳлили.

Ушбу таҳлил блоклари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш бошқарув тизими самарадорлиги таҳлилини сифатли ва ишончли ўтказишни таъминлайди.

Шуни таъкидлаш зарурки, муайян объектнинг бошқарув самарадорлигига баҳо бераётганда унинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниши зарур. Масалан, қишлоқ хўжалиги тармоғига тегишли хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

4.9-чизма. Бошқарув тизими самарадорлигини таҳлил қилиш модели

— субъектларнинг стратегик аҳамиятга молик эканлиги;

— ишлаб чиқаришда қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоғи хусусиятларининг уйғунлашганлиги. Жумладан, саноат ишлаб чиқаришида маҳсулот таннархининг асосий қисмини хомашё ташкил этади, яъни, бунда материал сиғими юқори;

— қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқаришга табиий иқлим омилларининг бевосита таъсир этиши.

Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув самарадорлигини ҳаққоний баҳолаш қуйидаги тамойилларни ҳисобга олишни тақозо қилади:

— тезкорлик ҳамда бошқарув жараёни мақсад ва вазифаларини бозор иқтисодиёти талабларини эътиборга олган ҳолда амалга ошириш;

— фойдалилик ва бошқарувнинг ташкилийлиги, яъни, ишлаб чиқариш ҳамда корхона бошқарувининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;

— тежамкорлик ёки натижавийлик, яъни, бошқарувни имкон даражада кам меҳнат, моддий ва молиявий харажатлар сарфлаш орқали ташкил этиш.

Юқоридагиларга асосланиб хўжалик юритувчи субъектлар бошқаруви самарадорлиги мезонларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

— ишлаб чиқаришнинг юқори даражадаги самарадорлиги;
— бозордаги улушнинг ортиши;
— харажатлар даражаси;
— ташқи муҳит билан ўзаро алоқадорлик даражаси;
— бошқарув қарорлари қабул қилишнинг тўғрилиги ва тезлиги;
— тизимнинг ўз-ўзини тартиблаш ва ташкил этиш имконияти.

Бу мезонлардан келиб чиқиб бошқарув самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар тизимини қуйидагича асослаш мумкин (4.5-жадвал):

Ушбу кўрсаткичлар хўжалик юритувчи субъектнинг нафақат ички самарадорлиги, балки ташқи самарадорлигини ҳам ўзида акс эттиради.

Бизнесни марказлаштирилмаган ҳолда бошқариш йирик корхоналарда бошқарувни кичик ва ўрта бизнес субъектлари бошқаруви каби ташкил этишни англатади.

Бошқарув тизимини бундай тартибда шакллантиришнинг афзаллиги йирик корхоналарнинг даромади юқорилиги ва уларни ишсизлик даражасини пасайтиришга кўмаклашиши билан ифодаланади.

Бизнесни амалга оширувчи шахс бизнес субъекти ёки бизнесмен, деб аталади. Бизнес хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, жумладан, маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишдан иборат фаолият мажмуини ифодалайди.

4.5-жадвал

Бошқарув самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар ҳисоб-китоби	Таркибий кўрсаткичларнинг изоҳи
1.	Бошқарув фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги ($К_{ш}$)	$К_{ш} = \frac{Д}{Х_{ш}}$	***Д*** - йиллик даромад; ***$Х_{ш}$*** - маҳсулотни ишлаб чиқа-риш ва сотишга сарфланган бир йиллик харажатлар
2.	Ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражаси ($К_{т}$)	$К_{т} = \frac{И_{ж}}{А_{о}}$	***$И_{ж}$*** - ишлаб чиқариш давринг давомийлиги; ***$А_{о}$*** - айланма маблағлар оборотининг давомийлиги.
3.	Ишлаб чиқариш ва сотиш рентабеллиги ($К_{р}$)	$К_{р} = \frac{Ф_{с}}{С_{ж}}$	***$Ф_{с}$*** - соф фойда; ***$С_{ж}$*** - маҳсулотни сотиш ҳажми.
4.	Капитални маневрлик даражаси ($К_{м}$)	$К_{м} = \frac{К_{ш}}{К_{у}}$	***$К_{ш}$*** - айланма маблағлар суммаси; ***$К_{у}$*** - ўзининг капиталини ўртача йиллик капиталидаги улуши.
5.	Амортизация ажратмаларининг жамғарилиши ($К_{а}$)	$К_{а} = \frac{АФ_{б}}{А}$	***$АФ_{б}$*** - асосий воситаларнинг бошланғич қиймати; ***А*** - амортизация ажратмалари суммаси.
6.	Маҳсулот рентабеллиги ($К_{ш}$)	$К_{ш} = \frac{Т}{Х}$	***Т*** - маҳсулот сотишдан олинган тушум; ***Х*** - маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар.
7.	Акционер капиталидан фойдаланиш самарадорлиги. Битта акциянинг қиймати ($К_{а}$)	$К_{а} = \frac{К_{а}}{С_{а}}$	***$К_{а}$***- муомалага чиқарилган акцияларнинг қиймати; ***$С_{а}$*** - сотилган акцияларнинг қиймати.

Иқтисодиётда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳар бир мамлакатдаги мавжуд иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муҳитга боғлиқ бўлади.

Ҳозирги пайттача республикамизда кичик ва ўрта бизнесни истиқболли ривожлантириш борасида кўплина амалий ишлар қилинди, жумладан, уни бевосита қўллаб-қувватловчи қуйидаги махсус қўмита ва кенгашлар ташкил этилди:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идораларо мувофиқлаштирувчи кенгаш;

— Олий Мажлиснинг иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорлик бўйича қўмитаси;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг реструктуризация хусусийлаштириш қўмитаси;

— Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ва ҳ.к.

Ушбу давлат органларининг муҳим вазифаси кичик ва ўрта бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат.

Шунингдек, маҳаллий органлар, ҳокимликлар ҳам ўз ҳудудий хусусиятларига асосланган ҳолда, кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиб, амалга оширадилар.

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида "Корхоналар тўғрисида", "Мулкчилик тўғрисида", "Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ҳамда "Хусусий тадбиркорлик тўғрисида"ги Низом қабул қилинди.

Кичик ва ўрта бизнес (КЎБ) субъектларини ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

— КЎБларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

— КЎБларда замонавий, рағбатлантирувчи бошқарув тузилма-

сини барпо қилиш;

- КЎБларга моддий-техника базаси шакллантиришда ёрдам бериш;

- КЎБларни ишончли ахборот манбалари билан таъминлаш.

Ушбу меъёрий ҳужжатлар республикамиз иқтисодиётида марказлаштирилмаган бошқарувни йўлга қўйиш, бу жараёнда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг аҳамиятини оширишга хизмат қилади.

Ишлаб чиқаришни марказлаштирилмаган ҳолда бошқаришнинг муҳим шарти иқтисодиётда янги ишлаб чиқариш бирликларини вужудга келтириш ҳисобланади. Бунда хўжалик юритувчи субъектлар юридик жиҳатдан мустақил ёки мустақил бўлмаслиги мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда янги таҳрирда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг (2001 йил 12 майдаги ўзгартишлар билан) 5-моддасига мувофиқ республикамизда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг қуйидаги шакллари мавжуд:

— юридик шахс бўлмаган, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи алоҳида жисмоний шахс;

— микрофирмалар - мулкчилик шаклидан қатъи назар ўзининг ўртача йиллик бандлик ҳисобига эга ишлаб чиқариш тармоқларида 10 кишигача ишчиси бўлган, савдо, хизмат ва бошқа ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 5 кишигача ишчиси бўлган корхоналар;

— кичик корхона — мулкчилик шаклидан қатъи назар, ўзининг йиллик бандлик ҳисобига эга, саноат соҳасида банд бўлган, таркибида 40 кишигача ишчиси бўлган, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида таркибида 20 кишигача ишчиси бўлган, фан, фанга хизмат кўрсатиш, чакана савдода таркибида 10 кишигача ишчиси бўлган корхона;

— ўрта корхона - мулкчилик шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш соҳасида 100 кишидан ошмаган, қурилишда 50 киши, қишлоқ хўжалигида, бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, улгуржи савдода 30 киши, чакана савдо, хизматлар соҳаси ва бошқа ишлаб

чиқаришдан ташқари тармоқларда 20 кишидан иборат ишчиси бўлган корхоналар.

Халқаро тажрибанинг тасдиқлашича, кичик бизнес субъектлари йирик бизнес кўмаги остида самаралироқ фаолият юритади, чунки йирик корпорациялар технологик жараёнларнинг маромийлигини таъминлайди.

Кичик бизнес субъектлари бошқарувда бир қатор ижобий устунликларга эга, жумладан:

— бошқарув қарорлари қабул қилишнинг тезкорлиги ва ихчамлигига эришилади;

— юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, уларнинг таннархини пасайтириш, хомашё ва ресурслардан самарали фойдаланишда йирик бизнесга қараганда кичик бизнес субъектларининг имконияти юқори;

— кичик бизнес субъектларида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, илмий-техникавий янгиликларни амалиётга қисқа муддатларда жорий этиш мумкин;

— иқтисодиётда рақобатчилик муҳитини шакллантиришга кўмаклашади;

— бозор талабларига, рақобатбардошлик шартларига тезроқ мосланишлади;

— қўшимча ишчи ўринларини юзага келтиради ва ҳ.к.

Бизнесни марказлаштирилмаган ҳолда бошқариш зарурияти корхона иқтисодий ночорлик ҳолатига тушиб қолганда, яъни, унинг кредиторлар олдидаги ўз мажбуриятларини белгиланган муддатларда бажара олмаслик ҳолларида ҳам юзага келади.

Корхоналарда бошқаришнинг мазкур тартибини самарали жорий этиш уларда бухгалтерия ҳисоби тизимини такомиллаштиришга бевосита боғлиқ. Бунда корхонанинг ҳисоб тизимини харажатлар ва жавобгарлик марказлари устидан ҳамда режалаштирилган кўрсаткичлардан четланишлар бўйича тезкор назорат ўрнатиш, шунингдек, бўлинмалар ўртасида трансферт баҳоларни тўғри шакллантириш, улар молиявий-хўжалик фаолиятини батафсил акс эттирадиган сегментар ҳисоботларни тузишга имкон беришни талаб қилинади.

4.6. Ривожланган мамлакатларда бизнесни марказлаштирилмаган ҳолда бошқариш тажрибаси

АҚШ иқтисодиётида бизнес таркибини ўзгартириш амалиёти XIX асрнинг 50-60-йилларида корхоналарда марказлашган бошқарувдан фойда, инвестиция каби марказларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини оширишга ўтилиши билан бошланди.

Ривожланган давлатлар тажрибасига кўра, корхоналар ўртасидаги рақобат курашининг кучайиши ишлаб чиқаришнинг мослашувчанлиги ва самарадорлигини ошириш, ҳар қандай ички ва ташқи омиллар таъсирига тайёр туриш каби муҳим вазифаларни амалга оширишни тақозо этади.

Бундай шароитда йирик корхоналар олдида вертикал интеграциялашиш даражасини ҳаққоний баҳолаш, уни пасайтириш имкониятларини излаш, бўлинмаларнинг хўжалик мустақиллигини таъминлаш каби вазифалар юзага келади.

Ғарб мамлакатлари тажрибасининг тасдиқлашича, бизнесни номарказлаштиришда корхона раҳбарияти бозорни ўрганиш, ишлаб чиқаришни бошқариш ва назорат қилиш, товар ва хизматларни сотиш тўғрисида старлича ахборотлар тўплаш борасида дастлабки маркетинг изланишларини амалга оширмасдан иқтисодий самарадорликка эришиши қийин.

Маркетинг изланишлари товар (иш ва хизмат)ларни бозорда фойдали сотиш бўйича бошқарув қарорлари қабул қилишда асос вазифасини бажаради. Мазкур изланишлар маҳсулотлар сифати ва баҳосига таъсир этувчи омиллар ҳамда ишлаб чиқариш ва сотиш кўрсаткичлари (сотиш ҳажми ва жойи, мол етказиб берувчилар, воситачилар ва ҳ.к.)ни ифода этади.

Бизнес таркибини ўзгартириш бўйича бошқарув қарорлари қабул қилишда қуйидагилар маркетинг фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

– корхонанинг истиқболли ривожланиш имкониятларини таҳлил қилиш;

– жорий бизнес фаолиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш;

— корхонанинг ички бизнес таркибини таҳлил қилиш;

— корхонанинг фаолият кўрсатаётган ташкилий тузилмасининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Корхонанинг истиқболли ривожланиш имкониятларини таҳлил қилишда унинг бозорда муайян фаолият тури бўйича рақобатлашиш даражаси аниқланади.

АҚШ иқтисодчиси, стратегик бошқариш бўйича етук иқтисодчи олим М.И.Портер корхона бизнесининг ривожланишига олиб келувчи тўртта ўзаро рақобатлашадиган иқтисодий субъектни ажратади (4.10-чизма).

4.10-чизма. Бозорда ҳаракат қиладиган ўзаро рақобатлашувчи иқтисодий субъектлар

Корхоналар ўз бизнес фаолиятини ташкил қилишда мол етказиб берувчилар тўғрисидаги зарур ахборотларни ҳисобга олиши зарур. Мол етказиб берувчилар корхоналар фаолиятига етказиб бериладиган маҳсулотларни баҳоси ва сифатининг мақбуллигини таъминлаш орқали таъсир кўрсатади.

Бу омилларнинг таъсир даражаси қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

— етказиб бериладиган ўринбосар маҳсулотларнинг йўқлиги;

— маҳсулот (товар)ларнинг корхона учун аҳамиятлилиги;

— мол етказиб берувчиларнинг фаолият доираси (йирик ёки кичик корхона);

— сотувчи-мол етказиб берувчи тизимида харидорларнинг ҳиссаси (агар бу ҳисса юқори бўлмаса, сотувчи баҳоларни ошириши ёки маҳсулот сифатини пасайтириши мумкин).

Бизнесни бошқаришга таъсир этувчи мижоз ва харидорларнинг ўзаро алоқаси омили корхоналарга бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаш учун дистрибютерлик тизимини ишлаб чиқишни талаб қилади. Мижоз ва харидорларнинг корхона фаолиятига таъсири маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар баҳосини пасайтириш ва уларнинг сифатини ошириш билан боғлиқ.

Ушбу омилларнинг таъсир даражаси қуйидагилар орқали ифодаланади:

— мижоз ва харидорларнинг зарур ахборотлар билан таъминланганлиги;

— маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг харидор учун нафлилиги ва ҳ.к.

Бозорда ўринбосар товарларнинг пайдо бўлиши анъанавий, замонавий талабларга жавоб бермайдиган товарларни сиқиб чиқаради. Шунингдек, бу ҳолат бозорда рақобат муҳитини шакллантиради ва корхона бизнесини бошқаришга янги талабларни қўяди, жумладан:

— маҳсулот (товар)ларнинг янги турини ишлаб чиқаришни тақозо этади;

— фаол маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, товарлар рекламасини самарали йўлга қўйиш заруриятини юзага келтиради;

— маҳсулот (товар)ларнинг баҳосини пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашни талаб қилади;

— *харидор (мижоз)ларга* қўшимча хизматлар кўрсатиш, истеъмолчиларни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Юқорида таъкидланган омиллар корхоналарда бизнесни марказлаштирилмаган ҳолда бошқаришни ташкил этиш ва

истиқболли ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси бизнесни самарали амалга оширишда корпоратив бошқарувни жорий этиш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Корпоратив бошқарув тизимида фаолият кўрсатувчи тузилмаларнинг шаклланиши йирик ва ўрта корхоналарни вужудга келиши билан боғлиқ иқтисодиётни капитализациялаш жараёнининг боғланишидир. Корпоратив бошқарувнинг асосини корпорация, холдинг каби тузилмалар ташкил этади.

"Корпорация" (лот. corporatio - бирлашма) бизнесни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, у умумий мақсадларга эришиш, биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлашган ва ҳуқуқий мустақил субъектлар йиғиндисидан иборат бўлади. Кўпчилик ҳолларда корпорациялар акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади ва менежерлар томонидан бошқарилади.

Корпоратив бошқарув концепцияси дастлаб Британияда 19-асрда ишлаб чиқилган. Корпоратив бошқарувнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

— корпоратив бошқарув тузилмаси кўп поғонали бўлиб, нисбатан мураккаблиги билан ажралиб туради;

— бошқарув жараёнига (стратегияси ва тактикаси) тегишли механизм орқали (акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши) таъсир эта олиш имкони мавжуд;

— мулкдорни корхонага эгалик қилиши, бироқ унинг корхонани жорий бошқаришга бевосита аралаша олмаслиги;

— ишлаб чиқаришни бошқариш ёлланма бошқарувчилар томонидан амалга оширилиши, акциядорларга эса назорат қилиш функцияси юклатилиши;

— акциядорларнинг сони чекланмаганлиги, бу ҳолат йирик инвесторларга корхонани бошқариш ва назорат қилиш имконини беради.

Корпоратив бошқарув тузилмаларининг моҳиятини тушуниш учун акциядорлик жамиятининг бошқарув органи мазмунига тўхталиб ўтиш зарур. Чунки мазкур тузилмаларнинг асосини акциядорлик жамиятлари ташкил этади.

Акциядорлик жамияти бошқарувининг умумий ташкилий тузилмаси 3-иловада келтирилган.

Акциядорлар умумий йиғилиши акциядорлик жамияти бошқарувининг олий органи бўлиб, у камида бир йилда бир марта чақирилади. Бу орган корхона ривожланиш стратегиясининг асосий йўналишларини белгилаб беради, мавжуд қонунчилик доирасида корхонани бошқаришнинг қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Умумий мажлислар оралиғидаги муддат ичида акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва Низомда назарда тутилган вазифаларни бажарувчи Кузатув кенгаш тузилади. Кенгаш аъзолари йиллик мажлисда акциядорлар сафидан сайланади. Акциядорлик жамияти бошқарувининг аъзолари Кузатув кенгашига аъзо бўла олмайди.

Акциядорлик жамиятининг бошқаруви (ижро органи) ёки Низомда кўрсатилган бошқа идоралар акциядорлик жамиятининг ижроия органи ҳисобланиб, жамият фаолиятини ташкил қилади ва унинг фаолияти якунлари бўйича йиғилишга йиллик ҳисоботни тақдим этади.

Акциядорлик жамиятининг Низомига мувофиқ тайинланадиган ёки сайланадиган бошқарув раиси бошқарув ишига раҳбарлик қилади. Бошқарув раиси ишонч қоғозисиз жамият номидан фаолият кўрсатишга ҳақлидир.

Акциядорлар сафидан сайланувчи тафтиш комиссияси жамият бошқарувининг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилади. Тафтиш комиссиясининг аъзолари жамиятнинг ижроия органи таркибига кира олмайдилар.

Акциядорлик жамияти ҳар йили камида бир марта ўзининг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилишга мажбурдир.

Жаҳон тажрибаси бошқарувни ташкил қилишнинг акциядорлик шакли юқори самарага эга эканлигини исботлайди.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш ҳажмининг асосий қисми акциядорлик жамиятлари ҳиссасига тўғри келади. Масалан, ГФРда акцияларнинг умумий қиймати қуйидагича тақсимланади: фуқароларда — 20 %, корхона ва фирмаларда — 40 %, суғурта ташкилотларида — 12 %,

банкларда – 9 %, давлатда — 6 %, хорижий мулкдорларда — 13%. Ходимлар одатда ўз корхоналари акцияларини биржа (бозор) курсидан арзон нархда сотиб олишади. АҚШда арзонлаштириш 10 фоизни, Буюк Британияда 37 фоизгачани *ташкил қилади.* ГФРнинг "Сименс" электроника фирмаси акцияларининг 47 фоизи, "Фолксваген" автомобил компаниясининг эса 36 фоиз акциялари ходимларга тегишли.

Корпоратив шаклидаги тузилмаларнинг ривожланишини таҳлил қилишда уларнинг афзаллик ва камчилик жиҳатларини инобатга олиш зарур (4.6-жадвал).

4.6-жадвал

Корпорацияларнинг афзалликлари ва камчиликлари

Афзалликлар	Камчиликлар
Акциядорлар корпорациянинг қарзлари бўйича, корпорация эса акциядорларнинг қарзлари бўйича шахсий жавобгарликка эга эмас	Корпорация мулкдорларининг икки томонлама солиққа тортилиши
Йирик ва майда сармоядорларни жалб этиш йўли билан капитални тезда йиғиб олиш имконияти мавжуд	Якка тадбиркорлик ёки ҳамкорликка нисбатан корпоратив фаолиятнинг анча қатъий тартибга солиниши
Акциялар эгалари алмашиши муносабати *билан корпорациянинг* фаолияти тўхтаб қолмайди	Акциядорлар учун корпорацияни жорий бошқаришда чекланишларнинг мавжудлиги

Корпоратив тузилмаларнинг асосий турларидан бири холдинг компанияси ҳисобланади. Холдинг (англ.) — бошқа компаниялар фаолиятини назорат қилиш ва бошқариш мақсадида улар акцияларининг назорат пакетига эга бўлган компаниядир. Амалиётда соф ва аралаш холдинг турлари мавжуд.

Соф холдинг акциялар назорат пакетига эгалик қила туриб, бошқа корхоналар фаолиятини назорат.қилиш ва бошқариш билан шуғулланади. Аралаш холдинг муайян соҳада (саноат, савдо, транспорт ва ҳ.к.) тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади.

Холдингнинг таркибига кирувчи корхоналар шўъба корхона бўлиб, мустақил юридик шахс ҳисобланади.

Акциялар (пайлар, улушлар)нинг назорат пакети деганда

корхона иштирокчиларининг умумий йиғилишида ва унинг бошқарув органларида муайян қарорларнинг қабул қилиниши ёки рад этилишини таъминловчи, корхона капиталида иштирок этишнинг исталган шакли назарда тутилади. Акцияларнинг назорат пакетлари тўғрисидаги қарор монополияга қарши орган томонидан қабул қилинади ва тартибга солинади.

Холдинг активлари қуйидагилардан ташкил топади:

— қимматли қоғозлар;

— муассислар томонидан шартнома асосида берилган, шунингдек, холдинг маблағлари ҳисобидан харид қилинган активлар;

— пул маблағлари ва ҳ.к.

Холдинглар қисман ёки тўлиқ хорижий сармоя асосида, шунингдек, хорижий корхоналар акциялари назорат пакетларини сотиб олиш йўли билан ҳам ташкил қилинади.

Холдингнинг активлари таркибига шўъба корхоналари акцияларининг назорат пакетлари билан бир қаторда акцияларнинг тенг (паритет) пакетлари (иккита иштирокчи бўлганда 50 фоиз) ва бошқа хўжалик жамиятлари капиталидаги иштирок пакетлари (акцияларнинг назоратсиз пакетлари) киритилиши мумкин.

Шўъба корхоналар ўз мажбуриятлари бўйича уларга тегишли мол-мулк, шу жўмладан бош холдингга тегишли бўлган акциялар назорат пакетининг қиймати билан жавоб беришади.

Холдинг компанияларининг ташкил этилиши моддий, молиявий ресурсларнинг интеграциялашувига эришиш, уларни йирик инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтиришга кўмаклашади.

Холдинг корхоналарни алоҳида фаолият турлари бўйича, амалдаги монополияга қарши меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига асосланган ҳолда бирлаштиради. Холдингни ташкил этиш бош компания балансини тақсимлашни ҳар томонлама асосланган тартиб бўйича амалга ошириш, таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлаш каби босқичлардан иборат.

Бош ва шўъба корхона ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома асосида амалга оширилади. Таъсис шартномасида бош ва шўъба корхона ўртасида балансинг тақсимланиш тартиби белгиланади, асосий ва айланма маблағлар ҳажми, шўъба корхонасининг айланма маблағларини тўлдиришнинг умумий асослари белгиланади.

Республикамизда холдинг компанияларини шакллантириш уларнинг афзалликлари ва камчиликларини таққослашга бевосита боғлиқ (4.7-жадвал).

4.7-жадвал

Холдинг компанияларининг афзаллик ва камчиликларини қиёсий таснифи

Афзалликлар	Камчиликлар
Ишлаб чиқаришни кооперациялашувининг ривожланиши	Турли тадбирлар билан боғлиқ харажатларнинг кўплиги
Акциялар бозорида фаол қатнашиш имкони	Ҳар бир корхонанинг алоҳида тафтиш қилиниши
Бозордаги рақобатда устунликка эришиш	Шўъба корхоналарининг ҳисоботларни ҳар йили катта харажат сарфлаб эълон қилишга мажбурлиги
Узоқ муддатли инвестиция дастурларининг амалга оширилиши	Монополия ва рақобатнинг чегараланишига мойиллик
Сармоядорлар учун алоҳида корхоналарга қараганда имтиёзларнинг кўплиги	Бозорни муайян сегментларига эгалик қилиш инвестициялардан самарали фойдаланишга тўсқинлик қилади
Шўъба корхоналари ўртасида рақобатни юмшатиш	Холдинг ичидаги рақобатга барҳам берилиши иқтисодий турғунликка олиб келиши мумкин
Ҳисоб юритиш ва молиявий ҳисоботнинг бирлаштирилиши	Оддий акциядорлар учун айрим масалаларни ҳал этишнинг мураккаблиги
Ишлаб чиқариш харажатларидаги тежамкорлик	Баҳо шаклланишининг назорат қилиниши мустақил корхоналарни банкротликка олиб келиши мумкин
Ресурсларнинг мобиллигини ошириш	Самарасиз корхоналар фаолиятининг қўллаб-қувватланиши
Малакали ходимлар	Холдинг афзалликларидан кенг фойдаланиш имкониятининг етишмаслиги

Одатда, холдингларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун мустаҳкам ички иқтисодий алоқалар зарур ҳисобланади. Бунга

эса унинг барча бўлинмаларини бирлаштириш, ташкил этиш ва бошқариш орқали эришилади. Бундай тизимли ёндашувга асосланган бошқарувни ташкил этиш қуйидагиларни ўз ичига олади: *мақсад ва вазифаларни белгилаш; иш турлари ва ҳажмини* аниқлаш мақсадида вазифаларни гуруҳларга бўлиш; жавобгарликни тақсимлаш ва бошқариш иерархиясида даражалар сонини аниқлаш; корхонани қўйилган мақсадга эришиши учун ходимларни рағбатлантирадиган муҳитни шакллантириш; бошқарув қарорларини қабул қилиш, уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштиришни таъминловчи коммуникация тизимини лойиҳалаш.

Мазкур бошқарувни ташкил этишнинг муҳим элементи бу унинг тузилмасидир. Корпорациянинг ташкилий тузилмасига илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий омиллар таъсир кўрсатади. Бошқарувни ҳар хил даражаларидаги ваколатларни тақсимлаш бошқарув жараёнининг самарадорлигига сезиларли *даражада таъсир этади.*

Корпорация фаолиятининг ташкилий жиҳатлари унинг мақсади ва стратегияси билан аниқланади.

Мақсад бу - корпорациянинг келажакдаги ҳолатидир. Мақсад аниқлангандан сўнг унинг стратегияси ишлаб чиқилади. Корпорация ўз стратегиясини ишлаб чиқишда мослашувчан бўлиши лозим. Бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг замонавий талабларга жавоб бермай қолиши, технологияларни янгилаш заруратининг юзага келиши ҳолларида корхона маҳсулот номенклатурасини такомиллаштириш орқали бозордаги ўзгаришларга тезда мослашиши зарур.

Жаҳон тажрибасида корпорацияни бошқаришда асосан 4 даража фарқланади.

Биринчи даражада корпорацияни бошқаришнинг умумий сиёсати ишлаб чиқилади. Иккинчисида эса бошқариш ва уни мувофиқлаштириш амалга оширилади. Учинчи даражада хизмат кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш бўлинмалари тузилади.

Корпорацияни бошқаришнинг тўртинчи даражаси бошқарув жараёнини амалга оширишга мўлжалланган.

АҚШ корпорацияларида умумий раҳбарликни амалга оширувчи директорлар кенгаши ички ва ташқи аъзолардан иборат.

Ички директорларга қатъий белгиланган маъмурий-бошқарув вазифаларини бажарувчилар киради. Уларни, одатда, "бошқарувчи директорлар" ёки бошқарув тизимига мансублиги сабабли, "топ-менежерлар" деб ҳам аташади.

Ташқи директорлар — бу акцияларнинг асосий эгалари бўлган бошқа йирик фирмалар, молиявий муассасаларнинг вакилларидир.

Агар ички директорлар муайян миқдорда маош олишса, ташқи директорлар фақатгина кенгашнинг ҳар бир мажлиси учун мукофот олишади.

Бошқарув кенгаши таркибида ташқи директорлар сонини белгилаш ва кўпайтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳолат корхона раҳбарияти томонидан унинг фаолиятини баҳолашга ҳаққоний ёндашиш имконини беради. Шу сабабли, Нью-Йорк фонд биржасида котировкага кенгаш таркибида камида учта, тафтиш комиссиясида эса камида бешта ташқи директорга эга бўлган корхоналарнинг акцияларига рухсат этилади.

Ривожланган мамлакатлар корхоналари кузатув кенгашлари таркибида тафовутлар мавжуд. Бу уларнинг вазифаларидаги фарқларга эмас, балки акциядорларнинг таркиби ва сонидаги фарқларга ҳамда тарихий сабабларга боғлиқ.

Масалан, АҚШ тарихида кузатув кенгашининг ташқи аъзолари бир вақтнинг ўзида бошқа корхоналарнинг бошқарувчилари бўлишган эди. Мазкур ҳолат ҳозирги кунда ҳам тез-тез учраб туради.

АҚШда юқори технологияли корхоналарда кузатув кенгашининг ташқи аъзолари илмий муассасаларнинг ходимлари ҳам бўлиши мумкин. Йирик корхоналарда улар турли "жамиятлар"нинг аъзолари ҳисобланишади. Аммо кузатув кенгаши аъзоларининг учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача корхона бошқарувининг аъзоларидан иборат бўлиши талаб қилинади.

Ўз таркибида саноат тузилмаларини бирлаштирувчи ташқи аъзоларга эга бўлган кузатув кенгашларининг устунлик томонлари шундан иборатки, улар орқали корхона бошқарувини баҳолашни

саноат соҳасида етарлича иш тажрибасига эга бўлмаган кенгаш аъзосига қараганда муваффақиятли амалга ошириш мумкин. Кенгашнинг ташқи аъзолари, шунингдек, бошқарувни келгуси ривожлантириш борасида ҳам маслаҳатлар беришлари мумкин.

Британияда корхона кузатув кенгашларининг таркиби кўп жиҳатдан АҚШ корхоналари амалиёти билан ўхшаш, лекин Британияда кузатув кенгаши раиси кенгашнинг мустақил аъзоси ҳисобланади. Иккинчидан, кузатув кенгашида корхона бошқарувининг кўп аъзолари иштирок этишади.

Германия корхоналарида эса амалдаги қонунчиликка мувофиқ, кузатув кенгаши таркибида корхона бошқарувининг вакиллари қатнашмайди. Бунда фақат акциядорлар ва корхона ходимлари кенгашнинг аъзолари ҳисобланадилар.

Шунингдек, Германияда банклар йирик компанияларнинг акция пакетларига эгалик қилади ва кузатув кенгаши таркибига киради. АҚШда банклар учун компаниянинг акциядори бўлиш тақиқланган.

Германиянинг йирик компанияларида 1949 йилдан бошлаб кенгашларнинг деярли 50 фоизи компаниялар ходимларидан ташкил этиладиган бўлди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, холдинг компанияларида бизнесни қайта таркиблашни амалга оширишнинг истиқболли йўналишларидан бири холдинг таркибига банк ва бошқа молия тузилмаларини киритган ҳолда уни молия-саноат гуруҳига айлантиришдир.

Молия-саноат гуруҳлари (МСГ) молиявий, ишлаб чиқариш ва товар капиталини қайта ишлаб чиқариш, жамғариш ва уни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтиришни таъминловчи давлат сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Уларни тузиш асосларини "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Молия-саноат гуруҳлари тўғрисидаги Низом, шунингдек, монополияга қарши қонун ҳужжатлари ташкил этади.

МСГда иштирок этиш корхоналарга қуйидаги афзалликларни беради:

— истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун инвестицияларни бирлаштириш;

— илмий-текшириш ишларини олиб бориш, янги технологияларни яратиш мақсадида илмий-тадқиқот бўлинмаларини сақлаб туриш учун зарур ресурсларни тўплаш;

— инвестицияларни кам рентабелли тармоқлардан фойдали тармоқларга ўтказиш имконияти;

— инвестицияларни амалга ошириш учун кредит ресурслари билан таъминлаш;

— бозорни тадқиқ қилиш, маҳсулот ва хизматларни сотишни яхшилаш учун ягона маркетинг хизматини ташкил этиш;

— ягона таъминот хизматини барпо этиш ва гуруҳнинг барча корхоналари учун улгуржи харид қилиш орқали ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имкониятларини яратиш ва ҳ.к.

Банклар учун МСГда иштирок этишнинг жозибадорлиги ишлаб чиқариш фаолиятида бевосита иштирок этиш, ўз навбатида фойда олишнинг янги манбаларига эга бўлиш, банк фаолиятини кенгайтириш ва табақаландан иборат.

Келгусида МСГга кириш дан пенсия жамғармалари, инвестиция ва суғурта компаниялари ҳам манфаатдордир. Бунда захираларни юқори даромадли активларга инвестиция қилиш билан шуғулланувчи нодавлат пенсия жамғармалари учун пенсия миқдорини ошириш мақсади қўйилади.

Инвестиция компаниялари омонатчилар жамғармаларини жалб этган ҳолда олинган пул маблағларини гуруҳнинг қимматли қоғозларига инвестиция қилади. МСГга кирувчи корхоналарнинг корпоратив қимматли қоғозларини олдиндан тахминлаш мумкин. Шунинг учун гуруҳнинг қисқа ва узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларида иштирок этиш хатари инвестиция компанияси учун анча пасаяди.

Тест топшириқлари

1. Амал қилиш даврига кўра бошқарув қарорлари қандай таснифланади?

А)стереотип;

В)стратегик (узоқ муддатли);

C)тактик (қисқа муддатли);
D)B ва C;
E)барча жавоб тўғри.

2. Бошқарув қарорларини қабул қилишга қўйиладиган талаблар ифодаланган қаторни аниқланг.

A) аниқ йўналишга эга бўлиш ва корхона манфаатларини тўлиқ ифода этиш;

B) илмий-амалий жиҳатдан асосланганлик;

C) қабул қилиш ва амалга ошириш муддатининг аниқлиги;

D) тезкорлик, юқори иқтисодий самарадорликка эга бўлиш;

E) нотўғри жавоб йўқ.

3. "Харажатлар — ишлаб чиқариш ҳажми — фойда" таҳлили ...

A) менежерларга ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш ва назорат қилиш, зарарсизлик нуқтасини аниқлашга имкон беради;

B) маҳсулот таннархини аниқлаш усули ҳисобланади;

C) харажат моддалари бўйича четланишларни ҳисобга олади;

D) устама харажатлар ҳисобини юритади;

E) инвестициялаган капитал даромадлилигини аниқлайди.

4. "Харажатлар — ишлаб чиқариш ҳажми — фойда" таҳлилининг асосий элементлари қайси қаторда кўрсатилган?

A) маржинал даромад, зарарсизлик нуқтаси;

B) давр харажатлари;

C) ишлаб чиқариш дастаги, чидамлиликнинг маржинал захираси;

D) фавқулодда фойда ва зарарлар;

E) A ва C.

5. Маржинал даромад бу - ...

A) маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан олинадиган тушум ва уларни ишлаб чиқариш таннархи суммаси ўртасидаги фарқ;

B) корхонанинг маълум даврга мўлжалланган молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштириш усули;

C) бошқарув ходимлари фаолиятини самарали ташкил этишга йўналтирилган, бўлимчалар даромадлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирадиган ҳисоб объекти;

D) корхонанинг бюджет давридаги капитал харажатлари ва узоқ

муддатли молиявий қўйилмалари режаси;

E) келажакда юзага келиши кутилаётган, бошқарув қарорлари таъсирида ўзгарувчи даромад.

6. Зарарсизлик нуқтаси (рентабеллик чегараси) ...

A) бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи марказ туридир;

B) "Харажатлар — ишлаб чиқариш ҳажми — фойда" (Cost-Volume-Profit) таҳлил тизимининг таркибий қисми ҳисобланади;

C) маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинадиган тушум уларга сарфланган барча харажатлари йиғиндисига тенглигини ифодалайди;

D) B ва C;

E) тўғри жавоб берилмаган.

7. Чидамлиликнинг маржинал захираси бу - ...

A) бир жавобгарлик марказидан бошқа жавобгарлик марказига ўтказиладиган маҳсулот ва ярим тайёр маҳсулотлар ёки хизматлар баҳосини аниқлаш имконини берадиган баҳо туридир;

B) маҳсулот (товар, иш, хизмат)лар сотишдан олинадиган ҳақиқий тушумни сотишнинг зарарсизлигини таъминловчи остонавий тушумдан ошганлигини ифодаловчи катталикдир;

C) сарфланган харажатлар ҳисобга олинадиган махсус ташкилий бўлим ҳисобланади;

D) ишлаб чиқариш цехлари ва корхона бўлинмалари бўйича бошқарувни ташкил этиш тизимидир;

E) келгусида пайдо бўлиши мўлжалланаётган, бошқарув қарорлари таъсирида ўзгарувчи даромад ва харажатлар йиғиндисидир.

8. Ишлаб чиқариш дастаги ...

A) корхона фойдасини бошқаришнинг доимий ва ўзгарувчан харажатларни ўзаро мутаносиблигига асосланган механизми;

B) сотиш ҳажми ўзгаришига боғлиқ равишда корхона фойдаси ўзгаришини тахминлаш, шунингдек, зарарсиз фаолият юритиш нуқтасини аниқлаш имконини беради;

C) корхона раҳбарларига харажатлар ва фойдани бошқариш, юқори фойда олиш бўйича стратегияни ишлаб чиқишга кўмаклашувчи молиявий кўрсаткич ҳисобланади;

D) корхонанинг доимий харажатларни қоплаш учун маржинал даромаднинг етарли миқдорини белгилаши зарурлигини ифодалайди;

E) барча жавоблар тўғри.

9. Қайси қаторда инвестиция лойиҳаларини амалиётга жорий этиш кетма-кетлиги тўғри ифодаланган?

A) лойиҳани таҳлил этиш, лойиҳани муҳокама қилиш, лойиҳани тугатиш

B) лойиҳани муҳокама қилиш, лойиҳани баҳолаш;

C) лойиҳани ишлаб чиқиш, лойиҳани амалга оширищ;

D) лойиҳани таҳлил этиш, лойиҳа қарорларини иқтисодий жиҳатдан асослаш;

E) тўғри жавоб берилмаган.

10. Қайси қаторда бизнес таркибини ўзгартириш бўйича бошқарув қарорлари қабул қилиш зарурати тўғри кўрсатилган?

A) бозор конъюнктурасининг ўзгарувчан талабларига мувофиқ ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини тез муддатларда ўзгартириш;

B) ишлаб чиқариш қувватларидан оптимал даражада фойдаланиш;

C) айланма маблағлар айланиш тезлигини таъминлаш ва назорат қилиш;

D) корхонанинг ишлаб чиқариш ва бошқа бўлинмалари ўртасида оқилона баҳо сиёсати юритиш;

E) юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри.

Такрорлаш учун саволлар

1. "Харажатлар — маҳсулот ҳажми — фойда" таҳлили корхона ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда қандай аҳамиятга эга?

2. "Харажатлар — маҳсулот ҳажми — фойда" таҳлилининг қандай асосий элементлари мавжуд?

3. Зарарсизлик нуқтаси қандай ҳисобланади?

4. Маржинал даромадни аниқлашнинг қандай усуллари мавжуд?

5. Чидамлиликнинг маржинал захирасининг иқтисодий моҳияти нимада?

6. Корхоналарда ишлаб чиқариш дастаги механизмидан фойдаланиш қандай хусусиятларга эга?

7. Ишлаб чиқариш дастаги ўзгаришига қандай омиллар таъсир қилади?

8. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг қандай босқичлари мавжуд?

9. Инвестициялар самарадорлиги қандай аниқланади?

10. Корхоналарда бизнес таркибини ўзгартириш бўйича қарорлар қабул қилиш заруратини изоҳланг.

11. Кичик бизнес субъектларида бошқарувни ташкил этиш қандай ижобий афзалликларга эга?

12. Корхона бизнесини марказлаштирилмаган ҳолда бошқариш қандай ҳолларда юзага келади?

13. Корхоналарда бизнес таркибини ўзгартириш бўйича қарорлар қабул қилишда маркетинг изланишлари қандай аҳамиятга эга?

14. Корхоналар бизнесини ривожлантиришда Портер М.И.нинг ўзаро рақобатлашувчи субъектлар назарияси қандай аҳамиятга эга?

15. Корхоналар бизнесини самарали бошқаришга қандай омиллар таъсир этади?

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасини Фуқаролик кодекси (2003 йил 24 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан).-Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. 2003.-496 б.

2. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 й. 30 август.

3. "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2003 й. 11 декабрь.

4. "Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2000 йил 25 май. (2001 йил 12 майдаги ўзгартишлар билан).

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги "Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони, //"Халқ сўзи", 2003 й. 23 декабрь. №257.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги 3592-сонли Фармони.-Т. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2005 йил, 14-сон, 101 б.

7. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон.

1998.-686 б.

8. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. "Халқ сўзи". 2002 йил 30 август. №183-184.

9. Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан борип - асосий вазифамиз. 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза, 2004 йил 7-феврал. Т.12.- Т.: Ўзбекистон. 2004.-399 б.

10. Каримов И.А. Об основных итогах социально-экономического развития Республики Узбекистан в 2004 году. Т.: Налоговые и таможенные вести. 28 марта 2005 г. №14 (558).

11. Нормативно-правовые акты.-Т.: изд.НАБА Узбекистана. 2004.-130 с.

12. Абдуллаев А. ва бошқ. Кичик бизнесни бошқариш.-Т.: Молия. 2003.-192 б.

13. Абдураҳмонов Қ. ва бошқ. Персонални бошқариш: (ўқув қўлланма). - Т.: Шарқ. 1998.-272 б.

14. Вахрушина М.А. Бухгалтерский управленческий учет. Учебное пособие.-М.: ЗАО Финстатинформ. 1999. 359с. (переиздание 2002 г., 528 с.).

15. Друри К. Управленческий и производственный учет. М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2003.-1071 с.

16. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма.-Т.: Академия. 2002.-176 б.

17. Управленческий учет. Т.1. Т.: изд.НАБиА Узбекистан. 2004.-139 с.

18. Фальцман В.К. Оценка инвестиционных проектов и предприятий.-М.: ТЕИС. 1999. 56 с.

19. Хасанов Батыров Т., Азизов А. Правовое регулирование предпринимательской деятельности. Т.: ЮСАИД, "ПРАГМА" корпорацияси. 2003.-207 с.

20. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт.-Т.: Молия. 2003.-247 б.

21. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби тизимида инвестиция лойиҳалари бўйича қарорлар қабул қилиш. //Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2003. №11-12.

22. Шанк Дж., Гавиндараджан В. Стратегическое управление затратами.-М.: ЗАО Бизнес микро. 1999.-278 с.

23. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик.-Т.: Ўқитувчи. 2001.-704 б.

24. Шеремет А.Д. Управленческий учет.-М.: ФБК-ПРЕСС. 1999.-512 с.

25. Юсупова Н. Бизнесни қандай бошқариш мумкин? //Ж. "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси". 2003. №5. 54-55-б.б.

26. Хашимов А.А. Корпоратив бошқарув шаклидаги тузилмаларнинг ривожланиш истиқболлари.-Т.: Фан. 2003.-111б.

V БОБ. БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ВА ХАРАЖАТЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

5.1. Бюджетлаштириш ва унинг корхона фаолиятини режалаштиришда тутган ўрни

"Бюджет" атамаси кенг маънода, давлат миқёсида иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, ялпи ички маҳсулотнинг қийматини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида ҳукумат ихтиёрида марказлашган пул фондларининг, корхоналар ихтиёрида эса марказлашмаган пул фондларининг шаклланиши ва улардан оқилона фойдаланишни англатади.

Тор маънода эса, "бюджетлаштириш" атамаси ҳали бизнинг иқтисодий адабиётларда атрофлича ёритилмаган, чунки корхонанинг доимий асосга қўйилган комплекс режалаштириш, назорат ва хўжалик фаолияти таҳлили тизими шу пайттача фақаттина бизнес-режалаштириш билан чекланган эди.

Тараққий этган мамлакатлар бошқарув ҳисобида режалаштириш жараёнини таърифлаш учун "бюджетлаштириш" атамасидан кенг фойдаланилади.

Бюджетлаштириш корхонанинг маълум даврга мўлжалланган молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштириш ҳисобланади.

Бюджетлаштиришнинг афзаллиги корхона моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларини узоқ, қисқа ва ўрта муддатли режалаштириш, рақобатчиларнинг хатти-ҳаракати, ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган бозор талабларини ўрганишда ўз ифодасини топади. Бюджетлаштиришда асосий эътибор маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинадиган даромад (фойда) ҳажмини тахминшаига қаратилади.

Бюджетлаштиришнинг қуйидаги ижобий жиҳатлари мавжуд:

— корхонанинг асосий мақсадини таъминлашда хизмат қиладиган жараёнларни режалаштиради;

— алоҳида бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштиради;

— корхона бўлинмалари раҳбарларини ўз вазифаларини самарали амалга оширишларига кўмаклашади;

— корхона ходимларини ички тартиб-қоидаларга риоя қилишларини таъминлашга хизмат қилади;

— корхона алоҳида бўлинмалари раҳбарларини белгиланган режаларнинг бажарилиш даражасини баҳолашларида асос бўлади.

Бюджетлаштириш жараёнида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади:

— корхонанинг мақсадларига эришишини таъминловчи хўжалик муомалаларини режалаштириш;

— барча даражадаги раҳбарларни ўзлари жавобгар марказлар мақсадига эришишларида рағбатлантириш;

— турли хил бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш. Бунда бўлинмалар ходимларининг манфаатлари эътиборга олинади;

— корхона жорий фаолиятини назорат қилиш, белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилинишини таъминлаш;

— жавобгарлик марказлари ва улар менежерлари олдига қўйилган режаларнинг бажарилишини баҳолашда асос вазифасини ўташ;

— менежерлар малакасини оширишда кўмаклашиш.

Қуйида ушбу вазифаларга батафсилроқ тўхталамиз.

Режалаштириш. Кўпчилик ҳолларда, бошқарув қарорлари бўйича режалар ишлаб чиқариш дастурини тайёрлаш жараёнида шакллантирилади ва бюджетларни тузишда мазмунан аниқлаштирилади.

Мувофиқлаштириш. Корхонанинг ҳар бир жавобгарлик маркази бошқа жавобгарлик марказлари иш жараёнига таъсир этади ва уларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади.

Бюджетларни тайёрлашда алоҳида фаолият турлари ўзаро мувофиқлаштирилади, бунда барча бўлинмалар келишув асосида, корхона умумий мақсадидан келиб чиқиб фаолият кўрсатади. Бу ҳолатда ишлаб чиқариш режасини маркетинг бўлими режаси билан мувофиқлаштириш, жумладан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдорини режалаштирилган сотиш ҳажми ва тайёр маҳсулотлар қолдиғи билан таққослаш асосий талаблардан ҳисобланади. Хомашё

ва материалларни сотиб олишни режалаштиришда ишлаб чиқариш бюджетида ифодаланган маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган талаб таҳлил қилинади.

Ишлаб чиқилган режалар барча қатнашчилар уларнинг шартлари билан тўлиқ танишиб олмагунча амалга оширилмаслиги лозим.

Режалар қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

— қанча маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) ишлаб чиқарилади;

— ишлаб чиқаришда қатнашадиган ходимлар, фойдаланиладиган усуллар ва асбоб-ускуналар тўғрисида маълумотлар;

— қанча хомашё ва материаллар сотиб олинади;

— сотиш баҳоси қандай белгиланади, келгусида қандай чекловларга риоя қилинади ва ҳ.к.

Ушбу маълумотлар реклама, техник хизмат кўрсатиш, маъмурий ва меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини режалаштириш ҳамда маҳсулот сифатини самарали бошқаришга имкон беради.

Рағбатлантириш. Бюджетларни тузиш жараёни жавобгарлик марказлари раҳбарлари мақсадини амалга оширишда муҳим рағбатлантириш воситаси бўлиши мумкин.

Бюджетларнинг рағбатлантириш роли кўпроқ менежерларни ўз бўлинмаларида бюджетларни тузиш жараёнида фаол қатнашишларида намоён бўлади.

Назорат. Пухта тайёрланган бюджетлар ҳақиқий эришилган кўрсаткичларни таҳлил қилишда муҳим манба ҳисобланади, шунингдек, улар бюджетларни тузиш жараёнида кутилган барча ўзгаришлар натижаларини баҳолашни ўз ичига олади.

Ҳозиргача корхоналар амалиётида жорий натижалар ўтган йил натижалари билан таққосланиб келинган. Кўпгина корхоналар айни пайтда ҳам таққослашнинг асосий воситаси сифатида ушбу усулдан фойдаланмоқда. Аммо бу тарихий усул жорий йил учун режалаштирилган ривожлантириш дастуридаги ўзгаришларни акс эттирмайди.

Ҳақиқий кўрсаткичларни бюджет маълумотлари билан таққослаш бошқарув фаолиятида асосий эътиборни қайси жиҳатларга қаратиш зарурлигини белгилаб беради.

Ҳақиқий эришилган натижалар билан бюджет маълумотлари ўртасидаги четланишлар таҳлили қуйидаги афзалликларга эга:

корхона фаолиятидаги энг аввал ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоли жиҳатларни аниқлашга кўмаклашади;

— бюджетларни тузиш жараёнида ўрганилмаган янги имкониятларни юзага чиқаришга ёрдамлашади;

— бош бюджетдаги мавжуд номувофиқликларни очиб беради.

Баҳолаш. Ҳар ойда бюджетлардаги четланишларни аниқлаш бутун ҳисобот даври учун назорат мақсадларига хизмат қилади. Ҳисобот даври ҳақиқий натижалари билан бюджет маълумотларини таққослаш йил охирида жавобгарлик марказлари ва улар раҳбарлари фаолиятига таъсир этувчи асосий омилларни баҳолаш имконини беради.

Малакани ошириш. Бюджетлар менежерларнинг малакасини оширишда ҳам ижобий самара беради, яъни, менежерлар бюджетларни тузишда ўз бўлинмалари фаолияти тўғрисидаги батафсил маълумотларга, шунингдек, жавобгарлик марказлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни чуқур таҳлил қилиш имкониятига эга бўлишлари мумкин. Бу эса корхона жавобгар марказларига масъул шахсларни тайинлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бюджетлаштириш самарали бошқарув усулларидан ҳисобланиб, қуйидаги хусусиятларга эга:

— корхонанинг фаолияти билан бўлинмалар фаолиятини комплекс режалаштиради;

— бюджетлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш имконини яратади;

— тузилган бизнес-режани тасдиқлайди;

— ўзгариб турувчи ички ва ташқи салбий омилларни бартараф этишга кўмаклашади.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар келгусида даромадларини оширишлари учун ўзларининг фаолиятларини

истиқболли режалаштиришлари зарур бўлади. Унинг асосини бюджетлаштириш ташкил этади.

Бошқарув ҳисобининг асосий вазифаси ҳисобланган ва бошқарув назоратини таъминлашда муҳим бўлган режалаштириш жараёни қуйидаги тамойилларга таянади:

– корхона томонидан ишлаб чиқилган стратегияни амалга ошириш учун ўрта ва узоқ муддатли режаларни амалга ошириш учун махсус дастурлар тузиш;

— зарур бюджет (смета)ларни ишлаб чиқиш. Бюджетларни ишлаб чиқиш корхона тузадиган режалар асосли бўлиши ва уларни амалга оширия учун етарли моддий маблағлар мавжуд бўлиши аниқлашга ёрдам беради.

Одатда, режалаштириш жараёни амал қилиш вақтига мувофиқ узоқ, ўрта ва қисқа муддатли, қўйилган мақсадга кўра эса оператив, тактик ва стратегик режалаштиришга бўлинади.

Тезкор ёки қисқа муддатли режалаштириш тизими кун, ҳафта, декада, ой, чорак ёки бир йил давомида амалга оширилади. Бу режалар бош дастур асосида ишлаб чиқилиб, аниқ мақсад ва йўналишга эга бўлади, уларни бажаришда турли хил усуллар қўлланилади. Тезкор режалар корхона асосий мақсадини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган тактик режаларни ифода этади. Улар жумласига ишлаб чиқариш режаси, умумишлаб чиқариш харажатлари режаси, моддий - техника таъминоти режаси кабилар киради.

Тактик ёки ўрта муддатли режалаштириш 3-5 йил муддатни қамраб олиб, корхонанинг узоқ муддатли мақсадларга мўлжалланган дастурларини ишлаб чиқиш ёрдамида амалга оширилади. Мазкур режалаштиришда корхона мақсадининг ресурслар билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилинади ва турли хил молиявий кўрсаткичлар ўртасидаги мутаносибликлар аниқланади.

Стратегик ёки узоқ муддатли режалаштиришда корхонанинг 5-10 йил муддатга белгиланган ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилади. Бу концепция корхонани бозорда барқарор ҳолатни сақлаш ва ўз сегментига эга бўлиш, экспорт имкониятларини кенгайтириш, тўлов қобилиятини яхшилаш, фойдани энг юқори

даражага олиб чиқиш ва рентабелликни ошириш каби стратегик мақсадларига эришишни таъминлайди. Стратегик режалар бизнесни ва ташкилий тузилмани белгилаш, аниқлаб олиш бўйича тузиладиган бош режалар ҳисобланиб, алоҳида эҳтиёж бўлмаса қайта тузилмайди. Уларга янги технологияларни жорий этиш, янги бозорларни ўрганиш ва харидорларни жалб қилиш кабиларни киритиш мумкин.

Узоқ ва ўрта муддатли режалар корхона стратегиясини, қисқа муддатли режалар эса тактикасини амалга оширишга кўмаклашади.

Бизнес-режалаштиришни амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосланилади:

— бизнес-режалаштиришнинг узлуксизлиги;

— қўйилган мақсадга эришиш йўлларидан энг мақбулини танлашга имкон берувчи кўп вариантлилик;

— корхона ходимларини режалаштиришга тўлиқ жалб этилишини таъминловчи иштирок этишлилик.

Бизнес-режа пазарда тутилган бизнеснинг қисқа ва тушунарлилигини, белгилаб олинган асосий вазифаларнинг тўғри ечимларини топишга имкон берувчи муҳим қуролдир.

Бизнес-режа қуйидаги тузилмага эга:

1. Бизнес концепцияси;
2. Ҳозирги вақтдаги вазият ва корхона ҳақидаги қисқача ахборот;
3. Бизнес объекти тавсифи;
4. Бозорни тактик таҳлил этишнинг мавжудлиги;
5. Ташкилий режа, шу жумладан, ҳуқуқий таъминот;
6. Ходимлар фаолияти ва бошқарув;
7. Ишлаб чиқариш режаси;
8. Маркетинг режаси;
9. Йирик таваккалчилик ва хавф-хатарлар;
10. Молиявий режа ва молиявий стратегия.

Бизнес-режа кўзда тутилган бизнесни асослаш ва муайян вақт мобайнидаги натижаларни баҳолаш учун мўлжалланади.

Бизнес-режа фаолият йўналишини белгилаб олишга ва бизнес бошқаришга имкон берувчи ҳаракат ҳисобланади. Шу сабабли,

уни ички хўжалик режалаштирилишининг узвий қисми ёки ижро ва назорат учун амалий қўлланма сифатида эътироф этиш мумкин.

Корхоналарда бизнес-режа инвестицияларни юқори даромад келтирадиган соҳаларга йўналтиришда ижобий самара беради. Шу жиҳатдан у инвесторлар учун бизнесни молиявий маблағлар билан таъминлашнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бизнес-режа назарда тутилган бизнес муваффақиятини кафолатлаши ва корхонанинг таваккалчиликка тайёрлигини таъминлаши керак.

Юқорида таъкидланганидек, бизнес режалаштириш — бу маҳорат ва санъатни талаб қилувчи жиддий жараёндир.

Бизнес режалаштиришни жараён сифатида амалга ошириш учун қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилиш лозим:

— корхона фаолият кўрсатаётган муҳитдаги ўзгаришларга доимий мослашувчанлик;

— режалаштиришнинг мослашувчанлик хусусиятларини назарда тутувчи узлуксизлик;

— манфаатлар мувофиқлиги ва интеграциясига асосланган алоқадорлик;

— бизнес-режанинг аввал тузилган бўлимларини умумлаштириш асосидаги такрорланувчанлик;

— қўйилган мақсадга эришишнинг муқобил имкониятлардан энг маъқулини танлаб олишга имкон берадиган кўп варйантлилик;

— корхона барча ходимларини режалаштиришга жалб этиш нуқтаи-назардан жараённи муҳимлигини назарда тутувчи иштирок этиш тамойили;

— режалаштириш жараёнида реал муаммолар ва ўз-ўзига баҳо беришни акс эттиришнинг айнан бир хиллиги.

Бизнес-режаларнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари мавжуд:

— ўзаро боғлиқлик муносабатлари бўйича: бунда иккита мустақил бизнес-режа қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинади ва улардан муқобил ҳамда юқори даромад келтирадигани танлаб олинади;

— кутилаётган даромад бўйича: харажатларни қисқартириш,

ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва технологияларни янгилаш ҳисобига қўшимча даромад олиш, бозорда муносиб ўринга эга бўлиш, бизнеснинг янги соҳаларини ўзлаштириш, ижтимоий самара ва сифатга эришиш;

— ташкилий ишлар бўйича: аниқ мақсадни белгилаш, бозорни тадқиқ этиш ва юқори имкониятга эга лойиҳалар асосида ривожланиш йўналишларини ишлаб чиқиш.

Таъкидлаш лозимки, техник-иқтисодий асосланиш (ТИА) ҳам кўп жиҳатдан бизнес-режага яқин туради. Ундан бизнес-режанинг асосий фарқи стратегик йўналиши ва тадбиркорлик хусусиятида ҳамда корхона ички имкониятларини ташқи муҳит таъсиридаги ишлаб чиқариш, молиявий фаолиятнинг бозор хусусиятлари билан ўзаро бирикувида намоён бўлади.

Амалиётда кўпгина ҳолларда бизнес режалаштириш асоссиз равишда ички хўжалик режалаштирилиши билан бир хил деб қаралади. Аммо, улар орасида қуйидаги тафовутлар мавжуд:

— ички хўжалик режалаштиришидан фарқли ўлароқ, бизнес-режалаштириш корхона умумий мақсадини эмас, балки фаолиятнинг янги турини режалаштириш ёки бизнес-режанинг мазмунини аниқловчи энг муҳим вазифаларни қамраб олади. Бизнес-режа, асосан, корхона ривожланиш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишга мўлжалланади, ички хўжаликни режалаштириш эса юқоридагилардан ташқари жорий ва истиқболли фаолиятнинг хилма-хиллигини ҳам ўз ичига олади;

— бизнес-режа, одатда, бажарилиши муайян муддатлар билан белгиланган инновацион лойиҳаларга ишлаб чиқилади, бу муддатлар тугаши билан лойиҳа устида олиб борилаётган иш тугалланади. Ички хўжалик режалаштириши корхонани бошқаришнинг барча даврларида узлуксиз амалга оширилади. Бунда даврий ва йиллик режани бажариш мобайнида тегишли тузатишлар киритилгандан кейин навбатдаги режани амалга оширишга ўтилади ва ҳ.к. Бизнес-режа нафақат аниқ, балки янада торроқ чегараларга эга, ҳар қандай ички хўжалик режаси эса бундай аниқ чекловларга эга бўлмайди;

— бизнес-режа тадбиркорлар янги фаолиятни бошлаши ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур ресурслар, авваламбор

молиявий ресурсларга эга бўлиш, шунингдек, ишончли шериклар қидириб топиш, асосий молиявий кўрсаткичларни пухта таҳлил қилишни талаб этади, бунда нафақат ички хўжалик-ишлаб чиқариш фаолияти, балки кредит, молиявий ва банк тизимларида таваккалнинг мавжуд даражаси ҳисобга олинади. Ички хўжалик режалари кўпроқ хусусий равишда фойдаланиш учун, бизнес-режалар эса инвесторлар ва кредитлар олиш учун зарур холос;

— бизнес-режалар корхона раҳбарияти иштирокида ишлаб чиқилади. Ички хўжалик режалаштиришини амалга оширил билан эса корхонанинг тажрибали менежерлари ва бўлинмалар мутахассислари шуғулланадилар.

Ички хўжалик режасини ишлаб чиқишда ҳар бир тадбиркорнинг шахсан иштироки нафақат реал стратегик ва тезкор мақсадни ишлаб чиқишга имкон туғдиради, балки келажакда харажатлар ва даромадларни солиштириш асосида бизнес-лойиҳани бажаришнинг энг мукаммал шаклини ташкил этишни ҳам таъминлайди.

5.2. Бош бюджет, унинг таркиби ва тузиш тартиби

Хўжалик юритувчи субъектларда бюджетлаштириш жараёни бош бюджетни тузишдан бошланади. Уни тузиш қуйидаги тўртта асосий босқичга ажратилади (5.1-чизма):

Бош бюджет корхонанинг раҳбарлари учун муҳим бўлиб, режалаштирилган ҳисобот даврида улар олдида турган мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаш ҳамда ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, даромадлар ва харажатларнинг шаклланиш жараёни, ҳисоб-китоб ва тўловлар ҳолатини доимий равишда кузатиб боришга имкон беради.

Бош бюджетни тузиш инвестиция қилинган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашда корхона мулкдорлари учун ҳам зарур ҳисобланади.

Бюджетларни тайёрлашда қуйидаги сметалар тузилади:

а) моддий харажатлар сметаси;

б) асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи харажатлари сметаси;

5.1-чизма. Корхонада бюджетлаштириш босқичлари ва уни амалга ошириш

в) ишлаб чиқариш хусусиятига эга устама харажатлар сметаси;

г) маъмурий-бошқарув харажатлари сметаси.

Бош бюджетни тузишнинг якуний босқичи кутилаётган фойда ёки зарар тўғрисидаги умумлаштирилган сметани тузиб чиқиш ҳисобланади. Мазкур смета қуйидаги кўрсаткичларни ўзида акс эттиради:

а) маҳсулотлар сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

б) ишлаб чиқаришга сарфланадиган хомашё ва материаллар харажатлари;

в) асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг меҳнат ҳақи харажатлари;

г) ишлаб чиқариш хусусиятидаги устама харажатлар;

д) сотилган маҳсулотлар таннархи;

е) сотиш ва маъмурий-бошқарув харажатлари;

з) ишлаб чиқаришдан кутилаётган фойда ёки зарар.

Корхонанинг бош бюджети операцион, инвестиция ва молиявий бюджетлардан ташкил топади (5.2.-чизма).

Операцион бюджетнинг асосий мақсади молиявий маблағларнинг тахминий манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгилаб беришдир. Уни ишлаб чиқиш сотишлар режасини тузишдан бошланади. Ишлаб чиқариш ҳажми, таннарх, фойда каби корхонанинг бошқа барча иқтисодий кўрсаткичлари сотиш ҳажми ва таннархига боғлиқ бўлади.

Шунингдек, корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг алоҳида тамойиллари ва босқичларини тавсифловчи махсус техник-иқтисодий кўрсаткичлар (ТИК) ҳам операцион бюджет орқали акс эттирилади. Бунда маркетинг бўлимининг маълумотлари асосий ахборот манбаи ҳисобланади.

Корхонанинг операцион бюджетида даромадлар ва харажатлар миқдор ҳамда қиймат кўринишида ифодаланади.

Операцион бюджетни тузишда қуйидаги бюджетлардан фойдаланилади:

1. Ишлаб чиқариш бюджети;

2. Товар-моддий захиралар ва асосий воситаларни сотиб олиш бюджети;

3. Тайёр маҳсулотлар захиралари бюджети;

4. Давр харажатлари бюджети:

а) сотиш харажатлари бюджети;

б) маъмурий харажатлар бюджети.

Сотиш харажатлари бюджети стратегик режалаштириш асосида харидорлар имконияти ва маҳсулотлар ҳажмини эътиборга олиб вертикал ҳамда горизонтал тартибда тузилади. Кўпгина ҳолларда сотишлар ҳажми мавжуд ишлаб чиқариш қуввати билан белгиланади.

Сотиш харажатлари бюджетини тузиш бюджетлаштиришнинг мураккаб босқичи ҳисобланади. Бунинг сабаблари қуйидагилардир:

а) маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан тушган тушум корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятларига боғлиқ эмас;

б) бозорда назорат қилиб бўлмайдиган ҳамда сотув бюджетига

5.2 чизма. Саноат корхоналари бош бюджетининг поғонавий тузилмаси

б) бевосита ва билвосита таъсир қиладиган омиллар жуда кўп. Бу омилларга қуйидагилар киради:

— рақобатчиларнинг фаолияти;

— миллий ва жаҳон бозоридаги умумий ҳолат;

— харидорлар ва мол етказиб берувчиларнинг молиявий барқарорлиги;

— реклама ва бошқа ҳамкорлик хизматларининг самарадорлиги;

- баҳо сиёсати;
- маҳсулотнинг рентабеллиги.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда сотиш бюджетини тузишда қуйидаги икки усулдан фойдаланилади:

- статистик прогноз (умумиқтисодий шароитлар, бозор конъюнктураси кабиларнинг графикли математик таҳлили);
- экспертлар баҳоси (сотиш бўлими мутахассислари ва менежерларнинг фикрларини умумлаштириш асосида).

Сотишларнинг режалаштириладиган ҳажми белгиланганидан кейин ишлаб чиқариш бюджети, унинг асосида товар-моддий захиралари ва асосий воситаларни сотиб олиш, маъмурий харажатлар бюджетлари тузилади.

Инвестиция бюджети корхонанинг бюджет давридаги капитал харажатлари ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалари режаси ҳисобланади. Ушбу бюджет тури жорий даврдаги ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (асбоб-ускуналар сотиб олиш ва ҳ.к.) ҳамда бюджет давридан четга чиқувчи узоқ муддатли харажатлар (капитал қурилиш, корхонани модернизация қилиш ва шу каби)ни ўз ичига олади. Инвестиция бюджетида корхонанинг бюджетлаштириш давридаги капитал қўйилмалари ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалари режалаштирилади.

Корхона бош бюджетининг муҳим таркибий қисми молиявий бюджет ҳисобланади. Унинг ёрдамида сотишлар ҳажми ва таннархи, даромадлар ва харажатларнинг нисбати, соф фойда, ўз маблағларидан фойдаланиш, инвестиция қўйилмаларининг қопланиш муддати ва бошқалар ҳақида тўлиқ ахборот олинади.

Молиявий бюджет амалиётда "Пул маблағлари ҳаракати бюджети" деб ҳам номланиб, унинг таркибига корхонанинг бюджет давридаги пул маблағларининг кирими ва чиқими, айланма маблағлар ҳаракати бюджети, шунингдек, тахминий бухгалтерия баланси (корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисобот) киради (5.1-жадвал).

Жадвал маълумотларидаги ҳисобот даври охирига пул маблағларининг ижобий қолдиғи 1740,0 минг сўмни ташкил этганлиги корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини оширишга имконияти мавжудлигини кўрсатади.

5.1.-жадвал

Корхонанинг пул маблағлари бюджети кўрсаткичлари, минг сўмда

Моддаларнинг номлари	2003 йилга	Шу жумладан чораклар бўйича			
		I	II	III	IV
1	2	3	4	5	6
1. Ҳисобот даври бошига пул маблағлари	1500,0	600,0	440,0	320,0	140,0
2. Ҳисобот даврида пул маблағларининг келиб тушиши	4340,0	975	1200	1200	965
шу жумладан: маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан	4000,0	900,0	1100,0	1100,0	900,0
Асосий воситаларни сотишдан	-	-	-	-	-
Бошқа жиҳозларни сотишдан	-	-	-	-	-
Қимматли қоғозлар муомалаларидан	60,0	-	30,0	30,0	-
Мулкни бошқа корхоналарга ижарага беришдан	160,0	40,0	40,0	40,0	40,0
Олинган дивидендлардан	-	-	-	-	-
Бошқа тушумлардан	120,0	35,0	30,0	30,0	25,0
Пул маблағлари жами (1қ+2қ)	**5840,0**	**1575,0**	**1640,0**	**1520,0**	**1105,0**
3. Ҳисобот давридаги жами тўловлар, шу жумладан:	**4550,0**	**1070,0**	**1110,0**	**1430,0**	**940,0**
Хомашё ва материаллар сотиб олишга	2000,0	400,0	500,0	700,0	400,0
Меҳнат ҳақи харажатларига	1000,0	280,0	240,0	240,0	240,0
Солиқлар, йиғимлар ва чегирмаларни ўтказиш тўловларига	200,0	50,0	60,0	40,0	50,0
Маъмурий харажатларга	800,0	200,0	150,0	300,0	150,0
Қурилиш харажатларига	450,0	100,0	100,0	150,0	100,0
Ускуналар ва номоддий активлар сотиб олишга қилинган харажатларга	100,0	40,0	60,0	-	-
Қимматли қоғозлар муомалалари бўйича харажатларга	-	-	-	-	-
Бошқа тўловларга	150,0	80,0	-	20,0	50,0
4. Пул маблағларининг етарлилиги (етишмовчилиги) (1қ+2қ-3қ)	**1290,0**	**505,0**	**530,0**	**90,0**	**165,0**
5. Кредит ва бошқа қарзлар олиш	-	-	-	-	-
6. Кредитлар ва бошқа қарзларни қайтариш	100,0	100,0	-	-	-
7. Ҳисобот даври охирига пул маблағлари қолдиғи (4қ-6қ)	**1190,0**	**405,0**	**530,0**	**90,0**	**165,0**

Тахминий бухгалтерия баланси корхона активлари ва пассивларининг ҳисобот давригача бўлган ҳолатини акс эттиради. Мазкур баланс шаклини тузиш билан бош бюджетни тайёрлаш жараёни якунланади. "Тошкентсут" акциоперлик жамиятининг 2004 йил учун бюджетлаштирилган тахминий баланси 9-иловада келтирилган.

Корхоналарда бюджетларни тузиш ўтган йилларнинг ҳақиқий харажатлари асосида амалга оширилади. Бунда режавий ва ҳақиқий кўрсаткичларни таққослашда аниқланган четланишлар келгуси давр учун тузиладиган бюджетда инобатга олинадиБюджетларни тайёрлашда қуйидаги талабларга риоя қилинади:

— эҳтиёткорлик ва аниқлик тамойилларига асосланиш;

— мувозанатланган ҳолда тузиш қоидасига риоя қилиш;

— моддий, меҳнат ва пул бирликларида баҳоланиш;

— бюджетни тузишда жавобгар қилиб тайинланган ходимнинг масъулият билан ёндашиши талаб қилинади.

Шунингдек, бюджетларни тузиш уларни тайёрлашда қатнашувчи барча бўлинмалар келишуви асосида амалга оширилиши, кейин эса тасдиқлаш учун корхона раҳбариятига тақдим этилиши лозим. Корхона раҳбарияти маъқуллагач бюджет ҳақиқий ҳисобланади. Тасдиқланган бюджетга асосланиб харажат ва даромадларнинг ойлик режалари тузилади. Мазкур режалар корхонада харажатларни бошқариш ва иқтисодий кўрсаткич (сотишлар ҳажми, соф фойда, активлар рентабеллиги, фойда меъёри ва ҳ.к.)ларнинг зарурий даражасига эришишга хизмат қилади.

5.3. Мослашувчан ва статик бюджет, уларни тузиш асослари

Бюджетлар олдига қўйилган вазифаларга мувофиқ, мослашувчан ва статик турларга ажратилади.

Статик бюджет корхонанинг ишчан фаоллигини муайян даражасида ҳисоб-китоб қилинади. Унда даромадлар ва харажатлар сотишлар даражасидан келиб чиққан ҳолда режалаштирилади.

Статик бюджет корхона молиявий натижаларининг ҳақиқийлигини ифодалайди ҳамда пул ва фоиз нисбатларидаги

кўрсаткичларнинг мутлақ рақамларини таққослашга имкон беради.

Статик бюджет кўрсаткичларини мослашувчан бюджет кўрсаткичлари билан таққослашда сотишнинг ҳақиқий ҳажми эътиборга олинмайди, яъни, натижаларнинг қиёсий таҳлили келтирилади (5.2-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш корхонаси статик бюджетда назарда тутилган кўпгина кўрсаткичларга эришмаган.

Статик бюджетда кўрсаткичларни режалаштириш амалга оширилса, мослашувчан бюджетни тузишда натижаларнинг омилли таҳлил усулидан фойдаланилади.

5.2-жадвал

Ишлаб чиқариш корхонасининг 2004 йил учун статик бюджети, минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқий	Четланишлар («с», «и»)
1.	*Сотиш ҳажми, дона*	150	200	50 (и)
2.	Сотишдан олинган тушум	45000	60000	15000 (и)
3.	Ишлаб чиқариш харажатлари	35000	41000	6000 (с)
4.	*Маржинал даромад*	10000	19000	9000 (и)
5.	**Даврхаражатлари:**	6000	8000	2000 (с)
	шу жумладан:			
	- сотиш харажатлари;	2000	3000	1000 (с)
	- маъмурий харажатлар	4000	5000	1000 (с)
6.	*Операцион фойда (4қ-5қ)*	**4000**	**11000**	**7000** (и)

Изоҳ: "(и)" - белгиси ресурслар иқтисод қилинганлиги сабабли ижобий четланишни, "(с)" - белгиси салбий четланишни ифодалайди.

Мослашувчан бюджетда ишлаб чиқаришнинг режалаштирилган ҳажми тузатиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади. Унда сотиш ҳажмини ҳисоблашнинг бир қанча муқобил вариантларидан фойдаланилади.

Мослашувчан бюджетда ишлаб чиқариш харажатлари учун аввал маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меъёрлар белгиланади, кейин ушбу меъёрлар асосида ҳақиқий сотиш ҳажмига мос келадиган ишлаб чиқаришни режалаштириладиган ҳажми аниқланади (5.3-жадвал).

Корхонада жавобгарлик марказлари бўйича мослашувчан бюджетлар тузиш харажатлар ва даромадларни самарали бошқаришга, четланишлар бўйича тезкор чоралар қабул қилишга,

ижобий ва салбий четланишларни режалаштирилган фойда суммасига мос равишда тузатиб боришга имкон яратади.

5.3- жадвал

Ишлаб чиқариш корхонасининг 2004 йил учун мослашувчан бюджети, минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Ҳақиқий бажарилгани	Ҳақиқий бажарилганга мослаштирилган бюджет	Ҳақиқий бюджетнинг мослаштирилгандан четланиши («с», «и»)*
1.	Сотиш ҳажми, дона	3000	3000	-
2.	Сотишдан олинган тушум	300000	445000	145000 (с)
3.	Ишлаб чиқариш харажатлари	210000	350000	140000 (и)
4.	Маржинал даромад	90000	95000	5000 (с)
5.	Давр харажатлари:	55000	58000	3000 (и)
	шу жумладан:			
	- сотиш харажатлари;	33000	33500	500 (и)
	- маъмурий харажатлар	22000	24500	2500 (и)
6.	***Операцион фойда***	**35000**	**37000**	**2000 (с)**

Изоҳ: * — (и) — белгиси ресурслар иқтисод қилинганлиги сабабли ижобий четланишни, (с) – белгиси салбий четланишни ифодалайди.

Шундай қилиб, корхона фаолиятини стратегик режалаштиришда бюджетлаштириш айланма ва молиявий ресурслар, инвестиция фаолияти учун молиялаштириш маблағларини жалб этиш, харажатлар ва даромадлар, пул маблағлари ҳаракати тўғрисида зарур маълумотлар олиш имконини беради.

5.4. Корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш дастурини тузиш корхона фаолиятини бюджетлаштиришнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш дастури маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг йиллик ҳажми, номенклатураси, товарлар ва хизматлар бозори талаби асосида сифат ва муддатни тавсифловчи комплекс режани ўзида намоён этади.

Буюртмачиларнинг талаб ва таклиф қонуни талаблари асосида

товарларга бўлган эҳтиёжи, тузилган шартномалар ва буюртмаларнинг мавжуд портфели, шунингдек, маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таклифи корхона ишлаб чиқариш дастурининг асосини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш дастурини тузишда турли усуллар: даражали тахминлаш, вазиятли режалар тузиш, чизиқли дастурлаш, маҳсулот (иш ва хизмат)лар турларини диверсификациялаш (кенгайтириш) қўлланилади.

Даражали тахминлаш сотишлар ва фойданинг кутилган ҳажмини учта: максимал, эҳтимол, минимал нуқталари бўйича аввалдан режалаштиришни назарда тутади.

Вазиятли режалаштириш корхона ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш жараёни билан бир қаторда беқарор бозор шароитларида уни амалга оширишда ҳам бир қанча қулайликлар туғдиради.

Ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш, одатда, уч босқичда амалга оширилади:

1) бутун корхона учун йиллик ишлаб чиқариш режасини тузиш;

2) режалаштирилаётган ҳисобот даври учун устувор мақсадларни аниқлаш;

3) йиллик ишлаб чиқариш режасини корхонанинг алоҳида бўлинмалари ёки ишчирокчилар бўйича тақсимлаш.

Амалиётда ишлаб чиқариш дастурини режалаштиришнинг "қуйидан юқорига" ёки номарказлаштирилган ҳолда, "юқоридан қуйига" ёки марказлаштирилган ҳолда ва такроран режалаштириш кўринишлари қўлланилади.

Қуйидан юқорига режалаштириш шуни англатадики, бунда ишлаб чиқариш режаси бошқаришнинг қуйи даражасида, яъни, корхона бўлинмаларида ва функционал хизматлар бўйича тузилади.

Юқоридан қуйига режалаштирилганда режалар бутун корхона бўйича ишлаб чиқилади ва бўлинмалар учун тезкор режалаштириш асос бўлиб хизмат қилади.

Такроран режалаштириш корхона раҳбарияти билан барча бўлинмалар ва функционал хизматлар ўртасидаги узвий ўзаро ҳамкорликни назарда тутади.

Корхона ёки унинг бўлинмасининг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми маҳсулот бирлигини мос тахминий бозор баҳоларига кўпайтириш орқали қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$М_0 = \sum_{i}^{п} М_п Б_п + \sum_{i}^{р} М_р Б_р + \sum_{i}^{у} М_у Б_у$$

бу ерда:

$М_0$ — корхонанинг умумий ишлаб чиқариш дастури, сўм;

$М_п$, $М_р$, $М_у$ — маҳсулот (*иш ва хизмат*)лар йиллик ҳажми, дона;

$Б_п$, $Б_р$, $Б_у$ — маҳсулот (иш ва хизмат)лар бирликларининг тахминий бозор баҳолари, *сўм/дона*;

п, р, у — маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг номенклатураси.

Корхона ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш маҳсулот сотиш режасини тузишдан бошланади. Унда ҳар бир маҳсулот, шунингдек корхона фаолиятининг келгуси даврида амалга оширилади ган ишлар ва хизматлар кўрсатилади. Бир маромда маҳсулот етказиб берилганда режалаштирилган муддатда сотишлар ҳажмини топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Мс = Ту \cdot Ср$$

бу ерда,

Мс — маҳсулот сотишнинг режалаштирилган ҳажми;

Ту — товарларни ўртача бир кунда сотиш миқдори;

Ср — сотишнинг режалаштириладиган даври (кун, ой, квартал, йил).

Сотишларнинг режалаштириладиган ҳажмини бозор сегментлари бўйича қуйидаги шаклда шартли мисоллар ёрдамида ифодалаш мумкин (5.4-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Х ва У истеъмолчилар талаби 2001 йилнинг тўртинчи чорагигача ўсиб борган, кейин эса камайган.

Бу каби ҳолатларни чуқур таҳлил қилиш келгусида сотиш режасини тузишда юқори самара беради.

Мавсумий тебранишларга хос беқарор ишлаб чиқаришда сотишлар режаси, одатда, ҳар ойга тузилади. Корхона маҳсулот сотишининг йиллик режасига товарлар ва хизматларнинг қуйидаги

турлари киритилади: ички бозорда маҳсулот сотиш ҳажми, ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар ҳажми, товарларни экспортга жўнатиш ҳажми, тайёр маҳсулот захиралари, ишлаб чиқаришга мўлжалланган ишлар ва хизматлар миқдори ва ҳ.к.

5.4-жадвал

Корхонанинг бозор сегментлари бўйича режалаштириладиган савдоси ҳажми

Истеъмолчилар бўйича бозор сегментлари	Ўлчов бирлиги	2001й.				2002й.		2003й.
		I ч.	II ч.	III ч.	IV ч.	1 я/й.	2 я/й.	
А маҳсулот:	тонна							
—Х истеъмолчи	тонна	200	300	350	250	500	100	1050
—У истеъмолчи	тонна	150	200	250	200	350	450	850
— ва ҳ.к.	-	-	-	-	-	-	-	-
Жами:		500	850	1100	750	1550	1900	3700
В маҳсулот:	тонна							
—Z истеъмолчи	тонна	1400	1150	2150	2150	4050	5500	11000
— ва ҳ.к.								
Жами	тонна	4300	3450	6500	5050	12500	15050	30500
Ҳаммаси	тонна	4800	4300	7600	5800	14050	16950	34200

Жадвал маълумотлари бир вақтнинг ўзида бозор сиғими ва унда ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотлари ҳиссасини акс эттиради. Унга асосланиб келгусида сотишлар ҳажми моддий ва қиймат кўринишида режалаштирилади.

Сотишлар режаси асосий стратегик ва тезкор ҳужжат ҳисобланади. Сотишлар ва маҳсулот ишлаб чиқариш режалари ўзаро узвий боғлиқдир.

Корхоналарнинг маҳсулот турлари бўйича бозордаги мавқеини баҳолашда 5.5-жадвалдан фойдаланилади.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш режаси маркетинг тадқиқотлари натижаларини корхона ишлаб чиқариш имкониятлари билан таққослаш асосида ишлаб чиқилади.

Сотишлар ҳажми каби ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўтган ҳисобот йилининг охирида номенклатура нуқтаи назаридан даврлар

бўйича бюджетлаштирилади: биринчи йили — кварталлар бўйича (зарурат туғилганда – ойлар бўйича); иккинчи йили — ярим йилликлар бўйича; кейинги йилларда эса йиллик истиқболли режалар тузилади.

5.5-жадвал

Товар бозорида ишлаб чиқариш корхонаси иштирокининг тавсифи

Маҳсулот тури	Ишлаб чиқариш ҳажми, (минг сўм)	Бозорга чиқарилган маҳсулот (минг сўм)	Барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бозорга чиқарилган маҳсулотларнинг умумий ҳажми, (минг сўм)	Ишлаб чиқариш корхонасининг бозорга етказиб берган маҳсулоти улуши, %да
Творог	2900	2635	23960	11,0
Сметана	3100	3898	25991	15,0

Мавжуд ва талаб этиладиган захираларни солиштирма таҳлили менежерларни ҳисобот даври давомида ишлаб чиқариш захиралари билан таъминланиш имкониятларини аниқлашга кўмаклашади.

Корхонани ишлаб чиқариш захираларига бўлган талабини қуйидаги шартли мисолларда ифодалаш мумкин (5.6-жадвал).

5.6-жадвал

Товар-моддий захираларга бўлган талабнинг ҳисоб-китоби

Товар-моддий захираларнинг турлари	2002 йилги ишлаб чиқариш дастури бўйича моддий захираларга талаб		2003 йилга ишлаб чиқариш дастури бўйича моддий захираларга талаб		Мол етказиб берувчилар
	миқдори	қиймати (млн. сўм)	миқдори	қиймати (млн. сўм)	
Материаллар – ҳаммаси шу жумладан: А — тури Б — тури ва ҳ.к.	12300 4200 3650	485 262 148	15400 4890 4760	450 264 190	Савдо акционерлик жамиятлари, фермер хўжаликлари
Сотиб олинадиган ярим тайёр маҳсулотлар — ҳаммаси шу жумладан: В — тури С — тури ва ҳ.к.	10550 3310 2040	625 245 172	11430 4315 3150	870 305 435	АЖ «Браво-сут» «Nestle» қўшма корхонаси
Жами					

Шундай қилиб, мазкур жадвал маълумотлари асосида корхонанинг товар-моддий захираларга бўлган талабини аниқлаш мумкин. Бу эса, келгусида ишлаб чиқариш режасини тузишда муҳим маълумот манбаи ҳисобланади.

Меҳнат, умумишлаб чиқариш, маъмурий ва сотиш харажатларидаги талаб ҳам худди шу тарзда аниқланади. Кейин ўтказилган ҳисоб-китоблар асосида инвестициялар — асосий воситаларни сотиб олиш ва айланма капитал ўсишига бўлган умумий талаб аниқланади.

Корхона ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш, одатдагидек, ишлаб чиқариш харажатлари ва ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини режалаштириш билан якунланади.

5.5. Харажатлар ва маҳсулот таннархини режалаштиришнинг хусусиятлари

Бозор иқтисодиёти шароитида харажатларни режалаштириш харажатлар таркиби ва маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг режа таннархини дастлабки баҳолашдан бошланади.

Харажатларни режалаштириш ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинадиган товар-моддий захираларнинг қиймати ва кутилаётган фойда ҳажмини аниқлашда юқори самара беради.

Харажатларни дастлабки баҳолаш эса бозоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. У қуйидагилар асосида амалга оширилади:

— ишлаб чиқариш ҳажмини аниқ белгилаш;

— маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологияси;

— материалларни almаштириш вариантлари;

— материаллар ва чет корхоналар хизматларининг қулайлигини баҳолаш.

Ишлаб чиқариш харажатлари бюджетини ишлаб чиқиш жараёнида асосан смета ва норматив усулдан фойдаланилади.

Смета усулида корхонанинг барча бўлинмалари режалари асосида корхона миқёсида харажатларнинг йиғма режаси шакллантирилади.

Республикамизда смета усули анча кенг тарқалган усул ҳисобланади. Унинг қўлланилиши комплекс режалаштиришни ягона тизимга келтиришни таъминлайди.

Норматив усул асосида ишл 2003 й. риш хараж 2004 й. бюджети тузилади.

Йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини инобатга олиб, алоҳида маҳсулотлар таннархини харажатларнинг иқтисодий элементлари ва калькуляция моддалари бўйича сметасини тузиш учун шахматли жадвал ишлаб чиқилади (6-илова).

Харажатларни шахматли жадвали тузилгандан сўнг, корхонанинг фаолият даври учун режалаштириладиган харажатларнинг йиғма сметаси ишлаб чиқилади.

Халқаро амалиётда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатларни режалаштиришда норматив усулдан кенг фойдаланилади. Норматив харажатлар қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Нх = Нмх + Нмс + Нух$$

бу ерда:

Нх - маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришнинг норматив харажатлари;

Нмх - норматив моддий харажатлар;

Нмс - норматив меҳнат харажатлари;

Нух - норматив устама харажатлар.

Норматив устама харажатлар норматив бевосита меҳнат харажатлари бўйича фоизларда ифодаланади. Норматив меҳнат харажатларидан ишчи кучи харажатларини режалаштириш мақсадида фойдаланилади, уларнинг ҳажми қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Икх = Нмм \bullet Сс$$

бу ерда:

Икх - ишчи кучининг режалаштириладиган харажатлари;

Нмм - нормалаштирилган маҳсулот миқдори;

Сс - меҳнатга ҳақ тўлаш соатбай ставкалари (мукофотларсиз).

Норматив харажатлардан четланишни баҳолаш ва қуйидаги унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш зарур:

бевосита ва билвосита харажатларни ўзгариши, сотиб олинган материаллар қийматидаги четланишлар натижасида;

— маҳсулот сифатини таъминлашга сарфланган харажатлар натижасида;

— нормалар ва нормативларни ўзгаришлари натижасида;

— ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, талаб, баҳо таъсири ёки бошқа омиллар натижасида.

Харажатларни дастлабки баҳолаш таннархи юқори ва фойда келтирмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш имконини беради.

Харажатларни баҳолашнинг сўнгги босқичида режалаштириш жараёни стандарт маҳсулот тайёрлаш учун барча зарурий харажатларни ҳисобга олишни назарда тутади, чунки янги маҳсулот ишлаб чиқариш катта миқдордаги моддий, меҳнат ва қўшимча харажатларни талаб этади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган тахминий моддий харажатлар маҳсулотлар ва сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар моддий харажатлар нормативидан ва бозор баҳоларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$Мтх = Тмбб \cdot Мхс$$

бу ерда:

Мтх — тахминий моддий харажатлар;

Тмбб — товар-моддий захираларнинг бозор баҳоси;

Мхс — моддий харажатларнинг бир бирлигини нормативи.

Ходимларнинг асосий меҳнат ҳақига кетадиган тахминий харажатлар асосий ва қўшимча меҳнат ҳақи, умумишлаб чиқариш, маъмурий-бошқариш, сотиш харажатларини режалаштирилган улушини қўшиб аниқланади.

Агар бу улуш бирдан кичик бўлса ҳисоб-китоблар қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$Ихт = \frac{Ио : (1 + К_{тиж}) - Им}{1 + К_{кўш} + К_{уст}}$$

бу ерда,

Ихт — ходимларни асосий меҳнат ҳақига сарфланадиган тахминий харажатлар;

Ктиж, Куст, Кқўш — тижорат, устама харажатлар ва қўшимча меҳнат ҳақи харажатларини маҳсулот таннархига қўшиш ставкалари.

Агар маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган тахминий харажатлар ҳажми кутилган фойдадан ошиб кетса, бу ҳолат маҳсулотни иқтисодий жиҳатдан рақобатбардош эмаслигини англатади ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширши чораларини кўриш талаб қилинади.

Маҳсулотни алоҳида турлари таннархини режалаштириш хомашё ва материаллар, технологик мақсадлар учун фойдаланиладиган ёнилғи ва энергия, меҳнат ҳақи харажатлари нормативларига риоя этишни назарда тутади. Шунингдек, режалаштириш билвосита умумишлаб чиқариш, давр харажатлари ва сотиш харажатлари нормативлари учун ҳам зарур.

Маҳсулот бирлиги тўлиқ таннархи режаси бевосита ва билвосита харажатларни қуйидаги формула бўйича умумлаштиради.

$$Т_п = \left[М + И_0 (1 + \frac{К_1 + К_2}{100}) + И_0 \frac{d}{100} + (И_0 + Ик) \frac{e}{100} \right]$$

бу ерда,

Тп — маҳсулотнинг режа таннархи, сўм;

М — бевосита материал харажатлари, сўм;

$И_0$ — бевосита меҳнат ҳақи, сўм;

Ик — қўшимча меҳнат ҳақи, сўм;

$К_1$ — умумишлаб чиқариш харажатлари, %;

$К_2$ — давр харажатлари, %;

d — ходимларнинг қўшимча меҳнат ҳақи ва мукофотлар фоизи;

e — ижтимоий таъминотга чегирмалар фоизи.

Маҳсулот таннархи режасини ишлаб чиқишда техник, ташкилий ва бошқа омиллар ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш манбалари аниқланади.

Бундай ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқариш номенклатураси

бўйича ўртача таннарх (Ту), маҳсулот таннархининг ҳақиқий ва режа таннархи ўртасидаги фарқни маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажмига кўпайтмаси сифатида қуйидаги формула орқали топилади:

$$Т_у = \sum_{i}^{n}(Т_1 - Т_2) \cdot М$$

бу ерда:

Т1 — маҳсулот бирлигининг базавий таннархи;

Т2 — маҳсулот бирлигининг режалаштириладиган таннархи;

М — маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми.

Режалаштириш жараёнида, одатда, жами ва бир бирлик маҳсулот харажатларини аниқлаш зарурияти туғилади. Шу мақсадда барча харажатларни ўзгарувчан ва доимий харажатларга бўлиш қабул қилинган.

Жами таннархга маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқаришга сарфланган барча харажатлар киради, бир бирлик маҳсулот таннархига эса маҳсулот (иш ва хизмат)лар бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар киритилади. Бир бирлик маҳсулот таннархи - бу харажатларнинг ўртача катталиги бўлиб, у жами харажатларни маҳсулотни ишлаб чиқариш йиллик режасини ташкил этувчи умумий бирликлар миқдорига бўлиш билан белгиланади. Жами ва бир бирлик маҳсулотнинг таннархи билан уларни ташкил этувчи доимий ва ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги аналитик боғлиқлик қуйидаги формулалар билан ифода этилади:

Жами таннарх:

$$Тж = У_х + Д_х \cdot М$$

Бир бирлик маҳсулотнинг таннархи:

$$Тб = \frac{У_х + Д_х}{М}$$

бу ерда,

Ух — ўзгарувчан харажатлар;

Дх — доимий харажатлар;

М — маҳсулотлар миқдори.

Келтирилган формулалардан кўриниб турибдики, жами таннарх - бу маҳсулотни йиллик ҳажмини ишлаб чиқаришга сарфланган доимий ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндиси, бир бирлик маҳсулотнинг таннархи - бу жами ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулотлар миқдорига бўлиш орқали аниқланган таннархдир.

Жами харажатлар доимий ва ўзгарувчан харажатлар суммасига тенг, бир бирлик маҳсулотнинг таннархи ўзгарувчан ва доимий харажатларга алоҳида ҳисоб-китоб қилинган. Ўзгарувчан харажатлар бевосита моддий ва меҳнат харажатлари суммасига тенг. Доимий харажатлар маъмурий-бошқариш ва маҳсулотни сотиш, шунингдек, бинолар ижараси, умумкорхона аҳамиятидаги биноларнинг эскириши, ходимларнинг меҳнат ҳақини ўз ичига олади. Бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган чегаравий харажатларни ҳисоблаш учун жорий даврдаги жами харажатлар суммасини базис даврдаги жами харажатлар суммасига бўлиб, уни шу даврдаги маҳсулот ҳажмига кўпайтирилади.

Режалаштирилаётган харажатлар динамикасини омилли таҳлил усули ёрдамида аниқлаш 5.7-жадвалда кўрсатилган.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, йил давомида маҳсулот ҳажми 10 бирликка ошиб борган. Жами доимий харажатлар 420000 сўм даражасида сақланиб қолган.

Жами ўзгарувчан харажатлар ойлар бўйича ўсиб борган. Омилли таҳлилнинг занжирли боғланиш усулини қўллаб, харажатлар динамикаси базавий ойга нисбатан ҳисоблаб топилади. Мисол, феврал ойида жами харажатлар 434000 сўм бўлса, уни январ ойидаги 428000 сўм жами харажатларга бўлиб, топилган суммани январ ойининг режалаштирилган маҳсулот (15 дона) миқдорига кўпайтирилади ва натижада бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган чегаравий харажатлар топилади. ((434000:428000) • 15қ15,21).

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, корхонада бир бирлик маҳсулот таннархини ойлар бўйича пасайиши кузатилган. Бунинг сабаби маҳсулот ҳажмининг ортиш интервали билан харажатларнинг ўсиш динамикаси бир текисда бўлмаганлигидир.

5.7 жадвал

Режалаштирилаётган харажатлар динамикасини жорий йил учун омилли таҳлил усули ёрдамида аниқлаш тартиби, минг сўм

Ойлар	Маҳсулот ишлаб чиқариш, *дона*	Жами таннарх			Харажатлар динамикаси	Бир бирликнинг таннархи		
		Доимий	Ўзгарувчан	Жами ($Т_ж$)		Доимий	Ўзгарувчан	Жами ($Т_{бир}$)
1	15	420	8	428	0,0	28,00	0,53	28,53
2	25	420	14	434	15,21	16,80	0,56	17,36
3	35	420	18	438	15,14	12,00	0,51	12,51
4	45	420	20	440	15,07	9,33	0,44	9,77
5	55	420	26	446	15,20	7,64	0,47	8,11
6	65	420	36	456	15,34	6,46	0,55	7,01
7	75	420	45	465	15,30	5,60	0,60	6,20
8	85	420	84	504	16,26	4,94	0,99	5,93
9	95	420	136	556	16,55	4,42	1,43	5,85
10	105	420	206	626	16,89	4,00	1,96	5,96
11	115	420	282	702	16,82	3,65	2,45	6,10
12	125	420	375	795	16,99	3,36	3,00	6,36

Корхона 9-ойда 95 дона маҳсулот ишлаб чиқарганда 556000 сўмлик жами харажатлар ҳажмида энг катта даромад олади. Демак, бу ҳолатда корхона 95 бирлик миқдорида маҳсулот ишлаб чиқариши мақсадга мувофиқдир.

Режалаштирилган жами ва бир бирлик маҳсулотнинг таннархини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлигини 5.3-чизма ёрдамида таҳлил қилиш мумкин.

Чизмадан кўриниб турибдики, жами маҳсулот таннархи ойлар давомида бир текисда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган, натижада жами маҳсулот таннархи тўғри чизиқ кўринишида бўлган. Бир бирлик маҳсулотнинг таннархи эса ёйсимон кўринишга эга бўлган.

5.3. чизма. Режалаштирилган жами ва бир бирлик маҳсулот таннархининг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлиги

Демак, маҳсулот ҳажми ортиб борини билан жами таннарх ортиб боради. Шу билан бирга, бир бирлик маҳсулот таннархи ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ортиши билан қисқариб боради.

Тест топшириқлари

1. Бюджетлаштириш - ...

А) корхонанинг маълум даврга мўлжалланган молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштириш ҳисобланади;

В) корхона моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларини узоқ, қисқа ва ўрта муддатли режалаштириш, рақобатчиларнинг хатти-ҳаракати, ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган бозор талабларини ўрганишга имкон беради;

С) корхонанинг асосий мақсадини таъминлашда хизмат қиладиган жараёнларни режалаштиради, алоҳида бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштиради;

D) корхона бўлинмалари раҳбарларини ўз вазифаларини самарали амалга оширишларига ва ходимларини ички тартиб-қоидаларга риоя қилишларини таъминлашга хизмат қилади;

E) барча жавоблар тўғри.

2. Бюджетлаштириш босқичлари қайси қаторда тўғри ифодаланган?

A) бюджетни ишлаб чиқиш, бюджетни тасдиқлаш, бюджетни бошқариш, бюджетни назорат қилиш;

B) бюджетни таҳлил қилиш, бюджетни бошқариш, бюджетни назорат қилиш;

C) бюджетни баҳолаш, бюджетни тасдиқлаш, бюджетни бошқариш;

D) бюджетни муҳокама қилиш, бюджетни тасдиқлаш;

E) бюджетни таснифлаш, бюджетни таҳлил қилиш, бюджетни тасдиқлаш.

3. Бош бюджетнинг таркибини аниқланг.

A) статик бюджет, операцион бюджет, инвестиция бюджети;

B) операцион бюджет, инвестиция бюджети, молиявий бюджет;

C) ишлаб чиқариш бюджети, молиявий бюджет, мослашувчан бюджет;

D) сотиш бюджети, ишлаб чиқариш бюджети, тайёр маҳсулот захиралари бюджети, харидлар бюджети, статик бюджет, тайёр маҳсулот захиралари бюджети.

4. Давр харажатлари бюджети таркиби қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

A) сотиш харажатлари бюджети, маъмурий харажатлар бюджети;

B) ишлаб чиқариш бюджети, сотиш харажатлари бюджети, маъмурий харажатлар бюджети;

C) мослашувчан бюджет, ишлаб чиқариш бюджети, сотиш харажатлари бюджети;

D) статик бюджет, сотиш харажатлари бюджети, маъмурий харажатлар бюджети;

E) инвестиция бюджети, статик бюджет, сотиш харажатлари бюджети.

5. Бюджетларни тузишга қандай талаблар қўйилади?

A) эҳтиёткорлик, аниқлик;

B) мувозанатланган ҳолда тузиш;

C) моддий, меҳнат ва пул бирликларида баҳоланиш;

D) жавобгар ходимнинг масъулият билан ёндашиши;

E) барча жавоб тўғри.

6. Бюджетлар олдига қўйилган вазифаларга мувофиқ қандай турларга ажратилади?

A) инвестиция бюджети, молиявий бюджет;

B) давр харажатлари бюджети, инвестиция бюджети, молиявий бюджет;

C) статик бюджет, мослашувчан бюджет;

D) операцион бюджет, статик бюджет, мослашувчан бюджет;

E) тайёр маҳсулотлар бюджети, инвестиция бюджети, молиявий бюджет.

7. Операцион бюджет бу - ...

A) харидорлар имконияти ва маҳсулотлар ҳажмини эътиборга олиб, вертикал ҳамда горизонтал тартибда тузиладиган бюджет шакли;

B) товар-моддий захиралари, асосий воситаларни сотиб олиш, тайёр маҳсулотлар захиралари ва давр харажатлари тўғрисидаги ахборотлар ҳамда молиявий маблағларнинг тахминий манбаларини ифодаловчи бюджет тури;

C) сотиш ҳажми ва таннархи, даромад ва харажатларнинг нисбати, соф фойда, ўз маблағларидан самарали фойдаланиш, инвестиция қўйилмаларининг қопланиш муддати каби кўрсаткичлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштирувчи бюджет шакли;

D) корхонада маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан тушган тушум ва уларни ишлаб чиқариш таннархи суммаси ўртасидаги фарқни ифодаловчи кўрсаткич;

E) бўлинма раҳбари маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан тушадиган тушумга жавоб берадиган марказ тури.

8. Молиявий бюджет таърифини ифодаловчи қаторни аниқланг.

A) бўлинма раҳбари харажатлар ва фойда учун жавоб берадиган марказ тури;

B) харидорлар имконияти ва маҳсулотлар ҳажмини эътиборга олиб, вертикал ҳамда горизонтал тартибда тузиладиган бюджет шакли;

C) товар-моддий захиралари, асосий воситаларни сотиб олиш, тайёр маҳсулотлар захиралари ва давр харажатлари тўғрисидаги ахборотлар ҳамда молиявий маблағларнинг тахминий манбаларини ифодаловчи бюджет тури;

D) корхонада маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан тушган тушум ва уларни ишлаб чиқариш таннархи суммаси ўртасидаги фарқни

ифодаловчи кўрсаткич;

E) сотиш ҳажми ва таннархи, даромад ва харажатларнинг нисбати, соф фойда, ўз маблағларидан самарали фойдаланиш, инвестиция қўйилмаларининг қопланиш муддати каби кўрсаткичлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштирувчи бюджет шакли.

9. Инвестиция бюджети бу - ...

A) сотиш ҳажми ва таннархи, даромад ва харажатларнинг нисбати, соф фойда, ўз маблағларидан самарали фойдаланиш, инвестиция қўйилмаларининг қопланиш муддати каби кўрсаткичлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштирувчи бюджет шакли;

B) корхонада маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан тушган тушум ва уларни ишлаб чиқариш таннархи суммаси ўртасидаги фарқни ифодаловчи кўрсаткич;

C) товар-моддий захиралари, асосий воситаларни сотиб олиш, тайёр маҳсулотлар захиралари ва давр харажатлари тўғрисидаги ахборотлар ҳамда молиявий маблағларнинг тахминий манбаларини ифодаловчи бюджет тури;

D) корхонанинг бюджет давридаги капитал харажатлари ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалари режаси;

E) харидорлар имконияти ва маҳсулотлар ҳажмини эътиборга олиб, вертикал ҳамда горизонтал тартибда тузиладиган бюджет шакли.

10. Ишлаб чиқариш дастурини тузишда қандай усуллардан фойдаланилади?

A) таққослаш, гуруҳлаш, чизиқли дастурлаш;

B) даражали тахминлаш, вазиятли режалар тузиш, чизиқли дастурлаш, маҳсулот (иш ва хизмат)лар турларини диверсификациялаш;

C) даражали тахминлаш, вазиятли режалар тузиш, чизиқли дастурлаш, занжирли боғланиш;

D) вазиятли режалар тузиш, чизиқли дастурлаш, маҳсулот (иш ва хизмат)лар турларини диверсификациялаш, индукция

E) индукция, дедукция, даражали тахминлаш;

Такрорлаш учун саволлар

1. Корхона фаолиятини бюджетлаштиришнинг қандай ижобий жиҳатлари мавжуд?

2. Бюджетлаштириш жараёнида бизнес-режа қандай ўрин тутади?

3. Бизнес-режалар қандай таснифланади?

4. Бизнес режалаштириш қандай тамойиллар асосида амалга оширилади?

5. Корхона бош бюджетининг вазифалари нималардан иборат?

6. Корхонанинг бош бюджети қандай таркибга эга?

7. Молиявий ва инвестиция бюджетлар қайси кўрсаткичларни қамраб олади?

8. Мослашувчан ва статик бюджетларнинг қандай фарқли жиҳатлари мавжуд?

9. Бюджетлаштириш тизимида ишлаб чиқариш дастури қандай ўрин тутади?

10. Корхона ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш қай тартибда амалга оширилади?

11. Ишлаб чиқариш дастурини тузишда қандай усуллардан фойдаланилади?

12. Корхонада харажатларни режалаштириш қандай ўзига хос хусусиятларга эга?

13. Қуйидан юқорига режалаштиришнинг моҳияти нимада?

14. Бюджетлаштириш жараёнида такроран режалаштириш қандай ўрин тутади?

15. Жами ва бир бирлик маҳсулот таннархини режалаштиришнинг зарурияти нимада?

Адабиётлар рўйхати

1. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 й. 30 август.

2. "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2003 й. 11 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартлари.-Т.: Ўз. БАМА. 1999.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги "Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги 54-сонли қарори (2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли қарор асосидаги ўзгартишлар билан).

5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон. 1998.-686 б.

6. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада

чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. "Халқ сўзи". 2002 йил 30 август. №183-184.

7. Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан бориш - асосий вазифамиз. 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза, 2004 йил 7-февраль.- Т.12.-Т.: Ўзбекистон. 2004.-399 б.

8. Каримов И.А. Об основных итогах социально-экономического развития Республики Узбекистан в 2004 году. Т.: Налоговые и таможенные вести. 28 марта 2005 г. №14 (558).

9. Вахрушина М.А. Бухгалтерский управленческий учет. Учебное пособие.- М.: ЗАО Финстатинформ. 1999.-359с. (переиздание 2002 г., 528 с.).

10. Друри К. Управленческий и производственный учет.-М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2003. 1071 с.

11. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма.-Т.: Академия. 2002.-176 б.

12. Управленческий учет. Т.1. Т.: изд.НАБиА Узбекистан. 2004.-139 с.

13. Хасанов-Батыров Т., Азизов А. Правовое регулирование предпринимательской деятельности.-Т.: ЮСАИД, "ПРАГМА" корпорацияси. 2003.-207 с.

14. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Т.: Молия. 2003. 247 б.

15. Хасанов Б.А., Хошимов А.А. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш.- Т.: Ўқитувчи. 2004.-100 б.

16. Хасанов Б.А., Хўжамуродов А.М. Стратегик бошқарув ҳисоби ва бюджетлаштириш. //"Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни ривожлантириш масалалари": Халқ.илм.-амал. конф.матер. 2004 йил 24-25 ноябр.-Тошкент. ТМИ. 2004. 252 б.

17. Хасанов Б.А. и др. Учет внеоборотных активов в системе управленческого учета. //"Разумная таможенная политика - потенциал экономического развития государства": Труды Межд. науч.-практ. конф.- Шымкент.: Университет МИРАС. 2005.-365 с.

18. Шеремет А.Д. Управленческий учет.-М.:ФБК-ПРЕСС.1999. 512 с.

19. Щиборщ К.В. Бюджетирование деятельности промышленных предприятий России.-М.: Дело и Сервис. 2001.-544 с.

VI БОБ. БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

6.1. Бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг автоном ва интеграциялашган вариантлари

Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш уларда бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг истиқболли усулларидан фойдаланишга бевосита боғлиқ.

Халқаро тажрибада корхоналарда бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг қуйидаги иккита тизими мавжуд:

— автоном;

— интеграциялашган.

Интеграциялашган ва автоном ҳисоб тизимларини ташкил этиш мақсади, таркиби, тамойиллари ва вазифалари ҳамда уларнинг компьютерлаштирилиш даражаси корхонанинг ягона ҳисоб юритиш сиёсатида белгилаб қўйилади.

Бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг автоном тизимининг хусусияти шундаки, унда молиявий ва бошқарув ҳисоби чегаралари аниқ белгиланган бўлади. Бунга кўра, молиявий ҳисобда харажатлар иқтисодий элементлари бўйича, бошқарув ҳисобида эса калькуляция моддалари бўйича таснифланади. Бошқарув ҳисобида харажатлар ҳисобини олиб бориш учун 9100-"Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)лар таннархи ҳисоби счетлари", 9400-"Давр харажатлари ҳисоби" каби транзит счетлардан фойдаланилади.

Молиявий ҳисоб синтетик ҳисобни ташкил этиш учун мўлжалланганлиги сабабли, у маҳсулотлар ишлаб чиқариш, иш ва хизматлар бажаришга сарфланган харажатлар суммасини аниқлайди, аммо уларнинг пайдо бўлиш жараёнини ҳисобга олмайди. Бошқарув ҳисоби эса бу каби жараёнларни амалга оширишни билан шуғулланади.

Савдо корхоналарида автоном ҳисоб тизимини ташкил этишда маҳсулот сотишдан олинган тушум молиявий ҳисобда ҳам, бошқарув ҳисобида ҳам акс эттирилади. Бунда молиявий ҳисоб харажат ва даромадлар ҳисобини олиб боради. Бу ҳолат ҳисоб ахборотларидан

ташқи фойдаланувчилар учун солиқ тўловлари ҳақидаги маълумотларни олишга ёрдам беради.

Бошқарув ҳисобини юритишнинг автоном тизимида 9910-"Якуний молиявий натижа" счетида ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган молиявий натижа маржинал фойда ва даромад кўринишида ҳисобга олинади.

Молиявий ҳисобда 9910-"Якуний молиявий натижа" счетида баланс фойдаси шаклланиб, у нафақат асосий фаолиятдан олинган фойда, балки бошқа фаолиятдан олинган фойда (даромад)ларни ҳам қамраб олади. Молиявий ҳисобда товар-моддий захиралар ҳисобот йили охирида инвентаризациядан ўтказилгандан сўнг рўйхатга олинади. Молиявий натижани аниқлашда эса сотишдан олинган соф тушумга йил охирдаги ТМЗлар қиймати қўшилиб, сарфланган барча харажатлар айрилади.

Интеграциялашган ҳисоб тизимида хўжалик муомалаларини ифодалашда транзит счетлардан эмас, балки ягона счетлар тизимидан фойдаланилади. Бунда қолдиққа эга бўлган счетлар бир вақтнинг ўзида ҳам молиявий ҳисобга, ҳам бошқарув ҳисобига тегишли бўлади.

Корхоналарда интеграциялашган ҳисоб тизими олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

— бухгалтерия ҳисобининг марказлашган тизимини яратиш;

— молиявий, бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисобини юритиш ҳамда уларни ўзаро мувофиқлаштириш;

— тезкор бошқарув ахборотларини олиш учун ҳужжатлар айланишини ташкил этиш;

— ҳисоб тизимини автоматлаштириш;

— бошқарув ахборотларининг махфийлигини таъминлаш;

— самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш имконини берадиган ҳисоботлар тизимини ишлаб чиқиш;

— корхона иқтисодий, ишлаб чиқариш бўлинмалари фаолиятини бюджетлаштириш ва молиявий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш;

— моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш устидан назорат ўрнатиш.

Корхоналарда бухгалтерия ҳисоби хизматининг марказлашган тизими сиҳгари 6.1-чизмада тасвирлангани бўлади.

6.1 чизма. Корхонада бухгалтерия хизматининг ташкил этилиши

Амалиётда корхоналарда тижорат сирининг махфийлигини таъминлаш учун молиявий ҳисоб счетларида фақат қолдиқлар кўрсатилиб, бошқарув ҳисоби счетларида эса хўжалик муомалалари тўлиғича акс эттирилади.

Корхоналарда ўзаро иқтисодий алоқадорликда бўлган жавобгарлик марказлари ва бизнес сегментлари ўртасида ягона ахборотлар базасини шакллантириш, қуйи бўлинмалар (цехлар, омборлар) ўртасида ахборот алмашинуви ҳамда оқилона ҳужжатлар айланмасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш интеграциялашган ҳисоб тизимини шакллантиришга боғлиқ.

Умуман олганда, корхоналарда қуйидаги ҳолатлар интеграциялашган ҳисоб тизимни ташкил этишга асос бўлади:

— корхона фаолиятида моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини бошқаришнинг марказлаштирилган, амалий жиҳатдан асосланган механизми мавжуд бўлмаганда;

— корхона бўлинмалари ўртасида ҳужжатлар айланиши самарали бўлмаганда;

- корхонанинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан шартномалар тузиш ва бошқа иқтисодий муносабатларга киришишини таъминлаб берувчи ахборотлар манбаи

шакллантирилмаганда;

— бошқарув қарорлари асосан раҳбарият томонидан таҳлилларсиз қабул қилинганда;

— корхоналарда бошқарув ҳисоби қўлда, яъни, журнал-ордер шаклида олиб борилганда;

— инвестиция қарорларини қабул қилишда корхона раҳбарияти томонидан ресурслар асоссиз равишда ишлатилганда;

— бухгалтерлар тўғридан-тўғри раҳбариятга бўйсуниб, натижада улар холдингнинг умумий фойдасини ҳисобга олмасдан бошқарув ҳисобини олиб борганда;

— корхоналарда солиқларни режалаштиришнинг марказлашган тизими мавжуд бўлмаган ва бу ҳолат бюджетга катта миқдорда солиқларни тўлашга олиб келганда.

Бу ҳолатлар интеграциялашган ҳисоб тизимини жорий этишдан мақсад корхона раҳбариятининг тўлиқ, ишончли ва тезкор ахборот олиши, уларни таҳлил қилиши ҳамда шу асосда тўғри бошқарув қарорлари қабул қилиши учун мўлжалланган бўлиши зарурлигини англатади.

Интеграциялашган ҳисоб тизимида ахборотларни қайд этиш, тўплаш ва қайта ишлаш корхонанинг қуйи бўлинмалари (цехлар)дан бошланади. Шундан сўнг, тўпланган ахборотлар корхонанинг юқори бўғинларида молиявий ҳисобот шаклларини тузиш мақсадида умумлаштирилади. Шу тартибда, корхонада ягона ахборот тизими шаклланади.

Корхоналарда интеграциялашган ҳисоб тизимини ишлаб чиқиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

— ҳисобнинг тезкорлиги ва ишончлилигини таъминлаш;

— тушунарлилик, аҳамиятлилик;

— интеграциялашган ҳисоб тизимини жорий этиш самарадорлигини ошириш ва ҳ.к.

Корхоналарда интеграциялашган ҳисоб тизимини ташкил этиш жараёни бир неча босқичлардан иборат.

Мазкур тизимни яратишнинг дастлабки босқичида бухгалтерия хизмати бошқарув ҳисоби ва таҳлили талабларига мувофиқлаштирилади. Бунда бошқарув ҳисобига доир счетлардаги

ахборот тўпланади, корхонанинг моддий, молиявий маблағлари таркиби, уларнинг шаклланиш манбаларини ифодаловчи бошқарув ҳисоботи шакллари тузилади. Бу босқичда тўпланган ахборотларни умумлаштириш учун бошқарув бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги, капитал фондлар ҳаракати тўғрисидаги бошқарув ҳисоботи каби шакллардан фойдаланилади. Биринчи босқичда активлар ва мажбуриятлар, харажатлар ва даромадлар, корхонанинг якуний молиявий натижалари бўйича дастлабки маълумотлар олинади.

Интеграциялашган ҳисоб тизимини ташкил этишнинг иккинчи босқичида корхона молиявий ҳисоботига киритилмайдиган ахборотларни йиғиш ишлари амалга оширилади. Бу ахборотларга корхона рақобатчиларининг молиявий ҳолати, ҳаракати тўғрисидаги маркетинг ахборотлари, инвестиция лойиҳалари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги ахборотлар, меҳнат ресурслари тўғрисидаги ахборот кабилар киритилади.

Учинчи, якуний босқичда олдинги босқичлар натижалари асосида бошқарувни режалаштириш амалга оширилади.

Бошқарув ҳисобининг автоном ва интеграциялашган тизимларини ташкил этишда муҳим омил мазкур ҳисоб турининг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади. Иқтисодий самарадорлик бошқарув ҳисобининг кўлами ва унинг компьютерлаштириш даражасига бевосита боғлиқ. Бу самарадорликка уни ташкил этишга сарфланган харажатлар тўлиқ қоплангандагина эришилади.

6.2.Савдо ва саноат корхоналарида интеграциялашган ҳисоб тизимини автоматлаштиришнинг хусусиятлари

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар бошқарув ҳисобида замонавий компьютер технологиялари ва дастурларидан фойдаланиш ҳисоб тизими олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бошқарув ҳисобининг интеграциялашган ҳисобини самарали жорий этиш корхоналар ҳисоб тизимида компьютер технологияларининг қўлланилиш даражасига боғлиқ. Бунда

корхона бўлинмалари фаолиятини автоматлаштириш орқали қўлда бажариладиган қоғоз ва ёзув-чизув ишларини камайтириш, зарур ҳолларда тезкор бошқарув ахборотларини олиш имконияти яратилиши лозим. Ушбу масалани ҳал қилиш учун корхона бошқаруви ва бўлинмалар ўртасида ўзаро боғланган, ягона компьютер тизими (тўри) ўрнатилади ҳамда маълумотларни тезкор узатиш йўлга қўйилади (6.2-чизма).

6.2-чизма. Савдо ва саноат корхоналарида интеграциялашган ҳисоб тизимини жорий этишда компьютер технологияларидан фойдаланиш

Савдо корхоналарида интеграциялашган ҳисоб тизимида компьютер технологияларини қўллаш қуйидаги фаолиятга нисбатан татбиқ этилади:

— улгуржи товарлар етказиб бериш;

— бошқа хизматларни кўрсатиш.

Бунда барча хўжалик муомалалари компьютер дастурларида қуйидаги белгиларга ажратилган ҳолда ифодаланади:

— фақат бошқарув ҳисобида акс эттириладиган хўжалик муомалалари;

— фақат молиявий ҳисобда акс эттириладиган хўжалик муомалалари;

- молиявий ва бошқарув ҳисобида акс эттириладиган хўжалик муомалалари.

Савдо корхоналарида интеграциялашган бошқарув ҳисобини олиб бориш учун компьютер дастури ёрдамида қуйидагилар бажарилади:

- хўжалик муомалаларини рўйхатга олиш учун тегишли аналитик счетлар аниқланади;

— дастурга маҳсулот (товарлар), пул маблағлари қолдиқларига доир маълумотлар киритилади;

— молиявий ва бошқарув ҳисоботи шаклларини тузиш амалга оширилади;

— аналитик счетлар ва ҳисобот шакллари маълумотларини қайта ишлаш орқали зарур бошқарув ахборотлари тайёрланади ҳамда фойдаланувчиларга тақдим этилади.

Савдо ва саноат корхоналарида интеграциялашган ҳисобни автоматлаштиришнинг муҳим хусусиятларидан бири, у орқали корхона бюджетини турли муддатлар учун осонгина тузиш имкониятининг мавжудлигидир. Шунингдек, автоматлаштирилган тизим асосида зарур муддат учун келгуси даромад ва харажатлар бюджетини тузиш, амалга ошириладиган тўловларни доимий равишда кузатиб бориш, сметаларнинг бажарилишини таҳлил қилиш, корхонани истиқболли ривожлантиришни назарда тутувчи молиявий (бизнес) режаларни ишлаб чиқиш мумкин.

Интеграциялашган ҳисоб тизимида бизнес режалаштириш аниқ белгиланган оралиқда амалга оширилади. Бизнес режалаштиришда бюджетлар бир марталик (асосий воситаларни сотиб олиш) ва такрорланадиган (бюджетга солиқ тўловлари, ижара тўловларини амалга ошириш) хўжалик муомалалари асосида тузилади.

Такрорланадиган хўжалик муомалаларини режалаштириш белгиланган сана ва ҳафта кунлари бўйича амалга оширилади. Бунда ҳар бир хўжалик муомалалари компьютер дастурида алоҳида рўйхатга олинади. Мазкур компьютер дастурлари ўтган ҳисобот даврларидаги хўжалик муомалалари асосида стратегик режалар тузиш имконини беради.

Интеграциялашган ҳисоб тизимида компьютер дастурларидан

фойдаланишнинг афзаллиги шундаки, унда олдинги даврлар учун тузилган бюджетларга автоматик равишда тузатишлар киритиш имконияти мавжуд. Молиявий режа (бюджет)га киритилган хўжалик муомалалари бўйича дастлабки ва йиғма ҳужжатлар тайёрланади.

Ушбу компьютер дастурининг якуний қисмида моддий ва пул маблағларининг режалаштирилаётган давр охирига бўлган қолдиқлари аниқланади.

Шундай қилиб, савдо ва саноат корхоналари бошқарув ҳисобини интеграциялашган тизим бўйича ташкил этишда компьютер технологияларидан фойдаланиш корхона ҳисоб тизимида тегишли бюджетларнинг тўғри тузилганлиги, тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилганлиги устидан самарали назорат ўрнатиш имконини беради.

Тест топшириқлари

1. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг қандай тизимлари мавжуд?

A) автоном, солиқ;

B) молиявий, интеграциялашган;

C) автоном, интеграциялашган;

D) солиқ, молиявий;

E) интеграциялашган, солиқ.

2. Автоном ҳисоб тизимининг ўзига хос хусусияти шуки, унда ...

A) маҳсулот таннархи фақат буюртмали усулда ҳисобланади;

B) молиявий ва бошқарув ҳисоби чегаралари аниқ белгиланган бўлади;

C) ишлаб чиқариш харажатлари бюджетини ишлаб чиқишда смета усулидан фойдаланилади;

D) асосан молиявий ҳисобот шакллари маълумотларига таянилади;

E) фақат ички сегментар ҳисобот шакллари амал қилади.

3. Автоном ҳисоб тизимини ташкил этишда маҳсулот сотишдан олинган тушум ...

A) молиявий ҳисобда ҳам, бошқарув ҳисобида ҳам акс эттирилади;

B) фақат молиявий ҳисобда акс эттирилади;

C) фақат бошқарув ҳисобида акс эттирилади;

D) солиқ ҳисоби объекти ҳисобланади;

E) ишлаб чиқариш ҳисоби объекти ҳисобланади.

4. Интеграциялашган ҳисоб тизимида хўжалик муомалаларини ифодаланда ...

A) фақат транзит счетлардан фойдаланилади;

B) транзит ва ягона счетлардан фойдаланилади;

C) транзит эмас, балки ягона счетлар тизимидан фойдаланилади;

D) A ва B

E) тўғри жавоб берилмаган.

5. Корхоналарда интеграциялашган ҳисоб тизимни ташкил этиш заруратини юзага келтирувчи омилларни кўрсатинг.

A) моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини бошқаришнинг марказлаштирилган, амалий жиҳатдан асосланган механизмини мавжуд эмаслиги;

B) корхона бўлинмалари ўртасида ҳужжатлар айланишининг самарасизлиги, бошқарув ҳисобининг қўлда, яъни, журнал ордер шаклида олиб борилиши;

C) бошқарув қарорларининг асосан раҳбарият томонидан таҳлилларсиз қабул қилиниши;

D) инвестиция қарорларини қабул қилишда корхона раҳбарияти томонидан ресурсларнинг асоссиз равишда ишлатилиши;

E) юқоридагиларнинг барчаси.

6. Интеграциялашган ҳисоб тизимининг вазифалари тўғри ифодаланган қаторни аниқланг.

A) бухгалтерия ҳисобининг марказлашган тизимини яратиш;

B) молиявий, бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисобини юритиш ҳамда уларни ўзаро мувофиқлаштириш;

C) тезкор бошқарув ахборотларини олиш учун ҳужжатлар айланишини ташкил этиш, ҳисоб тизимини автоматлаштириш;

D) бошқарув ахборотларининг маҳфийлигини таъминлаш, самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш имконини берадиган ҳисоботлар тизимини ишлаб чиқиш;

E) тўғри жавоб берилмаган.

7. Интеграциялашган ҳисоб тизимини ишлаб чиқиш қандай тамойилларга асосланади?

A) ҳисобнинг тезкорлиги ва ишончлилигини таъминлаш;

B) тушунарлилик, аҳамиятлилик;

C) интеграциялашган ҳисоб тизимини жорий этиш самарадорлигини

оширриш;

D) А ва С;

Е) тўғри жавоб йўқ.

8. Корхоналарда интеграциялашган ҳисоб тизимини ташкил этиш жараёни нечта босқичдан иборат бўлади?

А) 2 та

В) 3 та

С) 4 та

D) 5 та

Е) 6 та

9. Интеграциялашган ҳисоб тизимини автоматлаштириш қандай имкониятларни беради?

А) автоматлаштириш жуда катта харажат талаб қилади, шу сабабли ҳисоб тизимини автоматлаштириш шарт эмас;

В) қўлда бажариладиган - қоғоз ва ёзув-чизув ишларини камайтиради;

С) тезкор, зарур бошқарув ахборотларини шакллантиришга кўмаклашади;

D) В ва С;

Е) тўғри жавоб берилмаган.

10. Савдо корхоналарида интеграциялашган бошқарув ҳисобини ташкил этишда компьютер дастурлари орқали қандай амаллар бажарилади?

А) хўжалик муомалаларини рўйхатга олиш учун тегишли аналитик счетлар аниқланади;

В) дастурга маҳсулот (товарлар), пул маблағлари қолдиқларига доир маълумотлар киритилади;

С) молиявий ва бошқарув ҳисоботи шаклларини тузиш амалга оширилади;

D) аналитик счётлар ва ҳисобот шакллари маълумотларини қайта ишлаш орқали зарур бошқарув ахборотлари тайёрланади;

Е) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

Такрорлаш учун саволлар

1. Корхоналарда автоном ва интеграциялашган ҳисоб тизимини ташкил этишдан мақсад нима?

2. Бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг автоном ва интеграциялашган тизимларига таъриф беринг.

3. Автоном ва интеграциялашган ҳисоб тизимлари ўртасидаги боғлиқликни изоҳланг.

4. Савдо корхоналарида автоном ҳисоб тизимини ташкил этиш қандай хусусиятларга эга?

5. Корхоналарда интеграциялашган ҳисоб тизими олдига қандай вазифалар қўйилади?

6. Республикамиз корхоналарда интеграциялашган ҳисоб тизимини ташкил этиш заруриятини юзага келтирувчи омилларни санаб беринг.

7. Интеграциялашган ҳисоб тизимини ишлаб чиқиш қандай тамойилларга асосланади?

8. Корхоналарда интеграциялашган ҳисоб тизимини ташкил этиш жараёни нечта босқичдан иборат?

9. Интеграциялашган ҳисоб тизимида бизнес режалаштириш қандай амалга оширилади?

10. Интеграциялашган ҳисоб тизимида компьютер дастурларидан фойдаланишнинг қандай афзалликлари мавжуд?

Адабиётлар рўйхати

1. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 й. 30 август.

2. "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2003 й. 11 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги "Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони, //"Халқ сўзи", 2003 й. 23 декабрь. №257.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон. 1998.-686 б.

5. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. "Халқ сўзи". 2002 йил 30 август. №183-184.

6. Каримов И.А. Мавжуд салоҳият ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш - тараққиёт омили.-Т.: "Халқ сўзи". 2004 йил 31-январ.

7. Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан бориш - асосий вазифамиз. 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза, 2004 йил 7-феврал.- Т.12. Т.: Ўзбекистон. 2004.-399 б.

8. Каримов И.А. Об основных итогах социально-экономического развития Республики Узбекистан в 2004 году.-Т.: Налоговые и таможенные вести. 28 марта 2005 г. №14 (558).

9. Абдуганиев А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш муаммолари, уларнинг ечимлари.-Т.: ТМИ. 2003. 275 б.

10. Вахрушина М.А. Бухгалтерский управленческий учет. Учебное пособие.-М.: ЗАО Финстатинформ. 1999.-359с. (переиздание 2002 г., 528 с.).

11. Друри К. Управленческий и производственный учет.-М.: ЮНИТИ ДАНА. 2003. 1071 с.

12. Жўраев Н.Ю., Умиркулов Б.Б. Кичик тадбиркорлик субъектлари бошқарув тизимининг ахборот таъминотини такомиллаштириш. //Реформа и развитие бухгалтерского учета и аудита в условиях рыночной экономики: Тез. докл. межд. конф.-Ташкент, изд.АБА РУз. 2001. с. 51-52.

13. Каримов А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш услублари. // "Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида янги счетлар режасини амалиётга жорий этиш муаммолари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент, ТМИ. 2002. 128-129 б.б.

14. Нардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма.-Т.: Академия. 2002.-176 б.

15. Производственный менеджмент. Учебник. Под ред. С.Д. Ильенковой. М.: ЮНИТИ АНА. 2000. 583 с.

16. Тошмаматов Н., Носиров И. Харажатларни маржинал таҳлил қилиш.-Т.: ЎзР. БАМА нашр. 123-128 б.

17. Управленческий учет. Т.1.-Т.: изд.НАБиА Узбекистан. 2004.-139 с.

18. Хасанов-Батыров Т., Азизов А. Правовое регулирование предпринимательской деятельности.-Т.: ЮСАИД, "ПРАГМА" корпорацияси. 2003.-207 с.

19. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт.-Т.: Молия. 2003.-247 б.

20. Шанк Дж., Гавиндараджан В. Стратегическое управление затратами.-М.: ЗАО Бизнес микро. 1999.-278 с.

21. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик.-Т.: Ўқитувчи. 2001.-704 б.

22. Шеремет А.Д. Управленческий учет. М.: ФБК-ПРЕСС. 1999.-512 с.

VII БОБ. ТРАНСФЕРТ БАҲОНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

7.1. Корхона баҳо сиёсатида трансферт баҳонинг тутган ўрни ва мазмуни

Республикамизда бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида сотиладиган маҳсулот (иш ва хизматлар)ларга илмий асосланган баҳо сиёсатини ишлаб чиқиш бошқарув ҳисобининг асосий вазифаларидан бири саналади.

Амалиётда ҳар бир корхона ўз маҳсулотини ишлаб чиқара бошлашидан аввал қанча фойда олиши мумкинлигини режалаштиради. Корхона фойдаси маҳсулот баҳоси ва уни ишлаб чиқаришга сарфланадиган ҳақиқий харажатларга бевосита боғлиқ бўлади. Ушбу ҳолатда маҳсулот баҳоси ишлаб чиқарувчи ёки харидор хоҳиши бўйича баланд ёки паст бўлиши мумкин эмас, у талаб ва таклиф асосида тартибга солиб борилиши лозим.

Инфляция жараёнида, яъни, баҳоларнинг ўсиши содир бўлаётган пайтда пулнинг фойдалилиги пасайиб боради. Шу сабабли, бундай шароитда барча ҳисоб-китоблар қиёсий ёки базис давр баҳоларида амалга оширилиши зарур, акс ҳолда, нотўғри маълумотлар асосида оқилона молиявий бошқарув қарорлари қабул қилиб бўлмайди. Шу нуқтаи-назардан қиёсий баҳолардан фойдаланиш молиявий менежментдаги барча ҳисоб-китобларга тегишли талаб ҳисобланади. Бунда бир ўлчамнинг ўзгариши иккинчи ўлчамнинг ўзгаришига қандай таъсир этиши таҳлил қилинади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва баҳолар даражаси турлича бўлган ҳолатда фойда суммасини солиштиришнинг бир нечта варианти мавжуд. Маҳсулотнинг қўшимча бирлигини ишлаб чиқариш умумий тушумнинг маълум бир бирликда ошишига олиб келади ва у чекланган тушум дейилади. Бунда ўз навбатида харажатлар миқдорининг ҳам бир бирлик миқдорида ошиши кузатилади ва у чекланган харажатлар, деб аталади. Максимал

фойда чекланган тушум билан чекланган харажатлар бир-бирига тенг бўлган ёки улар бир-бирига максимал даражада яқинланган ҳолда юзага келади.

Фойдалиликнинг чекланганлиги назариясига мувофиқ, ишлаб чиқаришнинг ўсиши туфайли чекланган тушум чекланган харажатларга нисбатан тезроқ суръатларда ўсиб боргунга қадар фойда ҳажми ўсиб бораверади, бироқ чекланган харажатлар чекланган тушумдан ошиб кетган пайтда маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартириш зарур. Шундай қилиб, чекланган харажатларнинг чекланган тушумга яқинлиги (максимал) энг юқори даражада таъминланганда ёки унга тенглаштирилганда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва баҳоси ишлаб чиқарувчини энг юқори (максимал) фойда билан таъминлайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонада баҳони шакллантириш ва бошқариш бўйича тезкор қарорлар қабул қилиш зарурияти туғилади. Бунинг учун бошқарув тизимида баҳони шакллантириш бўйича функционал блокларнинг ўзаро алоқасини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга (7.1-чизма).

7.1-чизма. Корхона бошқаруви тизимида баҳони шакллантириш бўйича функционал блокларнинг ўзаро алоқаси

Келтирилган чизмадан кўриниб турибдики, баҳонинг шаклланиши ташқи муҳит таъсирига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ташқи муҳитда қуйидаги макродаражадаги ўзгаришлар корхона фаолиятида баҳони шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатади:

1. Иқтисодиётдаги ўсиш ва пасайиш (ҳар қандай маҳсулотга бўлган эҳтиёж аҳолининг реал даромадлари, инвестиция фаоллиги, давлат харажатлари, кредит олиш ва уни қайтариш имкониятлари, баҳоларнинг ўзгаришига боғлиқ). Шу сабабли ташқи муҳитни таҳлил қилиш корхонани баҳолаш учун бошланғич нуқта ва қадам бўлиб ҳисобланади;

2. Табиий ресурсларга яқинлик ва уларнинг заҳирасига эга бўлиш нафақат маҳсулот ишлаб чиқарувчи, балки қайта ишловчи корхоналарни ҳам стратегик ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга;

3. Сиёсат ва ҳуқуқ. Корхонанинг фаолият юритишида давлатнинг иқтисодий барқарорлиги, турли хил мулк эгаларининг ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинганлиги, солиқ қонунчилигининг ўзгариб туриши, божхона ҳуқуқи каби омиллар ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга;

4. Демография. Корхона жойлашган ҳудуддаги аҳолининг сони ва таркиби унинг фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Агар ҳудудда туғилиш даражаси юқори бўлса, болаларбоп маҳсулотлар ассортиментига талаб катта бўлади ёки катта ёшдаги аҳолининг ҳиссасига қараб уларнинг талабидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарур бўлса, корхона шунга қараб мўлжал олиши лозим;

5. Ижтимоий-маданий муҳит. Жамиятнинг иқтисодий фаровонлиги ошиб бориши билан унда иқтисодий хавфсизликни таъминлашга, аҳолининг кам таъминланган ва ишсиз қатламларини ҳимоя қилишга имконият ортиб боради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда корхоналарда баҳоларни шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилишга таъсир этувчи омиллар ташқи ва ичкига бўлинади.

Ташқи омиллар қуйидагилар билан ифодаланади:

1. Корхона ишлаб чиқараётган товарга бозордаги умумий талаб;

2. Бозорга шу хилда бошқа фирмалар томонидан чиқарилган товарлар ҳажми;

3. Ушбу товарларнинг сифати ва баҳоси;

4. Харидорларни маҳсулот баҳоси паст бўлишига ёки товар сифати юқори бўлишига қизиқиши.

Баҳонинг шаклланишига таъсир этувчи ички омилларга қуйидагилар киритилади:

— маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи;

— узоқ муддатли капитал қўйилмаларни қоплаш имконияти;

меҳнат ва материаллар сифати;

— ишлаб чиқариш харажатлари даражаси;

— чекланган ресурслардан фойдаланиш даражаси.

Трансферт баҳолар механизмини ишлаб чиқиш корхона баҳо сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади.

Трансферт баҳо корхона ичида бир жавобгарлик марказидан бошқа жавобгарлик марказига ўтказиладиган маҳсулот (материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар) ёки хизматлар баҳосини аниқлаш учун фойдаланиладиган баҳодир.

7.2.Трансферт баҳони аниқлаш тартиби ва тамойиллари

Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш шароитида трансферт баҳони аниқлаш ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган шаклларига бевосита боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқариш марказлаштирилган ҳолда ташкил этилган шароитда жавобгарлик марказлари ўртасида маҳсулот ва хизматлар алмашинуви кўпроқ ҳақиқий (норматив) таннарх асосида амалга оширилади.

Марказлаштирилмаган ҳолда ташкил этилган ишлаб чиқаришларда жавобгарлик марказлари нисбатан мустақил бўлиб, корхона ичидаги узатув (тошириш) баҳоси ҳар бир бўлинма фойдасининг аниқ ва ишончли кўрсаткичини аниқлаш имкониятига эга бўлиши назарда тутилган ҳолда ўрнатилган бўлиши керак.

Корхона ичидаги узатув (топшириш) баҳосини танлаш нафақат бўлинма фаолияти натижаларини аниқлаш учун, балки "қандай қилиб ишлаб чиқариш ва сотиб олиш", "сотиш ва бундан кейин ишлов бериш" каби саволлар бўйича қарорлар қабул қилиш, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг муқобил вариантларини таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Трансферт баҳони аниқлаш қуйидаги асосий талабларга таянади:

— ишлаб чиқариш корхонасининг пировард мақсадига эришишини ва алоҳида бўлинмалар мақсадини корхонанинг умумий мақсади билан уйғун ҳолда бирикиб кетишини таъминлаш;

— бошқарувнинг турли даражаларида менежерлар учун мослашувчан ва бир хилда бўлиш;

— марказлаштирилмаган ҳолда бошқариш шароитида сотувчи ва харидор бўлинмалар раҳбарларига уларнинг мустақиллигини сақлаб қолишга имкон туғдириши керак;

— ички ва ташқи бозорларнинг ўзгарувчан шароитларини тез илғаб олиш, фойдани самарали соҳаларга йўналтириш имконини берин. Масалан, юқори фойдани солиқлардан имтиёзлар мавжуд бўлган соҳаларга, юқори бўлмаган фойдани эса солиқлари юқори бўлган соҳаларга йўналтириш лозим;

— амалдаги қонунлар талаблари асосида шакллантирилиши ва уларга мос келиши.

7.3. Трансферт баҳони белгилаш усуллари

Корхона ички бўлинмалари ўртасида трансферт баҳоларни шакллантиришда уни белгилаш усулларига алоҳида эътибор қаратиш зарур:

Трансферт баҳоларни белгиланнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

— бозор баҳоси;

— тўлиқ таннарх плюс фойда (тўлиқ таннархдан % сифатида);

— ўзгарувчан харажатлар плюс фойда (ўзгарувчан

харажатлардан % сифатида);

- томонларнинг ўзаро келишуви асосидаги шартномавий баҳо;
- тўлиқ ёки қисқартирилган таннарх.

Корхона бошқарувчилари, бўлинма-сотувчилар ва бўлинма-харидорларнинг талабларига бирдек жавоб берадиган ягона трансферт баҳо мавжуд эмас. Амалиётда корхоналарнинг бир қисми шартномавий бозор баҳосидан трансферт баҳо сифатида фойдаланади, бошқа бир қисми эса "тўлиқ таннарх плюс фойда" усулидан фойдаланишни афзал кўради.

Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг шартномавий бозор баҳоси ҳажми қулай трансферт баҳо ҳисобланади, чунки бу баҳо ҳар бир марказнинг фойдасини мустақил хўжалик бирлиги сифатида таҳлил қилиб чиқиш имкониятини яратади.

Агар ташқи бозорда баҳо аниқ бўлса (масалан, янги маҳсулот турига муқобил товарлар бозори бўлмаганда ва баҳо олдиндан белгиланмаган бўлса), унда "тўлиқ таннарх плюс фойда", яъни, тўлиқ таннархдан фоиз сифатида олинган баҳони қўллаш лозим бўлади, чунки бундай баҳо бозор баҳосига яқин ҳисобланади ва бўлинмалар фаолияти камчиликларини аниқлашга имкон туғдиради.

Баҳога устама белгилаш вақтида бутун корхонани фойдалилик коэффициентини эмас, балки мазкур бўлинманинг харажатлари хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Амалиётда фойда кўпинча молиявий қўйилмалардан олинган даромад ҳисобланади ҳамда белгиланган режа кўрсаткичи билан солиштирилиб борилади. Агар трансферт баҳо сифатида "ўзгарувчан харажатлар плюс фойда" усулидан фойдаланилса хомашё, материаллар, хизматлар ва иш ҳақи каби харажатларни ўзгаришига тузатишлар киритадиган қоидага амал қилинади.

Трансферт баҳо ҳақиқий таннарх плюс қўшимча фойда тарзида белгиланиши ҳам мумкин. Мазкур усулдан менежерлар ўз бўлинмаларида маблағлар сарфи учун жавобгар бўлган ҳолларда фойдаланади, бироқ бу усул маблағларни тежаш имкониятини пасайтиради, яъни, ҳақиқий таннарх қанча юқори бўлса, бўлинма сотувчи сотиш баҳосини шунча юқори белгилайди. Шуни назарда тутиш зарурки, таннарх асосида трансферт баҳоларни белгилаш

вақтида корхона таркибига кирувчи бўлинмаларни фойда ёки инвестиция марказлари сифатида эмас, балки харажатлар марказлари сифатида қараб чиқиш лозим. Бундай шароитда ўзгарувчан харажатлар асосида белгиланган трансферт баҳолар самарали ҳисобланади. Бу усулда қуйидаги иккита шартга амал қилинади:

— ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бирлигига сарфланган активлар қиймати бир хил;

— ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар даражаси қолган харажатларга нисбатан деярли ўзгармас.

Ўзгарувчан харажатлар асосида корхона ичидаги топширувлар пайтидаги баҳо усули тўлиқ таннарх асосидаги усулдан корхона заҳираларидан янада самаралироқ фойдаланишни таъминлашга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

7.4. Трансферт баҳони харажатлар ва қиймат ёндашувлари асосида шакллантириш

Трансферт баҳо сиёсати масаласи бўйича молиячи ва маркетологлар ўртасида уни шакллантиришга нисбатан икки муқобил ёндашув — харажатлар ва қиймат ёндашувлари соҳасида баҳс-мунозара келиб чиқади. Уларнинг моҳиятини 7.2-жадвал ёрдамида ифодалаш мумкин.

7.2-жадвал

Трансферт баҳони шакллантиришга нисбатан ёндашувлар

Т/р	Харажатлар асосидаги ёндашув	Қиймат ёндашуви
1.	*Маҳсулот* ↓	*Харидорлар* ↓
2.	*Технология* ↓	*Қийматликлар* ↓
3.	*Харажатлар* ↓	*Баҳо* ↓
4.	*Баҳо* ↓	*Харажатлар* ↓
5.	*Қийматликлар* ↓	*Технология* ↓
6.	*Харидорлар* ←	*Маҳсулот* ←

Трансферт баҳони шакллантиришга нисбатан харажатлар ёндашуви энг синалган ва ишончли ёндашувдир. Унинг асосида реал категория ётади, бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга сарфланадиган харажатлардир. Ушбу харажатлар маҳсулот ишлаб чиқаришга ва сотишга сарфланган ҳақиқий харажатлар категорияси орқали ифодаланади ҳамда бухгалтерияда дастлабки ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

Бунинг устига, маълум даражада бу ёндашувнинг нуфузи уни иқтисодий назарияда қўллаб-қувватланиши билан боғлиқ, чунки маҳсулотлар ўртасида харажатларни тўғри тақсимлаш, таннархни шакллантириш ва бошқариш баҳони корхона учун нафлилик нуқтаи назаридан даромад олиш манбаига айлантиради (7.2-чизма).

7.2-чизма. Бозор иқтисодиёти шароитида трансферт баҳо ва харажатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

Маҳсулотни сотишда баҳо даражасини сотишнинг ва шунга мос равишда ишлаб чиқаришнинг тахминий ҳажми белгилайди. Шу билан бирга, бошқарув ҳисоби эътироф этадики, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришнинг умумий харажатлари ўзгариши бевосита ишлаб чиқариш миқёсига боғлиқ. Ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши билан бир буюмга тўғри келадиган доимий харажатлар суммаси ва ишлаб чиқаришга сарфланадиган ўртача харажатлар ҳажми ҳам ўсади. Бинобарин, тадбиркор менежер трансферт баҳони белгилаётганда харажатлар усули асосида ёки рақобатчилар томонидан баҳо бўйича қабул қилинган қарорлар таъсири остида пассив баҳо белгилаш йўлини танламаслиги лозим.

Энг оқилона ёндашув — трансферт баҳони шакллантиришга нисбатан фаол ёндашув усули бўлиб, бунда трансферт баҳони бошқариш орқали сотишларнинг зарур ҳажмига мос келувчи ўртача харажатлар ҳажмига эришилади, бу эса корхонани фойдалиликнинг

кутилаётган даражасига олиб чиқади.

Трансферт баҳони шакллантиришга фаол ёндашув мантиқига ўхшаш масалаларни қуйидагича таърифлаш мумкин: "Энг паст баҳода сотиладиган товарлар миқдорини катта миқдордаги фойда олиш учун қанчагача оширишимиз керак?" ёки "Сотиладиган маҳсулотларнинг қанча миқдорини кўпроқ фойда олиш учун юқорироқ баҳода сотиш керак?".

Айнан мана шундай ёндашув "заиф" бозорларда (яъни, талаб пасайиб борувчи бозорларда) ёки "кучли" бозорларда (яъни, талаб ортиб борувчи бозорларда) жуда юқори баҳолар харажат ёндашувини жиддий камчилигини четлаб ўтиш имконини беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, трансферт баҳони шакллантиришга харажатли ёндашувдан воз кечиш корхона менежерларига осон бўлмайди, чунки улар ишлаб чиқаришга янги маҳсулот учун инвестиция қилиш ва баҳони шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилингунча, кутилаётган фойдани аниқлашлари лозим.

Лойиҳалаштирилаётган янги маҳсулот замонавий техник даражага мос келувчи ўлчамлар ва хусусиятларга эга бўлиши, конструкторлик хизматлари, технологлар, молия-иқтисодий бўлим ва бухгалтерияда техник-иқтисодий асоснома (ТИА) билан тасдиқланган бўлиши лозим. Шу босқичнинг ўзида баҳо аниқланади, у харажатларнинг ўрнини тўлдириши ва инвестицияларни зарурий даражада қоплаши керак. Шундан сўнг маркетологлар (агар шундай мутахассислар бор бўлса) маҳсулот сотиш ҳажмини аниқлайди. Улар маҳсулот сотишни ташкил этиш, маҳсулот хоссаси ва сифатига харидорларни ишонтиришга интилади. Агар бундай "тарғибот" натижалари ижобий натижа бермаса, корхона раҳбарияти одатда баҳони пасайтириш таклифи ҳисобига вазиятни сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Бундай шароитда, одатда, харидорлар бозорда устунлик қиладиган вазият юзага келади. Бунда айнан улар ўз шартларини қўяди ва баҳони янада пасайтиришга эришади.

Трансферт баҳони шакллантиришга харажатли ёндашувни мўлжал қилиб муваффақиятга эришиш ғоят мушкул. Бундай шароитда трансферт баҳони шакллантиришга нисбатан қийматли ёндашувга кўпроқ эътибор бериш лозим (7.3-чизма).

7.3 чизма. Трансферт баҳони шакллантиришга қийматли ёндашув

Трансферт баҳога нисбатан қийматли ёндашувнинг вазифаси корхона мижозларининг рағбатлантирилишидан иборат эмас. Бундай натижага баҳога катта чегирмалар бериш ҳисобига ҳам эришиш мумкин, лекин қийматли ёндашув корхона учун сотишлар ҳажмини тобора авж олиши ҳисобига эмас, балки "қиймат – харажатлар" нисбатининг муганосиблигига эришиш ҳисобига фойда олишни таъминлаши керак.

Трансферт баҳони шаклланиши меҳнат бозорида рақобатда бўлган бошқа корхоналар таъсирига ҳам боғлиқ. Шу боис, корхонанинг баҳо сиёсати бухгалтерлар, молиячилар, маркетологлар, менежерлар ва бозорни ўрганувчи ахборот хизматчиларининг доимий ҳамкорлиги натижасида туғилади ва такомиллашади. Бундай шароитда баҳо сиёсатини шакллантириш корхонага фойда, харидорга эса кўпроқ наф келтириши лозим.

Назаримизда, трансферт баҳони шакллантиришда маҳсулотнинг зарарсиз сотилишини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун маҳсулотни зарарсиз сотиш баҳосини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$\textit{Зарарсизлик баҳоси} = \frac{\textit{Остонавий тушум}}{\textit{Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми}}$$

Юқорида таъкидланган зарарсизлик баҳосини аниқлаш учун қуйидаги мисолдан фойдаланамиз.

1-мисол. "Шаҳрихонсут" ҲЖнинг 2003 йилги фаолиятини изоҳлайдиган қуйидаги маълумотлар келтирилган.

Сотишдан олинадиган тушум, сўм 358357

Ўзгарувчан харажатлар, сўм	288916
Маржинал даромад, сўм	69441
Доимий харажатлар, сўм	45568
Операцион фойда, сўм	23873
Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, дона	205

Биринчи навбатда, остонавий тушумни белгилаб олиш учун қуйидагича ҳисоб-китоблар амалга оширилади:

1. Маржинал даромад ҳажмини топамиз:

358357-288916= 69441

3. Маржинал даромад коэффициентини чиқариб таплаймиз:

69441: 358357=0,19

4. Остонавий тушум (зararсизлик нуқтаси)ни аниқлаймиз:

45568: 0,19= 239831,6

Остонавий тушумни ҳисоблаб топгач, унинг ёрдамида маҳсулотни зararсиз сотиш баҳоси аниқланади:

239831,6:205дона=1169,9

Демак, маҳсулотни бир бирлигини сотиш баҳоси 358357: 205дона=1748,08 сўм бўлса, бир бирликка тўғри келадиган фойда суммаси 578,18 сўмни ташкил этади.

Баҳо ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча харажатларни қоплаши ва корхонага фойда келтира бошлашига имкон бериш учун уни сотиладиган маҳсулотга қандай белгилаш лозим? Бу саволга жавоб бериш учун қуйидаги мисолдан фойдаланамиз.

2-мисол. Корхона 5000 дона маҳсулот сотишни режалаштирган, бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун сарфланган ўзгарувчан харажатлар 1600 сўмни ташкил этади. Доимий харажатлар – 2000000 сўм. Корхона 3000000 сўм миқдорида фойда олишни мўлжаллаган. Маҳсулотни қандай баҳода сотиш керак?

1. Дастлаб, маржинал даромад ҳажмини аниқлаймиз. Бунинг учун доимий харажатларга фойданинг режалаштирилган ҳажмини қўшамиз.

2000000 сўм + 3000000 сўм = 5000000 сўм

2. Бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган маржинал даромад

суммасини топиш учун ялпи маржинал даромад суммасини сотиладиган маҳсулотлар миқдорига бўламиз:

5000000 сўм:5000дона = 1000 сўм.

3. Маҳсулот бирлиги баҳосини аниқлаш учун ўзгарувчан харажатлар орқали ҳисобланган маржинал даромад суммасига доимий харажатлар ва фойдани қўшиш натижасида аниқланган маржинал даромад суммасини қўшамиз:

1600 сўм+1000 сўм = 2600 сўм

Зарарсизлик баҳосини таҳлил қилишга доир юқорида келтирилган формулалар маҳсулотнинг белгиланган ҳажмини сотиш жараёнида фойданинг маълум даражасига эришиш учун сотишнинг зарарсиз баҳосини аниқлашга кўмаклашади.

Демак, мослашувчан трансферт баҳо сиёсатини юритиш ва унга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни чуқур таҳлил қилиш истеъмолчиларни рағбатлантириш ҳамда товар бозоридаги рақобатда устунликка эришиш имконини беради.

Тест топшириқлари

1. Қуйидагилардан қайси бири корхоналарда баҳо сиёсатини шакллантиришга таъсир этувчи ташқи муҳит омиллари ҳисобланади?

A) корхона ишлаб чиқараётган товарга бозордаги умумий талаб;

B) бошқа фирмалар томонидан чиқарилган ўринбосар товарларнинг ҳажми ва сифати;

C) маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи ва ишлаб чиқариш харажатлари даражаси;

D) харидорларни маҳсулот баҳоси паст бўлишига ёки товар сифати юқори бўлишига қизиқиши;

E) A, B ва D.

2. Баҳонинг шаклланишига таъсир этувчи ички омиллар ифодаланган қаторни аниқланг?

A) бошқа фирмалар томонидан чиқарилган ўринбосар товарларнинг ҳажми ва сифати;

B) узоқ муддатли капитал қўйилмаларни қоплаш имконияти;

C) меҳнат ва материаллар сифати;

D) чекланган ресурслардан фойдаланиш даражаси;

E) B, C ва D.

3. Трансферт баҳо бу - ...

A) корхона ичидаги бир жавобгарлик марказидан бошқа жавобгарлик марказига ўтказиладиган маҳсулот ёки хизматлар баҳоси;

B) асосий восита ва номоддий активларнинг дастлабки қийматини ифодаловчи кўрсаткич;

C) маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг шартномавий баҳоси;

D) товар моддий захираларни сотиб олиш қиймати;

E) товарларни сотиб олиш таннархи.

4. Ишлаб чиқариш марказлаштирилган ҳолда ташкил этилганда жавобгарлик марказлари ўртасидаги трансферт баҳо қандай кўрсаткич асосида аниқланади?

A) шартномавий баҳо бўйича;

B) бозор баҳоси бўйича;

C) ҳақиқий таннарх асосида;

D) A ва B;

E) тўғри жавоб берилмаган.

5. Трансферт баҳо қандай талабларга жавоб бериши керак?

A) алоҳида бўлинмалар мақсадини корхонанинг умумий мақсади билан уйғун ҳолда бирикиб кетишини таъминлаш;

B) бошқарувнинг турли даражаларида менежерлар учун мослашувчан ва бир хилда бўлиш;

C) марказлаштирилмаган ҳолда бошқариш шароитида бўлинмалар раҳбарларига уларнинг мустақиллигини сақлаб қолишга имкон яратиш;

D) амалдаги қонунлар талабларига мос келиш;

E) юқоридагиларнинг барчаси.

6. Корхона ички бўлинмалари ўртасида трансферт баҳони белгилашнинг қандай усуллари мавжуд?

A) бозор баҳоси, тўлиқ таннарх плюс фойда;

B) ўзгарувчан харажатлар плюс фойда;

C) томонларнинг ўзаро келишуви асосидаги шартномавий баҳо, тўлиқ ёки қисқартирилган таннарх;

D) A, B ва C;

E) тўғри жавоб йўқ.

7. Корхона жавобгарлик марказларида трансферт баҳони

шакллантиришга нисбатан ёндашувлар кўрсатилган қаторни аниқланг?

A) харажатлар ёндашуви;

B) қиймат ёндашуви;

C) фаол ёндашув;

D) A, B ва C;

E) барча жавоблар нотўғри.

8. Трансферт баҳони шакллантиришга нисбатан харажатлар ёндашуви ...

A) маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга сарфланадиган харажатларга асосланади;

B) сотишнинг зарур ҳажмига мос келувчи ўртача харажатлар ҳажмига эришишни ифодалайди;

C) "қиймат-харажатлар" нисбати мутаносиблигини таъминлаши зарур;

D) маҳсулотлар ишлаб чиқаришга сарфланган бевосита харажатларнинг йиғиндисини акс эттиради;

E) корхона даромадлари унинг харажатларини тўлиқ қоплайдиган нуқтани ифодалайди.

9. Трансферт баҳони шакллантиришга нисбатан қиймат ёндашувининг мақсади тўғри ифодаланган қаторни аниқланг.

A) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини акс эттириш;

B) "қиймат-харажатлар" нисбатининг мутаносиблигига эришиш ҳисобига юқори фойда олишни таъминлаш;

C) зарарсизлик нуқтасини аниқлаш;

D) доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш;

E) корхонада маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан тушган тушум ва уларни ишлаб чиқариш таннархи суммаси ўртасидаги фарқни ифодалаш.

10. Трансферт баҳони шакллантиришга нисбатан фаол ёндашув усули ...

A) истеъмолчиларни рағбатлантиришни назарда тутади;

B) сотишнинг зарур ҳажмига мос келувчи ўртача харажатлар ҳажмига эришишни ифодалайди;

C). маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга сарфланадиган харажатларга асосланади;

D) "қиймат –харажатлар" нисбати мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилади;

E) A ва C.

Такрорлаш учун саволлар

1. Трансферт баҳога таъриф беринг.

2. Корхона фаолиятини ривожлантиришда оқилона трансферт баҳо сиёсатини ишлаб чиқишнинг зарурати нимада?

3. Трансферт баҳо ва харажатлар ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?

4. Трансферт баҳони шакллантиришга нисбатан харажатлар ёндашувининг қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?

5. Трансферт баҳони шакллантиришга нисбатан қиймат ёндашувининг қандай афзалликлари бор?

6. Корхонада трансферт баҳони белгилаш қандай талаблар асосида амалга оширилади?

7. Трансферт баҳони шакллантириш усулларига изоҳ беринг.

8. Трансферт баҳони шакллантиришда маҳсулотнинг зарарсиз сотилишини белгилаш қандай аҳамиятга эга?

Адабиётлар рўйхати

1. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 й. 30 август.

2. "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2003 й. 11 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартлари.-Т.: Ўз. БАМА. 1999.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги "Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони, //"Халқ сўзи", 2003 й. 23 декабрь. №257.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон. 1998.-686 б.

6. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. - "Халқ сўзи". 2002 йил 30 август. №183-184.

7. Абдуллаев А. ва бошқ. Кичик бизнесни бошқариш.-Т.: Молия. 2003.-192 б.

8. Абдуғаниев А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш муаммолари, уларнинг ечимлари.-Т.: ТМИ. 2003.-275 б.

9. Аксененко А.Ф. и др. Управленческий учет на промышленных предприятиях в условиях формирования рыночных отношений.-М.: ООО "Ноиларель". 1994.-263 с.

10. Вахрушина М.А. Бухгалтерский управленческий учет. Учебное пособие.-М.: ЗАО Финстатинформ. 1999.-359с. (переиздание 2002 г., 528 с.).

11. Друри К. Управленческий и производственный учет.-М.: ЮНИТИ ДАНА. 2003.-1071 с.

12. Жуманов О. Бошқариш ҳисоби: Иқтисоди ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси //Русчадан муаллифлаштирилган таржима.-Т.: 2001.-152 б.

13. Жуманиёзов К., Мақсудов Б. Бошқарув ҳисоби асослари.Т.: Фан. 2000.-126 с.

14. Маликов Т.С. Молиявий қарор қабул қилиш асослари.Т.: Шарқ. 1996.-64 б.

15. Нормативно-правовые акты.-Т.: изд.НАБиА Узбекистан. 2004. 130 с.

16. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма.-Т.: Академия. 2002.-176 б.

17. Управленческий учет. Т.1.-Т.: изд.НАБиА Узбекистан. 2004.-139 с.

18. Фальцман В.К. Оценка инвестиционных проектов и предприятий.-М.: ТЕИС. 1999.-56 с.

19. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт.-Т.: Молия. 2003. 247 б.

20. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик.-Т.: Ўқитувчи. 2001.-704 б.

21. Шеремет А.Д. Управленческий учет.-М.: ФБК-ПРЕСС. 1999.-512 с.

VIII БОБ. КОРХОНАНИНГ СЕГМЕНТАР ҲИСОБОТИ

8.1. Сегментар ҳисоботнинг моҳияти, турлари ва шакллари

Бозор муносабатлари шароитида бизнес сегменти деб аталувчи янги атама бошқарув ҳисобига кириб келди.

Бизнес сегменти — бу корхонанинг маълум қисмини ёки нисбатан мустақил бўлинмасини муайян ваколатлар ва масъулият бериш мақсадида ажратишдир.

Бошқарув ҳисоби корхонанинг ташкилий тузилмасини ҳисобга олган ҳолда, жавобгарликнинг турли марказлари (бизнес сегментлари) мажмуидан таркиб топади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда сегментлар бўйича ҳисоботни шакллантириш тартиби 14-сонли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (МҲХС) билан тартибга солинади. Бу стандарт 1993 йилдан амал қилиб келмоқда. Унга кўра, сегментларнинг иккита: хўжалик ва географик турлари ажратиб кўрсатилади.

Географик сегмент — бу муайян иқтисодий муҳитда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда иштирок этувчи, риск ва фойда каби иқтисодий шарт-шароитлар таъсирида, маълум маконда ҳаракат қилувчи ажратиб қўйилган компонентдир.

Сегментларни ажратишни тақозо этадиган, фарқ қилувчи ҳолатларни, яъни, кўпчилик омилларнинг мос тушишини 8.1.-жадвалда кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 1996 йил 30 августдаги 1-сонли қарори билан кучга киритилган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида таъкидланганки, корхона раҳбари ҳисоб ва ҳисоботнинг ички хўжалик тизимини, хўжалик муомалаларини назорат қилиш тартибини, ташқи истеъмолчилар учун молиявий ҳисоботни, солиқлар ва молиявий

ҳужжатларнинг бошқа шаклларини ва ҳоказоларни ташкил этишга мажбур .

Ташқи истеъмолчилар учун сегментлар бўйича молиявий ҳисоботни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган "Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот" номли Ўзбекистон Республикасининг 1-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС) билан тартибга солинади. Ушбу стандартнинг 96-бандида қуйидагилар таъкидланади: "фойдаланувчи учун ҳисоб сиёсатини юритишнинг ўзига хос устуворлиги кўрилганда раҳбарлар хўжалик юритувчи субъектнинг таваккалчилиги ва пул оқимининг келажагини баҳолаш имкониятини беришини ҳисобга олишлари керак.

8.1-жадвал

Хўжалик ва географик сегментларнинг белгилари бўйича қиёсий тавсифи

Сегмент ҳосил қилиш учун мезон	Сегментлар	
	Хўжалик	**Географик**
Хўжалик ёки географик сегментларни ҳисобот сегменти сифатида ажратишни тақозо этадиган омиллар: *– сотишларнинг 50% дан ортиғи ташқарида содир бўлган ҳолда;* *– жами сегментларни сотишдан олинган тушумлари, сегмент фаолияти натижалари активларнинг 10%идан ортиқ ёки унга тенг бўлган умумий суммасига эга бўлганда;* *– корхона жами тушумларини 75%идан кам бўлмаган улуши ҳисобот сегментларини ташқи фаолиятининг биргаликдаги жами тушумига тўғри келганда ҳисоботлар мувофиқлаштирилади.*	*Агарда қуйидаги белгилар бўйича ўхшашликлар мавжуд бўлса, маҳсулот (иш, хизмат) лар ишлаб чиқарувчи хўжалик бўлинмалари ўзаро боғлиқ бўлади:* *– уларнинг тавсифланишида;* *– ишлаб чиқариш жараёнлари тавсифида;* *– мижозлар тури ва тавсифида;* *– сегментнинг асосий фаолияти натижасида пайдо бўлган харажатлар ва даромадларни тақсимлаш усулларида;* *– муайян фаолият турлари учун тартибга солувчи муҳит талабларида (масалан, солиқлар, банклар ва суғуртада).*	*Бир нечта мамлакатлардаги гуруҳ, алоҳида мамлакат, мамлакат ичидаги минтақада жойлашган сегментлар қуйидаги белгиларга кўра географик сегмент ҳисобланади:* *– ўхшаш иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар;* *– амалга оширилаётган муомалаларнинг ўхшашлиги;* *– мазкур географик ҳудуддаги муомалалар билан боғлиқ фавқулодда рисклар кутилаётганда;* *– валюта назоратининг алоҳида қоидалари амал қилганда;* *– валюта муомалаларидан кутилаётган рисклар мавжуд бўлганда.*

Ҳисоб сиёсатининг ёритилиши қуйидагиларни ўз ичига олади, аммо ушбу ахборот билан чегараланмайди:

"96.17. Фаолият турларини, географик сегментлар ва чиқимларни сегментлар ўртасида тақсимлаш усулларини аниқлаш".

Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжатларда сегментлар бўйича ҳисоб ва ҳисобот муаммоси ўзининг тўлиқ ечимини топмаган.

Ташқи истеъмолчилар учун мўлжалланган ва молиявий ҳисоб маълумотлари манбасида ишлаб чиқиладиган молиявий ҳисоботдан фарқ қилган ҳолда сегментар ҳисобот ички истеъмолчилар учун мўлжалланади ва махфий ҳисобланади. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига кўра, бухгалтерия ҳисобини юритишда махфийликка риоя қилинади, бухгалтерия ёзувлари мазмуни билан танишишга фақат раҳбарият рухсати билан ёки қонунчиликда рухсат этилган ҳолларда йўл қўйилади. Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, амалиётда кўпинча солиқ ва бошқа назорат органлари бошқарув ҳисоби ҳамда ҳисоботи маълумотларига бевосита кириб бориш имкониятига эга бўлмоқда.

Бошқарув ҳисобида мустақил ишлаб чиқилган ёки марказлаштирилган ҳолда тасдиқланган бошқарув ҳисоботлари мақсадга мувофиқ. Бу ҳисобот шаклларини анъанавий журнал-ордер шаклини қўлламайдиган корхоналар (кичик корхоналар, фермер хўжаликлари, бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган шаклини қўллаётган корхоналар, бухгалтерия ҳисобини компьютерда махсус ишлаб чиқилган жадвалларда олиб бораётган корхоналар), шунингдек, ҳисобнинг журнал-ордер шаклини қўллашга мослаштирилган корхоналар ҳам (аналитик ҳисоб шаклларига ўзгартириш киритиш йўли билан, масалан, янги қўшимча қатор ва устунлар қўшиш орқали, аммо мавжуд ҳисоб тизимини бузмасдан зарур маълумотлар олиш учун мувофиқлаштирилади) юритишлари мумкин.

Бошқарув ҳисоботининг стандарт (минимал) тўпламига асос бўладиган қуйидаги муҳим шаклларини келтириш мумкин:

— материаллар ва бутловчи қисмлар заҳиралари тўғрисида

ҳисобот;

– тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича ҳисобот;

– ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизматлар) тўғрисида ҳисобот;

– харид қилинган қийматликлар тўғрисида ҳисобот;

– тайёр маҳсулот заҳиралари тўғрисидаги ҳисобот;

– сотишлар тўғрисидаги ҳисобот;

– пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот;

– дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида ҳисобот;

– йиғма ҳисобот.

Молиявий ҳисоботнинг афзаллик томони молиявий ҳолатни, корхона фаолияти натижаларини таҳлил этишда ахборот манбаси сифатида қўлланилишида намоён бўлса, сегментар ҳисобот маълумотлари эса бизнеснинг ҳар бир сегменти иш сифатини баҳолаш имконини беради.

8.2. Корхоналарда сегментар ҳисоботни тузиш тамойиллари

Мамлакатимиз ва МДҲ ҳисоб амалиётида бундай тажрибанинг мавжуд эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, сегментар ҳисобот тузишнинг баъзи тамойилларини кўриб чиқиш зарур:

– сегментар ҳисобот аниқ манзилли, ишончли, тушунарли, муҳимлик каби хусусиятларни ўзида акс эттириши ҳамда асосан харажатлар, даромадлар, маҳсулот сотиш ҳажмини ҳисобга олишга йўналтирилган бўлиши лозим;

– ички ҳисобот тезкорлик, эҳтиёткорлик, таққосланувчанлик хусусиятларига эга бўлиши ҳамда менежернинг режалари, психологияси ва усулини назарда тутиши керак;

– сегментар ҳисобот аҳамиятли, ҳаққоний, холис тақдим этилган бўлиши, изчил ва тугалланган бўлиб, жавобгарлик маркази ишини яхшилашга йўналтирилиши лозим;

– сегментар ҳисоботнинг шакллари ва регистрларини тез-тез ўзгартириш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу ҳолат уларнинг

самарадорлигини пасайтиради;

бошқарувчига минимал ҳажмдаги ҳамда мураккаб ҳисоб китобларсиз, тизимлаштирилган ҳисобот тақдим этилиши лозим;

— ҳисоботнинг бош мақсади корхона жамоасини жипслаштириш, уларнинг салоҳиятларини корхона инвестиция лойиҳалари ва бизнес-режасини амалга оширишга йўналтириши лозим.

— бошқарув сегментар ҳисоботи корхона ҳисоб сиёсатига мувофиқ келиши билан бирга молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари, ҳисоб ва ҳисоботнинг миллий стандартлари, давлатимиз томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий манбага ҳам асосланиши лозим.

8.3. Сегментар ҳисобот жавобгарлик марказлари фаолиятини баҳолашнинг асоси сифатида

Сегментлар бўйича ҳисоботни жавобгарлик марказлари бўйича шакллантирилган ҳисобот сифатида таърифлаш мумкин.

Сегментлар (жавобгарлик марказлари) бўйича ҳисобни ташкил этиш зарурати муносабати билан бошқарув ҳисобида уларнинг чегараларини қуйидаги мезонларга мувофиқ белгилаш лозим:

— мустақил сегмент ҳисоботлари қандай кўринишда бўлиши лозим (яъни, сегментар ҳисобот бирликларини ажратиш мезони);

— сегментлараро ўзаро ҳисоб-китобларда баҳони шакллантиришнинг қайси усули қўлланилиши зарур;

— даромадлар ва харажатлар, активлар ва мажбуриятларни сегментларга тақсимлаш учун қандай асос мавжуд бўлади?

Мустақил сегмент ҳисоботи шаклланиши шарт-шароитлари сифатида ҳар бир хўжалик ва географик сегментнинг ички ҳисоботларидан фойдаланиш лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона сегментлари ўртасида ички ҳисоб-китоб нархларини ўрнатиш, яъни, трансферт баҳо ҳосил бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади, бунда битта жавобгарлик маркази ўз маҳсулоти ёки хизматларини бошқа жавобгарлик марказига узатади, натижада бўлинмалар ўртасида ўсиб борувчи

тартибдаги баҳолар юзага келади.

Трансферт баҳолари бўйича сегментар ҳисоботни тузишда, трансферт баҳоларни ҳисоб-китоб қилишнинг қуйидаги усуллари таҳлил қилинади:

— бозор баҳолари асосидаги;

— таннарх (ўзгарувчан ёки тўлиқ) асосидаги "таннарх плюс" тамойили бўйича;

— шартномавий трансферт баҳолари асосидаги (маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида бозор конъюнктураси ва харажатлари таъсири остида).

Бозор баҳоларининг шаклланиши объектив хусусиятга эга бўлган шароитда трансферт баҳоси ҳам жавобгарлик марказлари менежерларининг ва харидорларнинг муносабатлари ҳамда малакаларига бевосита боғлиқ бўлмайди. Бу усулнинг заиф томонини ҳам таъкидлаш лозим, яъни, унинг жорий этилиши ривожланган бозор муҳитини талаб қилади, бундан ташқари корхона жавобгарлик марказлари (сегментлари) ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, кўрсатиладиган хизматларга бозор баҳоларининг даражаси тўғрисида ахборот йиғиш учун қўшимча харажатлар қилиши лозим.

"Таннарх плюс" номли иккинчи усулда кутилаётган фойда миқдори устига маълум фоиз қўйилади. Масалан, битта бўлинма маҳсулот (ишлар, хизматлар) тўлиқ таннархининг 110 %ли ҳисоб-китобидан келиб чиқса, бошқа сегмент эса сегментни узатувчи маҳсулот бирлигига ўзгарувчан таннархни 150 %ли ҳисоб-китобидан келиб чиқиши мумкин.

Учинчи усул бўйича трансферт баҳо ҳосил қилишда шартномавий баҳони аниқлашнинг қуйидаги формуласидан фойдаланилади:

$$Тб = Мўт + Умд$$

бу ерда,

Тб — трансферт баҳоси;

Мўт - маҳсулотнинг ишлаб чиқарин (ўзгарувчан) таннархи;
Умд - умумий маржинал даромад.

8.4. Сегментлар бўйича даромад ва харажатларни аниқлаш

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар амалиётида сегментлар бўйича даромад ва харажатларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бухгалтерия ҳисобининг 14-сонли "Сегментлар бўйича ҳисобот" номли халқаро стандарти (БҲХС)га кўра, сегментар ҳисоботда бирламчи акс эттириладиган қуйидаги ҳолатлар назарда тутилиши лозим:

— ташқи мижозлардан олинадиган даромадлар;

— бошқа сегментлар билан бўладиган муомалалардан олинадиган даромадлар;

— активларнинг баланс суммаси;

— сегментларнинг мажбуриятлари;

— асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олиш харажатлари;

— амортизация харажатлари;

— ассоциациялашган компаниялар ёки қўшма корхоналар фаолиятида иштирок этишдан олинган соф фойда ёки зарарлар ва инвестициялар ҳиссаси;

— даромадлар ва харажатлар, активлар ва мажбуриятларни таққослаш.

Сегмент даромадлари корхона сегментига ёки умумий тушум таркибига бевосита киритилиши мумкин (8.2-жадвал).

8.2 - жадвал алоҳида сегментлар даромадларини корхона молиявий натижасидаги улушини ифодалайди ва уларни таркибий жиҳатдан таҳлил қилиш имконини беради.

Сегмент даромадларига қуйидаги кўрсаткичлар тегишли эмас:

— молиявий қўйилмаларни сотишдан олинган фоизлар, дивидендлар ва даромадлар (бундай даромадлар сегментнинг асосий фаолияти бўлган ҳоллар бундан мустасно);

— фавқулодда даромадлар (форс-мажор мажбуриятлар).

8.2.-жадвал

Сут маҳсулотлари комбинатининг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи ва унинг муомала сегментлари (млн. сўмда)

Кўрсаткичлар	Товарлар ишлаб чиқариш сегментлари				Жами
	Тиббиёт муассасалари учун	Мактабгача тарбия муассасалари учун	Савдо корхоналари учун	Умумий овқатланиш корхоналари учун	
1	2	3	4	5	6
1. Сотишдан олинган тушум	39,8	50,8	26,0	132,0	248,6
2. Чегирмалар "-" устамалар "+"	+34,0	+16,8	+10,6	-38,6	+22,8
3. Сотиш-нетто	73,8	66,4	36,6	93,4	270,2
4. Сегментларнинг харажатлари	29,2	18,8	17,0	12,6	77,6
5. Сегментларнинг молиявий натижалари	64,2	55,0	49,4	24,0	192,6
6. Тақсимланмаган харажатлар (маъмурий)	19,9	17,2	15,4	7,5	60,0
7. Корхонанинг молиявий натижаси	44,3	37,8	34,0	16,5	132,6

Сегмент харажатлари - бу бевосита сегмент таркибига киритилиши мумкин бўлган харажатлар ёки уларни корхона умумий харажатларининг бир қисми сифатида намоён бўлишидир. (8.3-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотлари корхона сегментлари харажатларини қиёсий таҳлил қилиш имконини беради ва уларни пасайтириш йўналишларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Сегмент харажатларига қуйидагилар киритилмайди:

— қисқа ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар бўйича харажатлар (улар сегментнинг асосий фаолияти бўлган ҳол бундан мустасно);

— даромад (фойда) солиғи;

— фавқулодда харажатлар (форс-мажор мажбуриятлари).

Корхонада ички (сегментар) ҳисоботларни бухгалтер бошқарув ҳисоби маълумотларига асосланиб тузади.

8.3-жадвал

Самарқанд "Бравосут" қўшма корхонасида бошқаришнинг турли даражаларида харажат марказлари бўйича умумлаштирилган ҳисобот, минг сўмда

Кўрсаткичлар	Ҳисобот даври, III чорак		Жами йил бошидан	
	Режа	Ҳақиқ.	Режа	Ҳақиқ.
№1 бригада бўйича ҳисобот				
Асосий материаллар	8600	-200	26800	+240
Ёрдамчи материаллар	3700	-60	8000	-160
Бевосита меҳнат ҳақи харажатлари, ажратмалари билан	42800	+480	113660	+1680
Технологик эҳтиёжлар учун энергия харажатлари	1960	+70	5880	+500
Бошқа харажатлар	680	+20	1080	+80
№1 бригада бўйича жами	57740	+310	155420	+2340
Сут цехи бўйича ҳисобот				
№1 бригада	57740	+310	155420	+2340
№2 бригада	35440	+222	129700	+1780
№3 бригада	44680	+20	137000	+720
№4 бригада	39700	-60	128640	+360
Бригадалар бўйича жами	177560	+492	550760	+5200
Умумишлаб чиқариш харажатлари				
– Цех устасининг иш ҳақи, ажратмалари билан	25200	-	140000	-
– Цех ускуналарининг эскириши	20800	-	61600	-
– Умумишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланган электрэнергия	7000	+520	20900	+1280
– Кичик хизмат кўрсатувчи ходимлар харажатлари	3780	-134	16700	-600
Умумишлаб чиқариш харажатларининг жами, бригадалар харажатлари билан	234340	+878	789960	+5880
Комбинат бўйича ҳисобот				
Сут цехи	234340	+878	789960	+5880
Пишлоқ пиширш цехи	240600	-780	861200	-1740
Сут-қатиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи	269580	+1160	974640	+3940
Ёрдамчи цехлар	178700	-380	605358	+460
Цехлар бўйича жами	923220	+878	3231158	+8540
Давр харажатлари: 1.Корхона идораси биноларининг эскириши	7000	-	33000	-
2.Бошқарув ходимлари иш ҳақи, ажратмалари билан	47000	+2460	97520	+9156
3.Асосий воситаларни сугурталаш харажатлари	16800	+300	42600	+956
– бошқа маъмурий харажатлар	1400	+150	8000	+653
Давр харажатларининг жами	72200	+2910	181120	+10765
Корхона бўйича жами	995420	+3788	3412278	+19305

Тест топшириқлари

1. Сегментлар бўйича ҳисоботни тузиш ва тақдим қилиш тартиби бухгалтерия ҳисобининг қайси халқаро стандартида белгилаб қўйилган?

A) "Молиявий ҳисоботни очиб бериш" (БҲХС №1);

B) "Гиперинфляция шароитида молиявий ҳисобот" (БҲХС №29);

C) "Оралиқ молиявий ҳисобот" (БҲХС №34);

D) "Йиғма молиявий ҳисобот ва шўъба корхоналарга инвестициялар ҳисоби" (БҲХС №27);

E) "Сегментлар бўйича ҳисобот" (БҲХС №14).

2. Ташқи фойдаланувчилар учун сегментлар бўйича молиявий ҳисоботни тузиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг қайси миллий стандартида ёритилган?

A) "Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот" (БҲМС №1);

B) "Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" (БҲМС №3);

C) "Молиявий инвестицияларни ҳисоби" (БҲМС №12);

D) "Жамланган молиявий ҳисоботлар ва шўба хўжалик юритувчи жамиятларида сармояларни ҳисобга олиш" (БҲМС №8);

E) "Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар" (БҲМС №2).

3. Сегментларнинг қандай турлари мавжуд?

A) йиллик, чораклик ва ярим йиллик;

B) хўжалик ва географик;

C) оператив ва статистик;

D) умумлаштирилган ва йиғма;

E) барча жавоблар тўғри.

4. Бизнес сегменти бу - ...

A) корхонанинг маълум қисмини ваколатлар ва масъулият бериш мақсадида ажратилиши;

B) таннарх ҳисоблаш усули;

C) молиявий ҳисобот шакли;

D) корхонанинг ишлаб чиқариш дастури;

E) A ва B.

5. Географик сегментнинг таърифи келтирилган қаторни аниқланг.

A) корхона фаолиятининг муайян соҳаси ва турига, реал капитал ўсишига, яъни, ишлаб чиқариш воситалари, айланма маблағлар қийматини ўсишига, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларини ривожлантиришга асосий омил бўлувчи харажатлардир;

B) маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг йиллик ҳажми, номенклатураси, товарлар ва хизматлар бозори талаблари асосида сифат ва муддатни тавсифловчи комплекс режа;

C) муайян иқтисодий муҳитда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда иштирок этувчи, риск ва фойда каби иқтисодий шарт-шароитлар таъсирида, маълум маконда ҳаракат қилувчи ажратиб қўйилган компонент;

D) бошқарув ходимлари фаолиятини самарали ташкил этишга йўналтирилган, бўлинмалар харажатлари ва даромадлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирадиган ҳисоб объекти;

E) корхонанинг маълум даврга мўлжалланган молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштириш.

6. Қуйидаги қайси қаторда бошқарув сегментар ҳисоботининг шакллари келтирилган?

A) материаллар ва бутловчи қисмлар захиралари тўғрисида, тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича, ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизматлар) тўғрисидаги ҳисобот;

B) харид қилинган қийматликлар, тайёр маҳсулот захиралари, сотишлар тўғрисидаги ҳисобот;

C) бухгалтерия баланси, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;

D) A ва B;

E) тўғри жавоб берилмаган.

7. Сегментлар бўйича ҳисобот тузиш тамойиллари келтирилган қаторни аниқланг?

A) аниқ манзиллилик, ишончлилик, тушунарлилик;

B) муҳимлилик, тезкорлик;

C) эҳтиёткорлик, таққосланувчанлик;

D) аҳамиятлилик, ҳаққонийлик, изчиллик ва тугалланганлик;

E) нотўғри жавоб йўқ.

8. Қуйидагиларнинг қайсилари сегмент даромадларини ифодалайди?

A) ташқи мижозлар билан тузилган шартномалардан олинадиган даромадлар;

B) бошқа сегментлар билан бўладиган муомалалардан олинадиган даромадлар;

C) қўшма корхоналар фаолиятида иштирок этишдан олинган даромадлар;

D) A, B ва C;

E) фавқулодда даромадлар.

9. Сегмент харажатларига киритилмайдиган қаторни кўрсатинг.

A) бевосита меҳнат ҳақи харажатлари;

B) технологик эҳтиёжлар учун энергия харажатлари;

C) қисқа ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар бўйича харажатлар;

D) фавқулодда харажатлар;

E) C ва D.

10. Трансферт баҳолари бўйича сегментар ҳисоботни тузишда баҳо белгилашнинг қайси усулларидан фойдаланилади?

A) бозор баҳолари бўйича;

B) таннарх (тўлиқ ёки маржинал) асосидаги "таннарх плюс" тамойили бўйича;

C) шартномавий трансферт баҳолари асосида;

D) юқоридагиларнинг барчаси тўғри;

E) тўғри жавоб берилмаган.

Такрорлаш учун саволлар

1. Корхона бизнес самарадорлигини баҳолашда бошқарув сегментар ҳисоботининг аҳамияти нималардан иборат?

2. Географик сегментга таъриф беринг.

3. Хўжалик ва географик сегментларнинг қандай фарқли жиҳатлари мавжуд?

4. Сегментлар бўйича ҳисоботни тузиш қандай тамойилларга асосланади?

5. Трансферт баҳолари бўйича сегментар ҳисоботни тузиш қандай хусусиятларга эга?

6. Бошқарув сегментар ҳисоботининг қандай шакллари мавжуд?

7. Сегмент харажатлари нима?

8. Сегмент даромадлари нималардан ташкил топади?

Адабиётлар рўйхати

1. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 й. 30 август.

2. "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2003 й. 11 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартлари.-Т.: Ўз. БАМА. 1999.

4. Международные стандарты финансовой отчетности. М.: Аскери - АССА. 1999.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги "Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги 54-сонли қарори (2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли қарори асосидаги ўзгартишлар билан).

6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон. 1998.-686 б.

7. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. "Халқ сўзи". 2002 йил 30 август. №183-184.

8. Жуманиёзов К., Мақсудов Б. Бошқарув ҳисоби асослари.-Т.: Фан. 2000.-126 с.

9. Вахрушина М.А. Бухгалтерский управленческий учет. Учебное пособие.-М.: ЗАО Финстатинформ. 1999.-359с. (переиздание 2002 г., 528 с.).

10. Гадоев Э.Ф., Хайдаров Ш.У., Ким Л.А. и др. Годовой отчет - 2004.-Т.: Мир экономики и права. 2004.-352 с.

11. Друри К. Управленческий и производственный учет.-М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2003. 1071 с.

12. Жуманов О. Бошқариш ҳисоби: Иқтисоди ривожланган ì àì ëàêàòëàðí èí ã òàæðèáàñè //Русчадан муаллифлаштирилган таржима.-Т.: 2001.-152 б.

13. Жуманиёзов К., Мақсудов Б. Бошқарув ҳисоби асослари. Т.: Фан. 2000.-126 с.

14. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма.-Т.: Академия. 2002.-176 б.

15. Райан Б. и др. Стратегический учет для руководителя.-М.:

Аудит ЮНИТИ. 1998.-206 с.

16. Управленческий учет. Т.1. Т.: изд.НАБиА Узбекистан. 2004.-139 с.

17. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт.-Т.: Молия. 2003.-247 б.

18. Шеремет А.Д. Управленческий учет.-М.: ФБК-ПРЕСС. 1999.-512 с.

19. Ивашкевич В.Б. Управленческий учет в информационной системе предприятия. //Ж. Бухгалтерский учет. 1999. №4.

20. Хасанов Б.А. Роль управленческой сегментарной отчетности оценки бизнеса в Узбекистане. //Ж. Финансовый бизнес. 2002. №1.

21. Хасанов Б.А. Бошқарув сегментар ҳисоботи. //Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2003. №5.

22. Қодирхонов С.Б., Жуманиёзов К.К. Чет эл фирмаларида бошқарув ҳисобини юритиш асослари.-Т.: 2000.

23. Hese H. Manufacturing. Capital Costs, Profits and Dividents. The Ingenering Magazine - vol. 26. № 3.

IX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

9.1. Бошқарув ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш истиқболлари

Бозор иқтисодиёти шароитида республикамиз корхоналарида бошқарув ҳисобини самарали ташкил этиш унинг меъёрий-ҳуқуқий базасини ривожлантиришга бевосита боғлиқ.

Мамлакатимиз қонунчилигида хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобини юритишнинг айрим жиҳатларини белгилаб берадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Уларни қуйидаги жадвалда ифодалаш мумкин (9.1-жадвал):

9.1-жадвалда келтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисоби элементларини жорий этишга имкон беради.

Жумладан, "Бухгалтерия ҳисоби" тўғрисидаги Қонуннинг 7-моддасига кўра, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари амалга оширади. Шунингдек, раҳбар ички ҳисоб ва ҳисобот тизими ишлаб чиқилишини таъминлаши шарт. Бу ҳолат эса корхонада бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва уни юритиш тартибини белгилашга корхона раҳбари жавобгар эканлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, "Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низомда ишлаб чиқариш ва давр харажатларининг таркиби, таснифланиши ҳамда молиявий натижаларни аниқлаш тартиби кўрсатиб берилган.

Унга мувофиқ, барча харажатлар қуйидаги тартибда гуруҳланади:

— маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар;

9.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида бошқарув ҳисобини юритишга доир қабул қилинган асосий қонун ва меъёрий ҳужжатлар

Т/р	Меъёрий ҳужжатнинг номи	Қабул қилинган вакти
1.	«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 30 августда қабул қилинган
2.	«Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган (2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли қарор билан ўзгартиришлар киритилган)
3.	Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг «Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли 1-сонли миллий стандарти	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган
4.	Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» номли 3-сонли миллий стандарти	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 августда 484-сон билан рўйхатга олинган
5.	Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг «Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини счетлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома» номли 21-сонли миллий стандарти	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган

— ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, лекин давр харажатлари таркибига киритиладиган харажатлар;

— 9600-"Молиявий фаолият бўйича харажатлар" счетларида ҳисобга олинадиган молиявий фаолият бўйича харажатлар;

— 9720-"Фавқулоддаги зарарлар" счетида ҳисобга олинадиган фавқулоддаги зарарлар.

Бу эса ўз навбатида корхоналарда бошқарув ҳисобининг муҳим элементи ҳисобланган харажатлар ҳисоби ва таннарх калькуляциясини оқилона ташкил этишга кўмаклашади.

Шу ўринда, республикамиз корхоналарида маҳсулот таннархини

ҳисобланни ривожланган мамлакатлар бошқарув ҳисобида кенг қўлланилаётган "Директ-костинг" ҳисоб тизимига ақиллаштиришда ушбу Низом ва Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" номли 3-сонли миллий стандарти муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, бошқарув ҳисоби счетлар режасини ишлаб чиқиш, мазкур счетларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодалаш корхоналарда бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг "Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини счетлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома" номли 21-сонли миллий стандарти амал қилмоқда. Ушбу счетлар режаси 9 та бўлим, 249 та баланс ва 14 та балансдан ташқари счетлардан иборат. Уларда молиявий ва бошқарув ҳисобида содир бўладиган хўжалик муомалаларини бухгалтерия ёзувларида акс эттиришнинг умумий тартиби баён этилган.

Корхоналарда бошқарув ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришда улар томонидан ишлаб чиқиладиган ички бошқарув (сегментар) ҳисоботлари алоҳида ўрин тутади. Бу ҳисобот шакллари материаллар ва бутловчи қисмлар захиралари тўғрисида, тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича, ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизматлар) тўғрисида, харид қилинган қийматликлар тўғрисида, тайёр маҳсулот захиралари тўғрисида, сотишлар тўғрисида, пул маблағлари ҳаракати тўғрисида, дебиторлик ва кредиторлик қаралари тўғрисида ҳисобот кабилардан иборат бўлади. Мазкур бошқарув ҳисоботи шакллари корхона раҳбариятини жавобгарлик марказлари (бўлинмалари)да моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлашга хизмат қилади.

9.2. Бошқарув ҳисобини ислоҳ қилишнинг назарий ва амалий жиҳатлари

Бошқарув ҳисоби элементлари республикамиз иқтисодиёти учун янгилик эмас. Собиқ иттифоқ даврида юқоридан

марказлаштирилган режалаштириш шароитида режа ва молиявий бўлимларининг бухгалтерия хизматидан аста-секин ажралиб чиқиши унга бухгалтерия ваколатининг бир қисми берилишига имкон туғдирди. Бухгалтер ва бошқа иқтисодчи мутахассислар (режа бўйича иқтисодчи, меҳнат ва иш ҳақи бўйича иқтисодчи, моддий-техника таъминоти бўйича иқтисодчи ва ҳ.к.) тор доирадаги ҳисоб ва режалаштириш билан чекланиб қолди.

Бу жараён натижасида бухгалтерия ҳисобининг бутун тизими деярли молиявий тизимга айланди ва фақат воқеаларни қайд этувчи хизмат турига айланиб қолди.

Мустақиллик даврида эса бозор иқтисодиёти шароитида бошқаришнинг марказлашган тизимидан воз кечилиб, кўп укладлилик, бизнес-режалаштириш, эркин нархларни шакллантириш, истиқболли лойиҳаларни танлаш, сегментларнинг жавобгарлиги каби янги иқтисодий категориялар ва тушунчалар кириб келди, мулк эгасига кўп сонли ходимларни сақлаб туриш самарали бўлмай қолди. Бу ҳолатлар мамлакатимиз бухгалтерия ҳисоби таркибида бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва ривожлантириш заруратини юзага келтирди.

Бошқарув ҳисобининг шаклланиши билан бухгалтер-аналитик зиммасига нафақат харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш, балки корхона ҳисоб сиёсатини шакллантириш, бюджетлаштириш, лойиҳалар таҳлили, сегментлар бўйича харажат ва даромадларни ҳисобга олиш, ички хўжалик трансферт баҳоларини ўрнатиш, ҳисоб тизимини компьютерлаштириш кабилар ҳам юклатилди.

Ҳозирги вақтда бошқарув ҳисобини қўллашда маълум қийинчиликлар мавжуд. Кўпгина ҳолларда бухгалтерлар молиявий ҳисоб ва ҳисобот, солиқлар ҳисоби ва ҳисоботи фан сифатида тан олинганлиги, унинг объектлари ва субъектлари маълум бўлганлигига қарамасдан бухгалтерларнинг кўп вақти шу масала билан банд бўлиб, бошқарув ҳисобининг самарали тизимини ташкил этиш учун вақт етишмаслигини

таъкидлашади. Шунга қарамасдан, амалиётнинг кўрсатишича, бухгалтернинг бухгалтер-менежерга айланиши тенденцияси кучая бошлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимизда бошқарув ҳисобини ривожлантиришнинг назарий ва амалий йўналишларини белгилаш мумкин (9.1-чизма).

9.1-чизма. Бухгалтерия ҳисоби турларини

Келтирилган чизмадан кўриниб турибдики, республикамизда бошқарув ҳисобини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

— корхоналар фаолиятини бюджетлаштириш (режалаштириш);

бошқарув ҳисобини юритишга мўлжалланган янги счетлар режасини ишлаб чиқиш;

— харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлашнинг замонавий усул ва тизимларини қўллаш имкониятларини баҳолаш;

— инвестиция лойиҳалари бўйича бошқарув қарорлари қабул қилиш;

— сегментлар бўйича ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузишни ташкил қилиш;

— корхоналарда трансферт баҳони шакллантириш усулларини жорий этиш.

Корхоналарда бошқарув ҳисоби тизимида бюджетлаштиришни амалга оширишнинг зарурати шу билан белгиланадики, унинг ёрдамида режалаштирилган ҳисобот даврида корхона раҳбари ва ходимлари олдида турган мақсад ва вазифаларни шакллантириш, ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, даромад ва харажатларни аниқлаш, амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар тўғрилигини кузатиб бориш мумкин. Мамлакатимизда бошқарув ҳисобининг ривожланиши мавжуд бухгалтерия ҳисоби тизимининг икки мустақил: молиявий ва бошқарув ҳисоби счетлар режасига бўлинишига олиб келди.

Бошқарув ҳисобининг концепцияси счетлар режасини амалиётга жорий этиш икки разрядли бухгалтерия ҳисоби счетлари тизимидан тўрт разрядли тизимга ўтиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу амалиётда қўлланиб келинаётган счетлар режаси бўлиб, бунда барча счетлар баланс тузишда иштирок этади. Тўрт разрядли счетлар тизими уларни тўртта разрядга ажратади:

а) баланс счетлари, яъни, баланс тузишда иштирок этувчи счетлар;

б) операцион, "Харажатлар — ишлаб чиқариш ҳажми — фойда" усули бўйича молиявий натижаларни аниқлашда қўлланиладиган ва бошқарув бухгалтериясида фойдаланиладиган счетлар (9.2-жадвал).

9.2.-жадвал

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бошқарув ҳисоби счетлари режасини ишлаб чиқариш харажатлари турлари бўйича таснифланиши

Счет-лар	Счетлар номи	Счетлар типи
1	2	3
1000	**Материаллар ҳисоби счетлари**	**А**
1010	Хомашё ва материаллар (йиғувчи счет)	
1020	Асосий хомашё ва материаллар	
1030	Ёрдамчи хомашё ва материаллар	
1040	Ярим фабрикатларни ички эҳтиёжлар учун истеъмол қилиш	
1100	**Энергия харажатлари**	**А**
1110	Ёқилғи (турлари бўйича)	
1120	Энергия (турлари бўйича)	
1200	**Ишлаб чиқаришнинг меҳнат харажатлари**	**А**
1210	Иш ҳақи (йиғувчи счет)	
1220	Ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг иш ҳақи	
1230	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи	
1240	Бошқа турдаги иш ҳақи ва турли компенсациялар	
1300	**Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий харажатлари**	**А**
1310	Корхонанинг ижтимоий харажатлари (йиғувчи счет)	
1320	Ижтимоий суғурта ва таъминот харажатлари	
1330	Ходимлар ҳаётини узоқ муддатли суғурталаш	
1340	Ихтиёрий шахсий суғурта	
1350	Ходимларни сақлаш бўйича бошқа ижтимоий харажатлар	
1400	**Ишлаб чиқаришнинг устама харажатлари**	**А**
1410	Асосий воситалар ва бошқа мулкларнинг эскириши	
1420	Цех даражасидаги бошқарув харажатлари	
1430	Ҳар хил ёрдамчи хизматларни тўлаш харажатлари	
1440	Бошқа устама харажатлар	
1500	**Тўланадиган мажбуриятлар**	**А**
1510	Ер солиғи (солиқларнинг турлари бўйича)	
1520	Йўл фондига тўловлар	
1530	Турли хил давлат йиғимлари ва бадаллари	
1540	Аудиторлик ва маслаҳат хизматлари учун тўловлар	
1550	Кредит учун тўланган фоизлар (комиссион харажатлар билан биргаликда)	
1560	Бошқа харажатлар	
1600	**Транспорт, вакиллик ва сафар харажатлари**	**А**
1610	Умумий транспорт харажатлари	
1620	Юкларни жўнатиш харажатлари	
1630	Сафар харажатлари	
1640	Почта харажатлари	
1650	Девонхона харажатлари	
1660	Вакиллик харажатлари	
1700	**Калькуляция қилинадиган ишлаб чиқариш харажатлари**	**А**
1710	Моддий харажатлар	
1720	Меҳнат ҳақи харажатлари	
1730	Ижтимоий суғуртага ажратмалар	
1740	Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси	
1750	Бошқа харажатлар	

Корхоналарда харажатлар ҳисоби ва таннарх калькуляциясининг замонавий усул ҳамда тизимларини қўллаш ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини тўғри аниқлаш, четланишлар ҳисоби ва таҳлилини юритиш каби имкониятларни беради. Уларга "Директ-костинг", "Стандарт-кост", "JIT", "ABC", "SCA" ва "ФҚТ"ларни киритиш мумкин.

Бошқарув ҳисобида оқилона инвестиция қарорлари қабул қилишни таъминлаш корхонанинг инвестиция фаолияти мураккаблиги ва дастлаб тақдим қилинаётган лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ҳамда уларнинг кўп маблағ талаб қиладиган томонларини таҳлил қилиш зарурати билан белгиланади.

Шунингдек, корхона бўлинмаларида содир бўлган муомалаларни тўлиқ ҳисобга олиш уларни муайян ваколатлар ва масъулиятлар бўйича сегментларга ажратишни тақозо этади. Сегментар ҳисобот ахборотлари бизнеснинг ҳар бир сегменти фаолиятини сифат жиҳатдан баҳолаш имконини беради.

Корхона сегментлари (жавобгарлик марказлари) фаолиятини бошқаришда улар ўртасида трансферт баҳони тўғри шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Трансферт баҳо корхонанинг бир жавобгарлик марказидан бошқа жавобгарлик марказига ўтказиладиган материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ёки хизматлар баҳосини аниқлашда қўлланилади.

Тест топшириқлари

1. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қачон қабул қилинган?

A) 1997 йил 1 январ;
B) 1996 йил 30 август;
C) 1998 йил 27 феврал;
D) 1999 йил 1 январ;
E) 2000 йил 26 май.

2. Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари биринчи марта қачон давлат рўйхатидан ўтган ва ҳозирги кунда нечта

стандартдан амалиётда фойдаланилмоқда?

A) 1996 йил 1 январ, 21 та;

B) 1997 йил 30 август, 10 та;

C) 1998 йил 27 феврал, 21 та;

D) 1998 йил 14 август, 21 та;

E) 2000 йил 15 май 24 та.

3. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш қайси орган зиммасига юклатилган?

A) ЎзР.Вазирлар Маҳкамаси;

B) ЎзР.Олий Мажлиси;

C) ЎзР. Молия вазирлиги;

D) Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси;

E) ЎзР. Иқтисодиёт вазирлиги.

4. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21 сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини счетлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома" номли миллий стандарти қачон тасдиқланган ва рўйхатга олинган?

A) ЎзР. Молия вазирлигининг 2002 йил 9-сентябрдаги 103-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23-октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган;

B) ЎзР. Молия вазирлигининг 2002 йил 10 мартдаги 36-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 22-октябрда 1179-сон билан рўйхатга олинган;

C) ЎзР. Молия вазирлигининг 2002 йил 26-апрелдаги 25-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 13-сентябрда 1086-сон билан рўйхатга олинган;

D) ЎзР. Молия вазирлигининг 2002 йил 15 январдаги 16-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 3-октябрда 1001-сон билан рўйхатга олинган;

E) тўғри жавоб берилмаган.

5. Ўзбекистон Республикаси 21-сонли БҲМСга мувофиқ счётлар режаси нечта қисм ва бўлимдан иборат?

A) 5 қисм ва 10 бўлим;

B) 4 қисм ва 9 бўлим;

C) 6 қисм ва 8 бўлим;

D) 5 қисм ва 9 бўлим;

E) 4 қисм ва 10 бўлим.

6. Корхона ҳисоб сиёсатининг моҳияти Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг қайси миллий стандартида баён этилган?

A) БҲМС №2;
B) БҲМС №3;
C) БҲМС №4;
D) БҲМС №5;
E) БҲМС №1.

7. "Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низом қачон тасдиқланган?

A) ЎзР.Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 январдаги 453-сонли қарори билан;
B) ЎзР.Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 15 январдаги 553-сонли қарори билан;
C) ЎзР.Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 февралдаги 213-сонли қарори билан;
D) ЎзР.Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 444-сонли қарори билан;
E) ЎзР.Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 январдаги 221-сонли қарори билан.

8. "Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом" неча бўлимдан иборат?

A) А,Б,В бўлимдан;
B) А,Б,В,Г бўлимдан;
C) А,Б,В,Г,Д бўлимдан;
D) А,Б,В,Г,Д,Е бўлимдан;
E) А,Д бўлимдан.

9. Қайси қаторда республикамизда бошқарув ҳисобини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари келтирилган?

A) корхоналар фаолиятини бюджетлаштириш (режалаштириш);

B) бошқарув ҳисобини юритишга мўлжалланган янги счетлар режасини ишлаб чиқиш, харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини аниқлашнинг замонавий усул ва тизимларини қўллаш имкониятларини баҳолаш;

C) инвестиция лойиҳалари бўйича бошқарув қарорлари қабул қилиш;

D) сегментлар бўйича ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузишни ташкил қилиш, корхоналарда трансферт баҳони шакллантириш усулларини жорий этиш;

E) барча жавоблар тўғри.

10. Бошқарув ҳисоби счетлар режаси ....

A) баланс счетлари, яъни, баланс тузишда иштирок этувчи счетлардир;

B) операцион, "Харажатлар — ишлаб чиқариш ҳажми — фойда" усули бўйича молиявий натижаларни аниқлашда қўлланиладиган ва бошқарув бухгалтериясида фойдаланиладиган счетлар ҳисобланади;

C) фақатгина балансдан ташқари счетлардан иборат;

D) молиявий ҳисоб счетларини ўз ичига олади;

E) фақатгина транзит счетларни қамраб олади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Бошқарув ҳисобини такомиллаштиришда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари қандай ўрин тутади?

2. Республикамизда бошқарув ҳисобини мукаммаллатиришда бухгалтерия ҳисоби турлари ўртасидаги алоқадорликни қандай изоҳлайсиз?

3. Бошқарув ҳисобини ривожлантиришнинг назарий йўналишлари нималардан иборат?

4. Бошқарув ҳисобини ривожлантиришнинг амалий йўналишларини санаб беринг?

5. Корхоналарда бошқарув ҳисобини самарали ташкил этишда бошқарув ҳисоби счетлар режаси қандай аҳамиятга эга?

Адабиётлар рўйхати

1. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 й. 30 август.

2. "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2003 й. 11 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартлари.-Т.: Ўз. БАМА. 1999.

4. Международные стандарты финансовой отчетности.-М.: Аскери АССА. 1999.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги "Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони, //"Халқ сўзи", 2003 й. 23 декабрь. №257.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги "Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги 54 сонли қарори (2003 йил 25 декабрдаги 567-сонли қарор асосидаги ўзгартишлар билан).

7. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон. 1998.-686 б.

8. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. - "Халқ сўзи". 2002 йил 30 август. №183-184.

9. Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан борish — асосий вазифамиз. 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза, 2004 йил 7-февраль.- Т.12.- Т.: Ўзбекистон. 2004.-399 б.

10. Каримов И.А. Об основных итогах социально-экономического развития Республики Узбекистан в 2004 году.-Т.: Налоговые и таможенные вести. 28 марта 2005 г. №14 (558).

11. Вахрушина М.А. Бухгалтерский управленческий учет. Учебное пособие.-М.: ЗАО Финстатинформ. 1999.-359 с. (переиздание 2002 г., 528 с.).

12. Гадоев Э.Ф., Югай Л.П. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар. О.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1997.-144 б.

13. Гадоев Э.Ф., Хайдаров Ш.У., Ким Л.А. и др. Годовой отчет - 2004.-Т.: Мир экономики и права. 2004. 352 с.

14. Друри К. Управленческий и производственный учет. М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2003.-1071 с.

15. Нормативно-правовые акты.-Т.: изд.НАБА Узбекистана. 2004.-130 с.

16. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма.-Т.: Академия. 2002.-176 б.

17. Правовое регулирование предпринимательской деятельности.-Т.: Корпорация Прагма. 2004.-207 с.

18. Управленческий учет. Т.1.-Т.: изд.НАБА Узбекистана. 2004.-139 с.

19. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт.-Т.: Молия. 2003.-247 б.

20. Қодирхонов С.Б., Жуманиёзов К.К. Чет эл фирмаларида бошқарув ҳисобини юритиш асослари.-Т.: 2000.

АСОСИЙ ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР

"ABC" ҳисоб тизими ("Activity-Based Costing") — маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархини жавобгарлик марказлари бўйича доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлиб ҳисобга олиш, аммо асосий эътиборни фаолият турлари ва функционал хизматларга қаратишга мўлжалланган ҳисоб тизими.

Бошқарув ҳисоби — корхона бўлинмалари фаолиятлари юзасидан тактик ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур ахборотларни тақдим этувчи, бюджетлаштириш, инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш, харажатлар ҳисоби ва таннарх калькуляцияси, жавобгарлик марказлари бўйича сегментар ҳисобот тузиш, трансферт баҳоларни шакллантириш каби масалаларни қамраб олган комплекс фан тури.

Бошқарув ҳисобининг стратегик вазифалари — бюджетлаштириш, узоқ муддатли капитал қўйилмаларни жалб қилиш, бизнес таркибини ўзгартириш, маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш каби узоқ муддатга мўлжалланган вазифалар.

Бошқарув ҳисоби тактикаси - жорий даврда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, харажатлар ва маҳсулот таннархи калькуляцияси бўйича ҳисоб юритиш, далиллаш, қабул қилинган қарорларни таҳлил ва назорат

қилиш ҳамда улар ижроси учун жавобгарлик.

Бошқарув ҳисоби счетлар режаси — корхона фаолиятини бюджетлаштириш, харажатлар ҳисоби ва таннарх калькуляциясини ташкил этиш, "Харажатлар— ишлаб чиқариш ҳажми - фойда" тизими бўйича молиявий натижаларни аниқлашга мўлжалланган счетлар тўплами.

Бошқарув ҳисобининг асосий объектлари — корхонанинг алоҳида бўлинмалари: бўлимлар, цехлар, участкалар, иш жойлари фаолияти тўғрисидаги ахборотлар.

Бошқарув ҳисоби тамойиллари — ҳисобни иккиёқлама ёзув усулида юритиш, узлуксизлик, аниқлик, ишончлилик, ҳисоблаш, эҳтиёткорлик, кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги ва ҳ.к.

Бошқарув ҳисоби ахборотларидан фойдаланувчилар — корхона бошқаруви ходимлари, таъсисчилар ва кузатув кенгаши аъзолари.

Бошқарув ҳисоби ахборот манбалари — молиявий ҳисобот ахборотлари, шунингдек маркетинг, солиқ, суғуртага оид маълумотлар ва ҳ.к.

Бошқарув ҳисоби ахборотларини акс эттириш усуллари — молиявий ҳисоб усуллари, эконометрика, статистика ва иқтисодий таҳлил усуллари.

Бошқарув ҳисоби ахборотларининг ўлчов бирликлари — моддий, меҳнат ва қиймат каби барча ҳисоб ўлчовлари.

Бошқарув ҳисоботларини тақдим этиш муддати — ҳар куни, ҳар ҳафта ва ҳ.к. муддатлар. Ҳисоботларни тақдим этиш муддати корхона раҳбарияти томонидан белгиланади.

Бошқарув ҳисобида харажат ва даромадларни гуруҳлаш — бошқарув ҳисобида харажатлар харажат моддалари бўйича, даромадлар эса бўлинмалар ва маҳсулот(иш, хизмат)лар турлари бўйича гуруҳланади. Харажат моддаларининг рўйхати тармоқ йўриқномалари билан белгиланади ҳамда корхонанинг ҳисоб сиёсатида ифодаланади.

Бошқарув сегментар ҳисоботининг шакллари — материаллар ва бутловчи қисмлар заҳиралари тўғрисида, тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича, ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизматлар) тўғрисида, харид қилинган қийматликлар тўғрисида, тайёр маҳсулот захиралари тўғрисида, сотишлар тўғрисида, пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги сегментар ҳисобот шакллари.

Бошқарув ҳисобининг ҳуқуқий асослари — хўжалик юритувчи

субъектларда бошқарув ҳисобининг ташкилий тартиби, усуллари ва элементларини белгилаб берувчи қонуний-меъёрий ҳужжатлар тўплами.

Бевосита харажатлар — маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган хомашё ва материаллар, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган асосий воситалар амортизацияси харажатлари.

Билвосита харажатлар — маъмурий-бошқарув харажатлари, бошқарув асбоб-ускуналарини сақлаш ва фойдаланиш харажатлари каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар.

Буюртмали усул — қабул қилинган буюртмаларга сарфланган харажатларни умумлаштирувчи, мураккаб, алоҳида ва тажриба ишларини бажаришда қўлланиладиган таннарх ҳисоблаш усули.

Бюджетлаштириш — корхонанинг маълум даврга мўлжалланган молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштириш.

Бизнес сегменти — корхонанинг муайян қисмини ёки нисбатан мустақил бўлинмасини маълум ваколатлар ва масъулият бериш мақсадида ажратиш.

Бизнес таркибини ўзгартириш бўйича қарорлар — корхонанинг танлаган ривожланиш стратегиясига мувофиқ унинг ташкилий тузилмасини мукаммаллаштириш, ишлаб чиқаришни марказлашмаган ҳолда бошқариш имконини берувчи бошқарув қарорлари.

Географик сегмент — муайян иқтисодий муҳитда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда иштирок этувчи, риск ва фойда каби иқтисодий шарт-шароитлар таъсиридаги маълум маконда ҳаракат қилувчи ажратиб қўйилган компонент.

"Директ-костинг" ҳисоб тизими — корхона харажатларини ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқ ҳолда доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлишга асосланган таннарх ҳисоблаш тизими.

Даражали тахминлаш — сотишлар ва фойданинг кутилган ҳажмини максимал, эҳтимол, минимал нуқталари бўйича аввалдан режалаштириш.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари — асосий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва унга хизмат қилиш харажатлари (энергия, транспорт хизматлари, таъмирлаш харажатлари кабилар).

Жавобгарлик — белгиланган мажбуриятларни тўлиқ амалга оширишни ҳис этиш.

Жавобгарлик марказлари — бошқарув ходимлари фаолиятини самарали ташкил этишга йўналтирилган, бўлинмалар харажатлари ва

даромадлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирадиган ҳисоб объекти.

Жавобгарликнинг асосий марказлари — бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи марказ тури.

Жавобгарликнинг ёрдамчи марказлари — жавобгарликнинг асосий марказларига кўмаклашиш учун ташкил этиладиган марказ тури.

Жараёнли усул — жараёнли (металлургия, тўқимачилик каби) ишлаб чиқаришларда харажатларни ҳисобга олувчи таннарх аниқлаш усули.

"JIT" ҳисоб тизими — маҳсулотларни йирик туркумларда ишлаб чиқаришдан воз кечиш, бунинг ўрнига узлуксиз, буюртма олинган вақтдан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқариш орқали ортиқча харажатларни бартараф қилиш ва корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланишга имкон берувчи ҳисоб юритиш тизими.

Зararсизлик нуқтаси — корхона даромадлари унинг харажатларини тўлиқ қоплайдиган нуқта.

Ишлаб чиқариш ҳисоби — ишлаб чиқариш харажатлари ва корхона даромадини бошқариш, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш имкониятларини аниқлаб берувчи ҳисоб тури.

Ишлаб чиқариш дастури — маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг йиллик ҳажми, номенклатураси, товарлар ва хизматлар бозори талаблари асосида сифат ва муддатни тавсифловчи комплекс режа.

Ишлаб чиқариш дастаги (leverage, сўзма-сўз таржимада ричаг, дастак) - корхона фойдасини самарали бошқаришнинг доимий ва ўзгарувчан харажатлари ўзаро мутаносиблигига асосланган механизми.

Ишлаб чиқариш дастаги ҳажмига таъсир этувчи омиллар — ўзгарувчан ва доимий харажатлар суммаси, сотиш баҳоси ва ҳажми, юқоридаги омиллар комбинацияси.

Ишлаб чиқариш (реал) инвестицияси — корхона фаолиятининг муайян соҳаси ва турига, реал капитал ўсишига, яъни, ишлаб чиқариш воситалари, айланма маблағлар қийматининг ўсишига, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини ривожлантиришга асосий омил бўлувчи харажатлардир.

Инвестициялар маркази — бўлинма раҳбари нафақат даромад ва харажатларга, балки капитал қўйилмаларга ажратилган маблағларнинг оқилона сарфланишига ҳам жавоб берадиган марказ тури.

Инвестиция бюджети — корхонанинг бюджет давридаги капитал харажатлари ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалари режаси.

Инвестиция фаолияти — корхона томонидан инвестиция ресурсларини (пул маблағлари, қимматли қоғозлар, ақлий салоҳият, кредит, ер ва бошқа кўчмас мулк объектлари каби) иқтисодиёт соҳаларига даромад (фойда) олишни ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида жойлаштириш.

Инвестиция лойиҳаси — аниқ, пухта ўйланган ғояга, мақсадга эга бўлган (шу жумладан капитал қурилиш ҳам), уни амалга ошириш учун инвестиция қўйилишини талаб қиладиган харажат дастури.

Калькуляция бирлиги — калькуляция объекти ўлчови.

Маҳсулотлар таннархи — маҳсулотлар ишлаб чиқаришга сарфланган бевосита харажатларнинг йиғиндиси.

Молиявий бюджет — сотиш ҳажми ва таннархи, даромад ва харажатларнинг нисбати, соф фойда, ўз маблағларидан самарали фойдаланиш, инвестиция қўйилмаларининг қопланиш муддати каби кўрсаткичлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштирувчи бюджет шакли.

Молиявий (портфелли) инвестициялар — қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий қўйилмаларга сарфланган харажатлар.

Маржинал даромад — корхонада маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан тушган тушум ва уларни ишлаб чиқариш таннархи суммаси ўртасидаги фарқ.

Маржинал даромаднинг ўртача ҳажми — маҳсулот (иш, хизмат)лар баҳоси билан ўртача ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги фарқ.

Маржинал даромад коэффициенти — маҳсулот сотишдан тушган тушумдаги маржинал даромаднинг улуши.

Остонавий тушум — зарарсизлик нуқтасига мос келувчи тушум суммаси.

Операцион бюджет — товар-моддий заҳиралари, асосий воситаларни сотиб олиш, тайёр маҳсулотлар заҳиралари ва давр харажатлари тўғрисидаги ахборотлар ҳамда молиявий маблағларнинг тахминий манбаларини ифодаловчи бюджет тури.

Релевантли даромад ва харажатлар - келажакда юзага келиши кутилаётган, бошқарув қарорлари таъсирида ўзгарувчи даромад ва харажатлар.

Стратегик (узоқ муддатли) режалаштириш — корхонада 5-10 йил муддатга мўлжалланган истиқболли ривожлантириш концепциясини

ишлаб чиқиш.

Статик бюджет — даромадлар ва харажатларни сотишлар даражасидан келиб чиққан ҳолда режалаштириш.

Сотиш маркази - бўлинма раҳбари маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан тушадиган тушумга жавоб берадиган марказ тури.

Сотиш харажатлари бюджети — харидорлар имконияти ва маҳсулотлар ҳажмини эътиборга олиб, вертикал ҳамда горизонтал тартибда тузилган бюджет шакли.

"Стандарт-кост" ҳисоб тизими — харажатлар ҳисоби ва таннархни калькуляция қилиш тизими бўлиб, унда ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархи аввалдан пухта, обдон ҳисоблаб чиқилган норматив харажатлар ёрдамида баҳоланади, кейин эса ҳақиқий қилинган харажатлар билан таққосланади.

Сегментлар бўйича ҳисобот тузиш тамойиллари —тушунарлилик, муҳимлилик, ишончлилик, тезкорлик, аниқ манзиллилик, эҳтиёткорлик, мувофиқлик, таққосланувчанлик, холислик ва ҳ.к.

Сегмент харажатлари — бевосита сегментлар таркибига киритиладиган харажатлар ёки уларни корхона умумий харажатларининг бир қисми сифатида намоён бўлиши.

"SCA" тизими (Strategic Cost Analysis) — харажатларни стратегик таҳлил қилиш тизими бўлиб, унинг асосий таркибий қисми ва марказий объекти истеъмол қийматини шакллантириш занжири ҳисобланади.

Такроран режалаштириш — корхона раҳбарияти билан бўлинмалар ва функционал хизматлар ўртасидаги узвий алоқадорликни ўрнатиш.

Тезкор режалар — корхона асосий мақсадини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган тактик режалар (ишлаб чиқариш режаси, умумишлаб чиқариш харажатлари режаси, моддий техника таъминоти режаси кабилар).

Трансферт баҳо — корхона таркибидаги бир жавобгарлик марказидан бошқа жавобгарлик марказига ўтказиладиган маҳсулот (материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар) ёки хизматлар баҳосини аниқлаш учун фойдаланиладиган баҳо.

Трансферт баҳони шакллантиришга нисбатан харажатлар ёндашуви — трансферт баҳони маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга сарфланган харажатлар асосида шакллантириш.

Трансферт баҳони шакллантиришга нисбатан фаол ёндашув— трансферт баҳони бошқариш орқали сотишларнинг зарур ҳажмига

мос келувчи ўртача харажатлар ҳажмига эришиш.

Трансферт баҳони белгилаш усуллари – бозор баҳоси, тўлиқ таннарх плюс фойда (тўлиқ таннархдан % сифатида), ўзгарувчан харажатлар плюс фойда (ўзгарувчан харажатлардан % сифатида), томонларнинг ўзаро келишуви асосидаги шартномавий баҳо, тўлиқ ёки қисқартирилган таннарх усуллари.

Тезкор (қисқа муддатли) режалаштириш — кун, ҳафта, декада, ой, чорак ёки бир йил давомида корхона молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштириш.

Тактик (ўрта муддатли) режалаштириш — 3-5 йил муддат оралиғида корхонанинг узоқ муддатли мақсадларга мўлжалланган дастурларини ишлаб чиқиш.

Умумишлаб чиқариш харажатлари — корхонада асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш ва бошқаришга хизмат қилувчи харажатлар (машина ва ускуналарни сақлаш, ишлаб чиқариш биноларини иситиш, ёритиш, сақлаш, суғурта қилиш харажатлари ва ҳ.к.).

Узоқ муддатли харажатлар — корхонанинг стратегик мақсадини амалга оширишда юзага келувчи илмий текширишлар, янги технологияларни олиб кириш ва ривожлантириш, тайёр маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар.

Фойда маркази — бўлинма раҳбари харажатлар ва фойда учун жавоб берадиган марказ тури.

Функционал-қиймат таҳлили (ФҚТ) усули — объект (маҳсулот, жараён, тузилма)ни тизимли тадқиқ қилишнинг сифат ва фойдалилигини оширган ҳолда уни лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва фойдаланиш соҳаларида харажатларнинг энг кичик миқдорини таъминловчи усул.

Функционал бошқариш — корхона фаолиятини молия, таъминот, сотиш, кадрлар, лойиҳа конструкторлик ва технологик ишловлар, ташқи иқтисодий алоқалар каби алоҳида функциялар бўйича бошқариш.

Харажатлар маркази — харажатларни мақсадли сарфланишига масъул ҳисобланган корхона бўлинмаси (ишлаб чиқариш цехи, конструкторлик бюроси ва ҳ.к.).

Харажатлар объекти — сарфланган харажатлар ҳисобга олиниши зарур бўлган ташкилий бўлим.

"Харажатлар - ишлаб чиқариш ҳажми - фойда" тизими - (Cost Volume-Profit) — зарарсизлик нуқтасини аниқлаш, корхона харажатлари, ишлаб чиқариш ҳажми ва молиявий натижалар ўртасидаги ўзаро

алоқадорликни ўрганувчи таҳлил тизими.

Чизиқли бошқариш — ишлаб чиқариш цехлари ва корхона бўлинмалари бўйича бошқарувни ташкил этиш.

Чидамлиликнинг маржинал заҳираси — маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан олинадиган ҳақиқий тушумнинг сотишни зарарсизлигини таъминловчи остонавий тушумдан ошиб кетишини кўрсатувчи катталик.

Юқоридан қуйига режалаштириш — ишлаб чиқариш режасини корхона бўйича ишлаб чиқиш.

Ярим ўзгарувчан харажатлар — бир вақтнинг ўзида ҳам ўзгарувчан, ҳам доимий харажат хусусиятига эга бўлган харажатлар (масалан, телефон хизмати харажатлари).

Қуйидан юқорига режалаштириш — ишлаб чиқариш режасини бошқаришнинг қуйи даражаси, яъни, корхона бўлинмалари ва функционал хизматлар бўйича тузиш.

Иловалар

1-илова

«Тошкентсут» акционерлик жамиятининг бошқарув тизими

2-илова

Акциядорлик жамиятларини
бошқаришнинг намунавий уч поғонаси

3-илова

Янгиқўрғон «Мева ва узумни қайта ишлаш» акциядорлик жамияти бошқарувининг ташкилий тузилмаси

4-илова

Холдинг тузилмаларини таснифлаш

Таснифлаш белгиси	Холдинг тузилмаларини шакллантириш асослари
1. Капиталга эгалик қилиш ва уни бошқаришда улуш билан иштирок этиш: а) капиталнинг салмоғи ва компанияни бошқариш даражасига кўра	Бош корхона шўъба корхонасининг 100 фоиз капиталига эгалик қилади Бош корхона шўъба корхонасининг 50 фоиздан ортиқ капиталига эгалик қилади Холдинг компанияси бошқа акциядорларнинг мулкидан ортиқ бўлган акциялар пакетига эгалик қилади Холдинг компанияси бирлашган корхоналар акциялари билан бирга бошқа акциядорларнинг мулкидан ортиқ бўлган акциялар пакетига эгалик қилади
б) холдингнинг капиталида иштирок этиш тизимига кўра	Бош корхона - саноат-савдо капитали, шўъба - молия-банк муассалари Бош корхона - молия-банк муассалари, шўъба-саноат-савдо фирмалари
в) холдинг эгаларининг ҳуқуқий мақомига кўра	Муассислар - давлат ҳуқуқий шахслари Муассислар - ҳуқуқий шахслар Муассислар - ҳуқуқий ва жисмоний шахслар
2. Холдингнинг мақсади ва вазифалари хусусияти	Хусусий холдинг муассислари нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар Аралаш холдинг муассислари давлат, нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар
3. Шўъба компанияларни бошқариш усули, унинг иштирокчилари: а) бошқарув тузилмаларининг холдинг ичидаги позонасига кўра	Холдинг - (бош корхона - шўъба корхона) Холдинг - субхолдинг - шўъба корхона Холдинг - шўъба - кичик шўъба корхона
б) иштирокчиларнинг таркибига кўра (таркибда молия-кредит муассасаларининг мавжудлиги)	Банк иштирокидаги холдинг Банк иштирокисиз холдинг
4. Холдинг тузилмаларининг шаклланиш тамойиллари: а) корхоналар ва иштирокчиларнинг ихтисосланувига кўра б) корхоналар ва холдинг муассасаларининг ҳудудий жойланувига кўра	Бир тармоқ миқёсида Кўп тармоқни ўз ичига олувчи Минтақавий Минтақаларо
5. Холдинг тузилмаларининг бир ёки бир неча давлатлар қонунчилигига тегишлилиги	Фақат бир давлат чегарасида фаолият кўрсатувчи холдинглар Халқаро холдинглар

5-илова

Бошқарув ҳисобини ахборот билан таъминлаш манбалари

6-илова

Режалаштирилган материал харажатлари бюджетини шахматли текшириш жадвали, *минг сўм*

Калькуляция моддалари	Хомашё ва асосий материаллар	Ёрдамчи материаллар	Ёнилғи ва энергия	Асосий иш ҳақи	Ижтимоий суғурта ва таъминот ажратмалари	Асосий воситалар ва НМАларнинг эскириш	Бошқа харажатлар	Жами харажатлар	Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари	Ҳамма харажатлар
1. Хомашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар (чиқиндилар ҳисобга олинган)	670	12	-	-	-	-	-	682	35	717
2. Технология мақсадларига сарфланадиган ёнилғи ва энергия	-	-	17	-	-	-	-	17	-	17
3. Ходимларнинг асосий иш ҳақи	-	-	-	338	-	-	-	338	-	338
4. Ижтимоий суғурта ва таъминот ажратмалари	-	-	-	-	163	-	-	163	-	163
5. Ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаштиришга сарфланган харажатлар	6	7	-	25	11	-	12	61	-	61
6. Машина ва ускуналарни ишлатиш харажатлари	-	27	35	63	27	50	33	235	68	303
7. Умумишлаб чиқариш харажатлари	-	2 7	2 7	53 58	21 26	18 23	24 27	120 148	30 35	150 183
8. Давр харажатлари	-	2 7	1 6	88 93	34 39	15 20	40 45	180 210	20 25	200 235
9. Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	-	-	-	-	-	-	23 28	23 28	-	23 28
10. Жами харажатлар	621 676	50 60	45 65	505 577	294 266	78 93	112 145	1600 1882	140 163	1740 2045
11. Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари	19 24	8 13	22 27	55 60	21 26	8 13	7 12	140	-	-
12. Ҳамма харажатлар	**640**	**43**	**67**	**560**	**215**	**86**	**129**	**1740**	-	-

7-илова

Корхонанинг жавобгарлик марказлари бўйича харажатлар моддаларини тахминий рўйхати

Ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари (участкалари) учун 1	Ишлаб чиқариш функционал хизматлари учун 2
Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	Меҳнат ҳақи харажатлари
Ижтимоий суғуртага чегирмалар	Ижтимоий суғуртага ажратмалар
Электроэнергия харажатлари	Электроэнергия харажатлари
Материаллар	Ижара ҳақи харажатлари
Хўжалик инвентарларининг эскириши	Хўжалик инвентарларининг эскириши
Ускуна ва дастгоҳларнинг эскириши	Ускуна ва дастгоҳларни эскириши
Ёнилғи	Алоқа харажатлари
Бошқа харажатлар	Сафар харажатлари
	Обуна харажатлари
	Малака ошириш ва ўқитиш харажатлари
	Маслаҳат хизматлари харажатлари
	Бошқа харажатлар

8-илова

2004 йилнинг I чорагида сут қуйиш цехи фаолияти ҳақида ҳисобот, *минг сўм*

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Режа	Ҳақиқатда	Бажарилиш %и	Фарқи (+,-)
1	2	3	4	5	6	7
1.	Товар маҳсулоти ҳажми	минг сўм	4500,0	5200,0	116,0	+700,0
2.	Ишловчилар сони	киши	10	10	100,0	-
3.	Цех ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш фонди	минг сўм	1500,0	1800,0	120,0	+300,0
4.	Бир ходимнинг меҳнат унумдорлиги	минг сўм	150,0	180,0	120,0	+30,0
5.	Ишлаб чиқариш харажатлари сметаси, шу жумладан:	минг сўм	3600,0	4160,0	116,0	+560,0
	а) хомашё, асосий материаллар, сотиб олинадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар	минг сўм.	1100,0	1250,0	114,0	+150,0
	б) ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар	минг сўм.	-	-	-	-
	в) қайтарилган чиқиндилар чиқариб ташланади	минг сўм.	-	-	-	-
	г) ёрдамчи материаллар	минг сўм.	-	-	-	-
	д) ёнилғи ва энергия	минг сўм.	300,0	310,0	103,0	+10,0
	е) меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	минг сўм.	1500,0	1800,0	120,0	+300,0
	ж) ижтимоий суғуртага ажратмалар	минг сўм.	600,0	720,0	120,0	+120,0
	з) янги маҳсулотни тайёрлаш	минг сўм.	-	-	-	-
	и) ишлаб чиқариш машиналари ва жиҳозларидан фойдаланиш харажатлари	минг сўм.	65,0	55,0	85,0	-10
	к) умумишлаб чиқариш харажатлари	минг сўм.	35,0	25,0	71,0	-10
	л) бошқа харажатлар	минг сўм	-	-	-	-
	Цех бўйича жами:	сўм	3600,0	4160,0	116,0	+560,0

9-илова

"Тошкентсут" акционерлик жамияти бўйича 2004 йилга бюджетлаштирилган тахминий баланс, *минг сўм*

Актив					Пассив				
Актив моддалари	**Ҳақ.**	**Кирим**	**Чиқим**	**Режа**	**Пассив моддалари**	**Ҳақ.**	**Кирим**	**Чиқим**	**Режа**
1	2	3	4	5=2+3-4	6	7	8	9	10=7-8+9
I.Оборотдан ташқари активлар:	**515365**	**93346,8**	**160261**	**521283**	**1. Ўзлик маблағлари**	**450824**	**688494**	**226**	**459370**
1.1. Асосий воситалар	480312	-	134052	419092	1.1. Устав капитали	105735	-	-	105735
1.2. Капитал қўйилмалар	26209	-	26209	-	1.2. Ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси (зарари)	-160272	345272		185000
1.3. Бошқалар	8844	93346,8	-	102190,8	1.3. Мақсадли тушум ва фондлар	115853		226	116079
2. Оборот активлари	**457017**	**116209**	**475521**	**816329**	1.4. Бошқалар	389508	343222		46286
2.1. Хомашё ва материаллар	191985	31088		160897	**2. Мажбуриятлар**	**521558**	**62281**	**419155**	**878242**
2.2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш	-	-	-	-	2.1.Узоқ муддатли қарз маблағлари	153612	35429		118183
2.3. Тайёр маҳсулот	39964	28706		11258	2.2.Қисқа муддатли кредитлар	30000	25000		5000
2.4. Товарлар	59		19	78	Кредиторлар:				

9-илованинг давоми

1	2	3	4	5=2+3-4	6	7	8	9	10=7-8+9
2.5.Келгуси давр харажатлари	17743		316228	333971	- мол етказиб берувчилар	307902		394684	702586
2.6. Пул маблағлари	3167		1257	4424	- меҳнат ҳаки бўйича	3243		6085	9328
2.7.Валюта маблағлари	-	-	-	-	- бюджет билан	8369		14361	22730
2.8. Қиска муддатли молиявий қўйилмалар	-	-	-	-	- бюджетдан ташқари фондлар билан				
Харидорлардан олинадиган дебиторлик қарзлари	157011	56415		100596	- ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар	2784	1852		932
Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар	15782	-	-	15782	- бошқа мажбуриятлар	15458		4025	19483
Бошқалар	31306		158017	189323					
Жами (1+2)	**972382**			**1337512**	**Жами (1+2)**	**972382**			**1337612**

10-илова

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бошқарув ҳисоби счетлари режасининг ишлаб чиқариш харажатлари турлари бўйича таклиф қилинаётган варианти*

Счет-лар	Счетлар номи	Счетлар типи
1	2	3
1000	**Материаллар харажатлари ҳисоби**	**А**
1010	Хомашё ва материаллар (йиғувчи счет)	
1020	Асосий хомашё ва материаллар	
1030	Ёрдамчи хомашё ва материаллар	
1040	Ярим фабрикатларни ички эҳтиёжлар учун истеъмол қилиш	
1100	**Энергияни ишлаб чиқариш харажатлари**	**А**
1110	Ёқилғи	
1120	Энергия (турлари бўйича)	
1200	**Ишлаб чиқаришнинг меҳнат харажатлари**	**А**
1210	Иш ҳақи (йиғувчи счет)	
1220	Ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг иш ҳақи	
1230	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи	
1240	Бошқа турдаги иш ҳақи	
1250	Турли компенсациялар	
1300	**Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий харажатлари**	**А**
1310	Корхонанинг ижтимоий харажатлари (йиғувчи счет)	
1320	Ижтимоий суғурта ва таъминот харажатлари	
1330	Ходимлар ҳаётини узоқ муддатли суғурталаш	
1340	Кўнгилли шахсий суғурта	
1350	Ходимларни сақлаш бўйича бошқа ижтимоий харажатлар	
1400	**Ишлаб чиқаришнинг устама харажатлари**	**А**
1410	Асосий воситалар ва бошқа мулкларнинг эскириши	
1420	Цех даражасидаги бошқарув харажатлари	
1430	Ҳар хил ёрдамчи хизматларни тўлаш харажатлари	
1440	Бошқа устама харажатлар	
1500	**Тўланадиган мажбуриятлар**	**А**
1510	Ер солиғи	
1520	Йўл фондига тўловлар	
1530	Турли хил давлат йиғимлари ва бадаллари	
1540	Аудиторлик ва маслаҳат хизматлари учун тўловлар	
1550	Молиявий ҳисоботни эълон қилиш харажатлари	
1560	Бошқа харажатлар	

* Ушбу жадвал Германия саноат корхоналари бошқарув ҳисоби ягона счетлар режасининг тўртинчи класси мисолида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.- Врублевский П.Д. Управленческий учет издержек производства: теория и практика.-М: Финансы и статистика, 2002.-352 с. (с. 90-92)

1	2	3
1600	**Транспорт, вакиллик ва сафар харажатлари**	**А**
1610	Умумий транспорт харажатлари	
1620	Юкларни жўнатиш харажатлари	
1630	Сафар харажатлари	
1640	Почта харажатлари	
1650	Девонхона харажатлари	
1660	Вакиллик харажатлари	
1700	**Калькуляция қилинадиган ишлаб чиқариш харажатлари**	**А**
1710	Амортизация	
1720	Кредит учун тўланган фоизлар (комиссион харажатлар билан биргаликда)	
1730	Меҳнат ҳақи харажатлари	
1740	Бинолар, машина ва механизмларнинг ижараси	

11-илова

Бошқарув ва молиявий ҳисобни тамойиллар белгиси бўйича таққослаш

Т/р	Таққослаш белгиси	К.Друри	Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Колдуэлл	Р.Эйтони, Д.Рис	М.А.Нахрушина	В.Б.Ивашкевич	Т.Н.Карпова	З.В.Кирьянова	Н.П.Кондраков	О.Е.Николаева, Т.В.Пишкова	И.Г.Кондратова	А.Д.Шермет	Н.Ю.Жураев	О.М.Жуманов	А.Х.Пардаев	А.К.Ибратимов	М.М.Тўлахўжаева	А.С.Сотиволдиев	С.В.Воҳидов	Таклиф этилган вариант
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21
1.	Ҳисобнинг мақсади	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
2.	Ахборотдан фойдаланувчилар	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
3.	Ахборот манбалари					+					+			+	+	+				+
4.	Ҳисоб олиб бориш мажбурияти	+		+	+	+	+	+	+	+		+	+	+	+	+	+	+	+	+
5.	Ҳисоб олиб бориш қоидалари					+		+			+	+		+				+	+	+
6.	Ҳисоб тамойиллари	+	+	+	+		+		+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
7.	Ҳисобнинг асосий объектлари	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	–	+
8.	Ахборотни тақдим этиш марказлари										+		+	+	+	+		+		+
9.	Ахборотни ошкоралик даражаси				+															+
10.	Ахборотни акс эттириш усуллари					+				+			+		+					+
11.	Ҳисоб ахбороти ўлчовлари		+		+	+			+	+	+	+			+	+	+	+	+	+

12-илованинг давоми

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21
1.	Ҳисоботлар тузиш даврийлиги		+		+	+		+	+	+		+	+	+	+	+	+	+	+	+
2.	Ахборот узатиш тезлиги	+			+							+								
3.	Ахборотни содир бўлиш вақтига нисбатан	+			+	+		+	+		+	+								+
4.	Ахборотни аниқлиги ва ишончлилиги	+	+		+	+		+	+	+		+	+	+	+	+	+	+	+	+
5.	Жавобгарлик даражаси				+							+			+		+			+
6.	Харажатларни гуруҳлаштириш усуллари					+			+				+	+	+	+	+	+	+	+
7.	Бухгалтерия ҳисоби тузилмаларининг турлари		+					+	+				+	+	+	+	+	+	+	+
8.	Бошқа фанлар билан алоқаси					+							+	+	+	+	+	+	+	+

13-илова

2003 йил январ-июл ойларида гўшт ва сут саноати бўйича асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича

М А Ъ Л У М О Т

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Июл				Январ-июл			
		ҳисоб. 2002й.	ҳисоб. 2003й.	(+,-)	ўсиш суръати	ҳисоб. 2002й.	ҳисоб. 2003й.	(+,-)	ўсиш суръати
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Маҳсулот ҳажми (амалдаги нархда)	минг сўм	1516229	1279496	-2368036	84	9841637	10887266	1045629	111
шж: гўшт соҳаси бўйича	минг сўм	649320	85647	-563673	13	4790926	2007730	-2783196	42
сут соҳаси бўйича	минг сўм	866979	1193849	326870	138	5050711	8879536	3828825	176
бундан ташқари кичик бизнес	минг сўм	488105	615549	127444	126	3231920	4524382	1292462	140
Маҳсулот ҳажми (солиштирилган нархда)	минг сўм	3158431	1169302	-1989129	37	15688970	14237250	-1451720	91
шж: гўшт соҳаси бўйича	минг сўм	1376822	152147	-1224675	11	9518621	5869617	-3649002	62
сут соҳаси бўйича	минг сўм	1781609	1017155	-764454	57	6170349	8367631	2197282	136
бундан ташқари кичик бизнес	минг сўм	906044	1094673	188629	121	7013530	8830360	1816830	128
Халқ истеъмоли моллари	минг сўм	5777301	3959630	-1817671	69	33889200	32932986	-956214	97
шж: гўшт соҳаси бўйича	минг сўм	3844577	2553563	-1291014	66	26552630	22359104	-4193526	84
сут соҳаси бўйича	минг сўм	1932724	1406067	-526657	73	7336570	10573882	3237312	144
бундан ташқари кичик бизнес	минг сўм	2258727	2514348	255621	111	18464558	20750764	2286206	112
шж. ноозуқабоп маҳсулотлар	минг сўм	24279	1358	-22921	6	153331	61972	-91359	40
шж: гўшт соҳаси бўйича	минг сўм	23542	1358	-22184	6	143025	61972	-81053	43
сут соҳаси бўйича	минг сўм	737	-	-737	-	10306	-	-10306	0
Маҳсулот ишлаб чиқариш натурал ифодаланганда									
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	тонна	1297	1265	-32	98	9419	9786	367	104
Колбаса маҳсулоти	тонна	12	9	-3	75	141	149	8	106
Консервалар	туб	942	6	-936	1	5770	2836	-2934	49
Ярим тайёр гўшт маҳсулотлари	тонна	2	2	0	100	26	25	-1	96
Эритилган озуқабоп ёғ	тонна	1	1	0	100	6	6	0	100
Қуритилган гўшт, суякли ем	тонна	6	5	-1	83	33	22	-11	67

13-илованинг давоми

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Сариёғ жами	тонна	52	18	-34	35	279	232	-47	83
Сут ва сут маҳсулотлари	тонна	466	400	-66	86	3303	3387	84	103
ёғсиз сут маҳсулотлари	тонна	1	34	33	3400	13	60	47	462
Пишлоқ ва бринза	тонна	10	5	-5	50	90	76	-14	84
Музқаймоқ	тонна	93	25	-68	27	426	128	-298	30
Ёғсиз қуруқ сут (сут ўрнини қопловчилар билан бирга)	тонна	1007	66	-941	7	1370	421	-949	31
Бундан ташқари кичик бизнес									
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	тонна	1787	1564	-223	88	10821	11396	575	105
Колбаса маҳсулоти	тонна	47	48	1	102	402	428	26	106
Сариёғ жами	тонна	38	52	14	137	211	301	90	143
Сут ва сут маҳсулотлари	тонна	1112	1605	493	144	6299	8696	2397	138
ёғсиз сут маҳсулотлари	тонна	42	816	774	1943	384	1358	974	354
Пишлоқ ва бринза	тонна	19	66	47	347	180	301	121	167
Музқаймоқ	тонна	49	113	64	231	492	463	-29	94

14-илова

2003 йил январ-июл ойларида сут саноати корхоналарида асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича

М А Ъ Л У М О Т

Корхоналар номи	Маҳсулот жами (амалдаги нархларда) минг сўм								Маҳсулот жами (солиштирма нархларда) минг сўм							
	ҳисоб 2002й.	ҳисоб 2003й.	(+,-)	ўсиш суръати	ҳисоб 2002й.	ҳисоб 2003й.	(+,-)	ўсиш суръати	ҳисоб 2002й.	ҳисоб 2003й.	(+,-)	ўсиш суръати	ҳисоб 2002й.	ҳисоб 2003й.	(+,-)	ўсиш суръати
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
Тошкентсут	7742	12022	4280	155	458	1228	770	268	9367	10547	1180	113	917	1228	311	134
Олмаликсут	97428	104170	6742	107	17363	17359	-4	100	104107	104170	63	100	17832	17359	-23	100
Сайхун-ободсут	274328	280538	6155	102	41345	23562	-17783	57	287338	275263	-12075	96	42689	24423	-18266	57
Шақриҳон-сут	193250	210340	17090	109	23540	38000	14460	161	220410	224500	4090	102	45000	45000	0	100
Нестле-Узбекистан	4144432	7912302	3767870	191	747456	1043982	296524	140	5185983	7406395	2220412	143				
Фарғонасут	-	110170	110170	-	0	26675	26675	-	-	96762	96762	-	0	27539	27539	0
Бухоросут	323819	235201	-88618	73	33465	39167	5702	117	349093	235201	-113892	67	49481	39167	-10314	79
Нукуссут	9657	14793	5136	153	3350	3876	526	116	14051	14793	742	105	3350	4084	734	122
Жами	5050711	8879536	3828825	176	866979	193849	326870	138	6170349	8367631	2197282	136	781609	1017155	-794454	57
Кичик бизнес																
Тошкентсут -маҳсулот	349915	400861	50946	115	50693	52905	2212	104	431190	436681	5491	101	65475	59049	-6696	99
Ангренсут	73695	91360	17665	124	10543	13496	2933	128	71380	91360	19980	128	10753	13496	2743	126
Чирчиқсут	-	53750	53750	-	-	3750	3750	-	-	53750	53750	-	-	3750	3750	-
Бекободсут	29550	29550	0	100	3050	3050	0	100	29550	29550	0	100	3050	3050	0	100
Сирдарёсут	97475	117840	20365	121	7875	6000	-1875	76	101000	103400	2400	102	7000	5000	-2000	71
Гулистон-сут	34800	80280	45680	232	5400	14100	8700	261	30413	49296	18883	162	5445	8200	2755	151
Жиззахсут	-	10789	10789	-	-	6382	6382	-	-	10879	10879	-	-	6382	6382	-
Андижонсут	298514	320506	21992	107	50283	46484	-3799	92	332115	333389	1274	100	60715	61070	355	101

14-илованинг давоми

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
Қўқонсут	57753	77166	19403	134	9023	6492	-2531	72	152300	220200	67900	145	11078	19255	8177	174
Маргилон-сут	8815	61663	52848	700	0	7645	7645	-	9830	65433	55603	666	1690	6413	4723	379
Браёсут	65779	137681	71902	209	13544	22907	9363	169	113448	114936	1488	101	26323	21587	-4736	82
Акташсут	37483	24628	-12855	66	5803	0	-5803	0	35287	24587	-10700	70	6069	-	-6069	0
Пахтачисут	259778	282753	22975	109	50642	52188	1546	103	205374	210324	4950	102	37491	38996	1505	104
Булунгур-сут	49603	29246	-20357	59	10508	4373	-6135	42	59737	30987	-28750	52	10989	4680	-6309	43
Баттақўр-гонсут	13399	1991	-11408	15	1252	941	-311	75	13469	1866	-11603	14	2158	878	-1280	41
Истиқлол	79118	86144	7026	109	9780	16796	7016	172	71934	92628	20694	129	10814	14513	3699	134
ТПФ Парвина	706058	830352	124294	118	95801	166668	70867	174	484391	736855	252464	152	57077	157609	100532	276
Шоҳонасут	42000	136241	94241	324	25000	23501	-1499	94	42000	136241	94241	324	25000	23501	-1499	94
Шаҳрисабз-сут	-	37188	37188	-	-	6000	21500	-	-	37188	37188	-	-	6000	21500	-
Яккабоғсут	34797	62944	28147	181	6191	6613	422	107	37118	62944	25826	170	6402	6613	211	103
ЧП «Тева Босни»	85164	85118	-46	100	21664	20853	-811	96	85164	85118	-46	100	21664	20853	-811	96
Термизсут	63100	86400	23300	137	9546	10700	1152	112	66809	84729	17920	127	10304	9729	-575	94
Афросиёб	47337	72647	25310	153	8037	11908	3871	148	47337	72647	25310	153	8037	11908	3871	148
Хўжайли-сут	16745	11238	-5507	67	8223	2619	-5604	32	17679	31578	13899	179	-	4495	4495	-
Урганчсут	-	69300	69300	-	-	18238	18238	-	-	69300	69300	-	-	18238	18238	-
ЧП «Муродов-Маруф»	100500	156400	55900	156	19492	10400	-9092	53	100500	156400	55900	156	19492	10400	-9092	53
Карманасут	65000	164167	99167	253	15600	35839	20239	230	65000	164167	99167	253	15600	35839	20329	230
ООО Фиас	53480	44000	-9840	82	-	-	-	-	53840	44000	-9840	82	-	-	-	-
Бурхон	-	68359	68359	-	-	-	-	-	-	68359	68359	-	-	-	-	-
Тўрткўл-шонч	-	14600	14600	-	-	-	-	-	-	14600	14600	-	-	-	-	-
Жами	2670028	3645252	975224	137	422452	570848	148396	135	2656865	3633392	976527	137	407398	571504	164108	140
Ҳаммаси	7720739	12524788	4804049	162	1289431	1764697	475266	137	8827214	12001023	3173809	136	2189005	1588659	-600346	73

15-илова

«Бухоро-сут» очиқ турдаги қўшма корхонасининг 2003 йилги маълумотлари асосида сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш калькуляцияси, *минг сўмда*

№	Кўрсаткичлар	Сариёғ, килоли	Сариёғ, 200 гр.	Брынза, ёғли	Брынза, ёғсиз	Пишлоқ «Туристе»	Пишлоқ «Дўстлик»	Пишлоқ «Адыгей»	Сут, 2,5%	Қатиқ	Ряженка
1.	Тўғри материал харажатлари	1995954	2006977	888711	386977	883285	834485	740142	90860	53213	96826
2.	Тўғри меҳнат харажатлари:	19300	28952	9882	9882	32818	35124	17506	3052	4482	5774
	шу жумладан асосий иш ҳаки	13786	20680	7059	7058	23441	25088	12504	2180	3201	4124
3.	Эгри материал харажатлари	50000	81000	20000	20000	40000	180000	20000	10000	20000	40000
4.	Эгри меҳнат харажатлари	45356	68038	23220	23220	77124	82540	41138	7172	10534	13568
5.	И/ч хусусиятидаги устама харажатлар:	129982	197135	64914	64914	170612	194731	115972	20953	29748	38567
	шу жумладан, асосий воситалар эскириши	15192	22789	7779	7779	25832	27647	13779	2402	3528	4545
6.	**жами: и/ч таннархи**	**2240592**	**2382102**	**1006727**	**504993**	**1203639**	**1335880**	**934758**	**132037**	**117977**	**194675**
7.	Режалаштирилган фойда	112030	238210	100673	100999	60192	164388	93669	26407	23595	38947
8.	Рентабеллик даражаси, %да	5	10	10	20	5	12,3	10	20	20	20
9.	**Жами: Улгуржи баҳо**	**2352622**	**2620312**	**1107400**	**605992**	**1264031**	**1500268**	**1028427**	**158444**	**141572**	**233622**
10	ҚҚС	470524	524062	221480	121198	252806	300054	205685	31689	28314	46724
11	**Жами: 1т.ни сотиш баҳоси**	**2823146**	**3144374**	**1328880**	**727190**	**1516837**	**1800322**	**1234112**	**190133**	**169886**	**280346**
12.	**Жами: 1 л/кг.ни сотиш баҳоси**	**2823**	**629**	**1329**	**727**	**1517**	**180**	**1234**	**196**	**175**	**144**

15-илованинг давоми, минг сўм

№	Кўрсаткичлар	Простокваша 1%-0,5л	Сметана 10%-0,5 л	Творог 5% нес.	Творог 5%-250гр	Ёғсиз пишлоқ 100гр	Ёғсиз творог	Простокваша 2,5%-0,5л	Простокваша 2,5% нес	қаймоқ 50,% нес.	Казеин технич. нес.
1.	Тўғри материал харажатлари	53629	311306	375299	379263	392183	247605	92932	91857	1308121	1269760
2.	Тўғри меҳнат харажатлари	5774	14294	8986	10298	15820	8986	5774	4482	15204	23232
	шу жумладан асосий иш ҳақи	4124	10210	6418	7356	11300	6418	4124	3201	10860	16594
3.	Эгри материал харажатлари	40000	80000	40000	60000	60000	40000	40000	20000	142384	165890
4.	Эгри меҳнат харажатлари	13568	33590	21116	24202	37178	21116	13568	10554	35730	65892
5.	и/ч хусусиятидаги устама харажатлар	38567	97586	60551	69066	106393	60551	38567	29748	89270	164630
	шу жумладан, асосий воситалар эскириши	4545	11252	8986	8105	12453	7072	4545	3528	7200	12800
6.	**жами: и/ч таннархи**	**151538**	**536776**	**505952**	**542829**	**611574**	**376258**	**190841**	**156621**	**1500909**	**1689404**
7.	Режалаштирилган фойда	30308	107335	101190	108566	122315	75652	38168	31324	159091	310692
8.	Рентабеллик даражаси, %да	20	20	20	20	20	20	20	20	10	18,4
9.	**Жами: улгуржи баҳо**	**181846**	**644131**	**607142**	**651395**	**733889**	**453910**	**229009**	**187945**	**1750000**	**2000096**
10	ҚҚС	36369	128826	121428	130279	146748	90782	45802	37589	350000	400019
11	**Жами: 1т.нн сотиш баҳоси**	**218215**	**772957**	**728570**	**781674**	**880667**	**544692**	**274811**	**225534**	**2100000**	**2400115**
12.	**Жами: 1 л/кг.нн сотиш баҳоси**	**112**	**386**	**728**	**195**	**88**	**545**	**142**	**232**	**2100**	**2400**

16-илова

2003 йил январь-декабрь ойлари учун тармоқлар бўйича жами бажарилган ишлар бўйича

М А Ъ Л У М О Т

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Январь - Декабрь			Ўсиш суръати, %	2004 йил учун прогноз	Ўсиш суръати, %
		2002 йил ҳақиқатда	2003 йил прогноз	2003 йил ҳақиқатда			
Саноат маҳсулотлари ҳажми							
амалдаги баҳода	млн.сўм	1459,7	32350	4519,2	309,6	33200	102,6
кичик бизнесдан ташқари	млн.сўм	5461,3		7253,7	132,8		
киёсий баҳода	млн.сўм	21106,5	22000	21347	101,1	47494	222,5
кичик бизнесдан ташқари	млн.сўм	12548,7		14637	116,6		
Умумий маҳсулот ҳажмидан							
- нодавлат секторда	%	100		100			
Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш							
бозор баҳоларида	млн.сўм	54876,6	61250	55453,4	101,1	100750	181,7
кичик бизнесдан ташқари	млн.сўм	32298,1		35245,9	109,1		
шу жумладан:							
озиқ-овқат товарлари	млн.сўм						
ноозиқ-овқат товарлари	млн.сўм						
	млн.сўм						
Умумий маҳсулот ҳажмидан		100		100			
- нодавлат секторда	%						
Асосий турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш							
гўшт ва гўшт маҳсулотлари	минг тонн.	40	45	40,6	101,5	45	110,8
шж. кичик бизнес	минг тонн.	19,2	25	19,5	101,6	25	128,2
Колбаса маҳсулотлари	тонн.	917	1450	969	105,7	1870	193,0
шж. кичик бизнес	тонн.	699	1450	750	107,3	1870	249,3
Чорва ёғи	тонн.	920	1800	782	85,0	1800	230,2
шж. кичик бизнес	тонн.	373	900	476	127,6	900	189,1
Сут ва сут маҳсулотлари	минг тонн.	16,6	35	25,1	151,2	35	139,4
шж. кичик бизнес	тонн.	10,9	20	18,8	172,5	20	106,4
Пишлоқ, брынза билан бирга	минг тонн.	548	900	585	106,8	900	153,8
шж. кичик бизнес	тонн.	423	430	491	116,1	700	142,6

17-илова

«Хўжайли сут» акционерлик жамияти
мисолида 1 тонна сметана (25% вес) учун
К А Л Ь К У Л Я Ц И Я

№	Харажат моддалари	Ҳақиқий шартнома баҳоси 01.01.2005га	Режа бўйича (прогноз) 16.01.2005га
1.	Тўғри материал харажатлари		445887-23
2.	Тўғри меҳнат ҳақи харажатлари - ҳаммаси, шу жумладан:		1589-49
	Ишлаб чиқариш ходимларининг асосий иш ҳақи		1043-40
3.	Ишлаб чиқариш билан боғлиқ эгри меҳнат ҳақи харажатлари		386-89
4.	Ишлаб чиқариш билан боғлиқ эгри материал харажатлари		718-07
5.	Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар - ҳаммаси, шу жумладан:		893-36
	Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси		722-14
6.	Жами ишлаб чиқариш таннархи		449468-04
7.	Режалаштирилган фойда		70791-21
8.	Даромад рентабеллиги		15,75
9.	Шартнома (эркин, улгуржи, сотиш) баҳо, ҚҚСсиз		520259-26
10.	Шартнома (эркин, улгуржи, сотиш) баҳо, ҚҚС билан		(520259,26+52025,93) 572285-18

18-илова

2003 йил 1 январ ҳолатига Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича 1 тонна маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи, *минг сўмда*

Маҳсулотларнинг номи	Маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи	Фойда	Улгуржи сотиш баҳоси	Рентабеллик даражаси, %да
Қорақалпоғистон Республикаси				
Мол ёғи	2437	648	3085	26,6
Сут	121	64,5	185,5	53,3
Гўшт, (1-кат. субмаҳсулотлар б-н)	2209	36	2245	1,6
Пахта	326836	2	326838	-
Бўғдой	100950	-19884	81066	-19,7
Андижон вилояти				
Мол ёғи	1883	478	1883	25,4
Сут	215	67	282	31,2
Ёғли кичик пишлоқ	12135	383	1618	3,2
Пахта	129759	11434	141193	8,8
Бўғдой	61752	18063	79815	29,3
Гуруч	218957	-85297	133660	-39,0
Қашқадарё вилояти				
Мол ёғи	2574	499,8	3077	19,4
Ёғли катта, кичик пишлоқ	2040	343	1954	16,8
Сут	144	33,6	177	23,3
Гўшт, 1-кат. (субмаҳсулотлар б-н)	564	94	658	16,7
Колбаса маҳсулотлари	1825	267	2092	14,6
Пахта	132394	14872	147226	11,2
Бўғдой	50621	15779	66400	31,2
Наманган вилояти				
Гўшт, 1-кат. (субмаҳсулотлар б-н)	1334	80	1414	6,0
Колбаса маҳсулотлари	2004	59	2063	2,9
Пахта	168564	-32956	135608	-19,6
Бўғдой	47730	17257	64987	36,2
Самарқанд вилояти				
Мол ёғи	1812	460	2272	25,4
Эритилган ёғ	2957	210	3167	7,1
Ёғли катта, кичик пишлоқ	1727	458	2185	26,5
Сут	155	57	212	36,8
Пахта	128175	-12490	115685	-9,7
Бўғдой	51744	11134	62878	21,5
Сурхондарё вилояти				
Гўшт, 1-кат. (субмаҳсулотлар б-н)	1219	208	1457	17,1
Пахта	138319	-167	138152	-0,1
Бўғдой	55149	10756	65905	19,5

Сирдарё вилояти				
Мол ёғи	3017	179	3196	5,9
Сут	151,4	18,2	169,6	12,0
Ёғли катта, кичик пишлоқ	1588	3,9	1592	0,2
Пахта	175254	-55813	119461	-31,8
Бўғдой	94654	-42105	52549	-44,5
Тошкент вилояти				
Мол ёғи	2036	320	2831	15,7
Ёғли кичик пишлоқ	1760	290	2460	16,5
Сут	149	36	214,5	24,2
Гўшт, (1-кат. субмаҳсулотлар б-н)	2241	63	2304	2,8
Пахта	149564	-16487	133077	-11,0
Бўғдой	48219	12625	60844	26,2
Гуруч	86827	33019	119846	38,0
Фарғона вилояти				
Мол ёғи	2516	759	3275	30,2
Сут	171	81,5	253	47,7
Гўшт, (1-кат. субмаҳсулотлар б-н)	2001	447	2448	22,3
Пахта	177057	-43169	133888	-24,4
Бўғдой	47185	17244	64429	36,5

Изоҳ: *-чорвачилик маҳсулотлари маълумотлари 01.07.2003 ҳолатига кўра, ўсимликчилик маҳсулотлари маълумотлари эса 01.01.2003 ҳолатига кўра олинган.

«Шаҳрихонсут» ҳиссадорлик жамиятининг
2003 йил учун бухгалтерия баланси, *минг сўмда*

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
АКТИВ			
1. Узоқ муддатли активлар			
Асосий воситалар:			
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	010	253377	251344
Эскириш суммаси (0200)	011	87838	90971
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр.010-011)	012	165239	160373
Номоддий активлар:			
Бошланғич қиймати (0400)	020	-	-
Амортизация суммаси (0500)	021	-	-
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр.020-021)	022	-	-
Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр. 040+050+060+070+080), шу жумладан:	030		
Қимматли қоғозлар (0600)	040	2065	2065
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050	-	-
Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	060	-	-
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640)	070	-	-
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690)	080	-	-
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700)	090	-	-
Капитал қўйилмалар (0800)	100	942	1734
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910, 0920, 0930, 0940)	110	-	-
Шундан муддати ўтган	111	-	-
Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0950, 0960, 0990)	120	-	-
I бўлим бўйича жами (сатр. 012+ 022+030+090+100+110+120)	**130**	**168546**	**164172**
II. Жорий активлар			
Товар-моддий заҳиралари, жами (сатр.150+160+170+180) шу жумладан:	140		
Ишлаб чиқариш заҳиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150	13194	20192
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700)	160	-	-
Тайёр маҳсулот (2800)	170	734	3942
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси)	180	6710	569
Келгуси давр харажатлари (3100)	190	-	-
Кечиктирилган харажатлар (3200)	200	-	-
Дебиторлар, жами (сатр.230+240+250+260+270+280+ 290+300)	210	-	-
шундан: муддати ўтган	211	-	-
Харидорлар ва буюртмачилар қарзи (4000дан 4900нинг айирмаси)	220	-	12278
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110)	230	-	-
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи (4120)	240	3645	14605
Ходимларга берилган бўнаклар (4200)	250	10954	13332
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар (4300)	260	-	-
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (4400)	270	663	14372
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари (4500)	280	-	-
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290	-	-
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300	-	-
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310	1631	-
Пул маблағлари, жами (сатр.330+340+350+360)	320		
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330	-	-
Ҳисоблашиш счетидаги пул маблағлари (5100)	340	131	119
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350	-	-
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360	-	-

1	2	3	4
Қисқа муддатли инвестициялар (5800)	370	-	-
Бошқа жорий активлар (5900)	380	-	-
II бўлим бўйича жами (сатр.140+190+200+210+320+370+380)	**390**	**37622**	**80129**
Баланс активи бўйича жами (сатр.130+190)	**400**	**206208**	**244301**
ПАССИВ			
I.Ўз маблағлари манбалари			
Устав капитали (8300)	410	26788	54780
Қўшилган капитал (8400)	420	-	-
Резерв капитали (8500)	430	105537	120206
Сотиб олинган хусусий акциллар (8600)	440	-	-
Тақсимланмаган фойда (жопланмаган зарар) (8700)	450	36618	1429
Мақсадли тушумлар (8800)	460	9334	9334
Келгуси даврхаражатлари ва тўловлари учун заҳиралар (8900)	470	-	-
I бўлим бўйича жами (сатр.410+420+430- 440+450+ 460+470)	**480**	**178277**	**185749**
II.Мажбуриятлар			
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр.500+510+520+530+540+550+ 560+570+580+590)	490		
шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр.500+520+540+560+590)	491		
шундан: муддати ўтган узоқ муддатли кредиторлик қарзлари	492	-	-
Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга узоқ муддатли қарзлар (7000)	500	-	-
Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110)	510	-	-
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз (7120)	520	7430	4836
Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар (7210, 7220, 7230)	530	-	-
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240)	540	-	-
Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250, 7290)	550	752	1708
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар (7300)	560	3289	13567
Узоқ муддатли банк кредитлари (7810)	570	-	-
Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840)	580	-	-
Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (7900)	590	-	-
Жорий мажбуриятлар, жами (сатр.610+630+640+650+660+670+ 680+690+700+710+720+730+740+ 750+760)	600		
шу жумладан: кредиторлик қарзлари (сатр.610+630+650+670+680+690+ 700+710+720+780)	601		
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари	602	-	-
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	610	14157	27268
Ажратилган бўлинмаларга қарз	620	-	-
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарз (6120)	630	-	-
Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230)	640	-	-
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240)	650	-	-
Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250, 6290)	660	-	-
Олинган бўнаклар (6300)	670	-	-
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	680	-	1073
Суғурталар бўйича қарз (6510)	690	320	133
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	700	-	-
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710	-	-
Меҳнатга ҳақ тулаш бўйича қарз (6700)	720	1983	967
Қисқа муддатли банк кредитлари (6810)	730	-	9000
Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840)	740	-	-
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950)	750	-	-
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950дан ташқари 6900)	760	-	-
II бўлим бўйича жами (сатр.490+600)	**770**	**27931**	**58552**
Баланс пассиви бўйича жами (сатр.480+770)	**780**	**206208**	**244301**

20-илова

«Андижонсут» хиссадорлик жамиятининг
2003 йил учун бухгалтерия баланси, *минг сўмда*

Кўрсаткичларнинг номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
АКТИВ			
1. Узоқ муддатли активлар			
Асосий воситалар:			
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	010	186739	332452
Эскириш суммаси (0200)	011	96868	180121
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр.010-011)	012	89871	152331
Нематериал активлар:			
Бошланғич қиймати (0400)	020		
Амортизация суммаси (0500)	021		
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр.020-021)	022		
Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр. 040+050+060+070+080), шу жумладан:	030		
Қимматли қоғозлар (0600)	040	3539	-
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050		
Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	060		
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640)	070		
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690)	080		
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700)	090		
Капитал қўйилмалар (0800)	100		
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910, 0920, 0930, 0940)	110		
Шундан муддати ўтган	111		
Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0950, 0960, 0990)	120		
I бўлим бўйича жами (сатр. 012+ 022+030+090+100+110+120)	**130**	**93410**	**152331**
II. Жорий активлар			
Товар-моддий заҳиралари, жами (сатр.150+160+170+180) шу жумладан:	140		
Ишлаб чиқариш заҳиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150	32254	29005
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700)	160		
Тайёр маҳсулот (2800)	170	25214	20102
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси)	180	471	487
Келгуси даврларга харажатлар (3100)	190		
Кечиктирилган харажатлар (3200)	200	-	
Дебиторлар, жами (сатр.230+240+250+260+270+280+ 290+300)	210	28208	41954
шундан: муддати ўтган	211		
Харидорлар ва буюртмачилар қарзи (4000дан 4000нинг айирмаси)	220	12702	7200
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110)	230		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи (4120)	240	2758	6136
Ходимларга берилган бўнаклар (4200)	250	12731	27107
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар (4300)	260		
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (4400)	270		
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари (4500)	280		
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290		
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300		
Бошқа дебиторлик қарзлари (4900)	310	17	1511
Пул маблағлари, жами (сатр.330+340+350+360)	320		
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330	2	-
Ҳисобланиш счетидаги пул маблағлари (5100)	340	2123	39917
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350		
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360		

1	2		
Қиска муддатли инвестициялар (5800)	370		
Бошқа жорий активлар (5900)	380		
II бўлим бўйича жами (сатр.140+190+200+210+320+370+380)	390	88272	131465
Баланс активи бўйича жами (сатр.130+190)	400	181682	283796
ПАССИВ			
I.Ўз маблағлари манбалари			
Устав капитали (8300)	410	12436	51998
Қўшилган капитал (8400)	420	61018	121651
Резерв капитали (8500)	430	3808	6162
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600)	440		
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700)	450	15691	5610
Мақсадли тушумлар (8800)	460	10000	26243
Келгуси даврхаражатлари ва тўловлари учун захиралар (8900)	470		
I бўлим бўйича жами (сатр.410+420+430- 440+450+ 460+470)	480	102953	211664
II.Мажбуриятлар			
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр.500+510+520+530+540+550+ 560+570+580+590)	490		
шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр.500+520+540+560+590)	491		
шундан: муддати ўтган узоқ муддатли кредиторлик қарзлари	492		
Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга узоқ муддатли қарзлар (7000)	500		
Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110)	510		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз (7120)	520		
Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар (7210, 7220, 7230)	530		
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240)	540		
Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250, 7290)	550		
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар (7300)	560		
Узоқ муддатли банк кредитлари (7810)	570		
Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840)	580		
Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (7900)	590		
Жорий мажбуриятлар, жами (сатр.610+630+640+650+660+670+ 680+690+700+710+720+730+740+ 750+760)	600		
шу жумладан: кредиторлик қарзлари (сатр.610+630+650+670+680+690+ 700+710+720+760)	601	52078	20890
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари	602		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	610	30602	9584
Ажратилган бўлинмаларга қарз	620		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарз (6120)	630	2916	3423
Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230)	640		
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240)	650		
Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250, 6290)	660		
Олинган бўнаклар (6300)	670		
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	680	16440	5907
Суғурталар бўйича қарз (6510)	690	1281	1024
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	700	-	16
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710		
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	720	658	699
Қиска муддатли банк кредитлари (6810)	730	9816	-
Қиска муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840)	740		
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950)	750		
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950дан ташқари 6900)	760	90	237
II бўлим бўйича жами (сатр.490+600)	770	78729	72132
Баланс пассиви бўйича жами (сатр.480+770)	780	181682	283796

21-илова

«Шаҳрикопсут» ҳиссадорлик жамиятининг 2003 йил учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи, *минг сўмда*

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарар)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишдан тушган тушум	010	430028	X	463114	X
Қўшилган қиймат солиғи	020	X	71671	X	16988
Акцизлар	030	X	-	X	-
Маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушган тушуи (010-020-030-040)	050	358357	X	446126	X
Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи	060	X	288916	X	384892
Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа (050-060)	070	69441	-	61234	-
Сотиш харажатлари	080	X	1684	X	1721
Маъмурий харажатлар	090	X	6425	X	13418
Бошқа операцион харажатлар ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар	100	142	37601	32	23296
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (070-080-090-105-100)	110	23673	-	22631	-
Уюшма ва шўъба корхоналаридан олинган дивидендлар	120	-	X	-	X
Бошқа олинган дивидендлар	125	14	X	17	X
Уюшма ва шўъба корхоналаридан олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар	130	-	-	-	-
Бошқа олинган ва тўланган фоизлар	135	-	-	-	-
Валюта курсининг фарқи	140	-	-	-	-
Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар ва харажатлар	145	23580	18036	38882	21752
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (110+120+125+130+140+145)	150	29431	-	39958	-
Фавқулодда фойда ва зарар	160	11233	-	-	-
Даромад (фойда) солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар) (150-160)	170	40664	-	39958	-
Даромад (фойда)дан солиқ	180	X	11316	X	34199
Юқоридаги моддаларга кирмайдиган бошқа солиқ ва ажратмалар	190	X	2348	X	328
Ҳисобот даврида соф фойда (зарар) (170-180-190)	200	27000	-	5431	-

Хасанов Баходир Акрамович
Хашимов Акрам Абдиевич

БОШҚАРУВ ҲИСОБИ
(дарслик)

Муҳаррир Э.Бозоров
Бадиий муҳаррир А.Мамасолиев
Техник муҳаррир А.Нарманов
Мусаҳҳиҳ А. Хўжамуродов

Босишга рухсат этилди 12.07.2005.
Бичими 60x84 1/16. Шартли босма табоғи 19,5.
Адади 500 нусха. Буюртма №141. Шартнома № 11-05
Баҳоси шартнома асосида.

"IQTISOD-MOLIYA" нашриёти.

ТМИ босмахонасида терилди ва "RISO" нусха кўпайтириш қурилмасида чоп этилди.

700084, Тошкент, Ҳ. Асамов кўчаси, 7-уй.

1810-00
65.052
Х240

Баҳодир Акрамович Ҳасанов 1960 йил 25 октябрда Хатирчи туманида хизматчи оиласида туғилган. Иқтисод фанлари доктори, профессор.

Б.Ҳасановнинг 100 га яқин илмий ишлари, шу жумладан, дарслик, монография, ўқув қўлланмалар, илмий мақола ҳамда услубий кўрсатмалари мамлакатимиз ва хорижий давлатларда чоп этилган.

Б.Ҳасановга 2001 йил "Тошкент молия институтининг Фахрий профессори" унвони берилган.

У Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича методологик кенгаши аъзоси, шунингдек, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий ассоциацияси қўмита раисидир.

Б.Ҳасанов Россия, Буюк Британия, АҚШ, Япония, Малайзия ва каби давлатларда ўз малакасини оширган.

Акрам Абдиевич Хашимов 1967 йил 10 апрелда Пайариқ туманида туғилган. Иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Айни пайтда у "Қишлоқ ҳаёти" газетаси таҳририятида ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаш билан биргаликда, Тошкент молия институти "Бухгалтерия ҳисоби" кафедраси доценти вазифасида таълим-тарбия ва илмий-методик ишлар билан ҳам шуғулланмоқда.

1 та монография, 1 та ўқув қўлланма муаллифи. Шунингдек, ўз илмий иши бўйича мамлакатимиз ва МДҲ давлатларидаги нуфузли журналларда илмий мақолалар билан қатнашиб туради. А.Хашимов Россия, Малайзия каби давлатларда ўз малакасини оширган.